

МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛДІРІЛЕНДІРИҮ

№ 1 2020 жыл



ISSN 2181-7138

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
A. Тилегенов

Шөлкемлестириүшілер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимленириү
Министрлигі, ӨЗПИИ
Қарақалпақстан филиалы

Редколлегия ағзалары:

Максет АЙЫМБЕТОВ
Нагмет АЙЫМБЕТОВ
Аманжол АЯПОВ
Өсербай ӘЛЕҮОВ
Байрамбай ӨТЕМУРАТОВ
Қадирбай БЕКТУРДИЕВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбай МИРСАНОВ
Айдын СУЛТАНОВА
Норбек ТАЙЛАКОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Бекзод ХОДЖАЕВ
Гулрухсөр ЭРГАШЕВА

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинеті
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қаравы менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм
хабар агентлигі тәрепинен 2007-
жылы 5-мартта дизимге алынды
№OA-044-санлы гүйалық
берилген.
Мәнзіл: Некис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniiipnkkf@mail.uz,
mugallim-pednauk@mail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналга келген мақалаларға жуіап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан
алынған үзіндилер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимленириү» журналынан алынды, дең корсетилиүи
шарт. Журналға 5-6 бет көлеміндеги материалдар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифт-
тіндеге электрон версиясы менен бирге қабыл етіледі. Мақалада көлтирилген маглыұматтарға автор
жуіапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ

| | |
|--|----|
| Акрамова С.Р. Жамол Камол шеъриятида ўзбек-тожик сўзларнинг лексик-семантик хусусиятлари (“Ўзбек тили” қасидаси таҳлили асосида) | 4 |
| Nurova Yu.U. O'zbek tilida kelishiklar sinonimiysi va gap bo'laklarini ajratish muammolari ... | 10 |
| Истамова Ш. М. Захирiddин Мухаммад Бобурнинг тушлари ва унинг бадий асарлардаги талкини | 15 |
| Himoyeva S.J. Ona tili darslarida integrativ ta'lim vositasida tayanch kompetensiyalarni takomillashtirishning metodik asoslari | 18 |

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

| | |
|--|----|
| Самарова Ш. Р. Таълим жараёнида ижодкор шахсни шакллантиришнинг айрим психологияк жиҳатлари | 22 |
| Karimova M.N. Texnologiya darslarida o'quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirishning zamonaviy usullari | 27 |
| Бекманова З.А. Ўкувчидаги танқидий фикрлашни шакллантиришда ахборот маданиятининг ўрни | 31 |
| Абдуманнотов Э.А. Умумтаълим мактаблари ўкувчиларида экспурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйгусини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришнинг педагогик мазмуни | 36 |
| Халлукова М.Э. Нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини оширишнинг усуслари ва методлари | 40 |
| Давронова Д. С. Оила ва маҳаллалarda қизларни соглом турмуш маданиятини шакллантиришнинг педагогик психологик имкониятлари | 46 |
| Пўлатов Дж. А. Бўлажак психологлар амалий компетентлигини мониторинг килиш тизимини такомиллаштириш омиллари | 51 |
| Жабборова Д.Ф. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш имкониятлари | 57 |
| Ашуррова О.А. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш | 63 |
| Саримова Д. С. Таълим жараёнида инновациялар | 68 |
| Халикова Н.М. Таълим тарбия жараёнида инновацион кластернинг зарурий аҳамияти | 72 |
| Махмудова Н. Дж. Хорижий давлатлар таълим тизими ютукларидан фойдаланиш орқали миллий таълимни ривожлантириш (буюк британиянинг таълим тизими мисолида) | 77 |
| Үринов У.А. Олий таълим битирувчиларини тайёрлашга оид илмий – услубий ишлар ва тадқиқотлар таҳлили | 82 |
| Максудов У.К. Талаба-ёшлар ижтимоий фаолигини ошириш – ижтимоий педагогик зарурият сифатида | 87 |
| Маликова Д.М. Ўкувчиларда мутолаа маданияти кўнкималарини шакллантириш методлари | 90 |

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

| | |
|--|----|
| Самадова С. С. Талаба ёшларни багрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш йўллари | 94 |
|--|----|

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

| | |
|---|-----|
| Зайнитдинова М. А. Физика дарсларида фанлар интеграцияси | 99 |
| Mirsanov U.M., Djurayeva D.R. Uzluksiz ta'lim tizimida dasturlash tillarini o'qitishga mo'ljallangan elektron o'quv-uslubiy majmualar yaratish va foydalanish usuli | 102 |
| Ahmadov I.A., Ramazonov B.M., Xasanov A.E. Chiziqli taqqoslamalar sistemasining yechimlarni ba'zi bir usullari haqida | 106 |
| Рузиев Р.А. Информационные технологии в образовании: подходы и принципы проектирования электронных ресурсов | 111 |

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТЭРБИЯ

| | |
|--|-----|
| Madaminova D. M. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining matematik tafakkurini shakllantirish masalalari | 117 |
| Үринова Н. М., Ибрагимова Ш. О. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида методик компетентликни ривожлантириш долзарб педагогик муаммо сифатида | 120 |
| Pardayev Z.Sh.Boshlang'ich (mehnat) texnologiya ta'limi darslarida o'quvchilarda kreativ qobiliyatni shakllantirishning didaktik imkoniyatlari | 124 |
| Mamasaidova M. A. Muammoli vaziyatlar yordamida boshlang'ich sinf o'quvchilarida son tushunchasini shakllantirish | 127 |
| Нарзикулова Д. Оиласаги, мактабдаги низоларнинг болалар ижтимоийлашувига таъсири | 132 |
| Тоштемирова Д. С. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини ошириши мазмунни | 138 |
| Хасанова Г. И. Мактабгача таълим ташкилотларида халқ оғзаки ижоди воситаларидан фойдаланишининг педагогик мазмуни | 143 |

ФИЗИКАЛЫҚ ТЭРБИЯ ХЭМ СПОРТ

| | |
|---|-----|
| Хамроев С.С. Ўкувчиларнинг жисмоний маданиятини ривожлантиришда тўгарак машгулотларининг ўрни | 148 |
| Маъмурон Б.Б. Талаба ёшлар ўртасида спорт ва экскурсия туризми уйгунилигини таъминлашнинг педагогик мазмунни | 152 |
| Рахматов О.Ў. Умумтаълим мактаблари ўкувчиларини миллий спорт турларига қизиқишини ривожлантиришнинг педагогик омиллари | 155 |

ТИЛ ҲЭМ ӘДЕБИЯТ



ЖАМОЛ КАМОЛ ШЕРЬИЯТИДА ЎЗБЕК-ТОЖИК СЎЗЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ (“ЎЗБЕК ТИЛИ” ҚАСИДАСИ ТАҲЛИЛИ АСОСИДА)

Акрамова С.Р.

Бухоро давлат университети, Мактабгача ва бошлангич таълим факультети,
Бошлангич таълим назарияси кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: Жамол Камол, “Ўзбек тили” қасидаси, ўзбек-тоҷик, лексик-семантик.

Ключевые слова: Джамал Камаль, «Узбекский язык», узбекско-таджикский, лексико-семантический.

Key words: Jamal Kamal, “Uzbek language”, Uzbek-Tajik, lexico-semantic.

Кириш. Ўзбек адабий мухитида ўзига хос алоҳида ўринга эга, бетакрор шеърияти, мукаммал таржима асарлари, сержило сатрлари билан ўзбек адабиётининг назм гулшанида қалам тебратиги келаётган Жамол Камол асарлари билан танишар эканмиз, унинг турфа хилдаги образлари, шеъриятида форс-тоҷик тилининг энг сара, дилбар сўзларидан ўз ўрнида унумли фойдаланганинг гувоҳи бўламиз. Асрлар давомида ҳалқлар ўртасида маданий, ижтимоий алоқалар бўлганидек, тиллараро ҳам худди шундай алоқа, ўзлашиш, ўзлаштириш давом этиб келаётган ҳодисадир.

Тоҷик тилидан ўзбек тилига ўзлашган лексемалар ҳам ҳар икки ҳалкнинг асрлар давомида баҳамжихат яшашлари, узок даврлардан бўён ижтимоий-сиёсий, маданий, адабий ва тил муносабатлари натижасида ўзаро алоқадор бўлиб, улар нутқ вазиятидан келиб чиқкан ҳолда қайсиdir нозик семани ифодалаш учун ёрдам беради.

Бир неча олимлар билан ҳамкорликда яратилган “Ўзбек тили лексикологияси” китобининг Г.Муҳаммаджонова томонидан ёзилган “Истебъомл доирасига кўра ўзбек тили лексикаси” қисмида ҳам бу борада кўйидаги фикрлар ёритилган:

“...тоҷик тилидан кирган айрим сўзлар ўзаро ижтимоий-сиёсий, адабий, маданий ва тил муносабатлари натижасида ўзлашган бўлиб, улар, асосан, ўзбек тилининг чегараланмаган лексик катламида кенг қўлланилади. Масалан, дарё, дараҳт, дазмол, нон, гул, шаҳар, дўст, чирог, гишт каби тоҷик сўзлари шулар жумласига киради. Натижада тарихий тараққиёт давомида ҳатто бაъзи форс-тоҷик (дазмол, нон, шаҳар, гул, пастда) сўзлари кадимий туркий сўзларни (утюқ, эмак, қалъа, оғоч, чечак, тубанда) умумқўлланишдан ёки нейтрал лексика составидан сикиб чиқарган ва уларнинг базилари ҳозирги ўзбек тилида фақат стилистик чегараланган лексика қаторидан ўрин олган.

Кўринадики, худди ижтимоий конуниятлардек лисоний конуниятлар ҳам ўзига хос кўринишда намоён бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, тил тараққиётида умумий

ва хусусий қонуниятларни кузатиш мумкин. Умумий қонуниятлар-барча тилларга хос бўлган лисоний ҳодисаларни, жараёнларни англатади.

Тилнинг коммуникативлик ва экспрессивлик функциялари, тил сатҳларининг нотекис ривожланиши, яъни лексик катламнинг бошқа лисоний катламларга нисбатан тез ўзгарувчанлиги, доимий ҳаракатда эканлигидандир.

Асосий қисм. Тилшуносликда хусусий лисоний омиллар ҳар бир аниқ тилнинг ўзига хос коидаларини ўз ичига олади. Чунончи, ҳар бир тил (хатточи бир тиллар оиласига мансуб тилларда ҳам) ўзига хос фонетик, лексик сатҳга, грамматик қурилишга, стилистик услубларга эга. Демак, бу икки тур (факторлар) бир - бирини тақозо қиласди, умумийлик хусусиятларини ўз ичига олади.

Сўзлар ҳам вакт ўтиши билан ёки бирор-бир сабаб, шароит ва вазиятга кўра, ўз маъно семаларини йўқотиб, бошқа семага эга бўлади.

Жамол Камолнинг “Ўзбек тилим” қасидаси мисолида унинг шеърлари тилининг лексик-семантик хусусиятларини ўрганиши жараённида ўзбек адабий тилида кўплаб форс-тожик лексемаларининг ўзлашиши, нутк вазиятидан келиб чикиб, турли семаларда намоён бўлиши, бир вактнинг ўзида бир неча семаларни англатиши кузатилади:

*Дилбаримсан шу жаҳонда,
Дилрабо ўзбек тилим.
Ҳам гўзалсан, ҳам асал,
Оҳанрабо ўзбек тилим.*

1. Дилбар-форсча сўз бўлид, дилни тортувчи, жалб этувчи, ёкимли, дилни мафтун этадиган, ўзига тортадиган, дилрабо маъносини ифодалаб, мисрада она тилга нисбатан дилбар атамаси кўлланиб, белгига ўхшашлик асосида метафорик сема ифодалаштири. Изоҳли лугатда кўрсатилган 5 та семадан ўзбек тилига нискатан дилбар сўзининг ёқимли семаси устуворлик қиласди.

Тилшуносликнинг градуонимик қаторида дилбар сўзининг ўрганилиши жараёнида ҳам чиройли-гўзал-ёқимли-мафтункор-дилбар сифатидаги даражаланиши кузатилади. Бу даражаланишда дилбар лексемасининг энг юкорида эканлигига келсак, шоир она тилига нисбатан энг сара, энг салмоқли, юки бор лексемасини ишлатганининг гувоҳи бўламиз.

“Фарҳангӣ забони тоҷики” лугатида эса бу сўзимиз куйидагича изоҳланади:

Дилбар 1. Дилкаш, дилфириб; касе ки бо хусни худ дигареро дилбоҳтаи хеш мекунад; хушрӯй, раъно.

2. Махбуба, ёр.

Бундан ташкири дилбар лексемасининг тожик тилида дилбарак, дилбари кўринишлари ҳам мавжуд бўлиб, ҳар бирининг орасида маъновий boglaniш, шу билан бирга нозик маъно фарқланиши ҳам мавжуд.

Яъни, дилбарак лексемасида шакли навозиши дилбар, дилбари лексемасида эса дилрабои, мафтунсози, зебо, хушрӯй, раъно маънолари асосий семаларда намоён бўлади. Адабиётда дилбар лексемасининг асосан, ёрга нисбатан қўлланиши кўп учрайди:

Яхши қол, эй дилбарим, дилда қадар кетмоқдаман...

Тасаввуфий истилоҳларда ҳам дилбар лексемаси дилни ўзига ошуфта этувчи ёрга нисбатан кўлланади. Жамиятдаги ижтимоий ҳолат ҳар доим ҳам тilda ўз аксини топган. Жамиятдаги ривожланиш, эврилиш, юксалишу таназзул барча-барчаси лингвистикада акс этиши табиий. Чунки тил-ижтимоий онг ҳодисасидир. Тилимизда мавжуд бўлган биргина сўзининг ўзи нутк таркибида вазиятга қараб турлича семаларни ифодалаб беради. Онг остида мавжуд бўлган қарашларимиз руҳий ҳолатимизни айнан ифодаловчи лексема орқали ифодаланади.

Фиқри ожизимизча, шоир лирикасидаги психо-лингвистик ҳолатига эътибор бер-сак, тил бу жон, тириклик баҳш этувчи куч, жонга озуқа берувчи ҳаёт риштаси. Унда ўзига ром этувчи оҳанраболик, жозиба бор. Унинг оҳангидан, жилосидан рух ором топади. Ўзбек тили мана шундай кудратга эга. Шоир мисрада дилбар ташхисини она тилга нисбатан кўллагани узукка кўз кўйгандек мос ташбехдир.

Зеро, адабиётда Расул Ҳамзатовнинг машхур шоҳмисрасида ҳам “Жонимга Масиҳдир шу она тилим” ибораси кўлланган. Ҳеч бир нарса ўлик руҳимга жон ато эта олмайди, шу она тилим мени тирилтиргувчиидир деган фикрларининг ўзиёқ инсонга она тил жонқадар кадрли эканини англатади. Турк назмида алам чекиб биргина қалами билан инсоният дунёсини сўз кудрати илиа эгаллаган устоз Навоийда ҳам шундай дейилади:

Сўздин ўликнинг танида руҳи пок,

Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок. (A. Навоий, “Ҳайратул аброр”)

Биргина дилбар лексемасининг турли лингвистик қатламлардаги таҳлилига эътибор қаратиб, Ш. Раҳматуллаев таҳрири асосидаги “Ўзбек тилининг морфемик луғати” да дил / бар сифатида таркибларга бўлинганини кузатдик.

Дил.1. узви хунгардони, қалб.

2. дарун, доҳил. Миёни чизе
3. ботин, хотир; чон, рӯҳ.
4. фикр, андеша
5. майл, хоҳиши, хавас
6. дилбар, ёр, маҳбуба.
7. далери, шучтоат, журъат

Бар эса этувчи маъносида кўллананаётган бўлса, икки мустакил сема бирлашиб синтактик (композитция) усулида кўшма лексемани келтириб чиқаради.

Иккинчи мисрада ўзбек тилига нисбатан даражама – даража тадрижланиб бора-ётган дилрабо лексемаси ҳам форс-тожикча тилидан ўзлашган бўлиб, қалбни жалб этувчи, дилтортар, мафтункор семаларини ифдалайди. Дилрабо куй, дилрабо манзара лексемалари билан бирлаша олади. Шеърда дилрабо тил лексемаси билан бирлашиб, метафорик усуlda жалб этувчи, мафтункор семалари етакчилик қиласди.

*Дейдилар: форсий-шакар,
лафзи араб-дурри гуҳар,
Сен шакардирсан, гуҳарсан
бебаҳо, ўзбек тилим.*

Байтда кўлланган дурри гуҳар-изофали бирикма саналиб, ҳам форсий ҳам араб лисоний қатламининг ўзаро уйғунлигини кўрамиз:

Дур (а) - марварид, инжу. Инжунинг гавҳарнинг йирик тури. Кўчма маънода энг яхши, энг аъло, сара нарсалар. Кўчма поэтия маънода қимматли, сермазмун, чукур маъноли сўз, ёргулик, ёғду семалари етакчилик қиласди.

Гавҳар (ф)- қимматбахо тош, марварид, тарашлаб сайқал берилган олмос, жавхар. Поэтик қатламда нодир, бебаҳо маъносида кўлланилиади.

Мозийга мурожаат этадиган бўлсак, эски ўзбек адабий тили Навоий даврида ҳам сўз “Ҳайратул-аброр” нинг “Сўз таърифида” бобида

*Сўз гуҳарига эрур анга шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.
Тил бу чаманинг варақи лоласи,
Сўз дуруридин бўлубон жолосали*

дека баҳоланади.

Жамол Камол ижодида ўтмиш адабий нафасини берувчи лисоний қатламга мурожаатлар борлигини кўрамиз. Зеро буюк турк тилининг бутун қудратига салобатини исботлаб кетган Навоий “Хамса” сида сўзга гуҳар, гавҳар истилоҳлари орқали ташбех берилган.

Шоир ўзининг мисраларида форсий-шакардек ширин, араб-дур, гавҳардек қийматли, ўзбек тилига нисбатан эса сен ҳам шакар, ҳам гуҳарсан истилоҳларини маъно кучайтириш йўсинида уйғун қўллагани лингвистикада контекстуал маънодошлини юзага чиқаради.

Зеро, шоирнинг ўзи ҳам, бундай бирлашув ва яқдилликни шундай изохлайди:

*Неча сўз форсийдан олдинг,
Чун арабдин ҳам неча,
Баски, туркий шииддатинг ул
Сержило, ўзбек тилим.*

Сержилва лексемаси изоҳида, биламизки, -сер қўшимчаси форсийда кўп, тўқ отларда кўпликни, мўлликни билдирувчи сифат ясовчи олд қўшимча ҳисобланади. Ранг-баранг тусда товланиб, жилваланиб турадиган, гоят жилвали мавноларини англатса, поэтик қатламда ранг-баранг оҳангда товланувчи, жилваланиб турадиган, ўйноки метафорик семаларини ифодалаш учун хизмат қиласди.

Биламизки, ташки нуткнинг аниқ моддий, шаклй номемаси нутқ вазияти билан, сўзловчи (нутқ муаллифи) нинг максад ва имкониятларидан келиб чиқиши орқали белгиланади. Номема, яъни ташки маъно, шакл нутқ шароити, вазият билан белгиланиб, лексеманинг моҳиятига таъсир этмайди. Лексеманинг моҳияти унинг ички томони, яъни семема орқали ва шунга кўра лексеманинг бошқа тил бирликлари билан муносабатга, алокага киришуви билан аён бўлади. Аммо нутқда, айниқса, назмий нутқда номема катта аҳамиятга эга. Назмий нутқда номема ва унинг воқеланишига катта эътибор берилади. Сўзнинг маъноси муайян матнда ва нутқий шароитда воқеланиши сабабли у аниқ ва равшан англаради. Сўзнинг маъноси фақат имконият тарзида мавжуд бўлган семема сифатида хилма-хилликка, умумийликка эга эмас. Турлича матн ва шароитларда битта лексеманинг воқеланиши сифатидаги кўплаб сўзларда кўплаб маъно бўёклари, жилвалари бўлиши мумкин. Айни вақтда бу маъно бўёклари, агар у бир семема орқали воқелашибган бўлса, бир семеманинг турлича нутқий-услубий кўринишлари ҳисобланади. Семема нутқда бир неча хил воқеаланиши, намоён бўлиши мумкин. Бу ҳам ўз навбатида, кайси сўзга боғланаётгани, матн таркибидағи ҳолатига боғлиқдир.

*Тил илоҳийдир жаҳонда,
сўз илоҳийдир яна,
Сўзларингда акс этар,
хусни Худо, ўзбек тилим.*

Ҳар қандай лисоний бирлиқда ҳам сўзнинг маъносида семема алокадор бўлган тушунчага муносабат саклананади, лекин шу билан бир қаторда семеманинг таркибидағи аташ, ифода ва вазифа семалари муносабатида кескин ўзгариш юз бермайди:

Худо, худой (ф) - илоҳ, ҳукмдор-хўжайин.

1. Диний тушунчага, хусусан, ислом динига кўра бутун мавжудотни, оламни яратган ва уни бошқарувчи олий илоҳий куч; ҳар қандай диннинг эътиқод қилиш асоси (мусулмонларда “Аллоҳ” сўзининг синоними).

2. Кўпхудоликда оламнинг қандайдир бир қисмининг олий ҳукмдори.

Худо семемасида оддий маъно ифодаловчи номема-Тангри маъноси етакчилик қиласди. Демак, шоир улуғлаётган ўзбек тили сўзлари қатида Худо хусни, гўзаллиги

акс этади. У сўзлар мана шундай қудратли. Унда инсон қалбини эгаллаб олевчи гўзаллик, чин маънодаги қудрат мужассамлиги тараннум этилади.

*Сен жаҳондин баҳраманд,
Сендин жаҳон ҳам баҳраманд,
Баҳрамандлик қоматинг
Этди расо, ўзбек тилим.*

Жаҳон (ф) - дун, олам. Ер юзи ва ундаги бутун борлик; дунё, олам. Поэтик қатламда эса дунёдаги ҳамма халқлар, бутун инсоният.

Баҳраманд (ф) - омадли; шерик; фойда олевчи; роҳатланувчи. Баҳра олган, бирор манфаат, фойда кўрувчи.

Сўз маъносида семема таркибидаги маълум маъно нозикликлари билан фарқланувчи айрим семаларнинг четлаштирилиши, айримларнинг эса аксинча, кучайтирилиши семема боғланган тушунча билан сўз маъноси боғланган тушунчаларнинг фарқланиши семеманинг кўчма воқеаланиши дейилади. Сўзнинг кўчма маъноси тиљуносликда кўчма маъно, окказионал кўлланилиш, метафорик кўлланиш каби истилоҳлар билан ҳам юритилади.

Сўзнинг кўчма маъноси, асосан, семемадаги аташ семаларини вазият талабидан келиб чиқиб қисман четлаштириш, йўлдош ва ифода семаларини эса маълум мақсадда кучайтириш орқали ҳосил килинади. Луғавий маъно, яни аташ семалари канча кўп четлаштирилса, сўз маъносидаги йўлдош ва ифода семалари шунча кўп кучайтирилади. Жумладан, юқоридаги байтда баҳраманд лексемасида фойда олевчи семаси четлаштирилиб, роҳатланувчи, ёқувчи семаси устуворлик қилган. Сен бутун олам ахлига ёқасан. Барча роҳатланади, шу роҳат бағишлалашинг қоматингни тик килди семаси кучайтирилади. Нутк шароитидаги аташ семаларини, доминанта семалар ҳам дея номлаш мумкин. Шу семаларни қисман четлаштирилиб, йўлдош ва ифода семаларини кучайтириш семеманинг вазифа семаларини кучайтириш семеманинг вазифа семаларини, жумладан, лексеманинг меъёран оддий кўшничилик муносабатларини кенгайтириш туфайли юз беради. Бундай кўчма маънолар сўзларга хос бўлиб, факат нутқда воқелашибади. Бундай лингвистик ҳодисани X. Несьматов, Р. Расуловнинг “Ўзбек систем лексикологияси асослари” китобида нутқий кўчма маънолар деб изоҳлашган. Тиљуносликда сўзлардаги кўчма маънолинг бу тури метафора - ўҳшатиш асосида ҳосил қилинган кўчма маъно дейилади. Бундай кўчма маъно ҳосил қилишнинг энг кенг тарқалган усули сифатида бадиий услубнинг, нутқ бадииятининг энг асосий омилларидан ҳисобланади. Семема таркибидаги семалар асосида нутқда кўчма маъно ҳосил қилиш бир маънолилик, яъни атама табиатига эга бўлмаган деярли барча сўзлар учун ҳосдир.

*Бизга номуссан, шарафдирсан,
тириклик чашмаси,
Бўлмасанг сен, баҳтимиз
бўлгай қаро, ўзбек тилим.*

Баҳт (ф)- тақдир; насиба, улуш.

1. Кишининг ўз фаолияти натижаларидан, ҳаётда қўлга киритган ютукларидан тўла қоникиши, яшаш тарзидан мамнунлиги, муайян мақсадда етгани, орзу-умидининг ушалиши сифатида намоён бўладиган маънавий-ахлоқий тушунча.

2. Ҳаётдан тўла мамнунлик ва беармонлик ҳолати; саодат, кут.

Кўп холларда баҳт сўзи кора сифати билан метафорик маъно касб этади.

3. Қора- ранг-туси мавжуд нарсаларнинг барчасидан тўқ; қозонкуя, кўмир тусидаги; зид оқ.

4. Коронғу, нурсиз, зиёсиз. Зид ёргү.

Кўчма умуман салбий белгини, ёмон маъносини ифодалайди.

Кўринадики, семема нуткда тўғри ва кўчма (метафорик) маънолар орқали юзага чиқади ва сўзнинг маълум бир куршовдаги муайян маъноси сифатида вожелашиди.

Нуткий метафорик кўчма маъно кўлланиши доирасининг кенгайиши, кўчма маъненинг семемадан узоклашиши натижасида кўчма маъно ўзининг хусусий аташ семаларига эга бўлиши мумкин. Айни вақтда кўчма маъно ўзи учун асос, манба бўлган семемадан узилиши ва лексемадаги мустақил семема томон ривожланиши ҳам мумкин. Бундай ривожланиш систем лексикологиянинг эмас, балки тарихий (диахроник) тилшуносликнинг алоҳида-алоҳида олинган лексемалардаги мазмуний ривожланишининг ўрганиши манбаи бўла олади. Бу жараён систем таҳлил асосида тушунирилиши ҳам, изоҳланиши ҳам мумкин эмас. Масалан, ўзбек тилининг изоҳли лугатида, кора лексемасининг 12 маъно тури қайд этилади. Бу маъно турларининг барчаси маъно умумийлигига эгадир. Таҳлил учун олинган байтимизда айнан баҳт сўзи билан кўлланиши унинг кайси семаси ёрқинроқ эканини англапша ёрдам беради, яъни нурсиз, зиёсиз маъноси билан уйғун.

Оддий кора ранг сифатидан салбийлик томон нурсизлик, зиёсизлик семаси томон образлилик касб этиши натижасида ўсиб бораверади. Ўз навбатида, кора лексемаси назмга хос салбийлик маъносини бўрттиради:

*Бўлмасан ген, баҳтимиз
бўлгай қаро, ўзбек тилим.*

Хулоса. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўзбек шеъриятида ўзининг содда, ширари наズм жавҳари билан алоҳида тилга олинадиган Жамол Камол шеъриятида ўзига хос услугуб, яъни ўзбек-тожик сўзларининг маромида, уйгунашган тарзда ҳамоҳангаштириш, икки тил гўзаллигини басма-бас намоён этиш, ифолаш кузатилиди.

Бундан келиб чиқадики, шоир асари тилида ҳар бир семаларнинг бўёқдор услугуб касб этиши унинг магзини тўқлаштириш, тилнинг лексик катламининг нечоғли имкониятга бой эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Жамол Камол. Анвармирзо хикоятлари. Сайланма. Олти жилдлик. V жилд. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2018 йил. -467 б.
2. Фарҳанги забони тоҷики. I жилд. 2008.-952 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: Т.:1 “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат имлмий нашриёти. 2006.
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: Т.:2 “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат имлмий нашриёти. 2006.
5. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: Т.:3 “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат имлмий нашриёти. 2006.
6. Ўзбек тили лексикологияси. Ўзбекистон ССР: “Фан”. 1981.-305 б.
7. Ўзбек тилининг морфем лугати. “Ўқитувчи”, 1977.
8. X. Нематов, Р. Расулов. Ўзбек систем лексикологияси асослари. Т.: “Ўқитувчи”. 1995. -94 б.

РЕЗЮМЕ

Маколада Жамол Камолнинг “Ўзбек тили” касидаси таҳлили мисолида ўзбек-тожик сўзларининг лексик-семантик хусусиятлари очиб берилган. Жамол Камол ижоди ва унинг ўзбек адабиётида туттган ўрни келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрыталексико-семантические особенности узбекско-таджикских слов на примере анализа узбекского языка Джамалом Камалем. Представлена работа Джамала Камала и его роль в узбекской литературе.

SUMMARY

The article reveals the lexical and semantic features of Uzbek-Tajik words on the example of the analysis of the Uzbek language by Jamal Kamal. The work of Jamal Kamal and his role in Uzbek literature are presented.

O'ZBEK TILIDA KELISHIKLAR SINONIMIYASI VA GAP BO'LAKLARINI AJRATISH MUAMMOLARI

Nurova Yu.U.

Buxoro davlat universiteti, Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim fakulteti, Boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasi o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: sinonimiya, kelishik, o'zbek tili, gap bo'laklari.

Ключевые слова: синонимы, согласные, узбеки, фразы.

Key words: synonyms, consonants, Uzbeks, phrases.

Sinonimiya hodisasi faqat leksik birliliklarda emas, so'z yasovchi va grammaatik shakl yasovchi qo'shimchalarda ham kuzatiladi. Ularga nisbatan mavjud darslik va qo'llanmalarda affiks sinonimlar, morfologik sinonimlar, grammaatik sinonimlar, qo'shimchalar ma'nodoshligi terminlari ishlataladi.

Ma'nodoshlik (sinonimiya) o'zbek tilida atroficha o'rganilgan hodisalardan hisoblanadi. Buborada, ayniqsa, A.Hojiyev, Sh.Rahmatullayev, A.G'ulomov kabi olimlarning xizmatlari katta. Sinonimiya hatto Alisher Navoiyning ham nazariga tushgan hodisalardan. Navoiy turkiy tilning ifoda imkoniyatlari haqida gapirar ekan, bir ma'noni darajalanishiha yoki holatiga qarab turib birnechta so'z orqali berish mumkinligini, fors (tojik) tilida esa bunday imkoniyatning yo'qligini aytilib o'tadi. Aka, uka, og'a, ini; singil, egachi, opa kabi so'zlarning fors (tojik) tilida bir so'z – birodar va xoxar so'zlar bilan berilishini ta'kidlaydi. Bu sinonimiya hodisasini o'rganishning o'zbek tilshunosligida uzoq tarixga egaligini ko'rsatadi.

Sinonimiya grekcha "synonima" so'zida noligan bo'lib, "bir xil ma'nodaginom" degan tushunchani beradi. Ushbu hodisa faqat so'zlargagina emas, boshqa til birliliklariga ham xos. Shunga ko'ra sinonimlarning turlari quyidagicha ajratiladi:

1. Lekskik sinonimlar
2. Frazeologik sinonimlar
3. Affiksal sinonimlar

Malakaviy ishda sinonimiyaning alohida ko'rinishi affiks (ba'zi adabiyotlarda morfologik, grammaatik, qo'shimcha) sinonimlar, xususan, kelishik shakllarida ma'nodoshlik va gap bo'laklarini ajratish muammolari xususida so'z boradi.

Ma'lumki, ismlarning gapda qanday bo'lak vazifasida kelishini kelishik shakllari belgilab beradi. Aniqrog'i, mavjud darsliklarda kelishik kategoriyasining umumiyligi grammaatik ma'nosи "o'zi qo'shilgan so'zni keyingi so'zga tabelantirib bog'lash va gapdagi sintaktik vazifasini belgilash" deb belgilanadi. Haqiqatdan ham, kelishik shakllarining sintaktik shakl yasovchilik tabiatining shu vazifalarida ko'rindi. Biroq sinonimiya hodisasining kelishiklarda yuzaga chiqishi gap bo'laklarini ajratishda birmuncha muammolarni keltirib chiqaradi.

Turkiy tillarda kelishikning semantik va vazifaviy jihatini bir-biridan alohida va har xil mikrosistemaga keskin bo‘lib o‘rganib bo‘lmaydi, chunki bu tillar kelishigining ma’no va vazifasi dialektik birlikda yashaydi, kelishikning turli funksiyasi bir-biriga turli belgisi bilan qarama-qarshi qo‘yiladi. Masalan, jo‘nalish kelishigi, o‘rin-payt kelishigi va chiqish kelishigi bixil – hol va to‘ldiruvchi vazifasida kela oladi. Biroq u bu vazifani turlicha bajaradi.

Darslik va grammaticada har bir kelishikning yigirma-o‘ttiz ma’no turi keltiriladi. Uning aksariyati kelishik kategoriyasi umumiy grammatic ma’nosiga xos bo‘lmagan, birikuvchi so‘zning lug‘aviy va grammatic ma’nosiga bog‘liq hodisa. Shu boisdan harbir kelishik mohiyatini kelishik kategoriyasi umumiy grammatic ma’nosidagi kategorial ma’no – «oldingi so‘zni keyingi so‘zga bog‘lash» substansial mohiyatini qay tarzda xususiylashtirishidan qidirmoq lozim.

Ma’lumki, ismlarning gapda qanday bo‘lak vazifasida kelishini kelishik shakllari belgilab beradi. Aniqrog‘i, mavjud darsliklarda kesimlik kategoriyasining umumiy grammatic ma’nosи “o‘zi qo‘shilgan so‘zni keyingi so‘zga tobelantririb bog‘lish va gapdagи sintaktik vazifasini belgilash” deb belgilanadi. Haqiqatdan ham, kelishik shakllarining sintaktik shakl yasovchilik tabiatuning shu vazifalarida ko‘rinadi. Biroq sinonimiya hodisasining kelishiklarda yuzaga chiqishi gap bo‘laklarini ajratishda birmuncha muammolarni keltirib chiqaradi.

Kelishik shakllarining aksariyati, masalan, chiqish kelishigi barcha kelishiklar o‘rnida qo‘llanishi, ma’nodosh bo‘lishi mumkin. Masalan:

Bosh kelishik bilan: Bu kitobdan menda ham bor – Bu kitob menda ham bor.

Qaratqich kelishigi bilan: Qizlarning to‘rttasi biz tomonga burildi – Qizlardan to‘rttasi biz tomonga burildi.

Tushum kelishigi bilan: U stol ustidagi choyni ho‘plab, gapida davom etdi – U stol ustidagi choydan ho‘plab, gapida davom etdi.

Jo‘nalish kelishigi bilan: Shu teshikka ho‘kiz sig‘ishiga kim ham ishonardi – Shu teshikdan ho‘kiz sig‘ishiga kim ham ishonardi.

O‘rin-payt kelishigi bilan: U yo‘lida adashdi – U yo‘lidan adashdi.

Mana shunday holatlarda gap bo‘laklari va so‘z birikmasi turlarini ajratish muammoli bo‘lib qoladi. Malakaviy ishning asosiy maqsadi mavjud darslik va qo‘llanmalarda ushbu hodisaga munosabatlarni aniqlash va mavzuga doir qarashlarni o‘rganib, bir tizimga yig‘ib, muammoni ilmiy asoslashdan iborat.

Kelishiklarning belgili / belgisiz qo‘llanilishi va bir-biri o‘rin almashinilishi, ma’nodoshligi masalasi hamon munozarali bo‘lib qolmoqda. Ayrim tilshunoslар “Kelishik kategoriyasidagi so‘z uyushganda oldingi so‘z shakldagi kelishiknigina belgisiz deyish tarafdorimiz. Masalan: Salim, Karim va Halimni ko‘rdim (belgisiz TK). Opalarim va akalarimning dardlari bir dunyo (belgisiz QK). Nasada daraxtlari osti, namachitlar, nadoim bazm qiziydigan gavjumda biror sharpa eshitasisz (belgisiz O‘PK). (J.Abd.)” deb hisoblaydilar.

Mavjud grammaticalarda kelishikshaklidagi so‘zlarning sintaktik vazifasi xususida so‘z borar ekan quyidagi jumlalarni uchratamiz:

“Kelishik kategoriyasi ko‘proq ot turkumi uchun xoslangan. Bosh kelishikdagи ot kim, nima, qayer so‘rog‘iga javob bo‘lib, quyidagi vazifada keladi:

Ega: 1. Salim – eng yosh o‘qituvchi. 2. Darvoza tepasiga sandiq qo‘yilgandi.

Hol: Shu kuni Abdulla allamahalgacha xayol suribyotdi. (O‘.Umarb.). Yer haydasang, kuz hayda, kuz haydamasang, yuz hayda. (Maq.)

Vositasiz to'ldiruvchi: Murotali qazib qo'ygan chuqurga ko'chat o'tqazardi (Sh. Rashidov). Birkishi ariq qaziydi, ming kishi suv ichadi. (Maq.)

Qaraturvchi aniqlovchi: Ko'k yuzini yulduzlar band etdi. (J.Abdullaxonov) Cho'l qovuni pishay-pishay deb turibdi. (S.Ahmad)

Sifatlovchi: Shu payt elektr qo‘ng‘iroq asta jiringladi. (H.G‘ul.)

Izohlovchi: Daryodan o'tilgan kun general Pogodin harbiy Kengashga chaqirildi. (I.Rahim)"

Ko‘rinib turibdiki darslik mualliflari belgisiz qo‘llangan boshqa kelishikdagи so‘zlarini ham bosh kelishigi deb qarayaptilar. Biroq maktab, litsey darsliklarida belgili-begisiz qo‘llanishga bosh kelishik sifatida qaralmasligining guvohi bo‘lamiz.

Kelishiklar sinonimiyasi va belgisiz qo'llanish holatlariga doir muammolar o'z yechimini topmasa, nafaqat gap bo'laklari, balki so'z birikmasi turlarini belgilashda ham muammolar mavjudligi aniqlashadi. Kelishik shakllarini qabul qilishiga ko'ra ismlarning gapdagi vazifasi aniqlanadi. Harbir turkumga qo'shilat ekan kelishikshakllari o'ziga xos holatda umumiy grammatik ma'nosini parchalashini kuzatamiz. Masalan, otkesim (Otam – ishchi), undalma (Siz baxtlisiz, Olimjon aka), atov gap (Ko'm-ko'kdala) vazifasida kelganda, uni bosh kelishikda dey ish to'g'ri emas. Aytiganidek, bunda kelishik umumiy grammatik ma'nosiga xos vazifa yuzaga chiqmagan.

Kelishik kategoriyasi fe'lda egalik kategoriyasi bilan dialektik yaxlitlikda voqelanadi. Ya'ni kelishik kategoriyasi ko'rsatkichini qabul qiluvchi fe'lda undan oldin egalik affaksi bo'lishi shart: o'qiganimni, o'qiganimdan, o'qiganimga, borishimga, borishimda kabi. Kelishik kategoriyasi fe'lning asosan tuslanmagan shaklida yuzaga chiqadi. Kelishik kategoriyasidagi fe'l bir qarashda tuslangan fe'ldek tasavvur uyg'otadi. Masalan, Barcha ayb mening borganligimda. Bunda egalik qo'shimchasi qaralmish fe'lni qaratuvchiga bog'lamoqda, ega emas. Gapning egasi ayb so'zi bo'lib, kesimda shaxs-son kategoriyasining III shaxs, birlik shakli mayjud. Egalik kategoriyasining shakli esa I shaxs birlik.

Kelishik kategoriyasidagi fe'l gapning barcha bo'lagi vazifasida kela oladi: ega: Mening borganim - sening borganing; hol: Achchig'i chiqqanidan yig'ladi; to'ldiruvchi; Borganidan uyvaldi; aniqlovchi; Borishining siri nimada? kesim: Hamma gap ishlamaganida.

Kelishik kategoriyasidagi fe'l matndan kelib chiqib: a) «harakatning obektlashishi»; b) «payt»; v) «sabab»; g) «evaz» kabi ma'noni anglatadi: a) Salimning borganini aytmoq, o'quvchining o'qiganini so'ramoq; b) kelganida gapirdi, yurbanida o'yalamoq; v) achchig'i chiqqanidan yig'ladi, quvonganidan gapirolmay qoldi, gapirganiga uyalди; g) ishlamaganiga gap eshitdi; bormaganiga afsuslandi. Bu sir ani birikuvchi so'zdan anglashilgan voqelikning munosabatiga qarab ancha davom ettirish mumkin. Kelishik kategoriyasi umumiy grammatik ma'nosidagi «oldingi so'zni keyingi so'zga bog'lash» kategorial ma'no fe'l turkumida «oldingi fe'lni keyingi so'zga bog'lash» tarzida xususiy lashadi.

Kelishik kategoriyasi sifatda egalik kategoriyasi bilan birga qo'llanadi.

Bosh kelishidagi sifat ega vazifasida keladi: 1. U kamning kichigi - o'qituvchi. 2. Darvoza tepasiga shoxning kattasi qo'vilgandi.

Qaratqich kelishigidagi sifatda kelishik kategoriyasi umumiy grammatik ma’nosiga «sifatni qaratqich aniqlovchi vazifasida keyingi so’zga bog’lash» tarzida xususiy lashadi: Inson valqoving bahonasi ko’p. (J.Abdullaxonov)

Tushum kelishigidagi sifat gapda ish-harakatni qabul qilgan predmetga obekt tusini beradi va tushum kelishigi affiksini qabul qilgan sifat vositasiz to'ldiruvchi vazifasida keladi. «Sifatga obekt tusini berish va uni fe'lga vositasiz to'ldiruvchi sifatida bog'lash» tushum kelishigi umumiy grammatik ma'nosining sifat turkumidagi xususiyashuvидir: Gulning qizilini airatdi.

Chiqish kelishigi kelishik kategoriyasi umumiyl grammatic ma'nosini umuman «oldingi so'zni keyingi fe'lga o'rinn-payt holi va vositasiz to'ldiruvchi vazifasida bog'lash» tarzida, sifat turkumida esa «oldingi sifatni keyingi fe'lga o'rinn-payt holi va vositasiz to'ldiruvchi vazifasida bog'lash» ko'rinishida xususiylashtiradi.

Chiqish kelishigidagi sifatning vazifasi:

- a) vositali to'ldiruvchi: Qarzni odamning yaxshisidan so'rang. («Saodat»)
- b) o'rinn holi: Eshigi ochiq narigi xonadan pianino ovozi eshitilmoqda edi.(P.Qodirov)
- v) sabab holi: Piyozning achchig'idan ko'zi qizardi.(M.Muhamedov)

Jo'naliш kelishigidagi sifatish-harakat yo'nalgan predmetni belgisi bilan anglatadi: og'iriga, yaqiniga.

Jo'naliш kelishigidagi sifat gapda to'ldiruvchi, hol kabi bo'lak vazifasida keladi: 1. Qiz ko'zining qorasiga havaslanib boqdi. 2. Bola hovuzning to'lasiga yugurdi.

Ko'rinaridiki, jo'naliш kelishigi sifat turkumida kelishik kategoriyasi umumiyl grammatic ma'nosini «oldingi sifatni keyingi fe'lga vositali to'ldiruvchi va hol vazifasida bog'lash» tarzida xususiylashtiradi.

O'rinn-payt kelishigi sifat turkumida kelishik kategoriyasini «oldingi sifatni keyingi so'zga vositali to'ldiruvchi va hol vazifasida bog'lash» tarzida xususiylashtirib, ish-harakatning bajarilish o'rni, vaqt, sharoiti, holati, sababi, maqsadi kabi tajallli ma'noni ifodalaydi: Odamning pismig'ida gap ko'p.

Kelishik kategoriyasi sonda ham egalik kategoriyasi bilan birga qo'llanadi.

Bosh kelishikdagi son ega vazifasida keladi: 1. Daftarning uchtasi menda. 2. Darvoza tepefiga shoxning ikkitasi qo'yilgandi.

Qaratqich kelishigidagi sonda kelishik kategoriyasi umumiyl grammatic ma'nosini «sonni qaratqich aniqlovchi vazifasida keyingi so'zga bog'lash» tarzida xususiyashadi: Sigirning ikkitasining suti ko'p.

Tushum kelishigidagi son gapda ish-harakatni qabul qilgan predmetga obekt tusini beradi va tushum kelishigi affiksini qabul qilgan son vositasiz to'ldiruvchi vazifasida keladi. «Songa obekt tusini berish va uni fe'lga vositasiz to'ldiruvchi sifatida bog'lash» tushum kelishigi umumiyl grammatic ma'nosining son turkumidagi xususiyashuvdir: Gulning uchtasini ajratdi.

Chiqish kelishigi kelishik kategoriyasi umumiyl grammatic ma'nosini umuman «oldingi so'zni keyingi fe'lga o'rinn-payt holi va vositasiz to'ldiruvchi vazifasida bog'lash» tarzida, son turkumida esa «oldingi sonni keyingi fe'lga o'rinn-payt holi va vositasiz to'ldiruvchi vazifasida bog'lash» ko'rinishida xususiylashtiradi.

Chiqish kelishigidagi sonning vazifikasi:

- a) vositali to'ldiruvchi: Qarzni odamning ikkinchisidan so'rang.
- b) o'rinholi: Eshigi ochiq narigi xonaning birinchisidan pianino ovozi eshitilmoqda edi.

Jo'naliш kelishigidagi son ish-harakat yo'nalgan predmetni belgisi bilan anglatadi: birinchisiga, uchoviga.

Jo'naliш kelishigidagi son gapda to'ldiruvchi, hol kabi bo'lak vazifasida keladi: 1. Qo'zi-ining uchoviga havaslanib boqdi. 2. Bola mashinaning birinchisiga yugurdi.

Ko'rinaridiki, jo'naliш kelishigi son turkumida kelishik kategoriyasi umumiyl grammatic ma'nosini «oldingi sonni keyingi fe'lga vositali to'ldiruvchi va hol vazifasida bog'lash» tarzida xususiylashtiradi.

O'rinn-payt kelishigi son turkumida kelishik kategoriyasi umumiyl grammatic ma'nosini «oldingi sonni keyingi so'zga vositali to'ldiruvchi va hol vazifasida bog'lash» tarzida xususiylashtirib, ish-harakatning bajarilish o'rni, vaqt, sharoiti, holati, sababi, maqsadi kabi tajallli ma'noni ifodalaydi: Bizning beshovimizda chor ayo'q.

Harbir kelishikning o‘z formasi, ma’nosи va sintaktik vazifasi bor. Masalan, jo‘nalish kelishigi ot, olmosh, son va otlashgan so‘zlarga qo‘silib, ot bilan fe’l orasidagi sintaktik munosabatni ko‘rsatadi. Uning asosiy ma’nosи harakatning yo‘nalish o‘rnini bildirishdir. Bundan tashqari payt, atash, sabab, maqsad ma’nolarini ham ifodaqlidi.

Qaratqich kelishigi ot bilan otni grammatick aloqaga kiritadi: jurnalning varag‘i, odamning gavdasi.

Tushum, jo‘nalish, o‘rin, chiqish kelishiklari otni fe’l bilan aloqaga kiritadi: xatni o‘qidi, klubga bordim, institutga kirdim, uydan keldim. Kelishik formasidagi otlar ot va fe’ldan boshqa turkumdagи so‘zlar bilan ham munosabatga kirishadi: Otdan baland, itdan past. Uyat o‘limdan qattiq. (Maqol)

Qaratqich, tushum, chiqish, jo‘nalish, o‘rin-payt kelishiklari otni (ot vazifasida kelgan boshqa so‘zni) boshqa so‘zga tobelash uchun xizmat qiladi. Bosh kelishik – aksincha, u boshqa so‘zni bosh kelishikdagи otga tobelaydi.

Kelishiklarning ma’nolari va funksiyalari ko‘makchilarining ma’nolari va funksiyalari bilan munosabatda bo‘lishi mumkin. Bu hol nutqda kelishikli va ko‘makchili konstruksiyalar sinonimiyasini yuzaga keltiradi: telefonda gaplashdim – telefon orqali gaplashdim. U kamga oldim – ukam uchun oldim.

Kelishiklar ma’nodoshligi mavzuni tushuntirishda biroz murakkablikni keltirib chiqaradi. Kelishiklar sinonimiyasi mavzusini o‘qitish o‘quvchining gap bo‘laklarini aniqlash, so‘z birikmasi turlarini to‘g‘ri ajratishga doir bilimlarini o‘stirish uchun xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Abdurahmonov G‘. O‘zbek tili grammaticasi. Toshkent: O‘qituvchi, 1996.-247 b.
2. G‘ulomov A. O‘zbek tilida kelishiklar. FA O‘zbekiston filialining asarlari. 11 seriya. Filologiya. 2-kitob. - Toshkent. 1941.
3. Hozirgi o‘zbek adabiyitli. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarining 1-kurs talabalari uchun darslik. A.Nurmonov va boshq.– T.:“ILMZIYo”, 2010. 160 b.
4. Ibrohimov T. Gapning bosh bo‘laklari: Filol. fan. nom.... dis. avtoref. - Toshkent, 1955. - 21 b.
5. Ne‘matov H. Chegara kelishigi // O‘zbek tili va adabiyoti. -1974. -№4. -B.38-39.
6. Ne‘matov H. -ga va -da kelishik qo‘sishchalarining funksional almashinishinga doir // O‘zbek tili va adabiyoti. - 1973. - №4.
7. Nurmonov A., Mahmudov N., Ahmedov A., Solixo‘jayeva S. O‘zbek tilining mazmuniy sintaksisi. - Toshkent: Fan, 1992. - 292 b.

РЕЗЮМЕ

Sinonimiya hodisisi faqat leksik birlklarda emas, so‘z yasovchi va grammatick shakl yasovchi qo‘sishchalarida ham kuzatiladi. Ularga nisbatan mayjud darslik va qo‘llanmalarda affiks sinonimlar, morfologik sinonimlar, grammatick sinonimlar, qo‘sishchalar ma’nodoshligi terminlari ishlataladi. Malakaviy ishda sintaktik shakl yasovchilardan bo‘lgan kelishik shakllari sinonimiyasini va uning so‘z birikmasi turlari hamda gap bo‘laklarini ajratishga ta’siri masalalari o‘rganildi.

РЕЗЮМЕ

Синонимы встречаются не только в лексических единицах, но также в словообразовательных и грамматических суффиксах. В существующих учебниках и руководствах используются такие термины, как аффикс-синонимы, морфологические синонимы, грамматические синонимы и суффиксы. Качественное исследование исследовало синонимию создателей синтаксических форм и их значение для словарного запаса и разделения предложений.

SUMMARY

Synonyms are found not only in lexical units, but also in word-building and grammatical suffixes. Existing textbooks and manuals use terms such as affix synonyms, morphological synonyms, grammatical synonyms, and suffixes. Qualitative research investigated the synonymy of the creators of syntactic forms and their significance for vocabulary and separation of sentences.

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ТУШЛАРИ ВА УНИНГ БАДИЙ АСАРЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ

Истамова Ш. М.

*Бухоро давлат университети Бошлангич таълим назарияси кафедраси катта
ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

Таянч сўзлар: туш, туш мотиви, таъбир, реал тушлар, тўқима тушлар, туш баёни.

Ключевые слова: сновидение, мотив сновидения, реальные сновидения, вымышенные сновидения.

Key words: dream, dream motive, interpretation of dreams, real dreams, dreamy dreams, saying of dreams.

Халқ оғзаки ижодининг эпик жанрларида, мумтоз ва замонавий адабиётда яратилган шебрый, насрый ва драматик асарларда туш мотивидан фойдаланиб, асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини очиб бериш, кайфиятини, ички кечинмаларини ёритиш, психологик таҳлил килиш ёки асар воқеаларини ўзаро боғлаб, унинг шаклан ва мазмунан яхлит бир бутунлигини таъминлаш ўзига хос анъана тусини олганилиги алоҳида эътиборни тортади. Ҳарбир ижодкор туш мотивидан турли мақсадда: ё руҳий таҳлилни яратувчи услугий восита, ё композицион шакл сифатида фойдаланиб, бадиий маҳоратини намоён этади. Бунда туш мотиви ҳаёт ҳақиқатини очиб беришда колиплаш санъати, киритма воеқа ёки бадиий деталь сифатида иштирик этади. Шуни ҳисобга олиб, атоқли мумтоз адаблар ўз асарларида тушлардан бадиий тасвир усули сифатида унумли фойдаланиб келишган ва бу жараён муайян поэтик тадрижий тараққиётта эришган. Бинобарин, ўзбек ёзма адабиётидаги айрим адабий қаҳрамонларининг ёки шоири ва ёзувчиларнинг туши машҳурдир. Жумладан, Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Кутадгу билиг” асарида зоҳид Ўзғурмишнинг, Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида Юсуфнинг, Ҳайдар Ҳоразмийнинг “Гул ва Наврӯз” достонида Наврӯзнинг, Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” достонида Шайх Санъоннинг, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида Отабекнинг тушлари; шунингдек, ижодкорлардан Аҳмад Яссавий, Бобур, Фурқат, Аҳмад Донишларнинг ўз асарларида кўрган тушлари ҳақида ёзганлари ҳам алоҳида эътиборни тортади.

Таникли ўзбек шоири Захириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур “Бобурнома” асарида бирнечча аҳамиятли туш мотивлари келтирилганки, уларни ўрганиш орқали туш мотивининг хотира ва мемуар асарларда туттган ўрнини ва бадиий вазифаларини англаш мумкин. Чунки бундай асарлар ҳаётий замин, тарихий далилларга таяниши боис, уларда тўқима тушлар эмас, одатда, реал тушлар келтирилади. Тўқима тушлар бундай асарларнинг ҳаққонийлигига соя солиши маълум.

Шоҳ Бобурнинг таъкидлашича, унинг Ҳожа Убайдулло Аҳрор билан боғлиқ тушлари хотирасида бир умр муҳрланиб қолган. Негаки улар Бобурнинг ҳаётини, келажагини ўзида акс эттира олган эди. Шунинг учун муаллиф уларни “Бобурнома” асарида алоҳида келтирган. Унинг ҳикоя килишиб, бир куни Асфида кўргонида Дўст Носир, Нўён кўкалдош, Хонқули, Каримдод, Шайх Дарвеш, Хисрав кўкалдош, Мирим Носирлар билан Самарқандни қаҷон олиши мумкинлиги ҳақида баҳс кетади. Баъзилар келгуси йил ёзда, баъзилар бир ой-кирқ кунда, яна баъзилар йигирма кунда дея ҳархил фикр билдирадилар. Шунда Нўён кўкалдош: “Ўн тўрткунда олурбиз”, - дейди. Дарҳақиқат, Бобур ўнтўрткунда Самарқандни олар экан, шундай эслайди: “Ў

шул фурсатта ажаб туш кўрдум. – Туш кўрармен ким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истикболлариға чиқмишмэн. Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг оллиға голиб обе тақаллуфроқ дастурхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат хотири ганима келмиш. Мулло Бобо менинг сари бокуб ишорат қиласадур. Мен ҳам имо билан дедим-ким, мендин эмастур. Дастирхон солғучи тақсир килибтур. Хожа фаҳм килиб, бу узр масмұы тушти. Қўптилар. Узата чиқтим. Ушбу уйнинг долонида ўнг кўлимдин ё сўл кўлимдин тутиб андок кўтардиларким, бир оёғим ердин кўпти. Турки дедиларким, Шайх маслаҳат берди. Ўшул неча кунда ўқ Самарқандни олдим”.

Бобур бу тушини “Тенгри рост келтуриди...” дея сифатгайди. Чунки тангри рост келтирган бу баshoreтнинг аввало Нўён кўкалдош тилига, сўнгра Бобур Мирзо дилига Хожа Ахрори Валий томонидан солиниши чиндан ҳам илоҳий бир мўъжиза эди.

Таникли ўзбек адаби Хайридин Султонов Бобур ҳақида яратган “Бобурнинг тушлари” асарида шу тарихий далилга ишора қилиб: “Бобур Мирзонинг Хожа Ахрори Валийга эътиқод-эҳтироми фоят баланд мақомда бўлган. Хожа Ахрори Валийнинг мўтабар шахси ва илоҳий сиймоси ўз навбатида, Бобур тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Бу фикрни Бобурнинг ишларигина эмас, ҳатто тушлари ҳам тасдик этади. Дарвөзе, сўз Бобурнинг тушлари хусусида эди. Алқисса, хижрий тўққиз юз олтинчӣ йил, кеч кузак, коронги узун кечалардан бирида Бобур Мирзо сирли бир туш кўрди”, - деб изоҳ бергач, атоқли шоирнинг “Бобурнома” асарида келтирилган юқоридаги туш парчасини киссада айнан келтиради ва шу орқали ўз асарининг реалигини кучайтиришга уринади. Қолаверса, адаб фикрича, Бобурнинг тушида аён бўлган илоҳий кароматнинг қай тариқа ва қай даражага амалга ошганини билмоқ учун “Ўшул фурсатта” Бобур ҳаётida қандай тарихий ҳодисалар юз берганини кузатмоқ лозимидир. Шуни инобатга олиб, адаб ёзди: “Хижрий тўққиз юз саккизинчи йил, қаҳратон киши, совуқ, зимистон тунларнинг бирида Бобур Мирзо яна бир тилсимли туш кўрди. “Бобурнома” да бу туш тавсифи ва у билан боғлиқ баъзи тарихий ҳолатлар шу қадар ҳақконий ва шу қадар теран инсоний изтироб билан йўғрилганки, бирмунча узунроқ бўлса-да, батағсилоқ кўчирмалар келтириб ўтиш хикоямиз мақсадига мувоғик бўлур”.

Маълумки, хижрий тўққиз юз саккизинчи йил қишига келиб Бобур Мирzonинг ишлари юришмайди. У Самарқанддан кувилиб, Андижондан айрилиб, саргардон бўлади. Ана шундай тушкун аҳволда паришон юрган кезларида у Карнон деган жойда куршовда қолиб, энг сўнгги чорага аҳд қиласади. Бу ҳақда у “Бобурнома”да шундай ёзди: “Ўзумни ўлумға қарор бердим. - Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу килдим, икки ракат намоз ўқудим, бошимни муножотқа кўйоб тилайдур эдимким, кўзим уйқуга борибтур. Кўрадурмэнким, Хожа Яъкуб Хожа Яҳёнинг ўғли – ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимга аблак от миниб, кўп жамоати аблаксувор билан келдилар. Дедиларким, заманга мансаби борибтур. Дедиларким, биз аларга истионат тегурууб, подшоҳлик маснадига ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарға келтурууб ёд этсун, биз анда хозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, ўйғонинг”.

Бобур бу тушидан қувониб ўйғонади ва ўзини тутиб банди қилишга шайланиб турган Юсуф доруга ва ҳамроҳларини кўради. Тушида азиз авлиё уни хавфдан огоҳ этганилигини англайди.

“Бобурнома” да Хожа Ахрор каромати туфайли Қутлуғ Мухаммад барлоснинг улугу шоирни яшириниб ётган жойидан қийналмай топиши воқеаси ҳам баён этилган: “Мен дедимким, сизлар қайдин келасиз, нечук хабар топдингиз?”

Кутлуг Мұхаммад барлос дедиким, Ахсидин қочиб чиқғонда сиздин айрила түшганды Андіжон келдімким, хонлар ҳам Андіжон келибтурлар. Мен түш күрдімким, Хожа Убайдулло дедиларким, Бобур подшоқ Карнон деган кенттадур, бориб ани олиб келингким, подшохлик маснади аңға тааллук бўлубтур. Мен бу түшни кўруб, хушхол бўлуб, улуғ хон, кичик хонга арз қилдум, хонларга дедимким, менинг беш-олти ини ўғлим бор, яна бир неча йигит кўшунгиз, Карнон тарафдин бориб хабар олайин. Хонлар дедиларким, бизнинг хотиримизга ҳам етадурким, ўшал ерга борғон бўлгай. Ўн киши тайин қилдилар... Бобойи Парғарий дедиким, мен ҳам бориб истармен, ул ҳам икки йигит иниси билан иттифоқ қилиб отландук. Бу кун уч кундирким, йўл келабиз. Алҳамдулилоҳ, сизни топдук, дедилар.

“Бобурнома”да келтирилган ҳудди шу түш баёнидан Хайриддин Султонов “Бобурнинг тушлари” киссаси сюжетида улуғ ҳукмдор ва шоирнинг руҳий хис-кечинмаларини драматик вазиятда бадий жиҳатдан реал очиб бериш учун фойдаланган. Аммо адид бу асарида, асосан, “Бобурнома”да келтирилган тушлардан фойдаланган бўлса, Бобур ҳақидаги “Саодат сохили” номли яна бир киссасида бошқача йўл тутган. Унда келтирилган тушларда бадий тўқима устуворлиги сезилади.

“Саодат сохили” киссасида Ватан соғинчидан ўртаниб, кундан-кунга соғлигини йўқотаётган Бобур Мирзонинг Агра шаҳрида тошкентлик олим Султон Мұхаммад Ҳофиз Тошқандий (тахаллуси – Ҳофиз Кўйкий) билан учрашиши, дилкаш сухбатлар килиши ёритилган. Шундай сухбатлардан биррида Бобур Ҳофиз Кўйкийга ўз түшнинг таъбири ҳақида сўраб қуидагича мурожаат қиласди: “Оллоҳнинг ҳар бандаси гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд тушлар кўрур. Тушда кишига кўп биликсиз нарсалар аён бўйлусидир. Шундай эмасми, мавлоно? Аммо менинг.. Не вактларким, мен муттасил бир түш кўриб мазмунини англомоқдин ожизман. Тунлар баъзан яккаш бир йўсун манзара намоён бўлур, ўша Фаркатда кўрганим – тошқин сой ҳудудсиз бир денгиз каби айқириб ётади. Сув бетини юпқа муз босган. Кўлимда асо, муз узра шитоб ила кайгадир елиб бораман, ҳар қадам қўйганимда оёғим остида муз кирс-кирс ушалар, муз ҳар кисирлаганда юрагим қалқиб-қалқиб кетар... На денгизнинг поёни бор, на йўлимнинг, ваҳм ичра қаро терга ботиб тентиб юраман. Сахар чоги хушим бошимдан учиб, не вақт ҳайрону паришон ўтираман. Сўнг аркони давлат, мунажжимлардан таъбир сўрайман.

Асарда Бобурнинг бу туши бежиз келтирилмаган. Бу билан адид унинг қалб қийинокларини, юрагидаги армон ва интилишларини, таҳликаю гумонларини очиб беришга интилган. Чунки Бобурнинг тушида ифодасини топган ҳудудсиз бир денгиз каби айқириб тошқин сой у барпо этган улкан давлат рамзини ўзида акс эттира, унинг бетидаги музлик ўзга мамлакат аҳолисининг Бобурга босқинчи шоҳ сифатида совуқ муносабатда бўлишини билдиради. Шунинг учун Бобур ҳамиша хушёр ва таҳликада бўлгани маълум. Унинг ана шу руҳий ҳолатини тасвирлаш учун ёзувчи X. Султонов юкоридағи тўқима тушдан ўрнили фойдалана олган.

Ўзбек адабиётида Бобур ҳақида йирик жанрда ҳам асар яратилган. Бу таникли адид Пиримкул Қодиронвинг “Юлдузли тунлар” романидир. Аммо унда Бобурнинг тушларидан фойдаланилмаган. Сабаби, Шўролар даврида бадий ижодда социалистик реализм методини кўллаш талаби тифайли бадий асарларда халқнинг маънавий қадриятлари тизимидан мустаҳкам ўрин олган туш ва туш мотивларидан фойдаланишга қаршилик кўрсатилди. Айниқса, тарихий шахслар биографияси ёритилган асарларга нисбатан бундай талаб янада кучлироқ кўйилди.

Шуниси кувонарлики, мустақиллик йилларida яратилган асарларда түш мотивларига мурожаат юксак бадий такомил топгандилиги кузатилади.

Умуман айтганда, туш асарларда кўпроқ психологик драматизмни кучайтиришга ёрдам беради. Шу билан бирга ўзидан кейин келадиган композицион қисмларни мантиқан изчил поэтик тамойил асосида бирлаштиришга хизмат қиласди.

Адабиётлар:

- 1.Бобур З.М. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1990, 75-бет.
- 2.Султонов Х. Бобурнинг тушлари. Кисса. - Т.: Фауфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993, 233-бет.

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада таникли ўзбек шоири ва давлат арбоби Захириддин Мухаммад Бобур ҳақида яратилган қиссаларда унинг “Бобурнома” асарида келтирилган тушларидан бадий-эстетик жиҳатдан фойдаланилганлиги хусусида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье говорится о созданных очерках, посвященных известному узбекскому поэту и государственному деятелю Захридину Мухаммад Бабуру и его сновидения в знаменитом труде «Бабурнаме», с точки зрения их использования в аспекте художественно-эстетической.

SUMMARY

In article was written about Uzbek poet and statesmen Zahiriddin Muhammad Bobur and his works, his play “Boburnoma” and the usage of literary-aesthetical features of dreams.

ONA TILI DARSLARIDA INTEGRATIV TA'LIM VOSITASIDA TAYANCH KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHNING METODIK ASOSLARI

Himoyeva S.J.

Buxoro davlat universiteti, Ta'lif va tarbiya nazariyasi va metodikasi mutaxassisligi magistranti

Tayanch so'zlar: integrativ, integratsiya, tayanch kompetensiya, ona tili darsi, boshlang'ich ta'lif.

Ключевые слова: интегративность, интеграция, базовая компетенция, родной язык, начальное образование.

Key words: integrativity, integration, basic competence, mother tongue, primary education.

Respublikamiz ta'lif muassasalarida o'quvchi-yoshlarning erkin, mustaqil fikrash, atrofdagi voqelikka ongli munosabatda bo'lish, daxildorlik va ijtimoiy faoliyatni sifatlarini rivojlantirish, muloqot va nutq madaniyati rivojlangan shaxsnii kamol toptirishning moddiy-texnik bazasiyaratildi, me'yoriy hujjatlar ishlab chiqildi. Sog'lom bolani voyaga yetkazishda ta'lif tizimining rolini kuchaytirish, boshlang'ich ta'lifning yuqori sifatini ta'minlab, ilg'or pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini boshlang'ich sinf o'qituvchilarini faoliyatiga joriy qilish uchun zamin yaratildi. Chunonchi, O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida muhim vazifalar sifatida “mustaqil fikrlaydigan, qat'iy hayotiy nuqtai nazarga ega, Vatanga sodiq yoshlarni tarbiyalash, demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish jarayonida ularning ijtimoiy faolligini oshirish” kabilar belgilab berilgan. Bu esa shaxsning intellektual qirralarini shakllantirish, uning jamiyat ishlab chiqarishi va ijtimoiy, siyosiy, madaniy, ma'rifiy hayotida faol va muvaffaqiyatli ishtirotini ta'minlashga zamin yaratadi.

Ma'lumki, kompetensiya atamasi ma'lum sohaga oid bilim, ko'nikma, malaka va tajribalar majmuini anglatadi. Zamonaviy ilmiy-metodik adabiyotlarni tahlil etish asosida kompetensiyalarning quyidagi tavsifi aniqlashtirildi: 1) insонning mas'uliyatni o'z zimmasiga olishi, jamoaviy qarorlarni hamkorlikda qabul qilishda ishtirot etishga qodirligi bilan bog'liq ijtimoiy kompetensiyalar; 2) jamiyat hayotini tartibga soladigan, intolerantlikning namoyon bo'lishiga to'sqinlik qilish, shuningdek, insонning boshqa madaniyat, til va din vakillari bilan hamjihatlikda yashashga tayyorligini ifoda etuvchi madaniyatlaro kompetensiyalar; 3) zamonaviy ijtimoiy hayot va kasbiy faoliyatda alohida ahamiyat kasb etuvchi og'zaki va yozma muloqot ko'nikmalariga egaligini belgilaydigan lingvistik kompetensiyalar; 4) innovations texnologiyalarni egallash alohida ustuvorlik kasb etadigan axborotlashgan jamiyatning yuzaga kelishi bilan bog'liq information kompetensiyalar; 5) insонning butun umri davomida nafaqat tanlagan kasbi, balki shaxsiy va ijtimoiy hayotiy zarurat sifatida o'z-o'zini rivojlantirishga doir kompetensiyalar.

Jahonda o'quvchilarini kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan holda o'qitish, ona tilini o'qitish sifatiga ta'sir ko'rsatuvchi omillarni tadqiq etish hamda o'quvchilarda nazariy bilimlarni amalda qo'llash malakalarini rivojlantirishga doir ilmiy tadqiqotlar keng miqyosda olib borilmoqda.

Boshlang'ich sinflarda ona tili ta'limi sohasidagi kompetensiyaviy yondashuvga ko'ra o'quvchilarning bilim olishlarida o'z kuchiga bo'lgan ishonchni tarbiyalash, ijodiy fikrashini rivojlantirish, qoidalarni ongli ravishda o'zlashtirishlariga erishish, nutqidagi xatolarni qoida asosida korreksiyalash malakalarini hoslil qilish metodikasini rivojlantirish alohida ahamiyat kasb etadi. O'zbekistonda ta'lim-tarbiya sifati, jumladan, boshlang'ich ta'lim samaradorligini oshirish, malakali mutaxassislar bilan ta'minlash, o'quv-uslubiy ta'minotini mustahkamlashga qaratilgan islohotlar natijasida boshlang'ich sinflarda ona tili fanini integrativ yondashuv asosida o'qitish, modulli ta'lim texnologiyalarini qo'llash, o'quv materialllarini strukturalashtirish, ta'lim mazmunini ilmiy tashkil etishga erishilmoqda. Shu bilan birga, boshlang'ich sinf ona tili darslarida o'quvchilarda tayanch kompetensiyalarni shakllantirishda integrativ vositalardan foydalananining metodik jihatlarini aniqlashtirish zarurati mavjud. Bu esa o'quvchilarning mustaqil fikrlash malakasini shakllantirishda ona tilidan egallanayotgan bilimlarni amalda qo'llashni o'rgatishning innovations yondashuvga asoslangan, integrativ vositalar asosida samaradorlikka erishish metodikasini takomillashtirish dolzarb ahamiyat kasb etishimi ko'rsatadi.

Ona tili fanini o'qitishga bag'ishlangan tadqiqotlarni o'rganib, tahlil qilinganda, metodist olim A.G'ulomov o'z kuzatishlari asosida bunday deb yozadi: «Ayrim o'qituvchilar: «O'quvchi ona tilining qonun-qoidalarni bilsa, aytib bersa, u savodli yozadi», – degan fikrni ilgari suradilar. Bu fikrga qo'shilish ancha qiyin. Ona tilining qonun-qoidalarni bilish boshqa, undan amaliy ish jarayonida foydalananish ko'nikmalariga ega bo'lish boshqa. Afsuski, ona tili darslarida hamon qonun-qoidalarni bilish bilan uni amaliy ishda qo'llash orasida ma'lum tafovut saqlanmoqda».

A.G'ulomov, M.Abduraimovalar metodik adabiyotlardagi fikrlardan yana shu narsa anglashilib turibdiki, qoidani o'zlashtirish bilan uni qo'llash farqli jarayonlar bo'lib, birinchi harakatning bajarilishi pirovardida ikkinchisi o'z-o'zidan shakllanib qolmaydi: ikkinchisiga ham darslarda yetarli o'rinn ajratish, o'quvchilarda tegishli ko'nikma va malakalarini shakllantirish, ijodiy topshiriqlar ustida ishlash, boshqacha aytganda, qoidani o'zlashtirish bilan uni amalda qo'llash jarayonini bir butun holga keltirish kerak. «Lingvistik bilim – ko'nikma va malakalarning asosi» nomli metodik qo'llanmada: «Agar o'quvchi qoidani amalda tatbiq eta olmasa, bunga u emas, balki biz, o'qituvchilar va metodistlar aybdormiz», – deb ta'kidlanadi. Bu fikr unchalik to'g'ri emas, chunki muallim ko'pincha o'quv-metodik majmualardan kelib chiqib dars o'tadi, ayrim hollardagina o'zida to'planayotgan ijobiy xulosalar – tajribasini ishga soladi. Shunday ekan, masalaga kengroq yondashish, mavjud

yutuq va kamchiliklarning ildizini aniqlash maqsadga muvofiqdir.

Nazariy bilimni o'zlashtirish va amalda qo'llash jarayonida egallanishi lozim bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarga, ularning hosil bo'lish yo'lida bajariladigan amallarga, an'anaviy metod va usullarga atroficha tavsif berish lozim. Ma'lumki, nazariy bilimlarning bir qismi shu darsning o'zida amalda qo'llanmaydi. Shuning uchun ular (termin, ta'rif, tafsif va tasniflar) o'rganigandan keyin, faqat mustahkamlanishi kerak. Nazariy bilimlar sirasida nutqning to'g'riligini ta'minlash uchun xizmat qiladigan qoidalargina amalda tatbiq etilishi tabiy. Bu holatlар farqlanmagan ayrim metodik qo'llanmalarda mustahkamlashga ustuvor ahamiyat berilgan.

Integratsiya yetarlicha namoyon bo'la olgan, turli xarakterli mazmunning singdirilishi natijasida yangi sifatiy holatga o'tishda asosiy omil bo'lib yuzaga chiqa oluvchi faktor hisoblanadi. Integratsiya chuqur, noan'anaviy ta'limgan bilan tavsiflana oluvchi, turfa xarakterdagi katta hajmi o'quv materialining uyg'unlashuvini o'zida namoyon etadi.

«Integratsiya» tushunchasi XVIII asrdayoq Spenser tomonidan izohlangan edi. Integrativ ta'limi yo'lga qo'yishdan oldin, uning tasnifi – integrativ ta'larning sinflarga bo'linishi (klassifikatsiya) borasida ma'lum tushuncha hosil qilish lozim bo'ladi. Pedagogika fanlari doktori, profesor R.A.Mavlonovada bu tasnif quydagicha ifoda etiladi: – chegaradosh fanlar asosida tuzilgan kurslar; – asosiy fanlar asosida tuzilgan kurslar; – umumiyligi tushunchalar, qonuniyatlar, nazariyalar asosidagi kurslar; – fan evolyutsiyasi bilan bog'liq muammolarni, tabiatni ilmiy nuqtai nazardan o'rganish usulublari, olamming ilmiy ko'rinishini o'rganish asosidagi kurslar; – kompleks ob'ektlar asosida; – turli muammollar asosida; – faoliyat asosida. Binobarin, mazkur tadqiqotda urg'u berib qaratayotgan boshlang'ich ta'limgagini integratsiya o'z atrofida: o'qish, matematika, tabiatshunoslik, rasm, mehnat singari o'quv fanlari hamda ingliz tilini jamlaydi. O'z darsini integratsiyalashgan usulda tashkil etayotgan o'qituvchi boshlang'ich sinf o'quvchisining yoshi, aqliy rivojlanish darajasi va albatta qiziqishlari doirasiga mos tarzda vosita va usullar tanlaydi.

Integratsion dars loyihasining tematikasi o'quv dasturining qaysidir masalasiga tegishli bo'lishi mumkin, bunda alohida qaralgan iqtidorli o'quvchilar va umuman, sinf o'quvchilaridagi mazkur mavzu yuzasidan o'zlashtirish darajasini belgilovchi bilimni chuqurlashtirish, o'rganish jarayonini differensiallashtirish maqsad qilib olinadi.

Integratsion dars odatdag'i darslardan:

- aniqligi, ixchamligi, o'quv materialining zinch ko'lami;
- darsning harbir bosqichida integratsiyalananayotgan o'quv fanlarining har taraflama mantiqiy shartlanganligi;
- berilayotgan o'quv materialidagi keng ko'lamli axborotga egaligi bilan ajralib turadi.

Integratsiyalashgan darsda maqsadni bir necha fanlarning aloqadorligini inobatga olgan holda belgilash lozim bo'ladi. Bunday mashg'ulotda o'quvchiga beriladigan topshiriqlarning optimal yuklama ko'lамини zimdan hisob-kitob qilib olish kerak. Mashg'ulotni olib boruvchi bir necha o'quv fanlari o'qituvchilarining darsdagi faoliyatni, hatti-harakati muvofiqlashtirilishi shart. Mazkur mashg'ulotlarning pirovard natijada xulosalanishi talab qilinadi.

Integratsiyalashayotgan fanlarning bittasi asosiy deb olinishi darkor. Misol uchun, boshlang'ich sinflarda o'tiladigan 2-sinfonatli darsida integratsiya va integrativ vostitalardan foydalananish jarayonini ko'rib o'tsak. «Shahar, qishloq, ko'cha, daryo nomlarida bosh harf» mavzusidagi mashg'ulotni o'tkazish uchun o'qituvchi o'z ish faoliyatini quydagi ketma-ketlikda rejalashtirarkan, bu bilan u ta'limga mazmuniga qo'yilgan talablarga mos keluvchi darsni loyihalashtirgan hisoblanadi. Ushbu mashg'ulotni tabiatshunoslik, matematika, odobnomal darslari hamda ingliz tilifanlari, texnikvostitalar bilan uyg'unlashtirish mumkin bo'ladi. Boshlang'ich sinf onatili darslarini integrativvostitalarasosida tashkil etishda, qurilishkonstrukturlik va texnik, kompyuter o'yinlaridan foydalananish maqsadga muvofiq

bo'lib, shu turdag'i o'yinlar ko'magida o'qituvchi hamda o'quvchining kreativligi oshadi. Bunda o'quvchilar ijodkorligi uchun audiovizual-multimedia vositalari va texnik predmetlarga o'rinni ajratiladi. Bunday o'yinlar bolalarning mazkur yosh xususiyatlariiga mo'ljalangan bo'lishi bilan birga, ulardan mustaqil syujetli o'yinlarda, o'quvchilarning tadqiqotchilik xususiyatlarini takomillashtiruvchi bilishga oid o'yinlarda foydalanish mumkin.

Shuningdek, dars jarayonida tayanch kompetensiya (kommunikativ, axborot bilan ishslash, shaxs sifatida o'z-o'zini rivojlantirish, ijtimoiy faol fuqarolik, umummadaniy)larni shakllantirishga yo'naltirilgan topshirig'ini bajarish jarayoniga oid elektron taqdimatlar, darsning integratsion qiyofasini ta'minlovchi: tabiatshunoslik, matematika, ona tili va odobnoma, jismoniy madaniyat singari fanlararo bog'liqlikka ishora qiluvchi turli video roliklarni namoyish etish o'rindirid.

Shunday qilib, integratsion ta'limning samarasini ta'lim shaklini to'g'ri, pedagogik asoslangan tarzda tanlash bilan keskin ravishda bog'liq bo'lib, bunda har uch turdag'i: ta'limiy, tarbiyaviy, rivojlantiruvchi maqsadlarning chuqur tahlili talab qilinadi. Predmetlararo integratsiyani, shuningdek, sog'lom muhit, o'zaro hurmat va ijodiy hamkorlik hukm surgan pedagogik jamoadagina amalga oshirish mumkin bo'ladi.

Integratsion darsning yutuqli jihatlarini quyidagilardan iborat:

1. Bu turdag'i mashg'ulotlarda bola olamni bir butun, yaxlit holda tasavvur etishni boshlaydi.
2. Bola potensiali rivojlanadi, tevarak-atrofn katta qiziqish bilan o'rganishga kirishadi, hodisalar uning ongida mantiqiy, fikriy, sababli yechimni qidirib topishga unday boshlaydi. Natijada, mulloqot qobiliyatni, taqqoslash-qiyoslash, umumlashtirish va xulosa qilish qobiliyatlari taraqqiy eta boradi.
3. Mashg'ulot shakli standart emasligi bilan qiziqarli – bunday darslarda rivojlantiruvchi maqsad ayniqsa, yuqori darajada ta'minlanadi.
4. O'qituvchi kreativligi, kasbiy kompetensiyasini o'stiruvchi asosiy omillardan hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2017 yil 7 fevraldag'i PF-4947-sonli Farmoni. 2017 — 2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'naliishi bo'yicha HARAKATLAR STRATYGIYASI

2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining O'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risidagi qarori. Toshkent, 2017 yil 6 aprel, № 187.

3. MavlonaR.A. Boshlang'ich ta'limning integratsiyalashgan pedagogikasi. Metodik qullanma. - T.: Nizomiy nomidagi Toshkent davlat universiteti, 2005. <http://library.ziyouonet.uz/ru/book/33810>. Murojaatsanasi: 2016 yil 24 mart.

4. OECD Reviews of Evaluation and Assessment in Education «Synergies for Better Learning». OECD publishing, PARIS CEDEC. 2013.

5. Qosimova K. yaboshq. Ona tili: 2-sinf uchun darslik/. - Qayta ishlangan o'n to'rtinchchi nashri. -T: Cho'lpon nomidagi NMU, 2018. —144 b.

РЕЗЮМЕ

Maqolada boshlang'ich sinflarda ona tili darslarini o'qitishda, o'quvchilarda tayanch kompetensiyalarni shakllantirishda interaktiv vositalardan foydalanish, integratsion darslarni tashkil etish yuzasidan fikr-mulohazalar bildirilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы использования интерактивных инструментов для преподавания уроков родного языка в начальной школе, формирования базовых компетенций у учащихся и создания интегрированных уроков.

SUMMARY

The article discusses the use of interactive tools for teaching native language lessons in elementary school, the formation of basic competencies in students and the creation of integrated lessons.



ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИЖОДКОР ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Самарова Ш. Р.

пс.ф.н., доцент, Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти

Таяинч сўзлар: таълим-тарбия, ижодий тафаккур, шахс, шахсни тарбиялаш, ижодкор шахс, таълим психологияси, бихевиористик ёндашув, когнитив ёндашув, ёш психологияси, ақлий-физиологик имконият

Ключевые слова: образование и воспитание, творческое мышление, личность, воспитание личности, творческая личность, педагогическая психология, бихевиористический подход, когнитивный подход, возрастная психология, интеллектуально-физиологический потенциал.

Key words: education and upbringing, creative thinking, personality, personality upbringing, creative personality, pedagogical psychology, behavioral approach, cognitive approach, developmental psychology, intellectual and physiological potential.

Бугунги кунда, юртимизда юз берадётган улкан ўзгаришлар барча соҳаларга, шунингдек, таълим жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаяти. Ижодкор, фаол, мустакил фикрловчи шахсни тарбиялаб вояга етказиши учун таълим тизимида муҳим ўзгаришлар ва кайта куриш хаёти зарурат бўлиб қолмокда. Шу боисдан, таълимда туб ўзгаришлар ясаш, фаол, ижодкор, ақлзаковатли, зиёли мутахассисларни тайёрлашнинг илмий асосларини яратиш катор фанларнинг, шу жумладан, педагогик психологиянинг долгзарб вазифаларидан бири сифатида майдонга чиқмоқда.

Шунингдек, бугунги кун жаҳон педагогикаси ва таълим-тарбия психологияси олдида турган муҳим масалалардан яна бири, нафакат билимли, балки ижодий тафаккур соҳиби бўлган, мустакил фикрловчи шахсни шакллантиришнинг йўл, усул ва воситаларини излаш асосий масалалардан хисобланади.

Маълумки, ижодий фикрловчи, ақлан етук, руҳан тетик, маънан баркамол шахсни шакллантириш гояси инсониятнинг пайдо бўлиши давридан бошланган бўлиб, у шу даврлар оралиғида босқичма-босқич ривожланиб келмокда. Ижодкор шахсни тарбиялаш билан боғлиқ ибтидоий тушунчалар бугунги кунда ҳам қадимий реликтлар тарзида талқин этилмоқда. Ижодкор шахсни тарбиялаш масаласи тарихига назар ташлайдиган бўлсақ, исломгача бўлган қадимий реликтларнинг мазмуни инсонни руҳан ва жисмонан ёвуз руҳлардан халос этиш, сақлаш, уларда яхшиликнинг доимоғалабасига ишонч ҳиссини шакллантириш, қалб поклиги, жисм соғломлигига даъват этувчи дастлабки тассаввурлардан иборат бўлган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, юртимизда яшаб ижод этган мутафаккирларимиз томонидан ҳам ўз даврида таълим жараённида ижодкор шахсларни тарбиялашда ўқитишнинг қандай усул ва воситаларидан фойдаланиш лозимлиги борасида ахамиятили фикр-мулоҳазалар ўргага ташланган. Жумладан, комусий олим Абу Райхон Беруний ўз асарларида бу борадаги масалаларга алоҳида тўхталиб, ўқувчи шахси, тафаккурини ривожлантириш учун таълим беришда кўпроқ қайси томонларга эътибор бериш кераклигини баён қиласди. Хусусан, олимнинг таъкидлашича, ўқитишида ёдлатиш эмас, балки тушуниш, мантикий фикрлаш, хуласалар чиқариш йўлига амал қилиш муҳимдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда таълим жараённида ижодкор шахсни тарбиялашда педагогик психологиянинг олдида турган кўйидаги долзарб муаммоларни белгилаш мумкин:

- таълим масканларида ўқувчи-талабаларни ўқитиши, шахс сифатида шакллантириши (ижтимоийлашув) жараёнини ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган методлар (услублар, шакллар), воситалар, усулларни янги мазмун билан бойитиш, монологик ўқитиши тизимидан диалогик, инновацион (янгиликка асосланган), ҳамкорлик (ўқитувчи билан талабалар фаолиятини уйғуллаштириш) сингари таълимнинг янги турларига ўтиш;
- мутахассислар тайёрлаш бўйича ўкув режаси, дастури ва уларга асосланниб чоп килинадиган дарсликлар, ўкув кўлланмалар, ишланмалар, маъруза матнларини кайгадан кўриб чиқиш, уларни мамлакатимиз ҳудудлари хусусиятларини хисобга олган ҳолда такомиллаштириш, янада пухтлаштириш, мутахассисликка бевосита алокаси бўлмаган ўкув фанларини (материалларини) оқилона қисқартириш ва таълимда инсон омилини хисобга олиш;
- таълим-тарбия жараённида ўқувчи-талабаларда фикрлашни шакллантириш, уларни ижодий изланишига ўргатиш, танқидий тафаккурни таркиб топтиришга эришиш;
- таълим муассасаларида истеъоддли талабалар фаолиятини ташкил қилиш, уларда истеъодд топшириклари ранг-баранглигини таъминлаш ва уларни ечишни уddaлаш лаёкатини шакллантириш, ижодий унсурларнинг мавжудлиги ва узлуксизлигини англаб этиш, башорат қилиш лаёкатини ривожлантириш, ўқувчи-талабаларни ностандарт топширикларни бажаришга ўйналтириш, ижодий изланишини ҳоҳиш, лаёкат, майл ва мотивидан келиб чиқсан ҳолда ташкил қилишни йўлга кўйиши;
- таълим жараённида муаммоли вазиятларни юзага келтириш (масалан, ижодкорлик, ижодий фикрлашнинг асосий омилларига тавсиф бера ола-сизми?).

Ушбу вазиятни янада якколлаштириш учун «Ижодкор шахснинг психологик портретини ҳамда жисмоний тузилишини кўз ўнгингизга келтиринг, уни тасаввур килинг» деган йўлланмана беришнинг ўзи кифоя.

Шунингдек, мураккаб топишмоқ шаклидаги тестларни талабалар иختиёрига бериш. Масалан, бир йигит билан киз ҳордик чиқариб ўтирган эди, йўловчилардан бирни кизга «бу ким?», деб савол билан мурожаат қилди ва у шундай жавобни эшигиди: «Бу йигитнинг онаси мени онамнинг қайнонаси бўлади». Муаммо ўз ечимини кутади, киз ким билан ўтирган экан? – таълимни фаол услублар негизида куриш лозим, токи бунда ўқитувчи билан талаба ҳамкорлиги устувор ўрин эгалласин. Тест,

бахс, ишбилармонлик ўйинлари, мураккаблаштирилган педагогик муаммо, эвристика, тренинг, психодрама, бошқотирма, фикрлар жанги каби фаол, мустақилликка етакловчи ўқитиш методлари ва шакллари таълимнинг негизига айланишини таъминлаш.

Таъкидлаш жоизки, ижодкор шахсни тарбиялаш бўйича бугунги кунда таълим-тарбия тизимидағи ўрни келгандга, айрим анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирувчи, ўкувчиларни ижодий фикрлашга ундовчи интерфаол таълим методлари билан бойитиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, дарс жараёнини оқилона ташкил этиш, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини ортириб, таълим жараёнидаги фаоллиги муттасисл рағбатлантирилиб турилиши, ўкув материалиини кичик-кичик бўлакларга бўйиб, уларнинг мазмунини очиша турли хил замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш мустақил фикрловчи, ижодкор шахсларни тарбиялаш гаровидир.

Бугунги кунда ракобатчиликка асосланган бозор иктисидёти тезкор, тадбиркор, шароитга кўра иш тута биладиган, мақсадга эришиш ўйл, усул ва воситаларини зудлик ва оқиллик билан янгилай оладиган фаол шахсларга муҳтожлик сезмоқда.

Шунинг учун Фарб давлатларида таълим ва тарбия тизимига бихевиористик ёндашувдан когнитив ёндашувга қараб силжиш кузатилмоқда. Инсон фаолиятини баҳолашда когнитивизм ўтган асрнинг 60-йилларигача бўлган педагогика ва психологияяда ҳукмрон бўлган бихевиористик ёндашувдан қўйидагича фарқланади: а) бихевиористик ёндашувда инсон хаттиҳаракатлари ташки мухит таъсири билан белгиланадиган, кўп ҳолларда онгизз реакциялар мажмуаси сифатида тушунилади; б) когнитив ёндашувда бу хатти-харакатларда онглийлик, таълим асосида ҳосил қилинган малака ва қўнікамалар устунлиги тан олинади.

Булардан кўриниб турибдики, бихевиористик ёндашувда инсон таълим-тарбияси суст, когнитив ёндашувда эса улар фаолдир. Бозор иктисидётида яшаш шарти эса инсоний фаолликни талаф килади. Шунинг учун ҳам АҚШ ва бошқа Фарб давлатларида ўтган асрнинг 60-йилларидагёк когнитивизм зудлик билан педагогика, педагогик психология ва дидактика тизимларига кириб кела бошлади.

Ўша даврда анча оммалашган таълимнинг вербал (яъни, таълим-тарбия жараёнидаги коммуникатив мулокотда таълим олувчининг фаоллиги ва ўзлигини намоён килишга йўналтириш) усуллари билан бирлашиб, педагогик психологияда онгли, вербал, когнитив таълим йўналишлари шаклланди.

Мазкур йўналишда таълимни ташкиллаштириш, таълим усулларини тўғри танлаш ва қўллаш, таълим сифатини ошириш, таълим жараёнидаги ижодкор шахсни тарбиялашда қўйидагилар таълим марказига кўтарилид:

- когнитивлик – шахсни фикр юритиш жараёнига етаклайдиган, билиш фаолиятини ноаник, номаълум янги унсурли масала мөхиятига киришга ундейдиган ва уларни ҳал килишга йўналтирадиган ҳамда билим ва маълумотларнинг шахс онги, мустақил фикр юритиши, ижодкорлик қобилиятининг ўсишига ва ақлий жиҳатдан тараққий этишига олиб келадиган таълимий фаолиятдир;
- диалогли таълим – ўкув мавзуси ёки муаммони гурух шароитида ўқитувчи билан биргаликда ва ҳамкорликда муҳокама қилиш орқали таълим олувчиларни нафакат фаоллаштириш, балки ижодий мухит яратиш ва фикрлар алмашинувини таъминлаш орқали ҳар бир таълим олувчининг манфатдорлигини таъминлаш. Бу орқали ўкувчи-талаба ўкув жараёнининг

объектидан унинг субъектига айланади;

- онглилик – таълим жараёнинг оঁгли муносабатни намоён килиш, берилган топширик ёки вазифаларни фикрий жараёндан ўтказиш оркали индуктив хуласалар чиқаришига лаёқатлилик.

Табиийки, юкоридаги мезонлар ўкувчи-талабаларда ижодий ва эркин фикрлаш, фаоллик ва ўз нуқтаси назарини таҳлил килишга имкон яратиб, уларда ташаббускорлик, билимдонлик хамда ўз ақлий имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Педагогик психологияда ижодкор шахсни тарбиялашда таълимни ташкил этиши, таълим жараёнида таълимнинг интерфаол усуслариidan кенг фойдаланиши ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашнинг асосий педагогик-психологик омилларидан бири сифатида каралади.

Таълим олувчиларни ижодкорликка ундовчи интерфаол таълим методларининг педагогик-психологик моҳияти шундаки, оддий мунозарада баҳслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишига харакат киласалар ва мустакил фаoliят юри-тиш натижасида таълим олувчи шахсида ижодкорлик хислатлари шаклланади.

Бунда баҳлашувчиларга мияга қандай фикр күйилиб келса, уни танқидсиз ва асосламай эркин, «тилга нима келса», лекин навбатма-навбат айтиш имконияти берилади. Бу нарса күпроқ муаммо анча нотаниш, савол мураккаб ёки ноаник бўлгани шароитларда кўл келади. Яъни бунда «эркин ассоциациялар»га имкон берилади ва охир-оқибат талабанинг ўзи муаммонинг маълум рационал «мағзни» ажратиб олади.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда таълим жараёнида ижодкор шахсни тарбиялашнинг асосий йўналишлари сифатида куйдагиларни кўрсатиш мумкин:

- «тъльимни индустрлаштириш», яъни компьютерлаштириш ва технологиялаштириш асосида хозирги замон жамиятининг аклий фаолиятини кучайтириш;
 - тъльимнинг хозирги вақтгача устунлик қилган ахборот берувчилик шаклларидан фаол ўқитиш методлари ва шаклларига ўтиш. Бу йўналиш «ҳотира мактаби»дан «тушуниш мактаби», «тафаккур мактаби»га ўтишдан иборат;
 - ўкув-тарбиявий жараённи ташкил қилиш ва бошқаришда қатъий белгиланган назорат усусларидан ривожлантирувчи, фаоллаштирувчи, такомиллаштирувчи усусларга ҳамда ўйин усусларига ўтиш. Бу эса таълим олувчиларнинг ташкилий-ижодий, мустақил фаолиятини кўллаб-куватлаш ва уни ривожлантириш имкониятини яратади;
 - таълим олувчи ва педагог ўргасидаги ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш, яъни таълим олувчиларни биргаликдаги жамоа фаоллиги сифатидаги иштирокини таъминлаш. Бунда асосий ургу ўқитувчининг билим бериш фаолиятидан тала-банинг билим олиш фаолиятига ўтказилади. Ўзбекистон давлат жаҳон tillлари университети талабаларида мустақил фикрлаш ва ижодкорлик кобилиягини шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёнларини кузатишларимиздан маълум бўлишича, мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялаш жараённида воқеалаштириш усуслари жула кўп ва ранг-баранглар.

Улардан ассоцийлари сифатида қуидагиларни санаб үтишимиз мүмкін:

- ҳар бир машғулотда ўқувчи ўқитувчи дарслек талаби асосида унга берган, етказган билимларни такрорлаши эмас, балки унинг йўлланмаси билан янги билим хосил бўлишини таъминлаши лозим. Бу эса фикрлаш ёрдамида билим одувчидаги билишга интилишнинг амалий кўнкимасининг

- шаклланишига олиб келади;
- дарсда ўкувчи суст тингловчи эмас, балки изловчи, қиёсловчи, кашфиётчи бўлиши керак. Шунинг учун ўкувчи ёки талаба оғзидан чиқсан хар бир сўз, фикр, ҳукм, баён унинг ўзиники бўлмоғи шарт. Албатта, ўкувчидаги түғилган бу фикр оламшумул кашфиёт ёки бирор чигал муаммонинг ечими ҳам, ўқитувчи (дарслек) берган ахборотнинг соддагина тақорори ҳам бўлмаслиги мумкин. Бундай таълим усули ўкувчи-талабада мустақиллик, масъулият, ўз менлигини англаш, ижод, бунёд қилиш руҳини тарбиялашга хизмат килади. Натижада ўқитувчи билан тингловчилар орасида дарс жараёнидаги алоқа – муносабат жуда кўп ҳолларда жонли оғзаки мулокот, колаверса, баҳс тусини олиши мумкин;
 - ўқитувчининг таълим олувчига берадиган изланиш ва фикрлаш йўлланмаси шундай бўлмоғи лозимки, синф ёки гуруҳдаги ўкувчиларнинг изланиш ва ижод маҳсулни айнан бир хил бўлмаслиги – моҳияттан бир йўналишдабўлиб, лекин шаклан хар хил бўлмоғи лозим. Шундагина хар бир таълим олувчи ўзлигини мумкин кадар ёрқинроқ ифода этиши имкониятига эга бўлади ва уларда хар бир машғулотда мусобака руҳи етакчилик килади;
 - дарс жараёнда (уй вазифасини бажариш ва уни синфда, аудиторияда таҳлил этишда) ўкувчи-талаба ўқитувчи йўлланмаси асосида изланар, фикр қиласи, бирор нарсани топар, бирор хулоса ва ҳукмга келар экан, у ўз фикрини асослаш ва исботлашга, ҳимоя қилишга интилмоғи зарур.

Адабиётлар:

1. Каримова В.М. Аудиторияда баҳс-мунозарали дарсларни ташкил этишининг психологияк технологияси. – Т.: «Университет», 2000.
2. Матюшкин А.М. Некоторые проблемы психологии мышления. «Психология мышления». / Сборник переводов с английского и немецкого под ред. А.М.Матюшкина. - М.: «Прогресс», 1965.
3. Раҳманова Н.Р., Умаров Б.М. Психологические основы учебно-познавательной деятельности вуза. – Т.: ИПТД имени Гафура Гуляма, 2008. -С. 67.

РЕЗЮМЕ

Макола ўкувчи-талабаларда ижодкорлик қобилиятини шакллантиришининг ижтимоий-психологик омилларига бағишлиланган бўлиб, унда таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирувичи, мустақил фикрлашга ундовчи интерфаол таълим методларини хамда таълим жараёнидаги бихевиористик, когнитив ёндашувлар орқали таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий тафаккурни шакллантиришининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган. Шунингдек, маколада ижодкор шахсни тарбиялаш жараённи ва унинг психологик механизmlари, компонентлари, яратилаётган янги авлод дарслекларининг кодкор шахсни тарбиялашдаги ўрни масалалари камлаб олинган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена психологическим факторам формирования творческого мышления у студентов и учеников. В ней анализируются методы активизации деятельности обучающихся, интерактивные методы, формирующие креативность, а также бихевиористические и когнитивные подходы развития творческого мышления личности. Также в статье охватываются задачи, принципы, механизмы и компоненты развития творческой личности при создании учебников нового поколения, когда особое место уделяется воспитанию творческой личности.

SUMMARY

The article is devoted to the psychological factors in the formation of creative thinking in students and pupils. It analyzes the methods of activating the activities of students, interactive methods that shape creativity, as well as behavioral and cognitive approaches to the development of creative thinking of a

person. The article also covers the tasks, principles, mechanisms and components of the development of a creative person when creating textbooks of a new generation, when a special place is given to the education of a creative person.

TEXNOLOGIYA DARSALARIDA O'QUVCHILARNING IJODIY QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISHNING ZAMONAVIY USULLARI

Karimova M.N.

Buxoro Davlat Universiteti “Mehnat ta'limi” kafedrasи katta o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: mehnat, dars, interfaol pedagogik texnologiyalar, ta'lim mazmuni, ijodiy qobiliyat, taqdimot, bilish, anglash, baholash.

Ключевые слова: работа, урок, интерактивные педагогические технологии, образовательный контент, творческие способности, презентация, знания, понимание, оценка.

Key words: work, lessons, interactive pedagogical technologies, educational content, creativity, presentation, knowledge, understanding, assessment.

Axborot oqimi keskin ortgan, turli yangiliklar hayotimizga shitob bilan kirib kelayotgan davrda mustaqil tanqidiy fikrlash ko'nikmalariga ega bo'lgan, yangiliklarni o'rganishga doim tayyor bo'lgan, hamkorlikdan cho'chimaydigan, muloqotga erkin kirisha oladigan shaxsmi tarbiyalash ta'lim-tarbiya jarayonining asosiy maqsadi bo'lishi kerak va bu borada ta'limda yangi texnologiyalarning qo'llanishiga yo'l ochilishiga erishish yo'llidagi to'g'ri qadamdir.

Shunday ekan, o'quvchilarni mehnat faoliyatiga tayyorlashda kasb tanlash izchilligini takomillashtirish bilan bir qatorda mehnat ta'limi va tarbiysi jarayonida ijodkorlik fazilatlarini shakllantirishga e'tiborni qaratish muhim ahamiyat kasb etadi.

Shu o'rinda 1-jadvalda «ijod» so'zining lug'aviy ma'nosi keltirilgan.

1-jadval. «Ijod» so'zining lug'aviy ma'nolari

| Ijod; ijodkor; ijodkorlik | Falsafa izohli lug'atida | Pedagogik atamalar izohli lug'atida |
|--|--|---|
| O'zbek tili izohli lug'atida | Ijod – yaratish, kashfetish; vujudgakeltirish: 1. Badiiy, ilmiy, san'atga oid asar yoki moddiy boylik yaratish, vujudga keltirish; yaratuvchilik faoliyati. 2. Yaratuvchilik faoliyati mahsuli, samarası | Ijod – insonning yangilik yaratishga qaratilgan konstruktiv faoliyati. Ijod bir necha ko'rinishga ega bo'ladi: ilmiy, badiiy, texnik va boshqalar. Ijodfan, texnika va madaniyatni boyitadi, bilimni rivojlantiradi |
| Ijodkor – ijod etuvchi, yuzaga keltiruvchi; yaratilgan narsa egasi | | Ijodkor – ijod xususiyatiga ega bo'lgan o'quvchi |

| | |
|---|---|
| Ijodkorlik – ijodkorishi, ijodkorga xos faoliyat, yaratuvchilik | Ijodkorlik – yangi moddiy va ma’naviy qadriyatlarni yaratish bilan natijalangan faoliyat turi |
|---|---|

O‘quvchilarning ijodiy faoliyatları, malakalari badiiy adabiyotlarni idrok etish, san’at asarları, musiqa, tasviriy san’at, arxitektura, teatr, kino, qo‘g‘irchoq san’ati, vogelikka estetik munosabatlari, estetik didlarida ko‘proq ko‘zga tashlanadi va shular orqali o‘quvchilarda mehnatda ijodkorlik malakalari hosil bo‘ladi, shakllanadi va rivojlanadi. Bularsiz o‘quvchilar ijodkorligini tasavvur qilish qiyin.

Har bir o‘quvchida ijodkorlikning o‘ziga xos fazilatlarining shakllanish darajasini nazorat qilish o‘qituvchining asosiy vazifasi hisoblanadi. Chunki buning natijasida o‘quvchilarda tashabbuskorlik, halollik va intizomlilik kabi xislatlar shakllanadi.

Barcha texnologiyalar o‘qituvchi va o‘quvchi faoliyatining anglanganligi, samaradorlik, harakatchanlik, mantiqiylik, yaxlitlik, ochiqlik, loyihalashtirilganlik; o‘quvchilarning o‘qu jarayonidagi mustaqil faoliyati ta’lim vaqtining 60-90% ini tashkil qilishi; shaxslashtirish kabi umumiy belgilarga xosdir. Ayniqsa, texnologiya darslari orqali o‘quvchilarda ijodkorlikni shakllantirish va bolaning mehnatga bo‘lgan munosabati muhim ahamiyat kasbetadi.

Ibn Sino, Farobiy, Naqshbandiy, Kaykovus, Navoiy, Termizi kabi allomalarimiz o‘z asarlarida mehnat tarbiyasini ulug‘lashgan.

Hozirgi kundagi olimlarimizdan R.Mavlonova, X.Egamov, I.Choriyev, N.Shodiyev, M.Magdiyev, Sh.Sharipov, N.Muslimovva X.Sanaqulovlar ham o‘zlarining ilmiy tadqiqot ishlari, darslik va uslubiy qo‘llanmalarida bu boradagi o‘z fikrlarini bayon etganlar.

Texnologiya ta’limi o‘qituvchi rahbarligida o‘quvchilar tomonidan bajariladigan aqliyva jismoniylar harakatlar jarayonidan iborat bo‘lib, yakuniy natijada ularning mehnat qurollari, vositalari va jarayonlari haqidagi bilimlarni hamda ma‘lum sohadagi ishlab chiqarish mehnatini bajarish uchun zarur bo‘lgan amaliy ko‘nikma va malakalarni egallashlari, ongli ravishda kasb tanlashga hamda jamiyat va shaxs farovonligi yo‘lida mehnat faoliyatiga qo‘shilishlariga imkon beruvchi shaxsiy sifatlar va tafakkur tarzini rivojlantirishga qaratilgan.

Texnologiya ta’limi darslaridagi ta’lim-tarbiyaviy vazifalar umumiyl o‘rta ta’lim maktablaridagi mehnat ta’limining umumiyl vazifalaridan kelibchiqib, quyidagi mashg‘ulot turlari jarayonida amalga oshiriladi:

- umumiyl va badiiy mehnat;
- umumiyl texnologiya asoslari.

Boshlang‘ich ta’limming 1-4-sinf o‘quvchilari qog‘oz va kartonni chiziqlar bo‘yicha qirqish va bukish hamda shu kabi operatsiyalarni bajarishni o‘rganadilar. Ayni paytda ular detallarni turli usullarda biriktirish va mustahkamlashni mashq qiladilar. Gazlama bilan ishslash bolalarning natural ipak va juntolali materialllar, to‘qimachilik sanoati mahsulotlarini bilishi, namuna, rasm, chizma va berilgan o‘lchamlar bo‘yicha andoza bichib olish bilan ilk bor tanishtirishni o‘zi chiga oladi. Texnik modellash mashg‘ulotlarida namuna, rasm va chizmalar, berilgan o‘lcham, konstruktur naborining detallari yoki turli materialllarni qo‘llab og‘zaki tasvirlash bo‘yicha texnik o‘yinchoqlar, modellar va makettlar tayyorlash nazarda tutildi.

Qishloq xo‘jalik mehnati bo‘yicha mashg‘ulotlarda 2-sinf o‘quvchilari kuzda o‘quv tajriba maydonchasida o‘stirilgan o‘simliklarning urug‘larini to‘playdilar, o‘tgan yil

davomida maydonchada qilgan ishlariga yakun yasaydilar, maktab ko'rgazmasi uchun eksponatlarni ajratadilar. Shundan so'ng o'quvchilar o'quv tajriba maydonchasidagi o'zlariga tegishli bo'lган yerni qishga tayyorlaydilar, ya'ni uni o'simlik qoldiqlaridan tozalaydilar, tabiiy va mineral o'g'itlar soladilar, yerni chopadilar. Bu ishlar jarayonida ular shaxsiy gigiyena qoidalariga rioya qiladilar.

Kuz oyalarida 1-4-sinf o'quvchilarini xona o'simliklarini nur va issiqlikka moslab joylashtirish bilan tanishadilar, ularga suvni to'g'ri quyish, tuproqni yumshatish, o'g'itlash, gultuvaklar hamda deraza tokchalarini yuvishni o'rganadilar. Bahorda o'quvchilar o'simliklarning qalamchalarini tayyorlash va ekish, ularni parvarish qilishni o'rganadilar. Shundan so'ng o'quvchilar ildiz olgan qalamchalarni gultuvaklarga ekadilar.

Bahorda 1-4-sinf o'quvchilarini bilan ajratilgan yerda katta va mas'uliyatli ish olib boriladi. O'quvchilar o'zlariga ajratilgan yerni ekinga tayyorlar ekanlar, yerni qayta chopadilar, xaskash bilan tekislaydilar. Egatolib, qatororalarini belgilaydilar. Ishning keyingi bosqichi ildiz mevalar va bir yillik dekorativ o'simliklarning nomlari bilan tanishish va ularni ekishga tayyorlashdan iborat. O'quvchilar bu o'simliklarning urug'ini sepish va ularni parvarish qilishni o'rganadilar. Bu ish jarayonida o'quvchilar madani yekinlarni hollarini begona o'tlardan farqlash, o'simliklarni to'g'ri sug'orish, tagini yumshatish va shukabilarni o'rganib olishlari kerak bo'ladi.

Tabiiy material bilan ishslash alohida qiziqish uyg'otadi. o'quvchilarloy, plastilin va tabiiy materiallardan qushlar, jonivorlar, ertak qahramonlarining shakllarini yasaydilar.

4-sinfda mehnat ta'limi darslarida o'quvchilar avvalgi sinflarda egallagan malaka va ko'nikmalaridan foydalanan, xilma-xil shakllarni yasaydilar, kengroq doiradagi yangi bilim va ko'nikmalarini egallaydilar. Bu malaka va ko'nikmalar ularga ishlarida yordam beradi, konstrukturlik, texnik ko'nikma va qobiliyatlar asosini rivojlantiradi, ularning politexnik bilim darajalarini kengaytiradi, o'simliklar hayoti tabiatini muhofaza qilish kabi tasavvurni rivojlantirishga yordam beradi. Bu sohaning o'ziga xos muhim xususiyati o'quvchilarning ijodiy faolligini rivojlantirishga qaratilganligidir. Boshmaqsad esa o'quvchilarini mustaqil mehnat faoliyatiga tayyorlash, keng bilimlarga ega, madaniyatlari, ijodkor, tashabbuskor hamda tadbirdor shaxsmi rivojlantirish hamda tarbiyalashdan iborat bo'ladi.

O'qituvchi oldiga qo'yilgan maqsadlar, ularni mukamallashtirish o'quv-tarbiya jarayonining alohida bo'g'inalarini qayta yo'naltirish hamda takomillashtirishni talab qiladi. Ya'ni, ta'lim jarayonini pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Pedagogik texnologiyaning tarkibiy elementlari bo'lgan ta'limning interfaol metodlari (noan'anaviy o'qitish) orqali o'qitish o'quvchilarda ijodiy qobliyatlarni shakllantirishga qulay imkoniyat yaratadi. «Noan'anaviy o'qitish usullaridan foydalanshtirishdan maqsad, uning afzalliklari, darsning samaradorligini oshirish tamoyillarinin madaniborat?» degan savolga quydagicha javob berish mumkin:

1. Noan'anaviy o'qitish eng sodda, qulay usul.
2. Mustaqil fikrleshni o'rgatadi.
3. Ko'ptarmoqli.
4. Sodda va oson.
5. Bilimni oshiradi.
6. Vaqtidan yutiladi.
7. Qiziqarli o'tadi.
8. Darsning samaradorligini oshiradi.
9. Dunyo qarashni kengaytiradi.
10. Tafakkurni rivojlantiradi.

11. O‘quvchilarining diqqat-e‘tiborini tortadi.
12. Har bir o‘quvchi bilan individual munosabatda bo‘lishni ta‘minlaydi.
13. Xotirani kuchaytiradi.
14. Izlanishga chorlaydi.
15. O‘quvchilarni o‘z ustidai shlashga chorlaydi.

O‘qitishdan ko‘zlanadigan maqsad bu davlat ta‘lim standartlarida belgilangan bilim va ko‘nikmalarни o‘quvchiga yetkazishdan iborat. Qachonki o‘quvchi tomonidan bilimqa bulqilinsa va tushunib yetilsa yoki o‘quvchi malaka oshirish uchun mo‘ljallangan topshirqlarni amalda namoyish etib bera olsagina, o‘qitish muvaffaqiyatli kechdi, deb hisoblasa bo‘ladi.

Ijodkorlik fazilatini shakllantirishda o‘quvchilarning bajarishi lozim bo‘lgan vazifalarida quyidagi talablarni inobatga olish lozim:

Bilim olish – asosiy dalillarni qidirish va topish, xotirada saqlay olish, tavsiflash, tanish, qayta jonlantrish, nominiyatish, izlanish, tuzilishini bilish va ko‘rsatish kabilalarini orqali amalga oshadi.

Tushunish – qayta so‘zlash, mohiyatini tushunish, tushuntirish, tasvirlash va boshqa usulda hamda boshqa so‘zlar bilan ta‘riflay olish natijasida erishiladi.

Ishlatish (qo‘llash) – olingen bilimni boshqa sharoitlarda qo‘llash (ishlatish, yechish, tajriba o‘tkazish, qo‘llash, kuzatish, oldindan bashorat qilish, biror-bir muammoni hal qilish)ni o‘zichiga qamra boladi.

Tahlil (analiz) – tushunchalar orasidagi asosiy munosabatlarni aniqlash va ularning mohiyatini tushunish – soha materialini (bilim, hodisa, mashina, ma‘lumot) tashkil etuvchilarga (tarkibiy qismalgara) bo‘lib chiqish va ularning har birining vazifasini tushunib olish. Oddiydan murakkabga va murakkabdan oddiyiga yo‘nalishida tahlil qila olish (qismlar orasidagi munosabatlarni aniqlash, bir-biriga ularash, birlashtirish, bo‘lib chiqish, turkumlarga ajratish, guruhlarga ajratish, umumiyy qonuniyatlarini topish, toifalarga bo‘lib chiqish).

Sintez – yangi narsani (bilim, predmet, mashinani) uning bir qancha qismlaridan (bo‘laklaridan) ularning xossalardan foydalangan holda tashkil qilish (tuzish, konstruksiya yig‘ish, kombinatsiyalash, yangi fikr yaratish, yangi farazlarni taklif qilish), ularni sinashni amalga oshirish va natija asosida yangilarini mavjudlariga raqobatchi sifatida ishlab chiqish.

Baholash – erishilgan natijani aniqlash, qaror qabul qilish yoki yechim topish (baholash jarayonini amalga oshirish, halqilish, sabab va oqibat zanjiridagi aloqalarni aniqlash, toifalarga bo‘lish va ularni aniqlash).

Adabiyotlar:

1. Yo‘ldoshev J.G., Hasanov S.A. Pedagogik texnologiya. O‘quv qo‘llanma. – T.: «Iqtisod moliya», 2009.
2. Mavlonova R. Pedagogika darsligi. – T.: «O‘qituvchi», 2008. –215-b.
3. Mavlonova R.A., Sanaqulov X.R., Xodiyeva D.P. Mehnat o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llama. – T.: TDPU, 2007.
4. Pedagogik atamalar lug‘ati. – T.: «Fan», 2008.
5. Tolipov O‘.Q., Usmonboyev S.A.. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. O‘quv qo‘llama. – T: «Fan va texnologiya», 2006.
6. Falsafa: ensiklopedik lug‘at. – T.: O‘MEDIN, 2010.

PE3IOME

Maqolada texnologiya darslarida o‘quvchilarining ijodiy qobiliyatlarini shakllantirishda pedagogik texnologiyalar elementlari bo‘lgan ta‘limning interfaol metodlaridan foydalanshan xususida mulohaza yuritilgan. Noan‘anaviy dars shakli asosida o‘quvchilarning ijodiy qibiliyatlarini shakllantirishga yo‘naltirilgan ta‘lim texnologiyasi borasida ma‘lumot keltirilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается использование интерактивных методов обучения, которые являются элементами педагогической технологии в построении технологии творческих способностей студентов. Он предоставляет информацию об образовательных технологиях, чтобы помочь студентам развить свои способности на основе нетрадиционного урока.

SUMMARY

The article discusses the use of interactive teaching methods, which are elements of pedagogical technology in building technology of students' creative abilities. It provides educational technology information to help students develop their abilities based on a non-traditional lesson.

ҮҚУВЧИДА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ

Бекманова З.А.

Нукус тиббиёт колледжи директор ўринбосари

Таянч сўзлар: танқидий фикрлаш, ахборот маданияти, ўқувчи, интернет, кутубхона, цивилизация.

Ключевые слова: критическое мышление, информационная культура, читатель, интернет, библиотека, цивилизация.

Key words: critical thinking, information culture, reader, Internet, library, civilization.

Ахборот коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши вақт ва масофани қисқартириб, жаҳон цивилизацияси билимларига кенг йул очиб бермоқда. Бир вақтлар фан, маданият, таълим ва бизнес соҳаси учун маълум ҳудуддаги кутубхоналардаги ресурслардан фойдаланилган бўлса, бугунги кунда улар фойдаланиши мумкин бўлган ресурслар ҳажмига Интернет тармогидаги барча ресурсларни ҳам киритиш мумкин бўлади. Жамиятда пайдо бўлаётган ахборот ресурслари ҳажмининг жадал ортиб бориши ахборот бўронини вужудга келтирмоқда. Бу ресурслардаги маълумотларнинг барчаси ҳам ишончли, аниқ фактларга асосланган, жамият ривожи учун хизмат қиласидаги ахборотлар деган фикрдан йирокмиз. Бу эса, бугунги кунда ўқувчи-ёшлиarda ахборотларни таҳлил қилиш, ҳаққоний маълумотларни ажратса олиш, умумлаштириш кўникмаларини шакллантириш заруриятини келтириб чиқаради. Ва бунга ўқувчидаги фикрлаш қобилияти, ахборот маданиятини шакллантириш орқали эриша оламиз.

Ахборот маданияти шахснинг ўкув, илмий-билиш, мустақил таълим олиш, дам олиш ва бошқа кўринишларни фаолияти жараённада пайдо бўладиган ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган, шахсий ахборот фаолиятини самарали ташкил қилишини таъминлайдиган билимлар, малака ва кўникмаларининг тизимлаштирилган мажмуасидир. Умуман олганда, ахборот маданияти ахборотдан самарали фойдаланиш билим ва кўникмалари бўлиб, керакли ахборотни ахборот ресурсларидан ахборот технологияларининг барча кўринишлари (компьютер ва Интернет тармоги технологиялари) орқали кидиришнинг турили хил билимларидан иборат.

Ахборот маданияти билан бир каторда ўқувчиларда танқидий фикрлаш қобилиятини ҳам шакллантириш зарур хисобланади. Психология ва ёндош фан вакиллари томонидан танқидий тафаккурга бир канча таърифлар берган бўлса-да, улар мазмунан бир-бирига анча яқин. Мана шундай кенг тарқалган бирмунча содда ва машхур

таърифлардан бири қўйидагичадир; танқидий тафаккур - бу исталган натижага эришиш имкониятларини оширувчи когнитив техника ёки стратегияларни қўллашдир. Бу тавсиф танқидий тафаккурни назорат қилинадиган, максадга қаратилган, асосланган, шу хусусиятларига қўра масалалар ечиш, хулосаларни шакллантириш ва ечимларни қабул қилишда қўлланиладиган тафаккур типидан анча фарқлади.

Танқидий сўзи таъриф таркибида қўлланилар экан, баҳолаш хусусиятига эга бўлади. Баъзан у бирор нарсага нисбатан салбий муносабатни ифодалаш максадида қўлланилади, масалан, “У фильмга анча танқидий муносабат билдири” дейилганида томоша қилган кишининг фильм ҳакида унча яхши фикрда бўлмаганини англаш мумкин. Аслида танқидий баҳо берилганда, позитив ёхуд негатив муносабат конструктив даражада ифодаланиши керак. Биз танқидий фикрлар эканмиз, ўз фикрий жараёнларимиз натижаларини баҳолаймиз, бу бизнинг қанчалик тўғри карорга келганимиз ёки қўйилган вазифани қай даражада уddaлаганимизни ҳам кўрсатиб беради.

Танқидий тафаккур қилиш кўнинкасига эга ўқувчи ахборот ва маълумотларни баҳолаш ва интерпретациялаша (изоҳлаш)нинг турли хил усусларини ўзлаштириб олади, матндан зиддиятларни, ундаги мавжуд тузилма типларини ажратади, ўз нуктаи назарини мантиқа таянган ҳолда ҳамда, шу билан бирга, сухбатдошининг фикрларини назарда тутиб асослай билади. Бундай ўқувчи турли ахборот ва маълумот турлари билан ишлар экан, ўзига ишонган ҳолда, турли- туман ресурслардан самарали фойдалана билади. Танқидий фикрловчи ўқувчи атроф-оламнинг кенгкамровли тафаккур майдонидан умуминсоний қадриятлар доирасидаги турфа нуктаи назарларни илғай билади.

Таълим сифати ҳакида сўзлар эканмиз, биз аксарият олинадиган таълим дараҷасининг замонавий ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларга мувофиқ келишини, истиқболда ушбу шарт-шароитларнинг ўзгаришини хисобга олишни, таълимнинг қадр-қимматини оширувчи қўшимча параметрлар (бу қўшимча таълим, таълимнинг бошқа соҳалар билан алокадорликни таъминлаши ва х.к.)ни назарда тутамиз. Танқидий тафаккурни шакллантириш ўз-ўзига ва оламга нисбатан вариатив, мустақил, онгли нуктаи назарга эга таянч муносабатларнинг таркиб топишини назарда тутади. Бу хил нуктаи назар таълимнинг ишончли бўлишини таъминлайди – чунки у ҳақиқатан ҳам онгли ва рефлексив бўлиб, шахснинг коммуникатив имкониятларини кенгайтиради.

Кишилар ёки талабалар билан танқидий тафаккур ҳакида суҳбат ўтказганимда, баъзан улар танқидий тафаккур йўқ деб уқтиришади, чунки бир саволга жуда кўплаб жавоблар мавжуд бўлиши мумкин, ҳар қандай одам ўз нуктаи назарини айтишга ҳаққи бор. Албатта, ҳар бир инсоннинг мустақил фикрлашга ҳаққи бор, лекин шунга қарамай баъзи фикрлар бошқасидан қўра яхшироқ бўлади.

Келинг, биргалашиб танқидий тафаккурнинг турли соҳаларда бирдек зарур бўлишига мисоллар ахтариб қўрайлик. Мисолни рекламалардан бошлаган маъқул. Реклама тарқатувчilar харидорларни айнан уларнинг маҳсулотларини сотиб олишга ишонтириш учун катта маблағ сарфлашади. Реклама кампанияси ташвиқ этаётган маҳсулотига талаб ошса ва бундан компаниянинг ўзи ҳам моддий манфаатдор бўлсагина, ҳақиқатан тадбирали хисобланади.

Таълимнинг максади зиёли ва ўз фикрига эга бўлган шахсларни тарбиялашга қаратилиши лозим.

Айниқса, бундай таълим ҳосил қилинган малакаларни турли вазиятларда ва турли хил билим соҳалари бўйича қўллашга қаратилса, албатта, танқидий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришга эришилади. Таъкидлаш жоизки, танқидий тафак-

курнинг шакллантириш мүмкін бўлмаган аспектларининг ўзи йўқ. Биз ўз математик билимларимиздан кундалик турмушда фойдаланишимизни аниқ билганимиз сабабли математикани ўрганамиз. Худди шу каби болалар зарур ўринда фойдалансин деб уларга хат-савод ўргатамиз.

Ўкув машғулотлари жараёнида ўқувчиларда аҳборот маданияти ва танқидий тафаккурни шакллантиришга эътибор қаратилиши, танқидий тафаккурнинг турли методлари ўргатилиши натижасида ўкувчи ижтимоий муносабатлар жараёнининг турли шароитларида ўзлаштирган лаёқатларини қўллай биладилар.

Танқидий тафаккур одатдаги бирор соҳага оид билимларни ўзлаштиришга қаратилган машғулотларда ўз-ўзидан вужудга келиб колмайди. Кутилган натижага эришиш учун тафаккурни такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириш лозим.

Ўкувчиларнинг эътиборларини тўлиғича онгли равишда ўз фикрий лаёқатларини такомиллаштиришга ва олган билимларини қўллаши соҳасини кенгайтиришга қаратишлари учун танқидий тафаккурга ўргатиш ўзичига ҳаётнинг турли жабҳаларига тегиши кўплаб мисолларни камраб олиши зарур.

Чунки танқидий тафаккур кишиш кўникмасига эга ўкувчи аҳборот ва маълумотларни баҳолаш ва интерпретациялаш (изохлаш)нинг турли хил усусларини ўзлаштириб олади, матндан зиддиятларни, ундаги мавжуд тузилма типларини ажратса билади, ўз нуктаги назарини мантиққа таянган ҳолда ҳамда, шу билан бирга, сұхбатдошининг фикрларини назарда тутиб асослай билади. Бундай ўкувчи турли аҳборот ва маълумот турлари билан ишлар экан, ўзига ишонган ҳолда, турли- туман ресурслардан самарали фойдалана билади. Танқидий фикрловчи ўкувчи атроф-оламнинг кенгкамрови тафаккур майдонидан умуминсоний қадриялар доирасидаги турфа нуктаи назарларни илгай билади.

Ўқитувчи дарс ўтар экан у дарснинг ихтиёрий босқичини янги техник восита-ларни жорий этиш орқали жонлантириш мүмкін. Ўқув жараёнига аҳборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш ўқитувчига дарсларда ўкув-билув фаолиятининг турли шаклларидан фойдаланишга, ўкувчиларнинг мустақил фаолиятини фаоллаштиришга ва аниқ мақсадга йўналтиришга имкон беради. Аҳборот-коммуникация технологияларини ўкув аҳборотидан фойдаланишга имконият берувчи, аҳборотни кидириб топиш, йиғиш ва аҳборот манбаси билан ишлаш, шу жумладан интернет тармоғидаги манбалар, шунингдек аҳборотни сақлаш ва етказиб бериш воситаси сифатида қараш мүмкін. Ўқув жараёнида аҳборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўкув материали сифатини оширишга ва таълим самарадорлигини кучайтиришга ёрдам беради.

Ихтиёрий педагогик технология – бу аҳборот технологиясиdir, чунки таълим бериш технология жараёни асосини аҳборотни олиш ва уни ўзгартириш ташкил этади. Компьютердан фойдаланишга асосланган технологик таълим учун компьютер технологиялари избораси мос келади. Ўқитишининг компьютер (янги аҳборот) технологиялари-бу таълим олувчига бериладиган аҳборотни тайёрлаш ва етказиб бериш жараёни бўлиб, уни амалга ошириш воситаси компьютер хисобланади. Амалийтда ўқитишининг аҳборот технологиялари деб аҳборот (ЭҲМ, аудио, видео, кино) воситаларидан фойдаланувчи барча маҳсус техник технологияларга айтилади.

Аҳборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган дарсга тайёрланишда ўқитувчи шуни эсдан чикармаслиги керакки, бу дарс, шунинг учун дарс режасини унинг мақсадларидан келиб чиқиб тузиши, ўкув материалини танлаб олишда эса асосий дидактик принципларга амал қилиш шарт: тизимлилик ва

кетма-кетлик, дифференциал ёндашув, илмийлик ва бошқалар. Бунда компьютер ўқитувчини алмаштирамайди, балки фақат тўлдиради.

Ахборот-коммуникация технологиялари кўллаб ўтилган дарсга қўйидаги хусусиятлар хосдир:

1. Мослашувчанлик принципи: компьютерни боланинг индивидуал хусусиятларига мослаштириш;

2. Бошқарувчанлик: ҳар қандай вазиятда таълим жараёнини ўқитувчи томонидан ўзгартирилиши, тузатиши мумкинлиги;

3. Ўқитишининг диалог ва интерфаоллик хусусияти; ахбороткоммуникация технологиилари ўқитувчи ва ўқувчи ҳаракатига муносабат билдириш, жавоб бериш хусусиятига эга, улар билан диалогга киришиши мумкин, бу эса компьютерли таълим методининг энг асосий хусусиятини ташкил этади;

4. Якка ва гурухли ишларнинг энг мутаносиб (оптимал) мослиги;

5. Компьютер билан мuloқотда ўқувчиларнинг психологик кўтаринки кайфиятини ушлаб туриши.

Таълими жараёнда ахбороткоммуникация технологияларининг кўлланилиши ўкув жараёни умумий даражасини оширади, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган фаоликларини кучайтиради. Бунинг учун ўқитувчи бир катор кўникмаларга эга бўлиши керак. Булардан асосийлари: техник, яъни компьютерда ишлаш учун стандарт дастурий таъминотдан фойдалана олиши кўнимаси; услубий, яъни ўқувчиларни саводли ўқитиш учун керак бўладиган кўникмалар; технологик, яъни турли дарсларда ўқитишининг ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш учун керак бўладиган кўникмалар.

Ахборот-коммуникация технологиялари дидактик материали мазмуни ва шакли бўйича турлитумандир: электрон дарслерлар, видеоролик, мусиқа, маълум мавзудаги тақдимотлар, ривожлантириш хусусиятига эга турли тестлар, топшириклар ва бошқалар. Дарсларда ахборот технологияларини кўллаш билиш фаолиятини фаоллаштирувчи асосий принциплар-ишониши ва тескари алоқа, тадқиқотчиликни тўлиқ амалга ошириш имкониятини беради.

Жамиятнинг янгиланиши дунёга ўзгача қараш, мустакил, танқидий фикр килишни тақозо этади. Демак, ҳарбир шахс ва фуқаро жамиятда ўз ўрни ва мавқеини топиши, миллий ифтихор туйғусини шакллантириши, шунинг билан биргаликда, маънавиятни бойитиши лозим. Ўзлигини англаган инсон жамиятга, ундаги ўзгаришларга тафаккур кучи, танқидий кўз билан қарайди, ҳарбир ҳодисани таҳлил қилиб, баҳолайди.

Янгича тафаккур ва дунёқарашсиз бугунги глобал таъсирлар кўлами авж олаётган жамиятда шахсада барқарор миллий характерни такомиллаштириш ҳам, инсоннинг жамият ҳаётидаги онгли ва икодий фаоллигини таъминлаш ҳам мумкин эмас. “Глобал муаммоларнинг даҳшатли кўлами шу даражада реалки, – деб ёзади тадқиқотчи А.Печеи, – инсоният бундай таҳликали холатдан фақатгина ўз тафаккури ва хуලқатворида кескин инқилобий ўзгаришларни шакллантирибгина кутулиши мумкин”

Бинобарин, ижтимоий муносабатларнинг сифат жихатдан янги босқичга кўтарилиши глобал тафаккур юритишини талаб этмоқда. Чунки глобал фикрлар оркали миллий маданиятлар соғлигини саклаб қолиш ва дунёда содир бўлаётган жараёнлардан хабардор бўлиб, уларга ҳаёт фаолиятини мослаштириш ёки улардан химояланиш мумкин. Маълумки, ҳарқандай янгилик, воқеа-ходиса ҳамда гоявий таъсир, энг аввало, инсон руҳида чукур из колдиради. Инсон миясига ҳар куни бамисолиселдек босиб кираётган ахборотлар оқими бир кун келиб, барибир, унинг дунёқараши

ва ота-боболардан мерос бўлган маънавий ва руҳий оламини ўзгариши шубҳасиз.

Олиб борилган кузатишлар, манбалар таҳлилига таяниб, куйидаги умумий хуласаларга келинди:

1. Таълим олувчиларнинг ахборот маданияти, фикрлаш фаолияти ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва бойитиш, келгуси фаолияти учун зарур бўлган кўнікмалар ва фазилатларини хосил килиш ҳамда ривожлантириш шаклидир. Таълим олувчиларнинг фаол фикрлашини ташкил этишдан мақсад уларни янги билимларини мустаҳкамлаб боришга одатлантириш, фанлардан берилган топшириқларни ўз вақтида тайёрлаш, керакли адабиётларни топиш, бўш вақтни оқилона ташкил этишга, бугунги кундаги кенг қамровли демократик ислоҳотларни тўғри баҳолашга ўргатиш, янгича дунёқарашни таркиб топтириш, ўз устида мунтазам, кунт билан ишлаш қобилиятини ўстиришдир.

2. Ахборот маданияти, фикрлаш фаолиятини ўстиришда тегишли манбаларнинг баззи керакли жойларини, кийин терминларни, асосий гоялар ва қоидалар, търифларни ёзib бориши мақсадга мувофиқдир. Материалн ёзib борганда унинг мазмунни кўпроқ эсда сакланиб колади, материал яхшироқ ўзлаштирилади, уни тўлиқ тушунишга, мазмунига чукурроқ ёндашишга, мустакил таҳлил килишга ўргатади, маълум вақт ўтгандан кейинки тоб мазмунини ёзувга қараб эсга тушириш, такрорлаш, ундаги асосий холатларни хотирлаш имконини беради.

3. Ахборот маданияти шаклланаган ўқувчи фикрлаш жараёнидаги ахборотларни таҳлил этишда аннотациялар, кисқача кўчирма, конспект ёзувларни кенг кўллаш, ахборотларни таҳлил қилиш, ижтимоий муносабатлар жараёнидаги кўллаш кўнікмасига эга бўлади.

Адабиётлар:

1. Загашев И.О., Заир-Бек С.И., Муштавинская И.В. Учим детей мыслить критически. Издательство 2-е. –СПб: “Альянс “Дельта” совм. с издательством “Речь”, 2003. – 192 с.

2. Николай Жевахов. Воспоминания товарища обер-прокурора Св.Синода княза Н.Д.Жевахова. Первый том. ИЗД.ТВО «Родник», 1993.

Стил Дж. Л., Мередит К.С., Темпл Ч. Обучение сообща. Пос.В./Подготовлено в рамках проекта «Чтение и письмо для критического мышления». – М.: Изд-во «ИОО». – 1997.– с. 35.

3. Халперн Д. Психология критического мышления. – СПб.: Издательство «Питер», 2000. – 512 с.

РЕЗЮМЕ

Маколада ўқувчиларда танқидий фикрлаш қобилиятини шакллантиришда ахборот маданиятининг ўрни хусусида фикр юритилган. Танқидий тафаккур, танқидий фикрлаш, ахборот маданияти тушунчалари илмий-назарий таҳлил килинган. Ўқувчиларда танқидий тафаккурни шакллантириш орқали ахборот маданиятини оширишнинг ижобий жиҳатлари асослаб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль информационной культуры в формировании у студентов навыков критического мышления. Концепции критического мышления, критического мышления, информационной культуры были проанализированы с научной точки зрения. Позитивные аспекты повышения информационной культуры через формирование критического мышления у студентов оправданы.

SUMMARY

The article considers the role of information culture in the formation of critical thinking skills in students. The concepts of critical thinking, critical thinking, information culture were analyzed from a scientific point of view. The positive aspects of increasing the information culture through the formation of critical thinking among students are justified.

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚҰВЧИЛАРИДА ЭКСКУРСИЯ
ТУРИЗМИ ВОСИТАСИДА ВАТАНПАРVARЛИК ТҮЙГУСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ**

Абдулманитов Э.А.

СамДУ мустақил тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: умумтаълим мактаблари, ўқувчи, экскурсия туризми, восита, ватанпарварлик түйгуси, тарбия, механизм, меъёрий хуқуқий, методологик, ички туризм, тарихий, меъморий ёдгорликлар, музеялар, театрлар, маданият уйлари, саёҳат, инновация, креативлик.

Ключевые слова: общеобразовательные школы, студенты, экскурсионный туризм, средства массовой информации, чувство патриотизма, воспитание, механизм, нормативно-правовой, методический, внутренний туризм, исторические, архитектурные памятники, музеи, театры, дома культуры, путешествия, инновация, креативность.

Key words: comprehensive schools, students, sightseeing tourism, the media, a sense of patriotism, education, mechanism, regulatory, methodological, domestic tourism, historical, architectural monuments, museums, theaters, houses of culture, travel, innovation, creativity.

Бугунги кунда республикамида аҳолининг барча қатламларига мўлжалланган ички туризмнинг жадал ривожланишига эътибор кучайтирилмоқда. Шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини туризм инфратузилмаси объектларини: яъни тарихий ва меъморий ёдгорликлар, музеялар, театрлар, маданият уйларига саёҳатлар ташкил этиш орқали мағфуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш ва истеъодидини кўллаб - кувватлаш, ўқувчи - ёшларни экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик түйгусини шакллантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Буларнинг барчаси бир бутун тарзда, умумий ўрта таълим мактабларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик түйгусини шакллантиришнинг педагогик механизmlарини такомиллаштириш заруратини юзага келди.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида “Жонажон Ўзбекистонимиз янги ўн йилликка қадам қўйимокда. Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимида янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича улкан вазифалар ва имкониятлар пайдо бўлмоқда. Шу боис, бугун Сизлар билан биргалиқда мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича, устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб олишимиз лозим деган таъкидлари, шунингдек катор нуфузли хорижий оммавий аҳборот воситаларида 2020 йилда Ўзбекистонни саёҳатга албатта бориши тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритилгани, туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш устувор вазифа эканлиги алоҳида эътироф этилиб:

- жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказиши;
- зиёрат ва тиббиёт туризмини ҳам жадал ривожлантириш зарурлиги;
- ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва Номоддий маданий мероси рўйхатига Ўзбекистондаги янги объектларни киритиш масалаларига алоҳида ургу бериб ўтилди.

Хакиқатдан ҳам ёш авлодни экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик түйгусини шакллантириш назарий ҳам амалий жиҳатдан ҳамма вақт муҳим ва муракаб муваммолардан саналиб келинган. Ҳозирги ўқувчи ёшлар ҳар қандай салбий таъсирчан гоялардан, онг, тафаккур қарамлигидан озод, оиласда, атроф-мухитда бўлаётган

вокеа - ходисаларни ҳаққоний баҳолайдиган ва уларга эркин муносабатларини билдирига оладиган ўзининг илғор фикрлари, намунаси билан оила азолари, синфдошлиари, дўстларига таъсир қила оладиган, интеллектуал кучга эга, тиришкоқ, билимли, жасур ва одобли бўлмоғи назарда тутилади . Бу ўринда умумтаълим мактаблари зиммасига ёшлар туризмини ривожлантириш масалалари юзасидан муҳим масъулият юкландиган бўлиб, уни амалга ошириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Тадқиқотларимиз жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, республикамизида ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали ахамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юрга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлокий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир.

Айтиш ўринлики, ҳар қандай ижтимоий иқтисодий ҳодиса сингари туризм ривожланишини тадқиқ этишда энг аввало унга назарий жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувоғик. Умумтаълим мактабларининг 5-9 синф ўқувчиларида экспурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйусини шакллантиришга қаратилган фаолият моҳиятини ёритиша “туризм”, “экспурсия”, “ватанпарварлик” каби тушунчалар таянч тушунчалар сифатида намоён бўлади. Тадқиқот муаммосини ижобий ҳал этишда бу тушунчаларнинг мазмунини тўлақонли англаб олиш тақозо этилади.

Умумтаълим мактабларида экспурсия туризми воситасида ўқувчиларда ватанпарварлик туйгуларини шакллантириш тушунчасини асос қилиб олган ҳолда, “ватанпарварлик” термининг моҳиятини ҳам очиб бериш тадқиқот ишимиzinинг муҳим таркибий қисмими ўзида ифода этади.

“Ўзбек тилининг изоҳи лугати”да “Ватанпарварлик” сўзига қўйидагича таъриф берилади: “Ватан ҳамхўрлик килувчи. Ўз ватанини, она юртни ҳалқини чексиз севувчи, ватан манбаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи” 2.“Ватанпарварлик” ватанпарварларга хос иш, ҳатти ҳаракат, хислат.

Табиийки, киндиқ қони тўкилган жой инсон учун ҳамма нарсадан ҳам кимматли даргоҳdir. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб кетаётгандарига тугилиб ўsgan ватани Маккайи мукаррамага юзланиб туриб: “Агар қавмим мени чиқиб кетишига мажбур қилмаганида, ҳеч ҳам ўз ихтиёrim билан уни ташлаб кетмаган бўлур эдим”, деганлари сийрати набавия китобларида баён этилган.

Демак, Ватанинни севиши, ватанпарвар бўлиши, ундаги бор нарсаларни ардоклаб, соғиниб яшаш инсоният табиатида мавжуд бўлган нозик хис-туйғудир.

Буюк аллома Алишер Навоий ҳазратларининг қўйидаги сўзида она-Ватанинни севувчи садоқатли ҳар бир кишининг қалбида файрат ва шижаот ўйғотади:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Ани ранжи – гурбат, хавас айлама.

Донолар айтадилар: “Кишининг вафодорлиги ва садоқати унинг ўз Ватани учун қайғуришидан, дўстларини соғинишидан ва умрининг зос кетказган лаҳзаларига ачиниб, ўқиниб яшашидан билинади”. Инсоннинг ўз ҳалқига бўлган садоқати ва фидойиличиги она Ватанини химоя қилиши, тараққий топиб, ҳар томонлама мустахкам ва кудратли бўлиши ҳамда ҳалқининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришига имкон даражада хисса қўшиши билан ўлчанади.

Тажриба ва кузатувларимиз, илмий адабиётлар таҳлили асосида айтишимиз мумкинки, туризм узоқ тарихга эга бўлса ҳам унга берилган таърифлар хилма – хил ва туризмни моҳиятини оиб берувчи ягона таъриф ҳали ҳанузгача мавжуд эмас.

Туризм сўзи француз тилидан олинган бўлиб “туризм (tourisme, от tour) “айланиш”, “кидириш”, “саёҳат” деган маънодарни билдиради.”

Шуну таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги конунининг 3 – моддасида туризмга шундай таъриф берилади. “Туризм – жисмоний шахснинг доимий истикомат қиласидаги жойидан соғломлаштириш, маърифий, қасбий – амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шугулланмаган холда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)” дан иборат. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг таърифига кўра “Туризм – инсонларнинг одатдаги муҳитдан ташкарида ҳордик чиқариш, иш ва бошқа мақсадларда 24 соатдан 1 йилгача бўлган муддатга саёҳат қилиши ҳисобланади”

Шундан келиб чиқкан холда умумтаълим мактабларида экспурсия туризми воситасида ўкувчиларда ватанпарварлик тўйғуларини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари:

- ўтмиш воқеалари занжирини яратиш, тиклаш ва ривожлантириш;
- географик қашфиётлар кетма – кетлигини кузатиш ва таҳлил қилиш оркали атрофлаги дунё, жаҳон маданиятини ўрганиш;
- миллий қадриятларимиз, урф – одат ва анъаналаримиз, тарихий меросимиз манбаларига таяниб ўкувчиларнинг билим ва тасавурларини ривожлантириш қонуниятларини таҳлил қилиш;
- тарихий ва миллий ҳусусиятлар контекстида ўкувчиларни меҳмондўстлик, байналмinal дўстлик, маданиятлараро минтақавий ҳамкорлик руҳида тарбиялаш;
- интернет тармоғида, шу жумладан республиканинг барча шаҳарларида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” шиори остида ташки реклама воситалярини (шит-баннерлар ҳамда ташқи экранлар учун роликлар) тайёрлаш ва ўрнатиш йўли билан ички туризмни кенг тарғиб қилиш тадбирлари ўтказилишини таъминлаш;
- Ўзбекистон туризм бренди ва “Uzbekistan.travel” сайти рекламаси бўлган босма маҳсулотларни (хариталар, рисолалар, буклетлар, флейерлар ва бошқалар), сувенир ва қадоқлаш маҳсулотларини (сумкалар, пакетлар, мактаб дафтарлари, ёрликлар, гифофлар, кийим-кечаклардаги ва ошхона анжомларидағи ёзувлар) тайёрлаш ва чоп этишга йўналтириладиган ички туризмни янада ривожлантириш ҳамда туризм инфратузилмаларини такомиллаштириш мақсадида ҳудудларда кичик туризм зоналарини ташкил этиш.

Ватанпарварлик – давлат ҳаётининг маънавий асоси. Ватанпарвар, ўзлигини англаган авлодни камол топтириш маънавий маърифий ислоҳотларимизнинг бош мақсади бўлиб турган бир вақтда, айтиш ўринлики, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Ислом цивилизацияси Маркази, ўзбек ромончилигининг асосчиси ватанпарвар адаб Абдула Қодирий хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром ва Абдула Қодирий номидаги ижод мактаби ва музейининг ташкил этилганлиги илм – фан, маърифатчилик, санъат ва адабиётга катта эътибор берилётганлиги ўкувчиларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашда мухим педагогик аҳамият касб этади.

Бугун Ўзбекистон “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сарі” деган устуворға асосида тараққиётнинг янги боскичига кўтарилимоқда. Маънавий меросимиз саналган миллий адабиётимизни улуғлаш, унинг бой хазинасини ёш авлодга етка-зиш мақсадидаатоқли шоир ва адабларимиз номларидағи ижод мактаблари ташкил

этимоқда. Мұхаммад Ризо Оғаҳий, Исҳоқхон Ибрат, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Мұхаммад Юсуф номидаги ижод мактаблари шулар жумласидандир. Абдулла Қодирий қатағон йилларида жуда катта жасорат күрсатиб, халқимизга бебаҳо мерос қолдирғани ўкувчиларни моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш масалалари ечимини топишига хизмат қиласы.

Адабиётлар таҳлилидан келиб чиққаб айтиш мүмкінки, умумтаълим мактаблари ўкувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш замирида уларни Ватанимиз мустақиллигини, унинг хавфсизлигини ва барқарорлигини таъминлаш ҳар бир ўғил кизнинг вазифаси эканлигини уктириш лозим. Тарихдан маълумки, юртимиз бошига оғир, синоволи кунлар тушганда унинг озодлиги, осойишталигини химоя қилишга кодир мард фарзандлар кўкрагини қалқон қилиб ёвга карши чиққан. Тўмарис, Спитамен, Муқанна Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби довюрак, жасур, ватанпарвар буюк саркардаларнинг номлари ва жасоратлари тилларда достонга айланган. Асрлар ўтса-да, уларнинг қаҳрамонликлари халқимиз қалбида мангу яшайди, ҳар бир ватандошимиз учун ўрнек бўлиб хизмат қилгандигини билиши зарур. Шундай бўлса - да, умумтаълим мактаблари ўкувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш долзарб муаммолардан бирига айлангандиги сир эмас.

Юқоридаги муаммолар ечими сифатида айтишимиз мүмкінки, республика мизда худудий имкониятлардан келиб чиқиб, ёшлар туризмини янада ривожлантириш ҳамда туризм инфратузилмаларини такомиллаштириш мазмунида миллый урф-одат ва анъаналар, миллый менталитет ўз ифодасини топган экскурсия туризмини ижтимоий мақомини ошириш мухим аҳамият касб этади. Экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш асосида ўкувчи-ёшларнинг маънавий-ахлоқий маънавиятини юксалтириш, хусусан тарихий қадамжоларда саёҳат уюштириб улардан эстетик завқ олиш, гўззаликка интилиш хислатларини тарбиялашда алоҳида тарбиявий аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан ҳам умумтаълим мактаблари ўкувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг усуллари, воситаларини аниқлаш, педагогик-психологик имкониятларини очиши зарурияти алоҳида долзарблик касб этмоқда. Чунки туризм воситасидаги таълим мининг ушбу йўналиши ўкувчиларда миллый маданий асрий ёдгорликларимга оид назарий ва амалий билимларин, бадиий - эстетик тафаккурни шакллантиришда, ватанпарварлик хисларини тарбиялашдаги долзарб муаммолардан хисобланади. Айтиш ўринлики, комил инсонни тарбиялаш, энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан стуклиги ва юксак даражадаги аклий салоҳиятига боғлик.

Фикримизча, умумтаълим мактаблари ўкувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш муаммоси ижтимоий характерга эга. Бинобарин, ўкувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш уларни Ватан равнақи, юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундайди. Шунингдек, ўкувчиларда ўзи яшаётган жамиятда тинчлик ва хавфсизликнинг барқарор бўлиши йўлида курашиш, турли миллат ва элатга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро иноқлиникнинг карор топишига ўз улушини қўшишга интилиш кўнникмаларининг шаклланиши ҳамда миллат вакили сифатида ўз қадр-кимматини англаб этишларини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил

2. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм” тўгрисида”ги Қонуни. Халқ сўзи газетаси 1999 йил 21 август

3. UNWTO technical manual :Collection of Tourism Expenditure Statistics. 1995. p10

4. Д.С.Давронова Оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизими ривожлантириш Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент, 2018 йил.

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада умумтаълим мактаблари ўкувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйгусини шакллантириш механизmlарини такомиллаштиришининг педагогик мазмунни, ёш авлодни экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйгусини шакллантириш назарий ҳам амалий жиҳатдан ҳамма вакт муҳим ва мураккаб муаммолардан саналиб келингандилиги тўгрисидаги илмий назарий фикрлар атрофлича ёритилган. Шунингдек маколада муаллифлик ёндашуви асосида умумтаълим мактаблари ўкувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйгусини шакллантириш мазмунини тубдан янгилаш, уни илгор карашлар билан бойитишига эришиш муаммолари юзасидан фикр билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрывается педагогическое содержание совершенствования механизмов формирования патриотических чувств у учащихся средних школ посредством экскурсионного туризма, научные и теоретические взгляды на то, что формирование чувства патриотизма у молодежи посредством экскурсионного туризма всегда было важной и сложной проблемой. В статье также рассматриваются проблемы радикального обновления содержания формирования чувства патриотизма у учащихся средних школ посредством экскурсионного туризма на основе авторского подхода, обогащающего его прогрессивными идеями.

SUMMARY

This article reveals the pedagogical content of improving the mechanisms for the formation of patriotic feelings in secondary school students through sightseeing tourism, the scientific and theoretical views that the formation of a sense of patriotism among young people through sightseeing tourism has always been an important and difficult problem. The article also discusses the problems of radical updating of the content of the formation of a sense of patriotism among high school students through excursion tourism based on the author’s approach, enriching it with progressive ideas.

**НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ
ОШИРИШНИНГ УСУЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ**

Халлокова М. Э.

*Фарғона вилояти халқ таълими ходимларини ҚТ ва МО
худудий маркази “Бошлангич таълим кафедраси” ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: нодавлат мактаб, бошлангич синф, ўқитувчи, таълим жараёни, кизиқиши, инновация, ўкув дастурлари, сиёсий – хукукий, самарали механизм, илгор хорижий тажриба.

Ключевые слова: негосударственная школа, начальный класс, учитель, ученик, учебный процесс, интерес, инновация, учебная программа, политico-правовой, эффективный механизм, передовой зарубежный опыт.

Key words: private school, primary school, teacher, student, educational process, interest, innovation, curriculum, political and legal, effective mechanism, advanced foreign experience.

Бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган сиёсий – хукукий, ижтимоий - иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг мазмун - моҳияти таълим жаҳарини модернизациялаш, таълим мазмунини янгилаш, ёш авлоднинг ижодий, интеллектуал салоҳиятини кўллаб-куватлашга қаратилган. Бинобарин, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш, соҳага давлат - хусусий шерикчиликнинг самарали механизмларини жорий этиш, бу борада илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш бўйича катор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 3276-сонли Қарори [1:] да таълим сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиши зарурлигининг эътироф этилганлиги соҳани ривожлантиришда дастуруламал бўйиб хизмат қиласди. Шунингдек, мазкур қарорда иктидорли ва истеъоддли ёшларни аниклаш, уларни кўллаб-куватлаш орқали таълим-тарбиянинг юкори сифатини таъминлайдиган қулагай шартшароитлар яратиш нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий ўйналиш ва вазифалари сифатида белгилаб қўйилган.

Шу мақсадда соҳани ривожлантириш учун республикамизда ҳалқаро ташкилотлар Жаҳон банки, ИХТБ, ЮНИСЕФ, (UNICEF United Nations Children’s Fund БМТнинг Болалар Жамғармаси], ЮНЕСКО [UNESCO United Nations Educational Scientific and Cultural Organization БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти], ОТБ ва бошқалар билан яқин алокалар ўрнатилган (118. Марк Брой Соядаги таълим тизими билан юзма-юз: Давлат хусусий кўшимча ўқитишининг қайси турлари билан қандай тартиблар ўрнатмоги лозим?)

Хусусан:

- мактаб ўқувчиларининг саводхонлик ва билим даражасини аниклаш бўйича ҳалқаро дастурларга кўшилиш (PISA, TIMSS, PIRLS, LANA);
- таълим сектори стратегиясини ишлаб чиқиши (ЮНИСЕФ, Жаҳон банки);
- таълим тизимида ягона электрон маълумотлар тизимини яратиш бўйича ишларни амалга ошириш (EMIS дастури);
- таълим сифатини таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва ҳалқаро таълим сифатини таъминлаш агентликлари (ENQA – Европа таълим сифатини таъминлаш асоцияцияси)га азъо бўлиш;
- ҳалқаро рейтинг агентликлари (QS — Quacquarelli Symonds Limited ва THE Times Higher Education) билан ҳамкорлик олиб бориш.

Юқоридаги таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда республикамизда умумий ўрта таълим тизимида нодавлат мактабларнинг ўрни алоҳида ўрин қасб этмоқда. Буни АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларда нодавлат мактабларда таълим сифати жуда юкори даражада эканлигидан далолат беради. Мазкур давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини юкори даражага олиб чиқишининг энг муҳим мезонидир.

Ҳозирги кунда республикамизда нодавлат мактаблар сони 47 тани ташкил этмоқда. Уларнинг сони янада кўпайиши бугунги кун талаб ва эҳтиёжлари билан белгиланади. Умумий ўрта таълим мактабларининг фаолиятини камситмаган ҳолда

нодавлат таълим масканининг афзаликлари нималарда кўринади? - деган савол туғилади.

Тажриба ва қузатишларимиз жараённида аввало, нодавлат мактабларда яратилган шарт-шароитлар барча талабларга жавоб берининг гувохи бўллиқ. Уларда кўлланилаётган ўқув режа ҳамда ўқув дастурлари асосида ҳар бир ўқувчига алоҳида - индивидуал ёндашилади. Нодавлат мактабларда бошлангич синфданоқ ўз устида мустақил ишлиши учун барча кулайликлар яратилган. Ўқувчиларга кизиқишилари ва иштиёқидан келиб чикиб таълим-тарбия берилади, икки-учта хорижий тил ўргатилади. Ўқищдан ташқари муассасанинг ўзида ташкил этилган турли фан тўғараклари, спорт машғулотлари самарали олиб борилади. Бундан ота-оналар ҳам, педагоглар жамоаси ҳам, ўқувчилар ҳам тенг манфаат топади.

Умуман олганда, мамлакатимида нодавлат таълим хизматлари соҳасидаги фаолият мактабгача (боғчалар), умумий ўрта (мактаб), олий ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш (ўқув марказлари) таълим турлари бўйича тез ривожланиб, мазкур таълим турлари бўйича нодавлат таълим муассасалари сони ортиб бормокда.

Нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ҳамда уларда фаолият юритаётган педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш юзасидан замонавий қарашлар ва тамоилиларни таҳлил этар эканмиз, бу соҳада қатор ҳалқаро хужжатларнинг ишлаб чиқилганлигини гувохи бўламиз. Жумладан:

Европа иттифоқи давлатларининг ягона Европа таълим худути, таълим сифатини ошириш, таълимдаги мобилликни таъминлаш ва узлуксиз таълим масалаларига бағишиланган Болонья (1999 йил, Италия), Сарбонн декларацияси, Лиссабон конвенцияси (2000 йил, Лиссабон);

ЮНЕСКОнинг Бутундунё таълим форуми Декларацияси (World Education Forum-2015, Инчхон);

Бирлашган миллатлар ташкилотининг “Баркарор ривожланиш мақсадлари – 2030” қабул қилинган (2015 йил, май) Дастурининг 4-мақсади сифатида “Барчага сифатли таълим бериш ва ҳаёт давомидаги таълим олиш имкониятини яратиш” масаласининг белгиланиши ҳам ўзига хос долзарблик касб этади.

Юқорида қайд этилган расмий хужжатларда барча таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг замонавий моделлари сифатида замонавий технологиялардан кенг фойдалана олиши, Америка Кўшма Штатларининг илмий марказлари, шунингдек йирик корпорация (Toyota, Sony, Mitsubishi) ларда стажировкалар ўтказиш, модернизация, суперверверция, маҳорат - дарслари, ноформал ва информал шаклларда ривожлантириш масалалари кенг ёритилади.

Бугунги кунда нодавлат таълим муассасаларига бўлган талабнинг ортиши таълим ва ўқитиши сифатини баҳолашнинг Ҳалқаро стандартларини жорий этиш асосида таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш ўзбек тили ва адабиёти, чет тиллар, (бир нечта чет тиллари), информатика (компьютер технологиялари), математика каби муҳим ва талаоб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш, ижтимоий педагогик - психологияк диагностика; таълим тизимини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш, педагогик ходимларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил килиш, педагогик ходимларнинг касбий ва ижтимоий-психологик мослашувини таъминлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; умумий ўрта таълим муассасалари (НТМ) ни бошқариш тизимини такомиллаштириш, таълим тизимини бошқарув жараённига янгича ёндашув; таълим муассасаларида

мехнат-хуқуқий муносабатлар масалаларини чукур таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

Бизнинг фикримизча, нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш мазмун-моҳиятига кўра таълимни бошқаришдан фарқ қилади, чунки мактабда факат таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни бошқариш вазифалари амалга оширилмайди, балки таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этишининг ўзиёқ бир қанча вазифаларнинг бажарилишини, яъни таълим-тарбия жараёни иштирокчиларига зарурй шароитларни яратиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мувоғиқлаштириш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, мазкур жараённи амалга ошириш учун моддий - техника базасини яратиш ва мустахкамлаб бориш, янги педагогик ва аҳборот технологиялари билан куроллантириш, нодавлат таълим муассасасида аниқланган катор иш тажрибаларини туман, шаҳар миқёсида ўрганиш ва оммалаштириш, юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш каби катор бошқа вазифаларни ҳам амалга оширишни назарда тутади.

Шундай экан, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини ташкил этувчи раҳбарлар нафакат педагогик тажрибага, балки давлат талаблари асосида болаларга керакли бўлган билим, кўникма ва малакага эга бўлишида муассаса педагогик жамоасининг ҳаракатини бирлаштириш, таълим сифатини кўтариш ва прогрессив таълимни ривожлантириш зарур.

Бошлангич синф ўқитувчилари ўз тажрибасидан яхши билишадики, ҳар қандай педагогик технология таълимни ривожлантирувчи янги тамойилларга асосланган бўлиб, ўкувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилиши керак. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари марказида ўқитувчи ва ўкувчининг ҳамкорликдаги фаолияти туради. Шундай экан, педагог ва ўкувчи ҳамкорлиги, ўзаро мулокоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида бўлиши зарур. Бунинг учун таълим жараёни, ўқитувчи, таълим-тарбия жараёни олдига қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамда йўллари таҳсил олувчини аклий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуслари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқиши ва ўрганишга йўналтириш, таҳсил олувчи шахсий фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулокотга киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, синфда ижодий, ишчанлик мухитини вужудга келтириш, ўқувчилар фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан куролланган бўлиши лозим.

Тажриба ва кузатишларимиз жараённада биз нодавлат таълим муассасалари бошлангич синфларида (Қўқон, Самарканд, Бухоро, Тошкент) ўкув машғулотларини инновацион технологиялардан фойдалangan ҳолда ташкил этишга ҳаракат қилдик. Мазкур ўкув жараённада биз М.Умарова, Х.Хамроқуловга, Р.Тожибосевалар ҳаммуаллиғлигидаги З - синф учун “Ўқиши” китобида Хуршид Давроннинг “Ватан мўътабардир” матни берилган бўлиб, бошлангич синф ўқитувчиси ўкув жараёнини фаоллаштириш, таҳсил олувчилар томонидан ўкув материалини ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришиш ва таҳсил олувчиларни мустакил фикрлашга ҳамда ўз фикрини баён этишга ўргатиш, таълимий, педагогик, ижтимоий фаолият кирраларни очишида янги имкониятларни яратиш мақсадида “бхбх қичик гурухлар билан ишлаш” методидан фойдаланиб, ўкувчиларни сонига караб ўйинли технологиялардан фойдаланиб гурухларга бўлиб чиқди. Мант ўкувчиларга А-4 форматда ёзилган шаклда берилди. Ҳар бир ўкувчи мант моҳиятини чукур ўрганиб чиқиб, ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб беришиди. Шундан сўнг ўқитувчи жамоа сардорларини доскага таклиф килиб мант мавзуси юзасидан тузилган кроссворд счимини топишга унлади. Дарс жараённада ўкувчилар Ватан ҳақидаги ўрганган шеърларини ҳам айтиб

беришди. Ўқитувчи ўқувчиларга “Менинг Она Ватаним - жонажон Ўзбекистоним” мавзусида расм чизишни таклиф қилди. Бир дарснинг ўзида ўқитувчи болаларга “Инсон учун хаво, қўёш, сув, нон, ота - она, канчалик азиз ва муқаддас бўлса Ватан ҳам шунчалик мўътабар” эканлигини тушунтирган ва эстетик тасаввурларини бойитишга эришган [3].

Тажриба ва кузатувларимиз жараённида айнан нодавлат таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларининг таълим жараёнларини таҳлил қилиб уларнинг ўзлаштириш даражаларини ўрганиб чиқдик. Биламизки, ўқувчилар билим оладиган мањалар бўйича: оғзаки, кўрсатмали, амалий методларга, ўқувчилар фикрининг йўналиши бўйича: индукция, дедукция, аналогияга бўлинади. Шунингдек, ўқувчиларнинг мустакил фаолликлари даражаси бўйича: изохли – иллюстратив, репродуктив, билимларни жумбокли баён килиш методига, тушунтириш, сухбат, хикоя, китоб билан ишлаш, кўрсатмали методларга ва амалий методларга бўлинади.

Адабиётлар таҳлилидан маълумки, тури таълим жараёни катнашчиларининг таълим муассасаси томонидан кўрсатиләтган таълим хизматларидан қониққанлик даражаси бу таълим сифати билан изоҳланади. Нодавлат таълим муассасаларида таълим сифати барча манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилганликни, карор қабул килишининг воситалари ва усусларини, фаолиятнинг самаралилигини кафолатловчи усусларини, меҳнат жараёни иштирокчилари саъй - ҳаракатларини кўйилган мақсадлар сари сафарбар қилишни таъминлайди:

Бизнинг фикримизча, ўқув жараёни ва таълим сифати, сифат менежментига ҳам бевосита боғлиқ. В.П.Симоновнинг фикрларига таянилган ҳолда, менежмент субъектининг муҳим ҳаракатлари аҳборотларга боғлиқ эканлиги, бошқарув учун аҳборотлар зарурлиги, ва у менежмент фаолиятининг предмети ҳамда натижаси хисобланиши айтилган. В.П.Симонов педагогик менежментнинг уч функциясини ажратиб кўрсатади: карор қабул қилиш (фармойиш, буйруқ, тавсия ва х.к.); қабул қилинган карорларнинг бажарилишини ташкил этиш (моддий-техник таъминоти, ўзаро келишиш, ижрочиларнинг шахсий эҳтиёжларини хисобга олиш); дастлабки, жорий ва якуний назорат (натижаларни хисобга олиш, самарадорликни таҳлил қилиш ва баҳолаш).

С.Турғунов илмий хуносасига кўра, В.П.Симонов томонидан ажратиб кўрсатилган барча функциялар комплекс хусусиятга эга ва тугалланган жараён эканлигини кўрсатади. С.Турғунов ўз фикрларини давом этириб “менежмент” инглизча сўз бўлиб, ўзбек тилида бошқарувни ташкил этиш (бошқариш, бошқарув ҳокимияти, ташкил этиш), раҳбарлик қилиш (режалаштириш, тартибга солиши - мувофиқлаштириш, назорат қилиш) маъноларини англатади.

Менежмент умумий ҳолда у ёки бу фаолият турини ташкил этишни ва унга раҳбарлик қилиши, яъни тури хил соҳаларда фаолият кўрсатайтган инсонларнинг ҳатти-ҳаракатларини, муносабатларини мувофиқлаштириш, уларнинг имкониятлари ва қобилиятларидан тўғри фойдаланишини ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқаришни билдиради. Менежмент энг аввало инсонларни бошқариш, уларни ўз фаолиятига қизиқтириш, тадбиркорликка, меҳнатга ижодий ёндашиш, ўзига ишониш туйғуларини шакллантириш, соҳалар бўйича билим, кўнікма ва малакаларни эгаллашига кўмаклашиш, янгиликка ва ижодкорликка чорлаш, инсонларнинг фаолиятини бошқариш демақдир.

Менежмент фани ҳам ижтимоий, ҳам табиий фанлар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб бориб мақсад ва вазифаларига, хизмат қилиш соҳаларига кўра бир неча турга бўлинади: амалий менежмент, инновацион менежмент, стратегик менежмент, маркетинг менежменти, молия менежменти, технологик менежмент, маъмурӣ менежмент,

таълим менежменти ва бошқалар. Биз уларни менежмент фанининг шохобчалари деб атасимиз мумкин.

Нодавлат таълим муассасаларида менежмент хизматидан кўзланган мақсадларга эришиш учун фаолиятни, яъни инсонлар ёки уларнинг гурухлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бошқариш усуллари, шакллари ва воситалари мажмуни тўгри йўналтириш жоиздир. Таълим жараёнида “сифат” тушунчасини кўллаш мазмунан бошқача таълим дастурлари, ўкув режалари сифати, сифат менежмент бошқаруви тушунчаси билан боғлиқ экан, раҳбарнинг етакчилик фаолияти, таълим жараёнининг ҳар бир субъекти (директор мувонилари, ўқитувчи, ўкувчи, ота-оналар, маъмурият, иш берувчилар ва х.к.лар) манфаатдордир. Шу ўринда Harvey L сифат - “чикиш”да ижобий натижаларга йўналтирилган махсус жараён; таълим жараёни доирасида такомиллаштириш жараёни; мақсадларнинг истеъмолчилар талаблари ва кутишларига мослиги; капитал кўйилмалар натижаси; талабалар ёки янги билимларни ривожлантириш учун тақдим этилаётган имкониятларнинг такомиллаштириш борасидаги ўзгаришларга мослашиши деган фикрларига таяниб айтишимиз мумкин, нодавлат таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини кўллашда ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб уларга қўйидагиларни киритиш мумкин.

Нодавлат таълим муассасаларида сифат менежменти тамойилларини жорий этиш бўйича зарурий услубий кўлланмаларнинг мавжудаслиги;

мутахассис ўқитувчилар таркибининг бошқарувнинг янги тамойилларини қабул қилишининг мураккаблилиги.

Шундай экан, таълим сифати аввало, давлат таълим стандартларининг бажарилиш сифатига, асосан жамият ва истеъмолчилар (мехнат бозори) томонидан кўйилган талабларга, нодалат таълим муассасалари мақсадлари, меъёрлари, унга яратилган шарт-шароитлар, таълим жараёни ва якуний натижалар сифатига боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда нодавлат таълим муассасаларида бошлангич синф таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришга замонавий ёндашувлардан асосни мақсад бошлангич синф ўқувчиларни дарс жараёнида билимларни тез ўзлаштириб олишлари ҳамда уларни мустаҳкамлашдан иборат. Шу нуқтаи назардан таълим жараёнида янги педагогик ва компьютер технологияларини кўллаш ўкувни фаоллигини белгилайдиган муҳим бир тармоқка айланган. Шунинг учун нодавлат таълим мактабларида бошлангич синф ўкув фаолияти мазмунини янада бойитиш, илмий-техника жараёнининг ўзгариши билан боғлиқ таълимнинг янги назариясини яратиш, яъни ўқитиш услублари, уларни тизимли равишда бойитиб ва янгилаб бориш масаласи, таълимни тизимида юқори кўрсаткичларга эришишда энг муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида”ти ПҚ – 3276-сонли карори. «Халқ сўзи», 2017 йил 18 сентябрь «Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами», 2017 йил 25 сентябрь, 38-сон, 1033-мода

2. Тургунов С.Т. Педагогика: Матбуузалар тўплами. – Наманганд: НамМПИ, 1999. – 109 б.

3. Тургунов С.Т. Мактабни бошқаришда педагогиканинг асосий тушунчалари ва тадқиқот методлари. – Наманганд: НВПКТМОИ, 2003. – 32 б.

4. Тургунов С.Т Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари бошқарув фаолиятининг назарий асослари. П. ф.док ., илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Т.: 2007 й.

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини оширишнинг усуллари ва методлари , уларда кўлланилаётган ўкув режа ҳамда ўкув дастурлари илмий назарий

жиҳатдан ўрганиб чиқилғанлиги атрофлича ёритилған. Шунингдек мақолада нодавлат мактабларда бошланғич синфданок ўз устида мустасиқ ишилаши учун барча кулагылар яратылғани, ўқувчиларга киришиләрі ва иштиёқидан келип чиқиб таълим-тарбия берилади, иккитеңгінде хорижий тил ўргатилаёттылығы тәдқиқоттар жараёнда амалий таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье подробно описываются методы и приемы повышения качества образования в негосударственных образовательных учреждениях, научно-теоретическое изучение учебных программ и программ обучения, используемых в них. В статье также представлен практический анализ того факта, что негосударственные школы с самого начала обеспечивают все условия для самостоятельной работы, учат студентов в соответствии со своими интересами и увлечениями, преподают два или три иностранных языка.

SUMMARY

This article describes in detail the methods and techniques for improving the quality of education in non-governmental educational institutions, the scientific and theoretical study of the curricula and training programs used in them. The article also presents a practical analysis of the fact that non-state schools from the very beginning provide all the conditions for independent work, teach students in accordance with their interests and hobbies, teach two or three foreign languages.

ОИЛА ВА МАҲАЛЛАЛАРДА ҚИЗЛАРНИ СОҒЛОМ ТУРМУШ МАДАНИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Давронова Д. С.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (*Doctor of Philosophy*)

Таянч сўзлар: оила, маҳалла, қизлар соғлом турмуш маданияти, педагогик психология имкониятлари, методик, консультатив, хуқук ва манфаат, конвенция, ижтимоий институт, касбий ҳамда оиласидаги мажбурият.

Ключевые слова: семья, общество, культура здорового образа жизни девочек, педагогические психологические возможности, методологические, консультативные услуги, права и интересы, конвенция, социальный институт, профессиональные и семейные обязанности.

Key words: family, society, culture of girls' healthy lifestyles, pedagogical psychological opportunities, methodological, advisory services, rights and interests, convention, social institution, professional and family responsibilities.

Дунёда қизлар соғлом турмуш маданиятини, хуқук ва манфаатларини ҳалқаро миқёсда ҳимоя қилишга қаратилған Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Хотин – қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини йўқ қилиш ҳақидаги” конвенцияси, миллий конунчилликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин – қизларни кўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти

5325-сон фармонлари, хотин – қизлар муҳофаза этишининг хуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўз навбатида, Ўзбекистон аёлларининг давлат ва жамият хаётида фаол иштирок этишилари учун соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда муҳим омил саналади.

Ўзбекистонда хотин–қизлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришга глобал даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт дастурлари доирасида, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қаралади. Шунингдек, республикамизда ижтимоий институтларнинг энг қадимгиси оила ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш тизимини мазмунан ва моҳиятнан модернизация қилиши жараёни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-кувватланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат хотин - қизларимизга чинакам баҳтли яшаш учун, уларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши қасбий ҳамда оиласий мажбуриятларини ҳамоҳанг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратилмоқда.

Айтиш ўринлики, хотин – қизлар соғлом турмуш маданиятини шакллантиришнинг таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш, оила ва маҳаллаларда жамоатчилик ҳамкорлигига олиб бориладиган соғломлаштириш ишларни ташкил этишининг самарадорлиги аёлларнинг педагогик ва психологияк тайёргарлигига боғлиқ Бу ўринда оила педагогикаси олдида турли қасб экгалари бўлган ота-оналарни шу жараённи ташкил этишга тайёрлаш зарур. Бунинг учун оила педагогикаси олдида куйидаги вазифалар туради:

- Конун устуворлигини таъминлаш ва сиёсий институтларни инсон манфаатларига хизмат қилиши ижтимоий онг ривожи орқали амалга оширилишини билиш ва англаш;
- хотин–қизлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш уларнинг ижтимоий онг ва сиёсий саводхонлик уйғунлигининг жамият тараққиётидаги ўринини педагогик нуқтаи –назардан билиш;
- хотин–қизларнинг ижтимоий психология, маънавият, хуқуқшунослик фанлари ютуқлари билан таништириш
- ҳалқимиз ва жамиятимизнинг манфаатларига мос хотин–қизлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш;

Албатта хотин–қизлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш, маҳаллаларда хотин–қизлар соғлом турмуш тарзини самарадорлигини ошириш, хотин–қизлар билан амалга ошириладиган тарбиявий ишлар, болаларни жамиятни маънавий янгилаш жараёнларининг фаол иштироқчиси руҳида тарбиялашда ўкув фанлари мазмунининг илмий-назарий, методик ва амалий аҳамияти муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш сиёсати доирасида оила ва маҳаллаларда қизларни соғлом турмуш маданиятини шакллантиришнинг педагогик психологик имкониятларини ўрганиб чиқиц, хотин-қизларнинг тиббий саломатлигини асраш ва уларни соғлом турмуш тарзи асосида ҳаётга тайёрлаш йўналиши алоҳида аҳамият қасб этади. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадлари мазкур тушунчанинг мазмун жиҳатдан таркибий қисмлари, уни амалга оширувчи тизимлар нималардан иборат эканлиги ва кимларга йўналтирилганлигини илмий белгилаш вазифасини кўндаланг қўяди.

Оила ва маҳаллаларда қизларни соғлом турмуш маданиятини шакллантиришнинг педагогик психологик имкониятлари таркибий қисмлари мазкур тушунча доирасига кирувчи бош мазмунни ўзида ифода этди, унинг узвий бирлигини ташкил қилувчи йўналишлар моҳиятини белгилаб берди. Соғлом турмуш тарзининг мамлакатимизга хос бўлган хусусиятлари ҳам мазкур тизим доирасида акс этди. Соғлом турмуш тар-

зининг Ўзбекистон худудига хос бўлган хусусиятлари эътиқод, маънавий ва мафкуравий тафаккур ва соғломликнинг соғлом турмуш тарзи асослари, унинг узвий таркибий қисмлари сифатида баҳоланиши билан белгиланди. Соғлом турмуш тарзи тушун-часининг таркибий қисмлари куйидагилардан иборат килиб белгиланди:

- инсоннинг тиббий саломатлиги, хотин-кизлар репродуктив саломатлиги;
- инсоннинг руҳий саломатлиги;
- инсоннинг жисмоний саломатлиги, жисмоний тарбия ва спорт;
- инсоннинг маънавий-маърифий ва мафкуравий соғломлиги ва соғлом тафаккури;
- инсоннинг эътиқод саломатлиги, диний бағрикенглик ва тотувлик;
- соғлом турмуш тарзини шакллантиришда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги [3;];
- меҳнат килиш ва дам олишнинг рационал мөъёларининг мавжудлиги;
- инсон ва рационал овқатланиши мөъёллари ва маданияти;
- инсоннинг ўз саломатлигига муносабати, соғлом турмуш тарзи маданияти ва тафаккури;
- соғлом турмуш тарзини олиб бориш учун талаб этилган имкониятларнинг яратилганлиги ва мавжудлиги;
- инсон саломатлигига таъсир этувчи экологик вазиятлар;
- оила мукаддаслиги тамойили, оилавий муносабатларда умумбашарий ва миллий қадриятларни асраб-авайлаш;
- оилавий маданияти ва оила аъзолари маданияти тамойили;
- соғлом турмуш тарзи тарғиботи, илмий-назарий ва оммабоп адабиётларнинг мавжудлиги, кенг ахоли қатламларига етиб бориши;
- инсон мафкуравий саломатлиги, бузгунчи ва ёт ғоялардан ўзини асраш тамойили, соғлом мафкуравий гоялар тизими;
- ёшларга қаратилган турли тиббий таҳдидлардан асраш тизими, тарғибот-ташвиқот ишларининг мавжудлиги ва самарадорлиги;
- зарарли одатларларга қарши ҳаракатлар тизимини ташкиллаштириш ва ривожлантириш тамойили (ичкилиқбозлиқ, гиёҳвандлик ва қашандалик).

Соғлом турмуш тарзининг амалийлиги - уни амалга оширувчи тизимларнинг мавжудлиги ва ишончлилиги билан узвий боғлиқ ҳолатdir. Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларни ҳурматлаш, оилавий муносабатларга содиклик, оила мукаддаслигини тан олиш, ота-оналарга эътибор, соғлом турмуш тарзи мажбуриятлари моҳиятини англаш, оила мустаҳкамлиги йўлида фидоийлик фазилатлари асосида тарбиялаб, вояга етказиш узоқ муддатли жараён бўлиб, бу мажбуриятни амалга оширишда на фақат ота-оналар иштироки, балки ана шу масалага мутасадди бўлган барча давлат ва нодавлат ташкилотлари тизимининг мунтазам меҳнати талаб этилади. Ўзбекистон учун хос бўлган хотин-кизлар соғлом турмуш тарзини амалга оширувчи тизимлар куйидагича белгиланди:

- давлат сиёсати, давлат ҳужжатлари, конунлар, улар мониторинги, давлат дастурлари, ижроия ҳокимият, конун чикарувчи органлар;
- соғлиқни сақлаш тизими, вазирлик, уларнинг худудий бошқармалари ва хусусий соғлиқни сақлаш институтлари ва ташкилотлари;
- жисмоний тарбия ва спорт комплекслари, спорт билан шугулланишини тарғиб этиш;
- хотин-кизлар қўмитаси, уларнинг худудий ташкилотлари ва тизимлари, хотин-кизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари;

- мамлакатдаги ННТ тизими, уларнинг соғлиқни ҳимоялаш ва экологик ҳимоя бўлинмалари;
- “Маҳалла”, “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси, “Ёшлар иттифоки”, Саломатлик институтлари, Маънавият ва маърифат кенгаши, “Оила” илмий-амалий Маркази, мамлакатдаги мавжуд сиёсий партияларнинг махсус дастурлари;
- оила институти, ота-она ибрати;
- таълим муассасалари (богча, мактаб, академик лицейлар ва ОЎЮ).

Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тадбир ўзининг йўналтирилган мақсадларига етиб бормаса, белгиланган натижаларга эриша олмаслиги мухаррардир. Соғлом турмуш тарзи концепцияси ҳам ўз обьектига эга, шу нуқтаи назардан соғлом турмуш тарзи концепциясининг кимларга йўналтирилганлиги куйидагича белгиланди: гўдаклар, болалар, ўсмиirlар, ўқувчи ёшлар, ёшлар, талабалар, хотин-қизлар, кексалар, ногиронлар, ўрга ёшлилар, беморлар, беморлиқдан сўнгти реабилитация давридагилар.

Соғлом турмуш тарзининг тиббий, жисмоний, руҳий жиҳатларидан ташқари бизнинг мамлакатимиз учун долзарб бўлиб турган ўзига хос йўналишларидан бири бу - унинг мағкуравий долзарблигидир. Сўнгти ўн йиллар давомида турли ақидапарастлик гурухлари ва ёт мағкураларнинг мамлакат хавфсизлиги, ҳалқ ҳаёти ва унинг барқарорлигига таҳдиidi инсонлар соғлом руҳияти ва ҳаёт тарзига нисбатан таҳдидлар сифатида баҳоланмоқда. Диний экстремизм, “рангли инқилоблар” ва “соҳта демократия”лар каби ёт ғояларга карши ҳалқ иммунитетини шакллантириш соғлом турмуш тарзининг муҳим жиҳатларидан деб белгиланди.

Ўзбекистон мустақиллигига хуруж қиласётган турли мағкуравий таҳдидлар ҳалқ бирдамлигини бузишга қаратилган, уни фалокат ва қарама-каршиликка чорлади-ган, ҳалқ билан ҳокимиятни бир-бирига тўқнаштиришга йўналтирилган, ёшларни ўзининг қуролига айлантириб, улар ҳаётини вайрон қиласиган ғоялар ва ҳаракатлар мажмуудан иборатдир. Шу боис ҳам, ҳозирги кунда соғлом турмуш тарзи тамойиллари таркибида мағкуравий соғломлик ақидаларига кенг ўрин берилди, улар давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга қаратилган назарий ва амалий сайи-харакатларни ўзида мужассам этиши лозимлиги кўрсатилди.

Ҳар бир инсон узоқ умр кўриши, касалликлардан ўзини эҳтиёт қилиши, маънавий ва мағкуравий соғломликни орзу қиласи. Аммо кўпчилик ҳолатларда инсоннинг ўзи ўз саломатлигига путур етказишига сабаб бўлади. Шу боис, улуг грек файласуфи Сукрот, “агар инсон ўз саломатлигининг посбони бўлса, унга ўзидан яхшироқ табиб топишга ҳожат йўқ”, деб айтган эди. Соғлом турмуш тарзи ҳам инсон хошиш ва иродасига боялиқ маънавий бутунликнинг бир кирраси бўлиб, маънавий баркамол инсон ўз саломатлигининг посбони ҳисобланади.

Қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оиласа тайёрлаш ишида маҳалла тизими оркали бутун аҳоли қатламларини соғлом турмуш тарзи ғояларига кенг жалб қилиш имконияти мавжуд. Чунки мазкур тизим ўзининг мамлакат миқёсидаги структурасига, административ кадрларига, иш олиб боришининг ўзига хос ишланган йўналишларига эга. Маҳалла тизимида қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оиласа тайёрлашнинг педагогик аспектлари масаласини илмий ўрганиш асосида унинг ўз ичига куйидаги муаммолар ечимини камраб олиши аниқланди:

- кадрлар тайёрлаш миллый дастурининг янги босқичида қизларни оиласа тайёрлашнинг янги педагогик услубларини ишлаб чиқиш зарурияти;
- мамлакатнинг демократия ва фуқаролик жамияти сари илдам ривожла-

- ниши босқичида миллый менталитет доирасидаги “соғлом турмуш тарзи” концепциясининг илмий-назарий ишланиши;
- қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оиласа тайёрлашнинг мустакиллик йилларидағи амалиётти таҳлилини тарихийлик нұктай назаридан амалга ошириш лозимлиги;
 - мазкур таҳлил асосида янги педагогик технологиялар ва услубларнинг жамият ривожининг истиқбол босқичлари учун таклиф этилиши;
 - маҳалла тизимида қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оиласа тайёрлашнинг механизмлари ва амалга оширувчи тизимларини белгилаш ҳамда улар зиммасидаги вазифалар кўламини илмий аниқлаш;
 - соғлом турмуш тарзини ёшлар, хусусан қизлар онгига сингдиришнинг келажак авлодлар саломатлиги учун зарурийлiği ва давлат аҳамиятига молик вазифалардан эканлигини кенг тарғиб ва ташвиқ этишининг янги педагогик шакл ва методларини ишлаб чиқиши.

Маҳаллада қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оиласа тайёрлаш ўзида икки муҳим бўлган тизимлар ҳамкорлигини талаб этиши аниқланди. Биринчиси, бевосита мана шу жараён билан шуғулланувчи мутасадилар фаолиятидан изборат бўлиб, оила, хотин-қизлар кўмиталарининг маҳалла бўлинмалари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маҳалла маслаҳатчилари, маҳалла доираси ва унинг ташқарисидаги турли нодавлат ташкилотларининг маҳалла аҳолисига қаратилган дастурлари ва проектлари, шунингдек соғлиқни сақлаш тизимининг мутасадди ташкилотлари фаолиятини ўзида қамраб олади. Иккинчи, билвосита тизим ҳам мавжуд бўлиб, бу тизим доирасига оммавий ахборот воситалари, маданий-маърифий мусасасалар, таълим тизими мусассасалалари киради. Чунки билвосита тизим ўзининг тарғибот ва ташвиқот фаолияти, таълим жараёни, турли кўрсатувлар ва фильмлар таъсири орқали инсонларнинг соғлом турмуш тарзи асосидаги онгининг шакллананиши ва ўзгаришига билвосита, яъни маҳалладан ташқарида бўлган институтлар орқали таъсир этади, аммо улар ҳам аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш фаолиятининг зарурий иштирокчилари хисобланади

Хулоса қилиб айтганда, оила ва маҳаллаларда қизларни соғлом турмуш маданийти шакллантириш, ўсиб бораётган ёш авлодни жамиятда мустақил яшашга тайёрлаш вазифасининг долзарблиги, жамият ривожи учун янги фуқаролар заҳирасини тарбиялаб вояга етказиши масаласининг устуворлиги ёшларни, хусусан қизларни жамият ҳаётига ва оиласий турмушга тайёрлаши ишларини жадаллаштиришина талаб этди. Инсонларнинг ўзаро муносабатларида кескинликларнинг ўсиб бораётганлиги, замонавий зиддиятларнинг инсон тафаккури ва онгига таъсир этиши орқали унинг психологияк ҳолатидаги салбий ва асабий оқибатларнинг вужудга келиши, ёш оиласардаги ажрим ҳолатларнинг мунтазам ўсиб бораётганлиги, болалар ва ўсмирлардаги агрессия ҳолатларининг вужудга келаётганлиги каби муаммолар, табиий равишда, уларнинг педагогик нұктай назардан ўрганилишини, шунингдек ёшларни оиласа тайёрлашнинг янги услубларини яратиш бутунги кун тартибиға муҳим масалалардан бирига айланди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин -қизларни кўллаб-куватлаш ва оила институтини мустахкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан тако-

миллаштириш чора-табирлари түгрисида” ги 5325-сон Фармони [www// lex. uz](http://lex.uz)

2. Ф.Ю. Абдурахимова. Маҳаллада кизларни соғлом турмуш тарзи асосида оиласа тайёрлашнинг педагогик асослари. п.ф.н.олиш учун ёзилган дисс. Т.:2007.

3. Ўйлошев Ҳ.Қ. Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб концепцияси. –Т.: Ўқитувчи, 1998

4. Гуломова Д., Мусурмонова О., Туйчиева Г. Мустақил Ўзбекистон хотин-кизлари. –Т.: 1997.- 30 б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада оила ва маҳаллаларда кизларни соғлом турмуш маданиятни шакллантиришнинг педагогик психологик имкониятлари Ўзбекистон аёлларининг давлат ва жамият хаётида фаол иштирок этишлари учун соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда, оила ва фукароларни ўзини ўзи бошқариш тизимини мазмунан ва моҳиятан модернизация қилиш жараёни давлат томонидан иқтисодий кўллаб-кувватланаётгани илмий жиҳатдан таҳлил килинган. Шунингдек маколада, хотин – кизлар соғлом турмуш маданиятини шакллантиришнинг таъсиричан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш муҳимлиги эътироф этилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья представляет собой научный анализ педагогических и психологических возможностей формирования культуры здорового образа жизни женщин Узбекистана в семьях и процесс модернизации содержания и сущности системы семейного и гражданского самоуправления в развитии культуры здорового образа жизни для активного участия в жизни общества . В статье также признается важность создания эффективной системы эффективной методической, консультативной и практической помощи женщинам в формировании культуры здорового образа жизни.

SUMMARY

This article is a scientific analysis of the pedagogical and psychological possibilities of creating a healthy lifestyle culture for women in Uzbekistan in families and the process of modernizing the content and essence of the system of family and civil self-government in developing a healthy lifestyle culture for active participation in society. The article also recognizes the importance of creating an effective system of effective methodological, advisory and practical assistance to women in the formation of a healthy lifestyle culture.

БЎЛАЖАК ПСИХОЛОГЛАР АМАЛИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Пўлатов Дж. А.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мустақил изланувчиси

Таянч сўзлар: ўқитувчи, педагогик маҳорат, коммуникативлик лаёкати, педагогик техника (нутқ, юз, кўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест), психологик-педагогик ташхис, психокоррекция, мониторинг, таълим, компетентли ўқитувчи, бўлажак психолог, талаба, билим, кўнікма, малака, психологик ташхис.

Ключевые слова: учитель, педагогическое мастерство, коммуникативные навыки, педагогическая техника (речь, движения лица, конечностей и тела, мимика, пантомима, жесты), психолого-педагогическая диагностика, психокоррекция, мониторинг, образование, компетентный преподаватель, будущий психолог, студент, знания, умение, навыки, психологическая диагностика.

Key words: teacher, pedagogical skills, communication skills, pedagogical techniques (speech, facial, limb and body movements, facial expressions, pantomime, gestures), psychological and pedagogical diagnostics, psychocorrection, monitoring, education, competent teacher, future psychologist, student, knowledge, skill, skills, psychological diagnosis.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисидаги”ти ПҚ-29-09-сон қарорининг қабул килиниши “...олий таълим даражасини сифат жиҳатидан тубдан ошириш ва такомиллаштириш, модернизация қилиш, комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар қаторида:

- ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши;

- ўкув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, психологик - педагогик ташхис; психологик профилактика; психологик коррекция; психологик маслаҳат; фан ва қасбга йўналтирилган мастер-класлар ўтказишга, семинар тренингларни илғор хорижий тажрибаларга таяниб мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари фаолиятида кенг жорий этиш зарурлигидан далолат беради.

Бўлажак психологларнинг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш учун таълим жараёни талабаларни интеллектуал ва қасбий жиҳатдан ривожлантиришнинг чукурлаштирилган тизими сифатида намоён бўлиши лозимлигини тажрибалар яққол кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июнданги

“Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ти Қарорида “....таълим сифати, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати, талабаларга яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли равища мониторинг ўрнатиш” муҳим вазифалар сифатида кўрсатиб ўтилган. Шунингдек мазкур қарорда:

- янги ғоя ва ташаббусларни шакллантириш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасасида “Ёш эксперталар гурухи”ни ташкил этиш;

- ўкув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиши технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил этиш;

- асосий зътиборни талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизmlарни амалга оширишга қаратиш;

- ҳар бир олий таълим муассасасида 1-курс давомида саралаб олинган энг иқтидорли талабалар учун алоҳида гурухлар ташкил этиш (мазкур гурухлардаги талабалар сони олий таълим муассасаси томонидан белгиланади);

- 2-курсдан уларни ўқитишини алоҳида ўкув режа ва дастурлар асосида амалга ошириш;

- ушбу тоифадаги талабаларни магистратурага мақсадли қабул қилиш ва бу орқали олий таълим муассасалари кафедралари учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш масалаларининг долзарблигига алоҳида ургу берилган. Ҳақиқатдан ҳам таълим сифатининг муваффакиятини таъминловчи етакчи омил-

лардан бири таълимдаги узвийликни таъминлашдан иборат бўлиб, 1-курс давомида саралаб олинган энг иқтидорли талабалар учун алоҳида гурухлар ташкил этиши ва Олий таълимда ўқиши давомида лонгитюд кузатиш имкониятларидан фойдаланиш, талабалар жамоаси ва ҳар бир талабабининг билиш фаолиятини мониторинг қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичларини тизимли таҳлил этишга ижобий самара беради.

Шу асосда биз тадқиқотимиз давомида бўлажак психологлар амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришда муаммоли таълим, дастурий таълим, модул таълими, ривожлантирувчи таълим, ўйин технологиялари ва интерфаол таълим каби технологияларидан фойдаланилди.

Тадқиқотларимиз давомидаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, “тизим” тушунчасига таъриф беришда унинг кўп киррали тушунча эканлиги яъни (назарий қарашлар тизими, асад тизими, давлат тизими, ишлаб чиқариш тизими, хўжалик тизими, таълим тизими) намоён бўлди. Биз эса тизимли таҳлил соҳасининг машҳур мутахассиси В.Н.Спицнадель таклиф этган таърифни келтириб ўтишин лозим топдик. Унинг ёндашувида тизим - система, юонон тилидан таржима қилинганда - яхлит, қисмлардан ташкилд топган, бириккан деган маънони англатади. Олим фикрларини ривожлантириш тизим бу “қонуний тарзда ўзаро боғланган предмет, ходисаларнинг шунингдек табиат ва жамият тўғрисидаги билимларнинг объектив бирлигидир” деб ҳисоблади.


Т.С.Зубарева “тизимни умумий сифатлари бўйича боғланган ва бу тизимни ўз элементларининг бир бирига нисбатан тутган ўрнини белгилаб берувчи ва қайд этувчи турли туман элементларнинг бирлиги сифатида таърифлаш мумкин”

Ерохина Е.А “Тизим фақат ўзигагина хос бўлган, бошқа таркибий қисмлардан фарқли хусусиятларга эга бўлган, компонент деб аталувчи ўзаро боғлиқ ва бир бирига таъсир этувчи, ягона бир яхлитликни шакллантирувчи объект ва ходисаларнинг бирлигидир”

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир фан тармоғи тизим таърифига алоҳида ўзига тааллукли томонларига аҳамият қаратади. Шунингдек ижтимоий белгилар ҳам мавжудки, улар ўз навбатида татқиқ қилинаётган кўпликни бир тизим сифатида кўриб қишиш имконини беради.

Юқоридаги таърифларга таяниб айтиш мумкинки, бўлажак асихологлар амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш бу дастлабки таклифларнинг кутилган натижага мослигини аниқлаш мақсадида, қандайдир бир жараёни (таълим) доимий кузатиш га боғлиқ бўлиб, кенг маънода амалиётчи психологлар ишлаб чиқаришни тизими сифатида изоҳланса, тор маънода инсон эҳтиёжларини қондира олишга қодир бўлган ва “камёб” ҳисобланган фақат икки сифатга эга бўлган психологлар тушунилади. Демак, бундай ишлаб чиқариш тизимини мониторинг қилиш механизmlарини такомиллаштириш жамият эҳтиёжи учун ижтимоий зарурият бўлиб ҳисобланади.

Таълим жараёнига қабул қилиш «ўқиши учун номзодларни танлаш» (Вазир-ликларнинг норматив хужжатлари билан тартибга солинган олий таълим муасасалари абитуриентлари учун маҳсус талабларни хисобга олган холда), «кириш синовлари» (Давлат тест маркази томонидан белгиланган тестлар асосида) кичик босқичларидан иборат.



2.3.1-расм. Амалий компетентликни такомиллаشتىرىشىغا қаратылган креатив технология түзүлмаси

Биз биринчи бобда айтىб ўтган 1 курсга қабул килинган иқтидорلى тарабалар билан ишلاш жараёнини тизимли мониторинг килип ва янги таълим турларини хамда илфор ўкув воситаларининг самарадорлыгини ўрганиш учун ҳам бўлажак психологларнинг амалий компетентлигини такомиллаشتариш зарур деган илмий фаразга асосланаби бу зарурят мөхияти нұктай назаридан қўйидаги механизмга асосланади деган хуосага келдик:

- янги таълим турлари ва илфор ўкув воситалари ўртасидаги ўзаро бирлик механизми;
- ижтимоий заруриятнинг юзага келиши;
- таълим тизимига жамият томонидан ижтимоий буюртманинг берилиши;
- илфор ўкув воситаларининг яратилиши;
- илфор ўкув воситаларини қўллаштириш тизими (усул)ларининг асосланиши;
- таълим тамоиллари (янги дидактик коидалар) тизимининг яратилиши.

Олий таълим тизимида ўкув - тарбиявий жараён назарий ва амалий, семинар ва лабаратория машгүлөтларини ўз ичига олади, бу муаммоли маърузалар, ижодий семинарлар, илмий лаборатория машгүлөтлари, амалий машгүлөтлар ва симуляция ва моделлаштириш дастурларида кўрсатилган амалий психологик жараёнлардан иборат.

Модулли ўқитиш, замонавий рейтинг ва интегратив-ижодий вазифалар тўплами ёрдамида узлуксиз мониторинг килиш тизимини такомиллаشتариш жараёни амалга оширилади. Мутахассис фанларнинг ўкув режалари асосида олинадиган билим, кўними ва малакаларнинг мониторинги учун замонавий рейтинг усули амалга оширилади (жорий, оралиқ ва якуний назорат). Бўлажак психологлар амалий компетентлигини шакллантириш моделига мувофиқ компетенциясининг шаклланиши даражаси интегратив-аналитик вазифалар тўплами ёрдамида вақти-вақти билан диагностика ишлари (семестрлар бўйича) амалга оширилади.

Педагогик амалиёт – тарабалар томонидан эгалланган назарий билимларни чукурлаштириш ва мустаҳкамлаш, келгусида тайинланадиган лавозимлар бўйича педагогик маҳорат ҳамда амалий иш кўникмаларини шакллантириш, илмий-тадқиқот ишлари билан шугулланиш учун материаллар тўплаш ва амалиёттинг ўзига хос илфор тажрибаларини ўрганишдан, шунингдек уларнинг эгаллаган билим ва кўникмаларини назорат килишдан иборатdir.

Педагогик амалиёт танишув ўкув амалиёти, иш ўрганиш амалиёти ва диплом олди амалиёти ва бошқа турлар орқали амалга оширилади. Педагогик амалиёттинг мақсади, мазмуни ва муддатлари давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва амалиёт дастурлари билан белгиланади.

Давлат томонидан ташкил этиладиган яқуний имтиҳонларда интегратив-ижодий вазифалар аттестация босқичида бўлаjak психололгарни амалий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Интегратив-ижодий вазифаларнинг моҳияти, ушбу вазифаларни бажариш вақтида ўкув дастурини амалий фанларида ўрганиш даврида олинган билим ва тажрибаларни талаб қиласи. Интеграл ва ижодий топширикларни сертификатлашнинг муваффакиятли карори келажакдаги психологларнинг эришилган амалий маҳорати даражасини акс эттиради.

Таълим жараённида ташкил этиладиган интегратив-ижодий вазифаларнинг бажарилиши мутахассислик йўналишидаги фанларнинг ўкув режаларида ўзлаштирилиши талаб этиладиган билим ва тажрибаларнинг мазмуни ҳисобланади. Интегратив-ижодий вазифаларнинг муваффакиятли счими бўлаjak психологларнинг шаклланганлик даражаси назарий билимларни амалиётда кўллаш жараённида акс этади.

Шунингдек тадқиқотлар давомида биз томонимиздан ўқитиш жараёнида кўлланиладиган дидактик воситаларнинг самарадорлиги куйидаги сифат кўрсаткичлари бўйича белгиланиши аниқланади:

- кўрсатмалилик ҳамда таълимнинг эришувланилиги;
- дидактик вазифаларга, ўқитиш услублари ва мазмунига функционал мувофиқлик;
- кўлланилишнинг мажмуавийлиги;
- кўлланилиш универсаллиги ва таълим воситаларини ишлатиш қулайлиги.

Таълимда дидактик воситаларни кўллашнинг самарадорлигини ўкув жараёнини сифатли ташкил килишининг хусусий мезонини очиб берувчи бир нечта кўрсаткичлардан иборат. Булад:

- таълимни ташкил қилиш шаклларининг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг қабул қилинган даврларига мослиги (психология ва мантикий аспект);
- таълим шаклларининг ўзаро алмашувчанилиги ва хилма-хиллиги, улар турларининг вариативлиги;
- таҳсил олувчилар жамоа ва индивидуал фаолият шаклларининг энг мақбул нисбатини таъминлаш.

Бунда миқдорий кўрсаткичлар сифатида куйидагилар қабул қилинади:

- кўйилган масалани ҳал қилиш учун белгилangan ва сарфланган вақт;
- ўкув жараённиң амалга оширилиши мароми;
- таҳсил олувчилар мустакил фаолиятини ташкил қилишда ўқитувчининг ёрдам бериш даражаси.

Шунингдек тадқиқотлар давомида биз томонимиздан олий таълим муассасаларида бўлаjak психологларнинг амалий компетентлигини ривожлантириш механизмилари такомиллаштирилди. (2.3.2-расм). Ушбу механизим ўз ичига: бўлаjak психологларнинг амалий компетентлигини такомиллаштириш бўйича ижтимоий тузилмалар тизимини ва олий таълим муассасалари ўкув жараённида бўлаjak психологларнинг амалий компетентлигини такомиллаштиришнинг асосий шакл, метод ва воситаларини ўз ичига олди.

Зеро, хар қандай мақсадни амалга ошириш учун тажрибаларга таянган ҳолда олий таълим мұассасаларыда бўлажак психологиярнинг амалий компетентлигини такомиллаштиришда илмий-назарий ва амалий жиҳатдан қуидаги вазифаларига эътибор қаратмоғи лозим:

- инновацион таълим жараёнида таълим берувчи ва таълим оловчи позициясининг фаоллигига;
- ёнг замонавий медиа ва технологияларнинг сир - асрорларини пухта эгаллаганлигига;
- бўлажак психологиярнинг Низомга кўра фаолият маданиятига.

Умуман олгандা бу жараёни бўлажак психологиярнинг амалий компетентлигини шакланиш жараёни деб аташ мумкин, чунки, бу, таълим жараёнининг мустахкам технологик ташкиллаштирилганлигининг натижасидир.

Олий таълим жараёнининг “инновацион” технологияси таълим оловчи бўлажак психологияр нафакат ижтимоий-амалий билимлар билан таъминлайди, балки унда амалий компетентликнинг ўзига хос компонентларини, механизимларини шакланишига ҳам ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда инновацион таълим технологиялари, интернет тизимида ўкув мұассасаси учун яратилган сайтлар ёрдамида бўлажак психологияр амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, замонавий психологик билимлар сари кенг йўл очища янги ахборот технологиялардан унумли фойдаланиш - бугунги куннинг талабига айланди. Амалиётчи психологиярнинг ўзлаштириш топширикларни, тестларни бажаришига қараб интилиши, берилган дарслик, аудио ва видео дарсликлар, онлайн дарслар (интернет сахифа), электрон кутубхоналар, тестлар, мультимедиа - электрон дарсликлардан фойдаланиб, ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг психологик-педагогик билимларини оширишга кўмаклашиши, педагог ходимлар, ота-оналар ва жамоат ташкилотларининг самарали ҳамкорлигини таъминлашда мухим педагогик аҳамият касб этади.

Олий таълим мұассасаларида бўлажак психологиярнинг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини шакллантиришнинг мухим педагогик омилларидан бири таълим жараёнини такомиллаштиришнинг самарали шакл ва методларидан оқилона фойдаланиш хисобланади. Бўлажак психологиярнинг амалий компетентлигини такомиллаштириш фаолиятини мұваффакиятли амалга ошириш шарти хисобланган билим, кўникма ва малакаларини намоён этадиган индивидуал педагогик хусусиятлар, субъект (талаба)нинг ривожланиши, унинг билим, кўникма ва малакаларини ривожланиш динамикасига боғлиқ.

Шунингдек, ўзаро педагогик ҳамкорлик талабаларнинг амалий ва профессионал ўсишларида, турли психологик ва педагогик ҳолатларда инсонларга ёрдам кўрсатишга ўйналтирилган. Бўлажак психологиярнинг ўз-ўзини намойиш қилишга, яъни унинг шахсий потенциали ва имкониятлари принципи ўзаро педагогик ҳамкорлигининг етакчи принципи хисобланади.

Ўзаро педагогик ҳамкорлик жараёни диагностик (муаммони аниқлаш), қидириш (талаба билан биргалиқда муаммонинг юзага келиш сабабларини қидириш), шартномавий (ўқитувчи ва талабанинг ҳаракатларини вазифа ва масъулиятни дифференцилаштирилган ҳолда тақсимлаш билан лойихалаштириш), фаолиятга оид (муаммони ҳал этишда мұваффакиятни таъминлаш) ва рефлексив (муаммони ҳал этишда эришилган натижа таҳлили, объектив, ҳар томонлама баҳолаш, янада самарали қарор қабул қилиш йўлларини излаш)га боғлиқ бўлиб, бўлажак психологиярнинг вазифаларини ҳал этиш йўйини мустақил равишда фаол қидириши ўқитувчи ва талабанинг ўзаро педагогик ҳамкорлиги методлари ва шаклларининг асосий мезонлари хисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий талим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори. //Халқ сўзи. 2017 йил, 21 апрель, №79(6773)
2. В.Н.Спициндель Основы системного анализа Спб, 2000 - с.117 -118
3. Зубарева Т.С.Сравнительный анализ экономических систем, учебник в электронной форме. (<http://www.edu.ru>)
4. Ерохина Е.А.”Теория экономического развития: системно синергетический подход. Orel. rsl.ru.neitext/economic...
5. Х.И.Ибрагимов, У.А.Йўлдошев, Х.Бобомирзаев “Педагогик психология” ўкув кўулланмаси. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти. Тошкент 2007.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак психологларнинг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш омиллари, дидактик имкониятларини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари илмий назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек мақолада бўлажак психологлар амалий компетентлигини мониторинг қилиши тизимини такомиллаштириш, педагогик фаoliятни амалга оширишда назарий ҳамда амалий тайёргарлигининг бирлигини ифодалashi ва унинг касбий шаклланганлигини таснифлашга хизмат килишида талабаларнинг эгаллаган билим, кўнкимга ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаoliятларида амалий қўллаш олиш имкониятлари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются факторы совершенствования системы мониторинга практической компетентности будущих психологов, приоритеты дальнейшего совершенствования дидактических способностей. В статье также освещаются возможности применения студентами знаний, навыков и умений, приобретенных в их личной, профессиональной и социальной деятельности, для совершенствования системы мониторинга практической компетентности будущих психологов, выражения единства теоретической и практической подготовки в педагогической деятельности и классификации ее профессионального становления.

SUMMARY

This article analyzes the factors of improving the monitoring system of practical competence of future psychologists, the priorities for further improving didactic abilities. The article also highlights the possibilities for students to apply the knowledge, skills and abilities acquired in their personal, professional and social activities to improve the monitoring system of practical competence of future psychologists, to express the unity of theoretical and practical training in pedagogical activity and to classify its professional development.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРАШДА ЗАМОНАВИЙ
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Жабборова Д.Ф.

Навоий давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: таълим, ижтимоий-иқтисодий, модернизация, илм-фан, педагогик технология, бўлажак ўқитувчи, механизм, касбий тайёрлаш, интеллектуал салоҳият.

Ключевые слова: образование, социально-экономическое, модернизация, наука, педагогическая технология, будущий учитель, механизм, профессиональная подготовка, интеллектуальный потенциал.

Key words: education, socio-economic, modernization, science, pedagogical technology, future teacher, mechanism, vocational training, intellectual potential.

Таълим тизимини модернизациялаш ижтимоий, иқтисодий муаммолардан ажралган ҳолда, тармоқ муаммо сифатида қаралмаслиги лозимлиги Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш йўлида ҳам муҳим қадамлар кўйилди” деган теран фикрларида кўрамиз.

Бутунги кунда таълим соҳасида ўз ечимини топмаган муаммолардан бирни бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашинг интеллектуал салоҳиятли, касбий нуфузнинг ўсишида эришилган ютуклар таълим тизимини меҳнат бозори конъюктураси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришина тақозо киласди.

Ўқитишининг таълими, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларининг уйғунлиги бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш механизмларини ривожлантириш, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил қилиш мақсадида аввало таълим жараёнини педагогик мазмунни, самарали шакл ва методларини тўғри танлашга бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш механизмларини ривожлантиришининг педагогик мазмунни ўкув услугубий адабиётлар ва қўйламалар, дарслклар, ДТС, намунавий ва ишчи дастурларда ўз аксини топган бўлиб, таълимда замонавийликни таъминлаш яъни таълим амалиётида илмий асосланган ва таъжрибада синалган дидактикага оид янгиликлар, фаол методлар ва шакллар, тартиб қондадарни жорий этишининг мажбурийлигига, шунингдек таълимнинг тараққиёт даражаси унинг мазмунига киритилаётган фан техника ютуклари билан тавсифланади.

Биз мазкур тадқиқот иши доирасида таълим мазмунини белгилаб беришда юқоридаги компонентлар билан бир каторда:

таълимда интеллектуал соҳани ривожлантириш, яъни таълим олувчиларнинг фикрларлари, билиш психик жараёнларининг теранлиги, мутахассис фанлар ва ўкув предметларига оид билим, ўкув ва кўнікмаларни шакллантириш жараёни;

таълимда ироданинг ривожлантириш, яъни таълим олувчиларда мақсадга интилиши шакллантириш, асаб ва мускулларнинг зўрикишини енга олиш, ташаббу-скорлик, ўз кучига ишониш, ўзини бошкара олишни ривожлантириш, билимларни ўқитиш, фаолиятни ривожлантириш, уни қандай амалга ошириш ва назоратни ташки кўнікмасиз олиб бориш;

таълимда мотивацион соҳани ривожлантириш, яъни таълим олувчиларнинг интеллектуал билимларга, табиатни англашга, жамиятга инсонга фикрлаш ва билиш кобилиятларига бўлган эҳтиёжларни шакллантириш;

таълимда эмоционал соҳани ривожлантириш, яъни таълим олувчиларни ўз ҳиссий ва руҳий ҳолатларини бошкариш бўйича зарурий кўнікмаларни шакллантириш;

таълимда педагогик технологияларнинг самарали усул ва воситаларни кўллаш орқали талабалар ўзлаштиришлари лозим бўлган материалларни идрок этиш, билимларни мустахкамлаш ва такомиллаштириш учун кўнікма ва малакалар ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этади деган хulosага келдик.

Илмий изланишлар ва тадқиқотларимиз жараёнида бир катор педагог олимларининг “таълим мазмуни” тўғрисидаги фикрларини илмий мушоҳада килдик.

Д.Юнусова ўзининг тадқиқот ишларида таълимга инновацияларни татбиқ этишда таълим-тарбия жараёнини технологик жараён сифатида қараб, жорий этиладиган янгиликларни бу жараённинг асосий компонентлари (таълим мақсади, таълим мазмунни, ўқитиш методи, ўқитиш воситаси, таълим натижаси) асосида куйидагича гурухлайди:

– таълим мақсади билан боғлиқ инновация муҳитидаги таълим интеграци-

- яси педагогик инновацияларга асосланган бўлиб: модернизациялашган таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи (касбга йўналтириш, тўлдириши, инсонпарварлаштириш, табакалаштириш, интеграллаш, индивидуаллаштириш ва бошқа мақсадларга кўра);
- таълим мазмуни билан боғлиқ педагогик инновациялар: миқёсига кўра – узлуксиз таълимда, алоҳида таълим турида, айрим фанда, бобда, мавзуда, мавзу материалининг айрим кисмида; даражасига кўра – такомиллаштириш, тубдан ўзгариши, ўзидан олдингисига нисбатан – янги дастур, дастурни такомиллаштирувчи, ўкув материалини тўлдирувчи; пайдо бўлишига кўра – меъёрий хужжатлар ўзгариши асосида режали, олдиндан ўйланган, ички ва ташки;
 - ўқитиш методи билан боғлиқ педагогик инновацион мұхит: миқёсига кўра – узлуксиз таълимда, алоҳида таълим турида, айрим фан, боб ва мавзуда, ўкув машгулоти шакли ва турида; даражасига кўра – такомиллаштириш, кўринини ўзгариши, маълум услубиёт элементларини янгича талқинда ишлаб чиқиш; ўзидан олдингисига нисбатан – янги, такомиллаштирувчи, ўрнини алмаштирувчи, тўлдирувчи, ретро; пайдо бўлишига кўра – режали, олдиндан ўйланган, тасодифий, янги талаблар асосида, ички ва ташки;
 - ўқитиш воситаси билан боғлиқ педагогик инновациялар: миқёсига кўра – оммавий, якка, комплекс, тизимли, узлуксиз таълимда, алоҳида таълим турида, айрим фанда, ўкув материалининг айрим кисмида, ўкув машгулоти шакли, тури, айрим боскичида; ўзидан олдингисига нисбатан – янги техника, технология, эскисини алмаштирувчи, ўрнини алмаштирувчи, ретро; даражасига кўра – модернизациялашган, маълум восита элементлари янгича талқинда ишлаб чиқилган, тубдан ўзгартирилган; пайдо бўлишига кўра – режали, олдинган ўйланган, тасодифий, ички, ташки, техника ривожи таъсирида;
 - таълим натижаси билан боғлиқ педагогик инновациялар: ўқитувчи фаолиятида – новатор ўқитувчи; ўкувчи фаолиятида – мустақил фикрловчи, аник мақсадга интилувчи, таълим жараёнининг фаол субъекти.

Таҳлилий материалларга таяниб шуни таъкидлаш жоизки, замонавий олий таълим тизими бўлажак ўқитувчиларни қасбий тайёрлаш механизмлари таълим мазмунини ва ташкилий тузилишига қаратилган бўлиши керак. Етук мутахассисни таълим муассасалари тарбиялаб бера олмайди, етук мутахассис даражасига эришиш учун битирувчи маълум амалиёт даврини, апробация боскичларини ўтганидан сўнгтина эришади.

Бу ўринда олий таълим муассасаларида ўқиш давридаёқ меҳнат фаолиятини бошлиб юборган таҳсил олувчиларни алоҳида хисобга олиш керак, чунки улар ҳар хил давлат ва нодавлат ташкилотларида ишлаб, амалиётдаги фаолиятини ўкув дастурлари билан солишибтириш имкониятига эгадир, натижада таҳсил олувчи ўқитилаётган фанлар мажмусидан, фан дастурларидан айрим ҳолларда қониқиши ҳосил қилмайди ва дастурларга ўзгаришилар киритиш керак деб хисоблади. Ўз навбатида олий таълим муассасалари ўқитувчиларига нокулайликлар яратиши ҳам мумкин, чунки эркин бозор муносабатлари даврида ҳар хил мулкчиликка эга бўлган корхоналарнинг ўз қизиқишиларидан келиб чиқиб олиб бораётган фаолият доирасини фан дастурларида қамраб олиш қийин ва мақсадга ҳам мувофиқ эмас.

Шу билан биргалиқда таълим тизимини такомиллаштириш таълимнинг узвий-лигига яńы, мактаб, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим муассасаси, умумий ахборот воситалари, масофавий таълим олишни ҳам кўшиб қараган ҳолда бир бутун шаклда тарақкӣ эттирилиши керак. Ёшларнинг бугунги олган билимлари уларга 10-15 йилдан кейин меҳнат фаолиятини актив ҳолда олиб боришлари учун хизмат қилиши керак бўлади. Чунки улар ўша даврга хос бўлган техник жиҳозларни ишлатиш, бошқарув муаммоларини ҳал қилиш ва янгиликлар ишлаб чиқишилари кўзда тутилади.

Фикримизча, ҳозирги даврдаги геоинқисодий ва геосиёсий тузилмасининг таркиб топаётган даврида стратегик ракобатбардошлигини таъминлаш учун қуидаги вазифани бажариш максадга мувофик бўлар эди:

- ижтимоий тузилманинг инновацион ривожланишини таъминлаш. Бу нафақат тижоратлаштириш ва собиқ иттифоқ давридаги илмий лойиҳа ишланмаларини ҳаётга тадбиқ этиш, балки узилишларга эга бўлган фанни таълим ва кадрлар тайёрлашдаги синтезини таъминловчи миллий инновацион инфраструктурани кайта тиклаш услубларини яратиш.
- талабаларнинг ўз маданиятини саклаши ва у билан ҳамжиҳатлили максадини амалга ошириш. Бунинг учун тарбия билан таълимнинг яқдиллигини таъминлаш.

Келтирилган вазифаларнинг ўзаро узвийлиги шундаки, бир томондан фан соҳасини, иккинчи томондан таълим соҳасини кайта куриш яратилаётган инновацион жараённинг курдатини таъминлайди. Натижада республиканинг глобал жипслашув ва ракобатбардошли стратегиясига ўз таъсирини ўтказади. Бошқача кириб айтиладиган бўлса, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни келажак миллий инновацион тизимнинг белгиловчи элементи сифатида режалаштириш ва қайта куриш керак. Яна бошқа дикқатга сазовор кўрсаткичлардан бўлиб, таълим тизимининг юқори боскичи (магистратура, аспирантура, докторантура) хисобланади ва унинг зиммасига “ишлаб чиқарувчилар” синфини яратиш юклатилган. Улар янги авлод “инженер-техникларини, бошқарув ва ижтимоий маданий” соҳа кадрларини инновацион йўл орқали тайёрлаб беришга қаратилган. Ўрта ва пастки боскич тизими эса, умумий “харидорлар” ва инновацияни “истеъмол қилувчилар” синфини шакллантиришга қаратилган бўлиб, бу муаммони улар барча соҳалар ва йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлаш йўли орқали амалга оширадилар.

Шунинг учун таълим соҳасидаги ҳар қандай ислохотларга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошмоқ лозим. А.К. Колеченко технологияларни педагогик ва психологик типини ажратади. Унинг фикрича педагогик технологияларда операция ва ҳаракатлар жисмонан сезиларли бўлса, психологик технологиялар эса яширин характерга эга бўлади: бу аниқ бир инсоннинг психикасидаги психик операциялар ва ҳаракатлардир.

Ҳар қандай ечимни қабул килишга шошилмай ёндошиб, келажакда ўзимизни инновацион қайта тикланишдаги йўлимизни беркитиб қўймасликка ҳаракат кильмоқ даркор. Биз ўзимизга келажакда таълимни ислоҳ қилишга қаратилган инновацион оқимдан таълим тизимининг айрим соҳаларини ёки бутунлай узиб кўядиган карорлар қабул қилишга эҳтиёткорлик билан ёндошишимиз керак.

Юқоридаги фикрларга таяниб айтиш мумкинки, таълим тизимидағи қайта курилиш уни инновацион ривожланишининг асосий инфраструктураси эканлигига ургу бериш, таълимдаги қайта курилишга қаратилган тадбирларда таълим сифати ҳақидаги тушунчалар оддий фикрлар йигиндисидан иборат бўлиб бир вактнинг ўзида эртанги кун мутахассисининг мавзуини камраб олиш имкониятига эга эмас.

Таълим сифати тушунчаси эса, фақат стандартлар билан боғланиб таълимни ислоҳ қилиш ва унга янгиликларни тадбиқ этиш имкониятини бирмунча қийинлаштиради.

Бўлажак ўқитувчиларни қасбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш вазифалари кўйидаги кўрсатгичларда ўз аксини топган:

- Билишга ўргатиш, яъни билиш қобилиятини шакллантириш;
- Ҳамжихатлик асосларини ўргатиш, яъни ҳамкорлик ва биргаликда фаолият юритиш конунчилигини ўзлаштириш;
- Ҳаракат қилишга ўргатиш, яъни ҳаракат қилиш сабоғига ўргатиш;
- Ўзлигини идрок қилишга ўргатиш, яъни дунёвий тафаккурни шакллантириш усулларига ўргатиш.

Айтиш жоизки, инновацион технологияларни ташкил этувчи асосий структура, унинг компонентлари билан педагогик технологияга қўйиладиган талабалар ҳам бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Қўйида уларнинг асосийларини келтириб ўтамиз.

| ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ КОМПОНЕНТЛАРИ | | ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МЕТОДОЛОГИК ТАЛАБЛАР | |
|---|--|---|--|
| Ташхис | Ўкув материалини ўзлаштириши даражасини ташхис қилиш хамда бир хил билим ва тажрибаларга эга таълим олувчилар гурӯхини шакллантириш | Концеп - уаллик | Ҳар бир педагогик технологияда таълим максадларига эришишнинг фалсафий, психологик, дидактик ва ижтимоий-педагогик асосларни ўз ичига оладиган муайян илмий концепцияга эга бўлиши лозим. |
| Мотивация ва ташкилий қисм | Бу боскичда ўқитувчининг вазифаси талабаларда ўкув материалига бўлган қизиқишларини ва билиш фаолиятини ошириши хамда уларнинг ўкув фаолиятини ташкил этишдан иборат | Тизимли - лик | Педагогик технология тизимнинг барча белгиларини эгаллаши лозим: жанаённинг мантигини, унинг барча кисмларининг боғлиқлигини, яхлитлигини. |
| Ўқитиш восита ларини ҳара- катга келти - риш | Бу бевосита ўқиш ишларини амалга ошириш боскичи бўлиб, таълим воситаларининг ёрдамида талабаларнинг ўкув материалини ўзлаштириш ишлари амалга оширилади | Бошқарув- чилик | Диагностик мақсадга мувофиқликни, режалаштиришни, ўкув жарабёнини лойихалашни, боскичма-боскич диагностика қилишни, натижаларни коррекциялаш бўйича воситалар ва методларнинг варијацияларининг мумкинлигини назарда тутади. |

| | | | |
|----------------|--|----------------------------------|---|
| Назорат | Ўкув материалини ўзлаштириш сифатини назорат қилиш | Самарадорлик | Замонавий педагогик технологиялар конкурент шароитида мавжуд бўлади хамда патижаси ва сарфланиш бўйича самарали бўлиши, ўқитишнинг муайян стандартига эришишини кафолатлагни лозим. |
| | | Қайта ишлаб чиқарувчанлик | Педагогик технологияларни бирдек типдеги бошқа да таълим муассасаларида бошқа субъектлар томонидан кўлланилишини (такрорланишини, қайта ишлаб чиқарилишини) назарда тутиши лозим. |

Бўлажак ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим жараённи билан ижтимоий тизимлар ва шарт шароитлар орасидаги қонуний алоқаларни ўрганиш имконини берадиган тизимли таркибий тузилиш, шунингдек олимларнинг инновацион таълим тўғрисидаги фикрлари бизга етакчи методологик манба бўлиб хизмат киласди.

Фаол таълим методларининг тадқиқотчилари И.Д.Зверев, М.И.Махмутов, Ю.К.Бабанскийнинг оғзаки методлар, кўргазмали методлар, амалий таълим методларидан фойдаландик. Биз биламизки таълим методлари услублардан таркиб топади, шунинг учун биз педагогикада кўлланиладиган қўйидаги метод ва услубларни:

Микротаълим (ўкув материали бўлимларининг кичик қисмларини маълум кетмакетлиқда ишлаб чиқаришга татбик этиш). Мазкур таълим тарафдорлари кўп кирраллийкни дарс кириш қисмининг муҳим элементи сифатида тавсия этадилар.

Таълимнинг модул технологияси (баённинг дидактик бирлиги ва тест). Дидактик бирлика кўшиш, кўпайтириш, конспектлаштириш, сана ва сўзларни эсда саклаб қолиш услублари, тест ўтказиш, оптимальлаштириш ва бошқалар киради.

Мавзулар мазмунига мувофиқ билимларни мажмуалаш (биринчи дарс – ахборотли, иккинчи дарс - муаммоли, учинчи дарс - амалий, тўртинчи дарс - мустаҳкамлаш, тест ўтказиш тарзида).

Илгор воситалар ёрдамида ўкув матнларини қисмларга бўлиб (муайян кетмакетлиқда, узлуксиз) ўрганиш.

Ишбилармонлик ўйинлари (масалан, «Лабиринт», «Муаммолар майдони» ва бошқаларни) кўллаш.

Муаммоли таълим методлари (ўзлаштирилиши зарур бўлган билимлар ҳажмини аниқлаш – муаммолар тахлили – фанлараро алоқаларни ўрганиш – муаммоларни мустақил ҳал этишга тайёрлаш).

Мавжуд муаммоларни ҳал этувчи вазиятли тахлил («вазиятгасвир», «вазиятбаҳо», «вазиятмуаммо», «вазиятмашқ»).

Педагогик тренинг (тез ўқиш ва ёзиш машқи, фикрлаш техникаси, графология, мимика, таклид ва пантомимика услубларини эгаллаш).

Тахсил олувчилар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш.

Педагогик квалиметрия (тахсил олувчини ЭҲМ воситасида тестдан ўтказиш).

Дастурли таълим.

Ўқув предметлари бўйича яратилган аудиовизуал курс дастурлари асосидаги таълим.

Педагог фаолиятини илмий асосда ташкил этиш.

Педагогик технологиялар таълим воситаларини бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишларда қўллаш имконини берди. Айни вақтда “Аппаратматнлар” тизими (видеокитоблар, ўқув дисклари, мусиқали альбомлар ва бошқалар)дан оммавий равишда фойдаланилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил

2. Педагогик технология: муаммо ва истикболлар (замоновий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослар). Муаллифлар гурӯҳи. /Т.ОЎМКҲТРМ, 300 бет

3. Колеченко А.К. Энциклопедия педагогических технологий: Пособие для преподавателей. — Издательство Санкт-Петербург. СПб.: КАРО, 2002.— 368 с. <http://nsportal.ru/shkola/inostrannye-yazyki/library/2012/09/09/>

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиши жараёнини ташкил этишининг назарий жиҳатлари илмий таҳлил килинган. Шунингдек маколада педагогларнинг интеллектуал салоҳияти, касбий нуғузини ўсишида эришилган ютуклар таълим тизимини меҳнат бозори конъюнктурасидаги янгиликлар таҳлил килинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлен научный анализ теоретических аспектов организации процесса использования современных педагогических технологий в профессиональной подготовке будущих учителей. В статье также анализируются достижения педагогов в развитии интеллектуального потенциала, профессиональной репутации, инновации в конъюнктуре рынка труда системы образования.

SUMMARY

This article presents a scientific analysis of the theoretical aspects of organizing the process of using modern pedagogical technologies in the training of future teachers. The article also analyzes the achievements of teachers in the development of intellectual potential, professional reputation, innovation in the labor market conditions of the education system.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ

Ашуррова О.А.

Фаргона давлат университети магистранти

Таянч сўзлар: инновация, фаолият, инновацион фаолият, янгилик.

Ключевые слова: инновация, деятельность, инновационная деятельность, новость.

Key words: innovation, activity, innovative activity, news.

Хозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш-инновацион педагогикани майдонга олиб чиқди. “Инновацион педагогика” терминин ва унга хос бўлган тадқиқотлар Фарбий Европа ва АҚШда 60-йилларда пайдо бўлди. Инновацион фаолият Ф.Н.Гоноболин, С.М.Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузмина, В.А.Сластенин, А.И.Шербаков ишларида тадқиқ этилган. Х.Бамет, Дж.Бассет,

Д.Гамилтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М.Майлз, А.Хейвлок, Д.Шен, Р.Эдем ишларида инновацион жараёнларни бошқариш, таълимдаги ўзгаришларни ташкил этиш, инновациянинг “ҳәти ва фаолияти” учун зарур бўлган шарт-шароитлар масалалари тахлии қилинган.

Янгилик киритишнинг социал-психологик аспекти америкалик инноватик Э.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни қатнашчиларининг тоифа(тип)лари таснифини, унинг янгиликка бўлган муносабатини, уни идрок қилишга шайлигини тадқиқ этади. Олий таълим муассасаси ўқитувчининг инновацион фаолияти, олий таълим муассасаси педагогикасининг бозу муаммоларидан биридир.

Инновация (инглизча инноватион) – янгилик киритиш, янгиликдир. А.И.Пригожин инновация деганда муайян ижтимоий бирликка – ташкилот, аҳоли, жамият, гурухга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришлар тушунади. Бу инноватор фаолиятидир. Тадқиқотчилар (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахисезер, Н.П.Степанов ва бошкалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг иккига ёндашувини ажратадилар: янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатҳи. Биринчи ёндашувда ҳаётга жорий этилган қандайдир янгиғоя ёритилади. Иккинчи ёндашувда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, ракобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашидир.

Янгилик-бу воситадир: янги метод, методика, технология ва бошкалар. В.И.Загвязинский янги тушунчасига таъриф бериб, педагогикадаги янги бу факатгиниғоя эмас, балки ҳали фойдаланилмаган ёндашувлар, методлар, технологиялардир. Лекин бу педагогик жараённинг унсурлари мажмуман ёки алоҳида олинган унсурлари бўлиб, ўзгариб турувчи шароитда ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этишининг илғор боғланмаларини ўзида акс этиради.

Р.Н.Юсуфбекова педагогик янги фикрга, ўқитиш ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб борувчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмунни сифатида қарайди. Педагогик инновацияда Р.Н.Юсуфбекова инновацион жараён тузулмасининг уч блокини фарқлайди:

Биринчи блок-педагогикадаги янгини ажратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгиликни яратиш шарт-шароити, янгиликнинг месъёрлари, янгиликнинг уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгиликни яратиш босқичлари киради.

Иккинчи блок-янгиликни идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янгиликни баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёнларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация мухити, педагогик жамиятларнинг янгиликни идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

Учинчى блок-янгиликдан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, янын янгиликни тадбик этиш, фойдаланишга кенг жорий этиш конуниятлари ва турларидир.

М.М.Поташникнинг инновация жараёнлари талқинлари киши эътиборини ўзига тортади. У инновация жараённинг қўйидаги тузумасини беради:

- фаолият тузилмаси – мотив – мақсад – вазифа – мазмун – шакл -методлар методика компонентлари йигиндиси;
- субектив тузилма-инновацион фаолият субектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;

- ▶ сатхий тузилма–инновацион фаолият субектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатхлари;
- ▶ мазмун тузилмаси–ўқув–тарбиявий ишлар, бошқарув (ва б.)да янгиликнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқилиши ва ўзлаштирилиши;
- ▶ босқичлиликка асосланган ҳаёт даврийлик тузилмаси – янгиликнинг пайдо бўлиши – илдам ўсиш – стуклик – ўзлаштириш – диффузия (сингиб кетиш, тарқалиш) – бойиш – қолоклик – инқироз – алданиш – замонавий–лаштириш;
- ▶ бошқарув тузилмаси–бошқарув ҳаракатларининг 4 та турининг ўзаро алокази: режалантириш – ташкил этиш – раҳбарлик қилиш – назорат қилиш;
- ▶ ташкилий тузилма–диагностик, олдиндан кўра билиш, соф ташкилий, амалий, умумлаштирувши, татбиқ этувчи.

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4 та асосий қонунияти фарқланади:

- ▶ педагогик инновация мухитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;
- ▶ ниҳоят амалга ошиш қонуни;
- ▶ колиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни;
- ▶ педагогик инновациянинг даврий тақрорланиши ва қайтиши қонуни;

Педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурларда педагогик онг бўлниади, педагогик янгилик баҳоланади ва у янгиликнинг аҳамияти ва қимматини кенгаяди. Ниҳоят амалга ошиш қонуни янгиликнинг ҳаётйлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияли ёки онгли равишда амалга ошади.

Колиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни шундан иборатки, унда педагогик инновация фикрларни бир колипга тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатда педагогик қолип (стереотип) қолоқликка, бошқа янгиликларнинг амалга ошиш йўлига тўсик бўлишга мажбур бўлади.

Педагогик инновациянинг даврий тақрорланиши ва қайтиши қонунининг моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади. Педагогик инновация тадқиқчилари инновация жараёнининг иккى типини фарқлайдилар:

Инновациянинг биринчи типи стихияли ўтади, яъни инновацион жараёнда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уни амалга оширишнинг барча шарт шароитлари тизими, усуслари ва йўлларига онгли муносабат бўлмайди. Инновациянинг иккинчи типи онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсулидир.

Олий таълим муассасаларидаги инновацион жараёнлар В.А.Сластенин, М.М.Левина, М.Я.Виленский ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Олий таълим муассасалари инновацион жараёнлари негизида кўйидаги ёндашувларни белгилаш мумкин:

- ▶ маданияшунослик жиҳатидан (инсонни билишнинг устувор ривожлаши) ёндашув;
- ▶ шахсий фаолият жиҳатидан (таълимдаги янги технологиялар) ёндашув;
- ▶ кўп субектили (диалогик) ёндашув, яъни қасбий тайёргарликни инсонпарварлаштириш;
- ▶ индивидуал - ижодий (ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатлари асосида) ёндашув.

Олий таълим муассасаларидаги инновацион фаолиятнинг субекти ўқитувчи ва унинг шахсий имконияти ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий маданий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятта молик бўлади.

С.М.Годниннинг ишларида талабанинг шахсий хислатлари педагогик жараённинг субекти сифатида ёритилади. Унга күйдагиларни киритади: ўқитувчининг ҳозирги ва келгуси боскичлари учун қабул қилинган ўкув-тарбия жараённинг максади, вазифаси ва кўрсатмаларини англай билиш; интеллектуал меҳнатнинг янги тадбирларини эгаллаш; максадга мувофик қасбий ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таҳсил олиш, қийинчиликларни аъло даражада енга билиш, ўсиш ва мустахкам ўрин эгаллашнинг кенгаятган интеллектуал ва қасбий имкониятлари, истиқболлари билан қиниқиши, ўзининг социал роли функциясини бажаришида фаол муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик жараённинг муҳим унсурлари шахснинг ўз-ўрни бошқариши ва ўзини-ўзи сафарбар кила олиши хисобланади. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш. Бундай йўналиш талабаларнинг ўкув ишларини фаоллаштириш, уларнинг қасбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаолигини ўз ичига олади.

Таянч йўналишлар – таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви, уларнинг ўзаро алокаларидан янги тамойилларга ўтиш. Шундай килиб, инновацион фаолият омиллари назарияси таҳлили унинг энг муҳим йўналиши гуманистик аксиология экан, деган хulosага олиб келади.

Инновациян фаолиятга аксиологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараённига баҳшида килиши, унинг томонидан яратилган педагогик қадриятлар жамул-жамини англатади. Аксиология инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараккиётнинг бирдан бир максади сифатида қарайди.

В.А.Сластенин ўқитувчининг инновацион фаолиятини тузишида унга акмеологик жиҳатдан ёндашади. Акмеология (акте) – юонча олий нукта, ўткир, гуллаган, етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

Б.Г.Ананев, Н.В.Кузмина, А.А.Деркач ва бошқалар қасбий фаолиятнинг самарасини ошириш билан йўғрилган инсон хаётининг энг ижодий даврлари, етуклик боскичлари тўғрисида фикр юритадилар. Улар етук инсонларнинг профессионализми, шахс ривожланишининг гуллаган давридаги психик қонуниятлари, профессионализмга етишдаги баландликлардан ўта олиш масалалари билан шуғулланганлар.

В.А.Сластенин акмеологиянинг юксак профессионализмга, мутахассиснинг узок ижодий умр кўришига олиб келадиган субектив ва обектив омилларини асослаб берди. Объектив омилларга олинган таълимнинг сифатини, субъектив омилларга эса инсоннинг истеъоди ва кобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самарали ҳал кила олишидаги маъсулиятини, мутахассисларга ёндашувини киритади. Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида кўйдагилар кўрсатилиади:

- истеъод нишоналари;
- ўкувлилик;
- кобилият;
- истеъод;
- оила тарбияси шароити;
- ўкув юрти;
- ўз хатти-харакати.

Акмеология илмий нуктаи назардан профессионализм ва ижод муносабатида олиб қаралади. Бунда кўйдаги категориялар фарқланади:

- ижодий индивидуаллик;
- ўсиш ва такомиллашиш жараёни;
- ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажрибаси.

Үйкитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- интеллектуал – ижодий ташаббус;
- билимлар көнглиги ва чукурлиги интеллектуал қобилияти;
- зиддиятларга нисбатан хүшсрлик, ижодга танкидий ёндашув, вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;
- ахборотларга ташналиқ, муаммолардаги файри одатийликка ва янгиликка бўлган хис–тўйғу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик (Н.Вишнекова).

В.А.Сластенин ижодий индивидуализмни рўёбга чикаришнинг асосий вазифаларини қуйидагича белгилайди:

- ижтимоий моҳият касб этган маданиятни бойитиш;
- педагогик жараён ва шахс билимларини янгилашиб туриш;
- самарали ва аҳамиятли меъёрларни белгилайдиган янги технологияларни топиш;
- шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилашиб ва ўз ўзини намоён қила олиши асосида ўз ривожланишини таъминлаш.

Шу тарика үйкитувчининг ижодий индивидуалиги шакллантириш шахс ривожланиши ва янгилашишининг динамик инновацион жараёни сифатида тушунилади. Ижодий индивидуалликни характерлайдиган самарали ўз–ўзини англаш қуйидагиларни камраб олади: ўзини бошқаларга киёс қилиш асосида ўз шахснинг бетакор эканлигини англай олиши; ўзи тўғрисидаги креатив кўринишлар ва тасавурлари тўплами; индивидуал креатив ўзига хосликларнинг бир бутунлиги ва уйғунлиги, ички бирлиги; шахснинг ўз ривожланишидаги динамиклик ва доимийлик жараёни ва унинг ижодкор сифатида шаклланishi; шахс ўзини намоён қила олиши ва ўзининг муайян ишларни амалга оширишга ҳозир турганлиги; ижодкор сифатида ўзини баҳшида қила олиши ва шахсий ҳамда ижтимоий вазиятларда ўзининг ўрнини англай олиши (В.А.Сластенин).

Инновацион фаолият тузилмаси таҳлилида акмеологик ёндашув үйкитувчининг касбий маҳорати чўккilariga эришуvida унинг шахси ривожланиши конуниятларини очиш имконини беради.

Үйкитувчи инновацион фаолиятининг энг мухим тавсифи креативликдир. Креативлик термини Англия–Америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўнкималар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Ж.Гилфорд креативликни тавсифлайдиган катор индивидуал қобилиялари кўрсатади:

- фикрнинг равонлиги;
- фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;
- ўзига хослик (оригиналлик);
- кизикувчанлик;
- фаразлар яратиш қобилияти;
- хаёл қила олиш, фантастлик (фантазия).

М.Н.Гнатко креативликни кишининг ижодий имконияти, социал–ижодий фаолликни намоён қила олиш қобилияти билан шартланган киши индивидларининг қандайдир маҳсус хислати деб қарайди. Ижод тушунчасини белгилашда у жараён – натижага тавсифидан, креативликни белгилашда эса субъект – шартлилик тавсифидан фойдаланади. Ижод мезонлари, унинг психологик механизмлари, ижодий тафаккурнинг ривожланиши техникаси В.А.Кан-Калик, Я.А.Пономарев, С.Ю.Степанов, Т.В.Фролов ва бошқаларнинг ишларida тадқиқ этилган.

Н.М.Гнатко креативлик механизмларини куйидаги бўлимларга бўлиб ўрганишни таклиф этади:

- потенциал креативлик;
- фаолиятдаги креативлик.

Потенциал креативлик Н.М.Гнатконинг фикрича, муайян ташки шароитларда фаол креативликка айланишга назарий тайёр шаклда намоён бўладиган индивиднинг потенциал жойлашишини англатувчи креатив фаолиятдир. Потенциал креативлик ижоднинг зарурий субъектив шартидир.

Фаолиятдаги креативлик - фаолиятнинг бирор турида ижодий фаоллик кўрсатувчининг бевосига тайёргарлигини таъминлайдиган фаолиятнинг у ёки бу тури тавсифли потенциал креатив индивиднинг индивидуал тавсифлари алоқаларини юзага келтиради. Фаол креативлик ижоднинг энг муҳим субъектив шартидир (Н.М.Гнатко).

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, тадқиқотлар кўрсатадики, потенциал креативлик, амалга ошириш мумкин бўлган креативликдир. Уни фаолиятдаги креативликка ўтказиш муайян фаолият турини ташувчи (субъект) томонидан унинг ўзлаштирилишида туб ўзгартиришлар қилиш оркали амалга ошади. В.А.Сластенин, Н.М.Гнатконинг потенциал креативликни мунтазам фаолиятдаги креативликка тақлид қилиш асосида ўзгартириб бориши ҳақидаги қарашларига қўшилган ҳолда уни тўлдириб, креативлик тақлид қилиш, нусха олиш йўли билан ривожланади ҳамда тақлид қилиш асосидаги ижод, ҳақиқий ижодга олиб келади, деб ҳисоблайдилар.

Адабиётлар:

1. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 38-42-б.

2. Утёмов В.В., Зинковкина М.М., Горев П.М. З. Педагогика креативности: прикладной курс научного творчества / Учеб.пособие. – Киров: АНОО “Межрегиональный ЦИТО”, 2013. – 212 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш дол зарб педагогик зарурият эканлиги баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье говорится, что подготовка будущих учителей к инновационной педагогической деятельности является насущной педагогической необходимости.

SUMMARY

This article says that preparing future teachers for innovative pedagogical activity is an urgent pedagogical need.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИЯЛАР

Саримова Д. С.

Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайерлаш ва уларнинг малакасини ошириши худудий маркази катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: инновация, таълим, самарадорлик, дарс жараёни.

Ключевые слова: инновация, образование, эффективность, процесс урока.

Key words: innovation, education, efficiency, lesson process.

Таълим тизимида ёшларга замонавий билим беришда инновацион технологияларнинг ўрни бекиёс. Дарс жараённида илфор педагогик технологияларни кўллаша ҳамда замонавий услублар таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширади, ракобатдардош кадрлар тайёрлашга хизмат килади.

Дарс ва дарсдан ташқари ишларнинг самарадорлигини ошириш масалалари таълимтарбия жараёнини илмий асосда йўлга кўйиш ва янги педагогик технологияларни амалда кўллаш билан узвий равишда боғлик. Таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ташкил этиш, таълим-тарбия жараёнларига янгилик киритиш ва янгича ёндашувларни жорий этишдан асосий мақсад ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси ҳамкорлиги изчиллигини таъминлаш ҳамда уни аник режа асосида ва мақсадга йўналтирилган ҳолда йўлга кўйишдан иборатдир. Бу ишда педагогик-психологик ва ташкилий масалаларнинг омихта ечими талаб этилади. Шуни қайд этиши лозимки, педагогик инновациялар иштирокчилари инновацияларнинг юзага келиши, намоён бўлиши ва уларни бошқариш жараённи қонуниятлари ҳакида методологик, психологик, педагогик, технологик билимларни пухта эгаллашлари лозим. Акс ҳолда, педагогик инновациялар самарали натижа бермайди. Фикримизча, таълим тизимида жорий этилажак инновацион жараёнларнинг самарадорлиги ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш масъулияти педагогик инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш шарт-шароитларига, таълимнинг анъянавий ва замонавий усулларини мақсадга мувофиқ равишда, окилона ва узвий кўллашга боғлик. Айрим ҳолларда самарали бўлган анъянавий усуллардан воз кечиши ҳолатлари содир бўлмоқда. Бу инновацияларни тажрибада синалган ва ижобий натижа бериб келаётган ўқитиши методикасига қарши қўйишдек сезилмоқда. Шунинг учун ҳам анъянавий таълим тизимида ижобий тажрибалар инновацияларга уйғунлаштирилса маъқул бўлар эди.

Дарс жараённида инновацион технологияларни кўллаш ўқувчиларда илмий излашишга кизикишни уйғотади, ижодкорлик ва бунёдкорлик қобилиятини ривожлантиради. Натижада эгалланган билим, кўнникма ва малакалар амалий фаолиятда татбиқ этилади, ўзлаштириш сифати ошади. Бунинг учун ўқитувчи маҳоратли бўлиши ва мавзуларнинг мазмунига қараб дарсни тўғри режалаштириши, машғулот давомида барча ўқувчиларни фаол ва онгли ишлашларига эришмоғи лозим. Зеро, ўқитувчи таълим ислоҳотининг бош ижроқисидир. Бунда ҳар бир ўқитувчини қиска вақт ичида жуда катта микдордаги ахборот тўпламини ўзлаштириш, қайта ишлаш ва амалда кўллай олишга ўргатиш мухим аҳамиятга эга.

Ҳар бир дарс, ўкув предметининг ўзига хос технологияси бор. Ўқитувчи ва талабанинг мақсади ижобий натижага эришиш экан, дарсда қандай технологиядан фойдаланиш улар ихтиёрида. Ўқитувчининг маҳоратига қараб, компьютер билан ишлаш, фильм, тарқатма материал, плакат, ахборот технология-си, турли адабиётлар, пухта лойихаланган интерфаол усуллар кўллаш мумкин.

Мавзу материалини баён этиши пайтида ўқувчиларга саволлар бериш ҳам яхши самара беради. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг материални қандай ўзлаштирганликларини билиб олади. Шу билан бирга, ўқувчилар ўқитувчининг истаган пайтида сўраб қолишини билиб, уни диққат билан эшитадилар. Ўқувчиларни ўқитувчига саволлар беришга одатлантириш ўкув материалининг муваффакиятли

ўзлаштирилишига ёрдам беради. Шунингдек, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини оширади. Ўқувчиларни фаоллаштириш, уларда ўтилаётган дарсга қизиқиш уйғотиш ҳам педагогга боғлиқ.

Ўқувчилар саволни бутун материал ёки унинг айрим қисмлари баён этиб бўлинганидан кейин беришлари керак. Акс ҳолда саволлар ўқитувчини асосий фикрдан чалғитиши, натижада бу методик усул фойда ўрнига зарар келтириши мумкин.

Ўқувчилар чарчаши оқибатида кўпинча уларнинг дикқат-эътибори ва фаоллиги пасаяди, буни ўқув материалыни баён этишда хисобга олиш зарур. Узок вақт эътиборни жалб этиш ҳам чарчатади, ўқувчи ўқитувчининг сўзларини дикқат билан эшига олмайди, чалғий бошлайди. Ўқувчилар дарсдан чарчамаслиги, дикқатини дарсга жалб қилиш усуllibаридан бири – дарс ўтиш услубининг хилма-хил бўлишида. Тажрибали ўқитувчилар ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган материални дарснинг биринчи ярмида, такрорлаш, ўқувчилардан сўраш ва билимларни пухталашни дарснинг иккинчи ярмида ўтказадилар.

Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида кўллашга бўлган қизиқиш, эътиборни кучага тайёр бормокда. Шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни факат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар асосида улар эгаллаётган билимларни ўзлари кидириб топишга, мустакил ўрганиб таҳлил килишга, хуносани ўзлари чикаришга ундалмоқда. Бу жараёнида шахснинг ривожланиши, шаклланishi, билим олиш ва тарбияланishi учун шароит юратилади.

Қайд этишни истардимки, давлатимиз томонидан таълим соҳасида яратилган юқсан даражадаги шароит ва самарали химоя механизmlари халқаро миқёсда мустакил эксперtlар (“ИНСЕАД” тадқикотлари) томонидан зетироф этилди. Таҳлилий мағлумотларга кўра, юртимизнинг таълим соҳасини ривожлантириши, ушбу соҳага давлат харажатлари, капитал курилиши ва мактабларни янгилаш харажатлари, ўқитувчилар сонининг ўқувчилар сони билан нисбати, аник фанлар ва муҳандислик иши соҳасида битириувчилар сони, GMAT (бизнес мактабларда муввафқиятли ўқиш қобилиятиларини аниқлаша учун стандартлаштирилган тест) бўйича ўқувчиларнинг ўртacha баҳосига доир ва бошқа кўрсаткичлари жуда баланддир.

Кенг кўламли ислохотларнинг мухим бўғини – инновациялар бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўзининг афзалликларини намойиш этмоқда. Инновациялар долзарб, мухим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир.

Янги педагогик технологияларнинг афзаллиги шундаки, унда машғулотлар муввафқиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойихалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқ.

Инновацион таълим ўқитувчи фаолиятини янгилаш, таълим-тарбия жараёнини мақбул қуриш билан бирга, ўқувчи ва талаба ёшлиларда билимга чанқоқлик, хур фикрлилик, ватанпварварлик ва инсонпарварлик туйгуларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Замонавий таълимни амалга оширишда ўқув фанлари бўйича янги ахборот технологияларининг тез ва кулагай фойдаланиши имконини берувчи турларидан ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчи эркин фойдалана оладиган шароит юратишдан иборат. Ҳозирда сифатли таълим бериш учун анъанавий иккита томон — ўқувчи-ўқитувчига зарур ахборотларни етказиб турувчи хизматдан иборат учинчи томон фаолиятини ташкил килиш зарур.

Бу йұналиш ахборот технологияларини таълим-тарбия жараёнига жорий қилиш йўналиши деб номланади. Шу ахборотларни ўқувчилар тушуна оладиган мантиқий



Бу схемадан таълим жараёнида хар бир ахборотни ўқитувчи үзлаشتырган даражада, унинг мантиқий тафаккурига, нутқий қобиляттарига, дунёкараши ва мағкурасига мувофиқ равища да баён қилиниши кўриниб турибди.

С.М. Годниннинг ишларида талабанинг шахсий хислатлари педагогик жараённинг субъекти сифатида ёритилади. Унга кўйидагиларни киритади: ўқитишнинг хозирги ва келгуси боскичлари учун қабул қилинган ўкув - тарбия жараёнининг мақсади, вазифаси ва кўрсатмаларини англай билиш; интеллектуал меҳнатнинг янги тадбирларини эгаллаш; мақсадга мувофиқ касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва мустакил таҳсил олиш, кийинчилликларни айло даражада енга билиш, ўшиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашнинг кенгаяётгандык интеллектуал ва касбий имкониятлари, истиқболлари билан қоникиш, ўзининг социал роли, функциясини бажаришида фаол муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик жараённинг мухим упсурлари шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини - ўзи сафарбар кила олиши ҳисобланади. Унинг энг мухим йўналишларидан бири талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш. Бундай йўналиш талабаларнинг ўкув ишларини фаоллаштириш, уларнинг касбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичига олади.

Таянч йўналишлар – таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви, уларнинг ўзаро алоқаларида янги тамойилларга ўтиш. Шундай килиб, инновацион фаолият омиллари назарияси таҳлили унинг энг мухим йўналиши гуманистик аксиология экан деган ҳulosага олиб келади.

Инновацион фаолиятга аксиологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига баҳшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик кадриятлар жамини англатади. Аксиология инсонга олий кадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан – бир мақсади сифатида карайди.

Инновацион фаолиятда энг мухим масалалардан бири - ўқитувчи шахсидир. Ўқитувчи-новатор сермаҳсул ижодий шахс бўлиши, креативликни, кенг қаровли қизиқиши ва машғулликни, ички дунёси бой, педагогик янгиликларга ўч бўлиши лозим.

Ўқитувчини инновацион фаолиятта тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

янгилики идрок килишга инновацион шайликни шакллантириш;
янгича ҳаракат кила олишга ўргатиш.

Инновацион фаолиятни ташкил этишида талабаларнинг ўкув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Педагогик технология жараёнидаги модуллар таълим мазмунини, воситалари ва усулларининг хар бирига тегишли таркибий элементларни ташкил қиласи. Бунда таълим мазмунини модуллари - ўргатилётган ахборотнинг таркибини ташкил қилувчи бирликларни; таълим воситалари модуллари - шу воситаларнинг бирликларини; таълим усуслари модуллари - шу усусларни амалга ошириш фаолияти давомида бажариладиган ҳаракатларни ташкил қилувчи бирликларни ифодалайди.

Дарс ишланмаларини тайёрлашда куйидаги босқичлар циклик равиша давом эттирилиши ва ишланма пухталигига эришилиши мумкин:

А. Энг аввало дарс ишланмасининг режаси тушиб олинади.

Б. Режа асосида дарс ишланмасининг структураси тушиб олинади. В. Мавзуга оид барча керакли маълумотлар тўпланади.

Г. Тўпланган маълумотлар асосида дарс ишланмасининг электрон вариантини тайёрлашга киришилади.

Д. Тайёр дарс ишланмаси тўлиқ текшириб чиқилади ва унда аниқланган камчиликлар бартараф этилади.

Адабиётлар:

1. Омонов Х.Т., Мирвохидова М.Н. Кимё методологияси ва методикасининг баъзи услубий масалалари. Методик кўлланма. –Т.: ТДПУ, 2002.

2. Омонов Х.Т. Оламнинг илмий манзарасини яратишда фанлар интеграцияси ва дифференциациясининг ўрни. // «Таълимда ижтимоий-гуманистар фанлар» журнали, 2007, №3.

3. Хужаев В.У., Мамаюсупов С., Жуманов А.М. Подготовка будущего учителя химии на основе инновационных технологий. // Узлуксиз таълим тизимида математика ва ин-форматика фанларини ўқитишини такомиллаштириш масалалари” Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Кўкон, КўкДПИ, 2012.

РЕЗЮМЕ

Маколада таълим жараённида инновациялар ва уларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни хусусида назарий ва амалий фикрлар баён этилган. Дарс жараённида инновацион технологияларни кўллаш ўқувчиларда илмий изланишга қизиқишини уйғотади, ижодкорлик ва бунёдкорлик қобилиятини ривожлантиради. Натижада эгалланган билим, кўнкима ва малакалар амалий фаолиятда татбиқ этилади, ўзлаштириш сифати ошади.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены теоретические и практические взгляды на инновации в образовательном процессе и их роль в повышении эффективности образования. Использование инновационных технологий в классе вызывает у студентов интерес к научным исследованиям, разывает творческий подход и изобретательность. В результате приобретенные знания, умения и навыки применяются на практике, качество освоения повышается.

SUMMARY

The article presents theoretical and practical views on innovation in the educational process and their role in improving the effectiveness of education. The use of innovative technologies in the classroom arouses students' interest in scientific research, develops a creative approach and ingenuity. As a result, the acquired knowledge, skills and abilities are put into practice, the quality of development improves.

ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ ЗАРУРИЙ АҲАМИЯТИ

Халикова Н.М.

Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайерлаш ва уларнинг малакасини ошириши худудий маркази катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: педагогика, инновацион кластер, таълим турлари, тармок.

Ключевые слова: педагогика, инновационный кластер, типы образования, сеть.

Key words: pedagogy, innovation cluster, types of education, network.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам дол-

зарб масалалар қаторида илм-фан ва таълим, таълим ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт муносабатларига алоҳида ургу берилди. Модомики, таълим тизимининг марказида инсон капитали, уни тўғри тақсимлаш, ундан самарали фойдаланиши ва мақсадли йўналтириш турар экан, бунда мактабгача, умумий ўргта ва олий таълим тизимини жамиятнинг барча манбаатдор томонлари, таълим жараёнининг барча субъектлари билан яхлит бир бутунлиқда бутунги кун талаблари асосида ташкил этиш ҳамда таълимнинг тўлиқ узлуксизлигига эришиш олдимизда турган муҳим вазифалардандир.

Кейнинг йилларда юз берадиган туб ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига янгича инновацион ёндашувлар, мавжуд карашлар, тушунчалар ва муносабатларни таракқиёт кўзгуси ва самарадорлик мезонлари билан қайта кўздан кечиришина тақозо этмоқда. Истиқлол йилларида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилганини таъкидлаган ҳолда, айтишимиз жоизки, мақсадлар ва уларга эришиш усул ва воситаларини аниқ белгилай олмаслик, меҳнат бозори талабларини чуқур ўрганмаслик, ундаги талаб ва таклифнинг номувофиқлиги, одамларнинг ижтимоий аҳволи ва хоҳиши-истакларини инобатга олмаслик оқибатида анчагина жиҳдий ҳато ва камчиликлар ҳам кузатилди. Натижада, “Таълим тўғрисида”ти конун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да назарда тутилган талаблар тўлиқ ижросини топмади. Ўтган йиллар давомида биз барча соҳалар каби таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам ўзимизга хос ва мос йўлни топишга кўпроқ эътибор каратдик.

Дарҳакиқат, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўнгги йилларда таълим соҳасини ислоҳ қилишга, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштиришга, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбик этишига жиҳдий эътибор қарата бошлади. Бу борадаги ислоҳотлар 2017 йил 14 марта даги “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мусассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти, 2017 йил 22 майдаги “Олий ўкув юртидан кейнинг таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти, 2017 йил 8 авгуустдаги “Ўзбекистон Республикаси Халк таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ти, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ти Президент Қарорларида ўз аксини топган. Эътибор берадиган бўлсак, мазкур қарорларда узлуксиз таълим тизимининг деярли барча турлари камраб олингандагини кўришимиз мумкин. Қолаверса, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам таълим соҳасини тубдан такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган мазкур ҳужжатларнинг барчасида соҳага инновацияларни киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни кўллаб-куватлаш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлик умумий жиҳатлар мавжуд.

Шуни эътироф этиши лозимки, дараҳтнинг илдизи канчалик чуқур ва тармоқланган бўлса, у шунчалик мустаҳкам, унинг умри шунчалик давомли, хосили эса мўл-кўл бўллади. Инсоният кўп минг йиллик таракқиёти давомида жамиятни ривожлантиришнинг таълим, илм ва хунардан самаралироқ воситасини кашф кила олган эмас. Шу сабабли ҳам таълим, илм-фан ҳар қандай жамият, миллат ва давлатнинг келажагини беғлилаб берадиган, унинг таракқиётига хизмат киладиган муҳим омилдир.

Таълим ўз илдизларини илм-фан ва ишлаб чиқариш, ижтимоий турмуш, бир сўз билан айтганда, ҳаёт билан боғлай олган, ички ва турдош тармоқлар билан ҳар

томонлама интеграцияға киришган тақдирдагина ўз олдига қўйған натижаларга эриша олади, фан, таълим-тарбия ва иқтисодиётнинг ўзаро чукур, ҳар томонлама узлуксиз алоқасини таъминлай олган ва жамият ҳәётининг барча соҳаларига татбиқ эта олган давлат эса тараккӣтга эришади. Бу борада мамлакатимиз таълим соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгандиги ҳеч кимга сир эмас. Таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли йўналишларини аниқлаш, айниқса, педагог кадрларнинг касбий малакалари ва билим савијасини узлуксиз юксалтириш энг долзарб масалалардандир.

Педагогик таълим инновацион кластерини яратиш ўзининг устувор стратегик йўналишига эга бўлилиб, муайян ишларни амалга оширишга хизмат қиласди. Яъни, енгил саноат, кишилк хўжалигининг қатор тармоқлари ҳамда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида самарали ҳисобланган кластер усулини таълим жараёнига татбиқ этишни назарда тутади. Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш тармоқларида хомашёни етишишириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантириш ҳамда уни реализация килиш кетма-кетлиги занжири мавжуд бўлиб, ушбу кетма-кетлик педагогик таълим тизимида ҳам инсон капитали кўринишида мавжуд. Бу эса ишлаб чиқаришда самарали бўлган кластер моделини таълим тизимига жорий этиш назарий жиҳатдан мумкин эканлигини кўрсатади.

Педагогик таълимнинг жамият баркарор ривожланишидаги юкори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал килишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш тизимига ўтказиш заруратини тақозо этмоқда.

Педагогик таълим инновацион кластери узлуксиз таълим тизимидағи барча таълим турлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказлари, амалиёт базалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунлиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги вазифалар тақсимланган фаолияти педагогик таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради. Бинобарин, кластернинг асосий мақсади ўз таркибиға кирувчи таълимий-илмий-инновацион салоҳиятни нафакат юкори фуқаролик ва касбий лаёқатлилик даражаси билан, балки ракобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ҳамда амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштиришdir.

Педагогик таълим ривожланишининг кластер тизими таълим бериш, ўкув адабиётларини яратиш, педагог кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, таълим ва тарбия узвийлиги билан боғлиқ умумий йўналишларда фаолият олиб боради. Айни пайтда бу умумий йўналишлар таълимни бошқариши ва ташкиллаштириш, таълим турлари ва йўналишлари ўртасида узвийлик ва интеграцияни таъминлаш, ўқитиш методлари ва воситаларидан фойдаланиш каби йўналишларда хусусийлашади.

Куйидагилар кластер тизимининг сифатида иштирок этади:

- талабалар, магистрантлар ва докторантлар педагогик амалиёт ўтайдиган, таълимий, илмий тадқиқотчилик, инновацион ва лойиҳалаштириш фаолиятини олиб борадиган ўкув ва тажриба экспериментал база вазифасини ўтайдиган мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, олий ва қўшимча таълим муассасалари;
- таълимнинг турли даражаларидаги янгиланишларга мувофиқ равишида катталарнинг қўшимча таълими тизими муассасалари, болалар ва ўсмиларнинг мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар таълими

- педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари;
- хамкорлиқдаги илмий тәдқиқот фаолияти билан шүгүлланаётган ва уни белгилайдиган илмий ва илмий-методик тузилмалар, марказлар, илмий тәдқиқот институтлари;
- педагогик хамжамиятлар, ташаббускор жамоалар, жамоат бирлашмалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари;
- хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар.

Кластер тизими ҳар бири алохидә фаолият олиб борадыган субъектларни умумий максад атрофида бирлаштиради ва айни пайтда ҳарбир субъект умумий максаддан келиб чиқкан ҳолда хусусий манфаатдорлық асосида иш юритади. Кластер тизими субъектлары бир-бирини күллаб-кувватлады ва назорат қиласы, ҳарбири алохидә кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратади, ижтимоий таъсири ҳамда аҳамияттини көнгайтиради.

Педагогик таълим инновацион кластери алоқадорлик, узвийлик, изчиллик, вори-сийлик, замонавийлик, йұналтирилғанлық, манфаатдорлық тамойилларига асосланади.

Педагогик таълим кластери фаолиятининг асосий мақсади қуидагилардан ибраг:

- педагогика соҳасида самарали ворисийликни таъминлаш ва энг яхши ўқувчиларни педагог касбига тарғиб килиш;
- педагогларнинг касбий тайёрғарларларини амалиётта таянган ҳолда ва ман-фаатдор субъектлар билан самарали алоқасини интенсив таъминлаган ҳолда олиб бориш;
- бўлажак таълим мутахассисларини инновацион тажрибага эга бўлган ама-лиётлар базасида тайёрлаш мұхитини яратиш;
- ёш мутахассисларнинг касбий кўникмаларни эгаллаш даврини кискартиш;
- талабаларни бугунги жадал ривожланиш жараёнларида бевосита иштирок этишини таъминлаш;
- педагогик таълимда янги авлод ўқув, ўқув-методик, илмий адабиётлар, воситалар ва дидактик материаллар мажмуасини яратиш;
- педагогик таълимни ривожлantiришнинг долгзарб масалалари атрофида интеллектуал ресурсларни интеграциялаш;
- таълим, фанва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турларини излаб топиш ва таълимга татбиқ этиш;
- таълим ва тарбия узвийлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш;
- педагог кадрларни тайёрлашда мактабгача, ўрта таълим ва ОТМ ҳамда бошқа талабгорлар билан ўзаро тезкор қайта бояланиш имкониятини яра-тиш;
- педагогик таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорлик, боғлиқлик ва хамкорлик заруриятини илмий асослаш.

Ушбу мақсадлардан келиб чиқкан ҳолда педагогик таълим инновацион кластери қуидаги вазифаларни бажаради:

- вилоятдаги таълим муассасалари учун замонавий билим ва малакага эга педагог кадрларни тайёрлаш;

- таълим сифатини оширишда инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш;
- педагогика соҳасида илмий фаолиятни изчил йўлга кўйиш;
- таълимнинг асосий (дарслик) ва ёрдамчи (лугатлар, комуслар, электрон манбалар ва б.) воситалари мазмун-моҳиятининг таълим босқичлари кесимидағи узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- вилоятдаги таълим муассасалари ўқитувчиларининг билим савиёсидаги бўшликларни тўлдириш мақсадида вилоят Халқ таълими бошкармаси билан ҳамкорликда муддатли ўкув курслари ташкил қилиш;
- умумтаълим мактабларида фанларни ўқитиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф килиш мақсадида вилоят Халқ таълими бошкармаси билан ҳамкорликда илмий-амалий семинарлар ташкил қилиш;
- институтдаги профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида илмий тадқиқот институтлари, илмий марказлар ва таянч олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорликни кучайтириш;
- умумтаълим мактабларида илмий тадқиқот олиб бориши лаёкатига эга ўқитувчиларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш;
- педагогика соҳасидаги илфор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш мақсадида етакчи хорижий ОТМларга стажировкаларни амалга ошириш.

Айни пайтда, педагогик таълим инновацион кластери таълим муассасаларининг асосий илмий тадқиқот йўналиши сифатида белгиланиши, қатор профессор-ўқитувчиларнинг мазкур йўналишида изланишлар олиб боришини талаф этади.

Адабиётлар:

1. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х.А., Алкарор И., Усмонов Н.Ў. Исьянов Р.Г., Юзликаев Ф. « Педагогика назарияси (Дидактика) Тошкент –2011 йил
2. Ашуррова Д., Юлдошев З. Таълим тизимида инновацион ва ахборот технологияларини кўллаш – замон талаби // Халқ таълими. – Тошкент: 2006. - № 1. – Б. 16-17].
3. Яворский О.Е. Образовательный кластер как форма социального партнерства технического и предприятий газовой отрасли: дис. ... канд. пед. наук. - Казань, 2008. - 252 с.

РЕЗЮМЕ

Маколада бугунги кунда инновацион кластерларнинг яратилиши ва уни таълим-тарбия соҳасида кўллашнинг зарурий жиҳатлари баён этилган. Педагогик таълим инновацион кластери узлуксиз таълим тизимидаги барча таълим турлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказлари, амалиёт базалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунилиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги вазифалар тақсимланган фаолияти педагогик таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается создание инновационных кластеров и необходимые аспекты его применения в образовании. Инновационный кластер педагогического образования - это совокупность всех видов образования, научно-исследовательских институтов и центров, основ практики, научных и научно-методических структур в системе непрерывного образования, их общие задачи позволяют вывести систему педагогического образования на качественно новый уровень.

SUMMARY

The article describes the creation of innovative clusters and the necessary aspects of its application in education. The innovative cluster of teacher education is a combination of all types of education, research institutes and centers, the foundations of practice, scientific and scientific-methodological structures in the system of lifelong education, their common tasks make it possible to bring the system of teacher education to a whole new level.

**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЮТУҚЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ МИЛЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(БУЮК БРИТАНИЯНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА)**

Махмудова Н. Дж.

Хоразм вилояти Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаша уларнинг малакасини ошириши ҳудудий маркази “Мактабгача, бошлангич ва маҳсус таълим методикалари” кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: таълим тизими, мактабгача таълим, бошлангич таълим, саводхонлик мактаби, замонавий мактаб.

Ключевые слова: система образования, дошкольное образование, начальное образование, школа грамотности, современная школа.

Key words: education system, preschool education, primary education, literacy school, modern school.

Мамлакатимизда таълим тизимига инновацияларни жорий этиш ва модернизация килиш орқали самарали натижаларга эришиш мухим аҳамият қасб этади. Бунинг учун ривожланган давлатларнинг таълим тизимини ўрганиш ва уларнинг ютуқли жиҳатларидан миллий таълим тизимимизни ривожлантириш буғунги куннинг долзарб муаммоларидан саналади.

Буюк Британияда сўнгги йилларда таълим давлатнинг ижтимоий сиёсатида мухим ўрин эгалламоқда. Бу мамлакатнинг Англия, Уэльс, Шотландия ва Шимолий Ирландияга бўлиннишига қарамай, уларда таълим тизими тарихан ўхшаш тенденцияларга эга. Бироқ ҳар бир минтақа бир-биридан таълимга оид муаммоларни ҳал килишда ўзига хослиги билан ажralиб туради.

Буюк Британия халқ таълимининг тарихи Рим империяси хукмонлиги даврларини камраб олади. Ў асрларда мактаблар лотин саводхонлиги учун ташкил этилган бўлиб, уларда амалий кўнікмаларни шакллантириш устозлар ва шогирдлар тизими кўренишида намоён бўйлган. Бу даврда иккита университет, бири Оксфордда, иккинчиси Кембрижда очилган эди. Эдуард IV қироллиги даврида саводхонлик (савод) мактаб (gramma school) ларининг белул тизими шаклланди.

XIX асрнинг бошларигача Буюк Британиянинг мактаблари чековлар хузурида бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бепул бошлангич дунёвий таълим жорий этилди. Мамлакатда, шунингдек, олий ва маҳсус таълим ҳам ривожланди. Пойтахтда Лондон университети ва Қирол коллежи (хозирги Лондон университети) фаoliят кўрсага бошладилар. Булардан ташқари, XIX асрнинг охирларида йирик шаҳарларда «Қизил Гишт университетлари (Redbrick university)» очилди. Уларда аниқ ва муҳандислик фанлари ўқитилилар эди. Қайд этиши жоизки, Буюк Британиянинг бошлангич таълим тарихида «Якшанба мактаби» жамоатчилик томонидан маъкулланиб, бундай мактаблар оммавийлашиб борди. 1798 йилда «Якшанба мактаблари жамияти» ташкил этилди. Ўша даврда Шотландияда 600 нафар, Англия ва Уэльсда 5 млн. нафар болалар бу мактабларда таҳсил олар эдилар.

Буюк Британияда 1918 йилга келиб бепул халқ таълими жорий этилди. Умуман олганда, XIX асрда Англияда умумий халқ таълими тизими шаклланди. Шунингдек, XIX аср охирида мамлакатда кечки мактаблар ҳам кенг тарқалган эди. 90-йилларда қасбий ва техник мактаблар кенг ривожлана бошлади. Булар билан бирга XIX асрнинг иккинчи ярмida «реал мактаблар» ва «санъат мактаблар»иҳам шаклланди. XIX асрларида қизлар учун ўрта мактабларда ва 1860 йилдан бошлаб аёлларга университетларда ўқишига рухсат этилди.

1918 йилга келиб Англияда 14 ёшгача бўлган болаларнинг ўқиши мажбурий қилиб қўйилди. 20-йилларда мамлакатда «Ўрта таълим барча учун» деган шиор оммавийлашибди ва шу тариқа Буюк Британияда халқ таълими такомиллашиб борди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Англияда қўйидаги таълим тизими шаклланди:

- мактабгача таълим;
- бошлангич таълим;
- саводхонлик мактаби;
- замонавий мактаб;
- техник мактаб;
- умумлаштирилган (уюшган) мактаб.

Буюк Британияда бундай мактаблардан ташқари хусусий мактаблар ҳам узок даврдан бўён фаолият кўрсатиб келмоқда. Иккинчи жаҳон урушидан кейин, айниқса 1960-йилларда Буюк Британияда замонавий мактабларни шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар ва илмий-тажриба ишлари кенг олиб борилди. Бу ишлардан кўзланган мақсад Англияда жаҳондаги энг юқори андозаларга жавоб берадиган таълим тизимини шакллантириш эди. Мазкур ишларни бажаришга нафақат педагогик муассасалар, балки университетлар ҳам ўз хиссаларини кўшдилар.

Бу ишлар замиррида Буюк Британия таълим тизимидаги камчиликларни бартараф этиш ва инглиз таълим тизимини энг илғор мамлакатлар даражасига етказиш ётар эди. Шундай килиб, мамлакатда етарли даражада ихчам ва мукаммал замонавий таълим тизими шаклланди.

Буюк Британия таълим тизимида унинг таянчи булиб хисобланган бошлангич таълимга алоҳида эътибор қаратилган. Бу таълим шаклининг тарихи ҳам XIX асрга бориб тақалади.

Хозирги даврда Буюк Британияда кичик ёшдаги болалар таълимига алоҳида эътибор берилиб, бу борадаги илмий-тадқиқот ишлари кенгайиб, бундай болалар учун адабиётларни чоп эттириш кўлами ортиб бормоқда. Сунгти 35 йил давомида Буюк Британияда мактабгача таълим тизимида бир катор ўзгаришлар содир бўлди. Ижобий ўзгаришларнинг тавсифи ва мазмунига қараб, мактабгача таълимнинг тараққиётини иккι босқичга: 1980-1996 йиллар ва 1997 йилдан хозирги даврларга бўлган даврларга шартли равишда бўлиш мумкин.

Мактабгача таълим тизими ривожланишининг биринчи босқичи Буюк Британия жамоатчилигининг болаларни мактабгача тайёрлашнинг сифати, натижаси ва барча учун мос келишига қаратилган эҳтиёжларни қондириш билан боғлик бўлган масалаларни ҳал этишга қаратилган. Бу даврда педагогларнинг дикқати мактабгача таълим тизимининг истиқболда ривожланишини «пастдан» бошлашга, яъни мазкур тизимдаги тарбия масканларини дастурларини такомиллаштиришга қаратилди. Кейинчалик педагоглар бу соҳанинг ривожига тизимли ёндашиш зарурлигини англаб, бу жараёнга давлат аралашуви лозимлиги, яъни соҳанинг ривожини «юқоридан» амалга ошириш лозимлигини тушуниб етдилар. Буюк Британияда 1996 йилда барча мактабгача таълим муассасалари учун бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий хужжат қабул килинди.

Мактабгача таълим тизими ривожланишининг иккинчи босқичида эса мамлакатда давлат ва жамоатчиликнинг мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга оид дастурий-услубий ва меъёрий-хукукий мажмуавий хужжатлар (2007 йил) яратилиб амалиётга татбик этилди. Бу даврда мактабгача таълим тизимига «базавий даражада» мақоми берилиб, барча болаларнинг юқори сифатли таълим олишларини таъминлаш йўналиши белгилаб олинди. Сунгти йилларда Британия хукумати мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмокда. Чунки мактабгача таълим тизимини мазмунан бойитиш мамлакат келажагини белгилайди. Айни пайтда Буюк Британиянинг мактабгача таълим тизимини ривожлантиришда педагоглар ва ота-оналарнинг роли катта бўлиб, улар хукуматнинг бу соҳадаги сиёсатини белгилашга ўз хиссаларини кўшмоқдалар.

Буюк Британияда базавий-мактабгача таълим тизими дунёдаги энг илфор ўкув-услубий мөшерларни ўзига сингдирган ҳамда у таълимнинг бошқа тизимлари билан уйғуллаشتырилган.

Буюк Британияда таълим тизими күйидаги тўрт боскичга бўлинади:

- бошлангич таълим (Primary school) - 5-11 ёшдаги болалар;
- ўрта таълим (Secondary school) - 11-16 ёшдаги болалар ва ўсмирлар;
- кейинги таълим (Further school) - 16-18 ёшдагилар;

Баззи адабиётларда Буюк Британиянинг таълим тизими күйидаги боскичларга ажратган холда тадқиқ қилинган: мактабгача таълим, бошлангич таълим, умумий ўрта таълим, кейинги таълим тизими ва олий таълим.

Буюк Британиянинг таълим тизими маъмурий жиҳатдан ва анъаналарга биноан күйидаги уч тизим ости гурухларга бўлинади: 1) Англия ва Уэльс; 2) Шимолий Ирландия; 3) Шотландия таълим тизимлари. Таъкидлаш лозимки, Англия ва Уэльс ҳамда Шимолий Ирландиянинг таълим тизимлари бир-биридан унчалик кўп фарқ килмайди. Бирок Шотландиянинг таълим тизими ўзига хос анъаналари ва хусусиятларига эга.

Англия ва Уэльса таълим 5 ёшдан бошланади ва 11 ёшгача болалар бошлангич мактабларда ёзув, ўқиши ва арифметика бўйича ўз савия ва кўнимкаларини шакллантирадилар. 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўкувчилик ўрта мактаблар (умумтаълим - comprehensive schools, фанларни чуқурроқ ўргатувчи мактаблар - grammar schools ва маҳсус ўрта мактабларда - secondary modern schools) ўқишини давом эттирадилар. 16 ёшга тўлгандан кейин эса ёшлар юқорида кайд этилган тартибларда иш тутишлари мумкин булади.

Шотландияда эса болалар бошлангич мактабларида 4 ёшдан бошлаб 12 ёшгача ўқийдилар. Сўнг деярли барча ўкувчилар 6 йил умумтаълим мактаб (Comprehensive schools)ларида таълим оладилар. Тоғли худудларда эса ўқитувчилар етишмовчилиги боис ўкувчилар 4 йил ўқиб, кейин ўқишиларини бирон-бир умумтаълим мактабига кўчирадилар.

Шотландияда кўплаб мактаблар таълим кенгашларига қарашли бўлиб, улар ўз кенгашлари томонидан молиялаштириладилар. Бир қанча (19та) мактаблар таълим грантлари асосида молиялаштирилиб, кўнгилли ташкилотлар томонидан бошқарилади. Болаларнинг ота-оналари ўз овоз бериш орқали баъзи мактабларни маҳаллий кенгашларнинг молиялаштиришидан департамент томонидан молиялаштиришга ўтказишлари мумкин.

Шимолий Ирландияда эса болалар 4 ёшдан 11 ёшгача бошлангич мактабда таълим оладилар. Ўрта таълим мактаблари ўкувчиларнинг диний мансублиги ва кобилиятига биноан ташкил этилган. «Назоратганд мактаб (Controlled schools)» тўлиқ хукумат томонидан молиялаштирилди. «Кўнгиллилар мактаблари (Voluntary schools)»нинг маълум кисми турли кўнгилли ташкилотларга, кўп кисми эса черковларга қарашли бўлиб, улар турли хайрия фонdlари томонидан молиялаштирилди. «Кўнгиллилар мактабларий»нинг бир кисми насронийлар мактаблари бўлиб, улар Шимолий Ирландиянинг таълим департаментидан тўғридан-тўғри субсидиялар оладилар.

Шунингдек, Буюк Британияда оддий ўрта мактаблар билан бирга мактаб-пансионатлари (Boarding schools) кенг тарқалган. Бундай мактабларда ўкувчилар 8 йил давомида яшаб, ўқийдилар. Улар факат таътилларни ўз уйларида ўтказадилар. Мактаб-пансионатларда иш юзасидан кўплаб хизмат сафарларида бўладиган ва турар жойларини бир ердан бошқа кўчириб турадиган ота-оналарнинг фарзандлари таҳсил оладилар. Буюк Британияда пансионатлар узок даврлардан бўён фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар хизматидан ўзига тўқ, юқори даражадаги нуфузга эга бўлган оиласлар фарзандлари ҳам фойдаланадилар. Мамлакатда икки турдаги, яъни мустакил ва хусусий (Independent and Private Boarding Schools) пансионатлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Буюк Британиянинг таълим тизимида ўрта умумтаълим асосидаги «Кейинги таълим» тизими алоҳида аҳамиятга эга. Бу мамлакатда «Кейинги таълим» бизнинг тушун-

чамиздаги академик лицей ва касб-хунар колледжларимизни англатувчи таълим тизими-нинг таркибий кисмидир.

Мазкур таълим тизими турли коллаж, ўқув марказлари ва институтларни қамраб олган тизим бўлиб, бу таълим муассасалари турли касбий-техник ва олий даражадаги мутахассисларни тайёрлайдилар. Буюк Британиянинг «Кейинги таълим» тизимида ҳаммаси бўлиб 700 га яқин ихтисослашган колледжлар мавжуд. Уларда 16-18 ёшдаги ўқувчилар ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таҳсил оладилар. Булардан ташқари «кейинги таълим» тизимида 7000 дан қўпроқ тунги институт ва катта ёшдагиларни ўқитиш марказлари фаолият юритади. Бу ўқув муассасалари турли мутахассисликлар бўйича кадр тайёрлайдилар ва ёши катталарнинг касбий маълумоти, малака ва маданий даражасини оширишга хизмат қиласди.

Буюк Британиядаги барча «кейинги таълим» муассасалари фаолияти маҳаллий органлар томонидан назорат қилинади. Албатта тизимдаги кирол ҳартиясига эга бўлган таълим муассасалари бундан мустаснодир. 60-йилларда «кейинги таълим» тизимида катор ўзгаришлар содир бўлди. Бу тизимдаги таълим муассасаларига академик даражаларни бериш ҳукуки берилди, яъни эндилиқда техник ва тижорат колледжлари хузуридаги политехник таълим муассасаларида ўқиб, олий маълумотга эга бўлиш имконияти яратилди.

Ўз навбатида касбий тайёргарлик 4 даражадан иборат (турдош ишларни бажарувчи (1-даражада), мустакил ва масъулият билан иш бажарувчи (2-даражада), мураккаб ва ўхшаш ишларни бажарувчи (3-даражада), маҳсус хусусий топширикларни бажарувчи (4-даражада).

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Буюк Британиянинг барча колледжларида таълим тизими ишлаб чиқариш билан бевосита алоқадор. Колледжларда бир йилдан беш йилгача таълим берилади.

Буюк Британиянинг олий таълим тизимини эса анъанавий тарзда академик университет ва касбга йўналтирилган политехник колледжлар ташкил қиласди. Уз навбатида таркибига кўра Британиянинг университетлари коллегиал ва унитарга бўлинади. Коллегиал университетларнинг ёрқин намунаси сифатида ўз таркибига 30 колледжни қамраб олган Оксфорд ёки 29 колледждан иборат Кембридж университетларини келтириш мумкин. Унитар университетлар таркибига эса факультет ўқув бўлимлари киради. Университетлар фаолияти киролнинг ҳартияси ёки уставлар асосида тар-тибга солинади.

Британия университетларининг расмий раҳбари киролича томонидан тайинланадиган канцлер бўлиб, одатда у расмий шахс бўлиб ҳисобланади. Университет маъмурятигининг ҳақиқий раҳбари вице-канцлер (канцлер ўринбосари) ёки (масалан, Шотланддија) ректордир.

Буюк Британия университетлари ўз таълим даражаларини бериши бўйича биринчи ва олий тоифаларга бўлинадилар. Кўпчилик университетларда табиий ва гуманитар фанлар бўйича биринчи бакалавр академик даражада берилади. Биринчи даржани берувчи курслар 3-4 йил (тиббиётда б 5 йил) белгиланган. Биринчи даражада икки турга, яъни расмий ва ананавийга бўлинади. Расмий даражада белгиланган курсдаги (кўп холларда асосий ва бир-нечта кўшимча) фанларни чукур ўзлаштиришни такозо этади. Ананавий даражадаги курсларда эса кўпроқ фанларни кенг ўрганиш зарур бўлади.

Буюк Британия олий ўқув юртларида олий даражада фан магистри ва фалсафа докторига бўлинади. Фан магистри ёки санъат магистри талаба 12 йил ўқигандан сўнг ва бакалавр даражасини олгандан кейингина берилади.

Охирига вақтларда мамлакатда фалсафа магистри даражаси ҳам жорий этилди. Бу даражада 2 йил ва ундан кўп муддатда илмий-тадқиқот ишлари бажарилганида берилади. Магистр даражаси Буюк Британияда кўп тарқалмаган, уни кўп ҳолларда докторлик тай-сроловидан ўтиб бўлмаганларга берилади. Фалсафа доктори даражаси мамлакатда энг

юқори илмий даражада хисобланади. Бу даражада докторлик диссертацияси тайёрланиб, мұваффакиятты химоя қылғанғандан сүнгә берилади.

Одатда бундай ишларни тайёрлашып 3 йил ажратылади. Алохида ҳолатларда фан ва амалиёттің ривожига улкан хисса күшгандарға фан доктори ёки адабиёт доктори олий даражасы берилади.

Хозирғи даврда Буюк Британияда 90 та университет ва 64 та бошқа олий таълим мұаассасасы фаолият күрсатмовда. Мамлакаттың эң қадимги университеттері бўлиб Оксфорд (1167 йилда асос солинган) ва Кембридж (1209 йилда ташкил этилган) университетлари хисобланади.

Умуман олганда, Буюк Британиянинг таълим тизими узок тарихий даврда босқичма-босқич тақомиллашиб борди ва кўплаб мамлакатлар учун андоза бўла оладиган даражага етди.

Адабиётлар:

1. Краснова Г.А. Открытое образование: цивилизационные подходы и перспективы. - М.: РУДН, 2002.
2. Огвоздин В.Ю. Управление качеством. Основы теории и практики. - М.: «Дело и Сервис», 2009.
3. Разумова Т.О., Телешова И.Г. Образование и человеческое развитие. - М.: ТЕИС, 2000.
4. Вяземский Е.Е. Современная система образования в Великобритании. // Журнал «Проблемы современного образования», 2010, № 6.
5. Тарасюк Л.Н. Высшее образование Великобритании в контексте Болонского процесса: учебно-методическое пособие. - М.: 2009.
6. <http://www.dissercat.com>.

РЕЗЮМЕ

Маколада Буюк Британия ҳалқ таълим мининг тарихи, таълимнинг мактабгача таълим, бошлангич таълим, саводхонлик мактаби, замонавий мактаб, техник мактаб, умумлаштирилган мактаб, мактаб-пансионати сингари бўгинлари тавсифланган. Унда Буюк Британия таълим тизимининг асосий босқичлари, таълим тизими маъмурий жиҳатдан ва анъаналарга биноан учта тизим ости гурухларга бўлиниши, касбий тайёргарлик мининг даражалари, олий таълим тизимининг хусусиятлари, мамлакат университетларининг коллегиал ва унитар университетларга бўлиниши, университетларнинг ўз таълим даражаларини бериши бўйича биринчи ва олий тоифаларга ажратилиши ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье охарактеризованы история народного образования Великобритании, такие звенья образования как дошкольное образование, начальное образование, школа грамматики, современная школа, техническая школа, общая школа, школа-пансионат. В ней освещены основные ступени системы образования Великобритании, разделение системы образования с административной точки зрения и традициям на три подсистемные группы, степени профессиональной подготовки, особенности системы высшего образования, разделение университетов страны на коллегиальные и унитарные, классификация университетов по выдаче своих степеней образования на первые и высшие категории.

SUMMARY

The article describes the history of public education in the UK, such links of education as preschool education, primary education, grammar school, modern school, technical school, general school, boarding school. It highlights the main stages of the UK education system, the division of the education system from an administrative point of view and traditions into three subsystem groups, degrees of professional training, features of the higher education system, the division of the country's universities into collegial and unitary, the classification of universities by giving their degrees of education to first and higher categories.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА ОИД ИЛМИЙ – УСЛУБИЙ ИШЛАР ВА ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Үрринов У.А.

Бухоро мұжандислик –технология институты докторантты

Таянч сўзлар: олий таълим, мутахассис кадр, талаба, умумтехника, касбий фоалият, амалий кўніма, ишлаб чиқариш, стандарт, ўқув режа, амалиёт.

Ключевые слова: высшее образование, штат специалистов, студент, общетехническая, профессиональная деятельность, практические навыки, производство, стандарт, учебный план, практика.

Key words: higher education, staff of specialists, student, general technical, professional activity, practical skills, production, standard, curriculum, practice.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2019 йил 8 октябрь куни имзоланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириши концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида: Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги Республика олий таълим кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди. Кенгашининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгиланди: профессор-ўқитувчилар, талабалар ўргасида сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илгор хорижий тажрибаларни таҳжил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиши. Ушбу вазифалар олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг муҳим вазифалари сифатида эътироф этилди .

Асосий қисм. Бугунги кунда олий таълим муассасалари мутахассис кадрларни меҳнат бозори талаб ва эктиёклари асосида тайёрлаш, тайёрлов йўналишилари бўйича Давлат таълим стандартлари талаблари асосида талабаларда билим, кўніма ва малакаларни шакллантириш, келажақда мустақил фаолият юритиши қобилияtlарини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун олий таълим муассасаларида таълимтарбия жараёнини ташкил этиш, бошқариш ҳамда сифатини назорат қилишини янгича ёндашув ва замонавий методлар асосида илмий асосланган механизмини яратиш талаб этилади.

Хозирги даврда ишлаб чиқариш технологияларининг янгиланаётганлиги, фаннинг сўнгги ютуклари асосида техникани бевосита ишлаб чиқариш кучига айланбаётганлигини, мутахассис кадрлардан билимларини мунтазам янгилаб ва кенгайтириб боришлиарини ва касбий муаммоларни мустақил ечиш қобилияtlарига эга бўлишини талаб этади. Бунинг учун таълим жараёнини янги ўқув-адабиётлари ва дидактик воситалар билан таъминлаш, замонавий педагогик технологияларни ҳамда фаол таълим методларини кўллаш ҳамда ишлаб чиқариш билан манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, жаҳон бозорида ракобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини, илм-фан ва техника тараққиётига асосланниб энг долзарб соҳага айлантириш бутунги куннинг муҳим вазифаларидан хисобланади. Бунинг учун, давлат таълим стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига, халқаро малака талабларига мувофиқлаштириш, миллий малака талабларини босқичма-боскич халқаро аналогларга мослаштириш ва эъти-

роф этилишига қаратылған ишларни ташкил этиш зарур бўлади.

Мамлакатимиз экспорт имкониятларини кескин оширишининг мухим омилларидан бири ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштириш ва четга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат бўлиши керак.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун аввало республикамиз иктисадиётини юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминлайдиган олий таълим жарабёнини такомиллаштириш зарур. Ушбу зарурият қўйидаги омилларга боғлиқлигини кўриш мумкин:

- саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг тез ривожланиб ва янгиланиб бориши ва янги тармоқларнинг вужудга келиши;
- ишлаб чиқариш корхоналарининг замонавий жиҳозлар билан тўлдирилиши, замонавий ишлаб чиқариш технологияларининг кириб келиши ва жорий этилиши;
- олий таълимдаги таълим мазмуни билан меҳнат бозори талаблари ўртасида номутаносибликтининг мавжудлиги ва шу кабилар.

Ушбу омиллар ишлаб чиқариш соҳаларида замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, уларда бажариладиган технологик жараёнларни мустакил бажариш ҳамда ўзлаштириб бориши бўйича билим, кўнкимга ва малакаларга эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминлаш заруригини келтириб чиқаради. Демак, ишлаб чиқариш корхоналарининг замонавий технологиялар ва фан-техниканинг сўнгти ютуқлари асосида ишлаб чиқарилган техникалар билан тўлдирилиши мазкур ўзгаришларни инобатга олган ҳолда тайёрланган малакали мутахассис кадрлар билан таъминлашни талаб этади. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун олий таълим соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориши, олий таълим мазмунини меҳнат бозори талабларига мослигини таъминлаш, замонавий ишлаб чиқариш талабларига мос бўлган мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнига илғор таълим технологияларини кўллаш ва бу борада ҳамкорликни ривожлантириш бутунги куннинг устувор масалаларидан эканлигидан далолат беради.

Олий таълим муассасаларидаги мутахассисликлари бўйича ўрганиладиган ҳар бир фанларнинг мазмунида тегишли соҳаларнинг энг сўнгти техника ва технология ютуқлари акс эттирилиши, амалиётларни илмий асосда ташкил қилиш, мутахассисликни ўргатишнинг самарали шакллари ва методлари, замонавий воситаларини ишлаб чиқиши ҳамда татбиқ этиш, келажақда бўлажак мутахассис кадрларни ўзлари танлаган йўналишлари бўйича меҳнат бозорида хеч кийналмасдан ўз ўринларини топа олишила-рига замин яратади.

Хозирги пайтда таълим мазмунини белгиловчи ўкув-мөъёрий хужжатлар: Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурларини такомиллаштиришда қўйидаги ўзига хос жиҳатларини ёътиборда тутиш мухимdir:

- мутахассис кадрнинг касбий тавсифномасини ишлаб чиқишида иш берувчиликлар талабларини хисобга олишини ва уларнинг бевосита иштирок этишини таъминлаш;
- ўкув жараённи амалга оширишда ҳудудий меҳнат бозори хусусиятлари ва талабларини инобатга олиш;
- ўкув жараённи амалга оширишда таълим ва ишлаб чиқаришнинг бевосита ва бильосита алоқадорлигини таъминлаш;
- ўкув режалари ва фан дастурлари мазмуни ишлаб чиқариш ва меҳнат жараённи мазмунига ҳамда касбий фаолият турларига мослигини таъминлаш кабилардир.

Ўкув режа ва фан дастурлари мазмунини такомиллаштиришда қўйидаги омилларга ёътиборни қаратмоқ лозим:

- таълим ва тарбиянинг мақсадли йўналтирилганлигига;

- ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб, ватанпарварлик ва миљий мустакиллик ғояларига содиклик руҳида тарбиялашга, шунингдек, ўкувчиларда бой илмий, маданий ва маънавий меросимизга, миљий ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённи янги педагогик шакллар ва усуслар асосида ташкил этишига;
- меҳнат ва ишлаб чиқариш жараённинг тузилиши, хусусиятлари ва ривожланиш йўналишларига;
- тармоқ таълим стандартида белгиланган касбий фаолият турлари ва мазмунини тўлук камраб олинишига;
- таълим-тарбия тамоиллари ва конуниятларига амал қилинишига.

Давлат таълим стандартлари ва ўкув режаларини ишлаб чиқиша мутахассис кадрларда шакллантирилаётган билим, кўнікма ва малакалар даражасининг ўрганилаётган ўкув фанлари мазмунига, ўрганиш даврига мос тушишини эътиборга олиш лозим.

Олий таълимда Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиши ва уларни такомилаштиришга доир бир катор фундаментал тадқиқотлар ҳам олиб борилган.

Х.Ф.Рашидов томонидан узлуксиз таълим тизимини ислоҳ килишида Давлат таълим стандартларини яратиш ва амалда жорий этишининг назарий-методологик ва педагогик асослари ишлаб чиқилган.

Мутахассис кадрлар тайёрлаш моделини ишлаб чиқиша талабаларнинг мустакил билим олиши ва умумтехника ва касб-хунар таълими ўқитувчиларини тайёрлашда касбий фаолиятини ҳамда ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратган ҳолда бир катор олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

А.Р.Ходжабаев томонидан олий педагогик таълим ислоҳатларининг талаблари асосида меҳнат таълими ва умумтехника фанлари ўқитувчиларини тайёрлаш ўкув-методик комплексини яратишнинг илмий-педагогик асослари ишлаб чиқилган. Ўкув-тарбия жараённини мазмунан оптимальлаштириши таъминловчи модели аниқланган. Меҳнат таълими фани ўқитувчиларини тайёрлаш жараённи таъминловчи бир катор омиллар мажмуаси, аниқланган ва асосланган.

Н.А.Муслимов томонидан касб-хунар таълими ўқитувчиларига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар такомиллаштирилиб, Давлат таълим стандартларига кири-тилган. Шу жумладан бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш муаммоларини тадқиқ этган. Касб таълими ўқитувчисини шакллантириш педагогик тизим ва фаолият юритувчи мухитнинг ўзаро таъсирилашув механизми, бўлажак ўқитувчининг шахсий ва касбий шаклланганлик даражасини белтилаб берувчи мезонлар ишлаб чиқилган.

З.К.Исмайлова томонидан талабаларнинг касбий педагогик малакаларини шакллантириш муаммолари ўрганилиб тегишли тавсиялар берилган.

Ш.С.Шарипов томонидан бўлажак касб таълими ва меҳнат таълими ўқитувчиларининг ихтирочилик ва ижодкорлик кобилияtlарини ривожлантириш мето-дикаси ишлаб чиқилган.

М.Б.Уразованинг диссертация ишида педагогнинг касбий компетентлиги тузилмасида лойиҳалаштириши фаолиятнинг янги билимни лойиҳа кўринишида индивидуал маҳсуллашга йўналтириладиган оригинал фикрлаш салоҳияти ривожланганлигини очиб берадиган рефлексия ва педагогнинг мустакиллигини тавсифловчи ижодий даражалари аниқланган;

педагогик фанлар таълимида инновацион технологияларни кўллаш бўйича муаммоли-модули ва максадли ёндашувлар самарадорлигини аниқлашга қаратилган ноань-анавий шакл – машғулот - концепт ишлаб чиқилган.

О.А.Қўйсиновнинг диссертация ишида анъанавий ва компетентли ёндашувларни киёсий тавсифлаш асосида талабаларнинг индивидуал психологик хусусиятлари

(мотивацион, интеллектуал, хиссий, иродавий ва психомотор) ҳамда касбий-педагогик ижодкорлыгини ривожлантириши тизимининг тузилмавий компитенгларини аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларида ривожлантириш механизмларини такомиллаштирилган.

Б.С.Нуриддинов томонидан касб – таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланиши такомиллаштирилган.

Республикамиз педагог олимлари ва методистлари томонидан таълимда мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳамда фаол таълим методларини кўллашга оид назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар олиб борилган.

У.И.Иноятов тадқиқотларида таълимда мутахассис кадрлар моделини ишлаб чиқища шахс, давлат ва жамиятнинг кўйидаги эҳтиёж белгиларини, яъни муайян шахс таълим оладиган йўналиш бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар таълими стандартлари, тармоқ таълим стандартлари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтиососликлар таснифлагичи талабларини эътиборга олиши зарурлиги ва албатта, ишлаб чиқилган модел битирувчининг касбий-шахсий сифатини назорат қилиши тизимини ва назорат қилиш технологиясини камраб олиши кераклиги алоҳида таъкидланади.

Р.Х.Джўраев томонидан Ўзбекистонда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг ҳолати ва ривожланиши тараққиётни тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи С.А.Усмонов томонидан таълим жараённи имитациян курилмаларни кўллаш имкониятлари ўрганилган. Унда умумкасбий ва маҳсус фанлар миқёсида курилмаларни таълим мининг турли шаклларида кўллашнинг педагогик имкониятлари аникланган.

Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашда ахборот-коммуникация технологиялари ва ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва кўллаш технологияси каби масалаларда кўйидаги олимлар ишларидан ўрганилди.

У.Ш.Бегимкулов томонидан педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришини ташкил этиши ва бошқарни назарияси амалиётидаги муҳим муаммолар устида тадқиқот ишлари олиб борилган.

О.Х.Туракулов томонидан ахборотлаштирилган таълим мухитини яратишда ўзаро алоқа воситалари протоколи, ахборот ресурслари, аппарат-дастурий таъминотидан иборат ташкилий тамойиллар асосида ўқув материалидан вариатив фойдаланиши имконини берувчи ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг интерфаол технологияси такомиллаштирилган.

Ж.А.Хамидовнинг диссертация ишида талабаларни ахборот-технологик тайёрлаш жараённи имлый-педагогик ёндашувларга асосланган ҳолда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва кўллашнинг методик тизими ишлаб чиқилган.

Таълимни самарали ташкил этишда педагогик технология назариясидан фойдаланиш, мазкур назария моҳияти, тамойиллари, таълим жараёнини лойихалаштириш, таълим мақсадларини белгилаш ва мақсаднинг натижаланганлигини ўрганиш каби масалалар кўйидаги олимлар ишларидан ўрганилган.

Ў.Қ.Толиповнинг ишларида олий таълим тизими бўлажак ўқитувчиларида касбий кўнинма ҳамда малакаларни ривожлантириш, педагогик технологияларни самарали кўллашнинг мезонлари ва назарий асослари яратилган. Касбий кўнинма ҳамда малакаларни ривожлантириши самарадорлиги ва сифатини назорат қилишнинг педагогик технологиялари асосидаги кўрсаткич ва мезонлари ишлаб чиқилган.

Н.Ҳ.Авлиёқулов ишларида замонавий педагогик технологиялар моҳияти ва мазмуни айниска муаммоли ўқитиш технологияларини таълим жараённида кўллаш имкониятлари ёритилган.

И.А.Аллаёров докторлик диссертация ишида, фаол ўқитишнинг дидактик асослари ишлаб чиқилган ва таълим олувчиларни фаоллаштириш имлый методик тавсиялари ўз аксини топган.

Н.Н.Азизходжаева адабиётларыда педагогик технология ва уни қўллаш шартлари хамда ўқитувчининг педагогик маҳоратини шакллантирип йўллари баён этилган.

Н.С.Сайдахмедов асарларыда янги педагогик технологиялар ва уларни таълим жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Шунингдек Б.Л.Фарберман илмий асарларыда илғор педагогик технологиялар хакида тўлақонли маълумотлар берилган.

Хурос. Ушбу тадқиқотлар ва илмий педагогик асарларда баён этилган ўқитиш технологияларидан мутахассис кадрлар тайёрлаша фойдаланилмоқда. Шуни таъкидлаш жоизи, аксарият тадқиқотлар ва илмий педагогик асарларда, фақатгина ўқитиш технологияси назарий жиҳатдан ёритилиб, уларни амалда тадбір этиш бўйича методик тавсиялар ва йўрікномалар ўз аксини тогмаган.

Таълимда мутахассис кадрлар тайёрлашда фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси хамда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тадқиқотлар деярли олиб борилмаган.

Фақатгина касбий фаолиятнинг ўзаги ва ишлаб чиқариш таълиммининг асоси хисобланган маҳсус фанларни ўқитиши, уларнинг мазмунини танлаш хамда таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисида изланишлар ўтказилган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни// “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккӣтининг пойдевори” – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 20-29.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”// “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккӣтининг пойдевори” – Т.: Шарқ, 1997. – Б.31-61.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимишини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2019 йил 8 октябрь. www.lex.uz.
4. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари: Дис.... пед. фан. доцт. – Тошкент: 2007. – 349 б.
5. Нуридинов Б.С., Ўринов У.А. Таълим соҳасидаги ижтимоий ҳамкорлик, малакали кадрлар тайёрлаш омили // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2003. – №6. Б.11.
6. Ходжабоев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда: Автореф. дис. докт. пед. наук. -Т.: ТДПУ, 1992. – 42 б.
7. Шарипов Ш.С. Педагогические условия формирования изобразительского творчества студентов (Например факультетов Труда и профессионального образования): Автореф. дис. ... канд. пед.наук.–Ташкент:УзНИИПН, 2000 - 20 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир бўгинида таълим-тарбия ишларини бутунги кун ва истиқбол талаблари даражасида ташкил этишда ўқитувчининг ўрни ва роли бекиёслиги баён этилган бўлиб республикамиз олий таълим тизимидаги мустақил ва эркин фикрлайдиган ташаббускор, ироадали мутахассис кадрларни тайёрлашга катта эътибор каратилиётган ўз аксини топган. Мутахассис кадрлар тайёрлаща талабаларнинг умумтехника ва касб-хунар таълими ўқитувчиларини тайёрлаща касбий фаолиятини хамда ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга асосий эътиборни карратган холда бир катор олимлар илмий тадқиқот ишлари таҳлил этилган. Таълимда мутахассис кадрлар тайёрлашда фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси хамда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тадқиқотлар деярли олиб борилмаган деган хуносага келинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается уникальная роль и место учителя в организации воспитательной работы на всех уровнях системы непрерывного образования на уровне сегодняшних и будущих требований. Проанализирован ряд научных исследований, направленных на развитие профессиональной и творческой деятельности студентов при подготовке учителей общего технического и профессионального образования при подготовке специалистов. Развитие практических навыков по интеграции науки и промышленности и сотрудничества в области подго-

товки специалистов. был сделан вывод о том, что исследования практически не проводились.

SUMMARY

This article describes the unique role and place of a teacher in organizing educational work at all levels of the continuing education system at the level of present and future requirements. A number of scientific studies aimed at the development of professional and creative activities of students in the preparation of teachers of general technical and vocational education in the training of specialists are analyzed. Development of practical skills for the integration of science and industry and cooperation in the field of training. it was concluded that there were practically no studies.

ТАЛАБА-ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ – ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА

Мақсұдов У.Қ.

Фарғона давлат университети педагогика кафедрасы ўқытувчуси

Таянч сўзлар: фаоллик, ижтимоий фаоллик, талаба-ёшлар, тарбия.

Ключевые слова: активность, социальная активность, студенческая молодежь, образование.

Keywords: activity, social activity, student-youth, education.

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг давомийлигини таъминлаш ҳамда демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш, ёшлар, хусусан, уларнинг ижтимоий фаоллигига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевинг БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясида сўзлаган нутқида: "... Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳийатини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик боғиси «вируси» тарқалишининг олдини олишадир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий кўллаб-куватлаш, унинг хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қартилган умумлаштирилган ҳалқаро хукукий хужжат – БМТнинг ёшлар хукуклари тўғрисидаги ҳалқаро конвенциясини ишлаб чиқишини таклиф этади. Бизнинг назаримизда, мазкур хужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак" – деган фикрлари дунё ҳамжамияти томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Инсоният тарихи тараққиётининг қайси бир даврига назар ташламасак, энг дол зарб ва энг машҳақатли масала – ёшлар масаласи эканлигига гувоҳ бўламиз. Қадимдан қайси бир мамлакатда тарбия билан боғлиқ муаммолар энг долзарб муаммо сиғатида қайд этилган ва ҳал этишга ҳаракат қилинган бўлса, ўша жойда ривожланиши бўлган.

Ижтимоий фаол инсон атрофида бўлаётган воеқе ҳодисаларга бефарқ қарамайди, мавжуд ютуқ ва муаммоларга ўзини дахлдор деб хис этади, оиласи, маҳалласи, юрти шаънини асрашга ўзида куч ва иродга топа олади. Ватанни, ҳалқи учун керак бўлса, жонини фидо қилишга шай туриши – буюк инсоний фазилат эканлигини англаб этади. Айнан шундай ёшлар билан жамият, мамлакат ва ҳалқ фаровонлигини таъмин этилади. Айнан шу боисдан ҳам бугун ёшларда маънавий қадриятлар ва ахлоқ нормалари замирада айнан ижтимоий фаоллик сиғатини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, демократик жамиятда ёшлар ижтимоий фаоллиги ўз-ўзидан юзага келмайди, балки мунтазам тарзда мақсадли равишда олиб борилган педагогик фаолият натижасида шакллантирилади. Талаба-ёшларга назарий-

амалий билимларни бериш, уларда ижтимоий фаоллик кўнімка ва малакаларини хосил қилиш педагогика назарияси ва амалиёти учун ҳам ўзига хос аҳамиятга эга эканлиги билан долзарблик касб этади.

Хар бир инсон жамият аъзолари билан ўзаро ижтимоий муносабатларга киришади. Жамиятда карор топган ижтимоий муносабатлар, уларнинг мазмунни, гоя ва ўйналишлари шахснинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсагади. Шахснинг фаолияти, ижтимоий борлицлик муносабати, ҳаётий ёндашувлари, фаоллиги, ўз навбатида, ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатади. Шунга кўра шахс ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирокчиси ва маҳсулни хисобланади. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида хеч қачон ижтимоий муносабатлардан ажралган ҳолда яшай олмайди.

Маълумки, «фаоллик» тушунчаси бальзи ҳоллар, хусусан шахс ва унинг фаолиятини тадқик этувчи фан соҳаларида фаолият тушунчasi билан кориштириб юборилади. Масалан, «Психология»га оид луғатда мазкур тушунча «тирик материянинг умумий хусусияти, теваарофатрофдаги мухит билан ўзаро таъсирида намоён бўлади. Психик фаоллик бу ўзаро таъсири, шу асосда фаолият кўрсатиш билан характерланади» - дейилади.

Мустакиллик изоҳли илмий-оммабоп луғатида «Ижтимоий фаоллик – ижтимоий субъектларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг, меҳнат ҳамда маданий-маърифий фаолиятининг кучайиши, конунда белгилаб кўйилган хукуқ ва бурчларини тўлиқ амалга оширишга интилиши», - дея таърифланган .

Фаоллик – «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да меҳнатда ёки бирор ҳаракатда, жараёнда жадаллик, жонбозлик кўрсатиш, ишчанлик, таъсиричанлик деб таърифланади. Бизнинг тадқикотимиз нуктаи назаридан мазкур изоҳ моҳиятнан эътиборлидир.

Педагогика энциклопедиясида эса ижтимоий фаоллик – 1. ижтимоий субъектларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг, меҳнат ҳамда маданий-маърифий фаолиятининг кучайиши, конунда белгилаб кўйилган хукуқ ва бурчларини тўлиқ амалга оширишга интилишини ифодаловчи тушунча. 2. Субъектнинг жамият ҳаётида онгли ҳолда мустакил иштирок этиши, маълум ижтимоий-маънавий соҳада вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишига қаратилган ҳаракатидир. Ижтимоий фаоллик шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва хулк-атворини онгли равишида бошқаришининг асосий шарти хисобланади.

Юкоридаги фикрларни умумлаштириб, шахс фаоллигини шундай изоҳлаш мумкин: ижтимоий фаоллик – шахснинг мақсадга йўналтирилган фаолияти бўлиб, ижтимоий воқелинка нисбатан индивидуал муносабати ва тизимли ҳатти-ҳаракатларининг юксак кўринишини ифодаловчи тушунча

Юртимизда мазкур соҳадаги йиғилган тажрибаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, демоқратик жамиятда талабалар ижтимоий фаоллиги ўз-ўзидан юзага келмайди, балки мунтазам тарзда мақсадли равишида олиб борилган педагогик фаолият натижасида шакллантирилади. Талаба-ёшлирга назарий-амалий билимларни бериш, уларда ижтимоий фаоллик кўнімка ва малакаларини хосил қилиш педагогика назарияси ва амалиёти учун ҳам ўзига хос аҳамиятга эга эканлиги билан долзарблик касб этади.

Дж.Капара ва бошқаларнинг (1999) тадқиқотлари натижаларига кўра, ижтимоий феъл-атвор месъёларига амал қилиш ўзаро ҳамкорлик ва бир-бираига ёрдам кўрсатишга имконият яратади – ўзаро симпатияни хосил қиласди, таълим жараёнига ҳалакит килувчи депрессияга ҳамда муаммоли феъл-атворга қарши курашишга ундайди. Шахслараро муносабатлар жараённада ёшлирга ўзидаги интеллектуал имкониятларни рӯёбга чиқаришига ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолат шуни тасдиқлайдики, ижтимоий ва интеллектуал ривожланиши нафакат мазкур талабада, балки, тенгдошларидага ҳам кучайиши кузатилган .

Айни пайтда бу муаммо доирасида педагогик, фалсафий, психологик ва турли нуктаи назарлардан ҳар хил йўналиши ва мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борган замондош олимларимизнинг илмий изланишлари ҳам мазкур тадқиқотнинг дунёга

келишига турткы бўлиб, унда кўйилган муаммоларни ҳал қилишда ўзига хос кўмак берди. Жумладан, М.Махмудова, Г.Ж.Туленова, Т.Эгамбердиева, К.Қ.Куранбоеев, И.Р.Сафарбуваева каби олимларнинг илмий изланишларида ижтимоий фаоллик ва шахсни фаоллаштириш муаммолари педагогик, психологик ҳамда фалсафий жиҳатдан ёритиб берилган.

Файласуф олима Г.Ж.Туленова «Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил)» номли тадқиқот ишида маънавий омилнинг ёшларнинг касбий хулкига, ижтимоий мўлжалларига, амалий фаолиятига ижобий таъсири кўрсатишими фалсафий-методология жиҳатдан атрофича ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни ечиш борасида хукумат ва жамоатчилик сайди-харакатларини уйғунлаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқкан.

Социолог И.Эргашев томонидан эса бозор муносабатларига ўтиш шароитида ёшларнинг ижтимоий фаоллиги социологик таҳлил қилинган.

Ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш муаммолари бўйича олиб борилган турли соҳалардаги тадқиқотлар мазмунини ўрганиш асосида қўйидагича хulosаларга келдик:

1. Талаба-ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг мазмунини асослаш, унинг методикасини ишлаб чиқиш педагогика фани ва амалиёти олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади.
2. Талаба-ёшлар ижтимоий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги, бугунги кунга қадар яхлит педагогик жараён сифатида тадқиқ этилмаганлиги таъкидланади.
3. Талаба-ёшларнинг ижтимоий фаоллиги уларнинг ижтимоий муносабатлар жараёндаги иштирокига боғлиқ бўлиб, шахснинг ижтимоий борликка муносабатини белгилайди.

Ўзбекистон Республика ижтимоий-сийсий мустакилликни қўлга киритган дастлабки кунлардаёқ мамлакат аҳолиси, шу жумладиан, ёшлар ўртасида мустакиллик фояларини тарғиб этиш, уларда истиқлони мустаҳкамлашга йўналтирилган ижтимоий фаолликни қарор топтириш вазифаси кун тартибига қўйилди. Бу борадаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда таълим-тарбия жараённинг роли катта.

Илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланиши, глобал дунёда ракобатнинг ортиши шароитида ҳар бир давлат ва жамиятнинг бу жараёнда ракобатбардошлиги асосида ёшларнинг интеллектуал ривожи ҳамда уларнинг истеъоди ва қобилияtlарини тўлиқ амалга оширишга эътибор беришга боғлиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблейсининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясида сўзлаган нутқидан. – АҚШ, 2017.
2. Эргашев И. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги. Т: Академия, – 2008. – 32 б.
3. Карпара Дж., Сервон Д. Психология личности. – М.: Питер, 2003. - 640 с.
4. Мустакиллик. Изоҳи илмий-оммабоп лугат / Муаллифлар: М.Абдуллаев ва бошк. Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаровнинг умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашр. – Т: «Шарқ», 2006. – 528 б.
5. Педагогика: энциклопедия. 2 – жилд./ тузувчилар: Жамоа.- Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2015, 368 б.
6. Психология. Словарь. – М.: Политиздат, 1990. – с. 38-39
7. Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фал.ф.док. ...дис. Т: 2006. - 316 б.
8. Ўзбек тилининг изоҳи лугати. Тартибот – Шукр / 5 жилдли. Тўртинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 606 б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада “фаоллик” ва “ижтимоий фаоллик” тушунчалари хамда талаба-ёшлар ижтимоий фаолигини ошириш – ижтимоий педагогик зарурият эканлиги ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются понятия «активность» и «социальная активность», а также необходимость социальной педагогики для повышения социальной активности студентов.

SUMMARY

In this article, the concepts of “activity” and “social activity”, as well as increasing the social activity of students and young people-is a social pedagogical necessity.

ЎҚУВЧИЛАРДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИ КЎНИКМЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИ

Маликова Д.М.

ЎзПФИТИ таянч докторантни

Таянч сўзлар: мутолаа маданияти, ифодали ўқиш, овозли ўқиш, кутубхоначи, сухбат, китоб кўргазмалари, тақризлар ёзиш, тавсиявий характердаги ишланмалар.

Ключевые слова: культура чтения, выразительное чтение, чтение вслух, библиотекарь, беседа, книжные выставки, письменные обзоры, рекомендации по развитию.

Key words: culture of reading, expressive reading, reading aloud, librarian, conversation, book exhibitions, writing reviews, recommendation developments.

Бугунги кунда шахснинг маънавиятилик даражаси ва уни эгаллаш эҳтиёжига нисбатан турлича методологик, психологик, педагогик хамда ижтимоий-фалсафий ёндашувлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу миллий-маънавият кадрияларининг умумий таркибий қисмидир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиши ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданийтини ошириш хамда тарғибот килиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ти ПФ-4789-сон Фармойиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқувчиларда мутолаа маданийтини шакллантиришнинг дастлабки даврида уларда китоб танлаш кўнимасини ҳосил килиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларни мустақил китоб танлашга ўргатишда таълим олувчи билан ўқитувчи ёки кутубхоначи орасида ўтказиладиган сухбатлар алоҳида ўрин эталайди. Кутубхоначи, ўқитувчи ва ота-оналар биринчи навбатда ўқувчидан уни қандай китоблар қизиқтириши, бўш вақтида нималар билан шугулланишини сўраб билишлари керак. Уларнинг бўш вақтидаги машгулотларини сўраб ўрганиш, қандай китоблар уларни қизиқтиришини билиш, ўқувчиларда мутолаа маданияти кўникмаларини шакллантириш имкониятларини кенгайтиради. Ўқувчиларни китоб кўргазмалари билан танишиши жараёнида уларнинг эътибори китобларнинг аннотациясига қаратилади.

“Мутолаа – арабча сўз бўлиб, диккат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш” маъносини англатади.

Ўқувчиларга китоб мазмуни билан боғлиқ ҳолда уни мутолаа килиш ҳакида маслаҳатлар берилади. Китобнинг мазмунидан келиб чиқиб унда илгари сурилган гояяларни таҳлил килиш, бадий китобни ифодали ўқиш, воқеалар ривожи, қаҳрамонлар характеристи, табиатнинг образли ифодасини таҳлил килишга оид маслаҳатлар берилади. Агар китобда нотаниш сўзлар учраса, ўқувчилар унинг маъноси ҳакида ўқитувчидан сўрашлари ёки луғатлардан ушбу сўзни изохини излаб топишлари талаб қилинади.

Үүкүчиларни нафақат китоблар, балки газета ҳамда журналларни ўқиб мутолаа қилишга ўргатыши ҳам алохидада педагогик ахамиятта эга. Үүкүчилар журнал материалларини сарлавхаларини ўқиган ҳолда танлаб ўкишлари лозим. Чунки газета ва журналларда берилген барча материаллар ҳам улар учун қизиқарли бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам педагоглар үүкүчилар учун мўлжалланган газета ва журналлар ҳакида уларга маълумот беришлари, ушбу манбалар билан таълим олувчиларни яқиндан таништиришлари таалаб қилинади.

Таджиқотчи С.А.Чиниеванинг фикрича, үүкүчилар билан китоб мутолааси ҳакида мунтазам тарзда ўтказиладиган сухбатлар уларни ўқиган асарларини ҳар томонлама таҳлил қилишга ўргатади. Үүкүчилар ўқиган асарларини ота-оналари, синфдошлари, тендошлари билан ҳар томонлама муҳокама қилишга, ўз таассуротларини уларга гапириб беришга одатланадилар. Натижада уларда муталаа маданиятига оид дастлабки кўникмалар шаклланади.

Үүкүчилар ўқитувчи ёрдамида 3-4-синфлардан бошлаб ўқиган асарларига такризлар ёза бошлайдилар. Мазкур такризлар уларда рефлексив фаолият кўникмасини шакллантиришга хизмат қиласди. Үүкүчилар ўкувчиларга асарларга такриз ёзиш қандай ахамиятга эгалигини мунтазам тушунтириши лозим. Тақриз ёзиш учун китобхон ўкувчилар асарни дикқат билан ўқийдилар, унинг мазмуни устида чукур ўйладилар.

Үүкүчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришда китобларнинг кўргазмали тарғиботи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Китоб тарғиботини кўргазмали ташкил этишда кўргазмалар, янги асарлар тақдимоти ўкувчиларнинг дикқатини ўзига жалб этади. Бундай ташвиқот таълим олувчиларга китобларни танлаш имкониятини бераб, уларнинг мутолаа кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қиласди. Кўргазмали материаллар ўзининг мазмуни ва жиҳозланишига кўра рангбаранг бўлиши мумкин. Бироқ уларнинг барчаси ўкувчиларда мутолаа маданияти кўникмаларини шакллантиришга кўйиладиган умумий талабларга жавоб бериси керак. Жумладан, китобларнинг мавзуси долзарб бўлиши, гоявий даражасига кўра энг яхши китоблар ўкиш учун тавсия қилиниши, бадий ва илмий жиҳатдан етук, бадий асарлар танланниши, муайян ўшдаги ўкувчиларнинг англашлари учун кулай бўлиши лозим.

Китоб тарғиботида кўргазмалар муҳим ўрин эгаллайди. Кўргазмаларда ўкувчилар айни бир мавзу дойрасидаги китоблар билан босқичма-босқич танишиб борадилар. Бу эса ёш китобхонларнинг мутолаага оид кўникмаларини тизимлаштириш имконини беради. Китоб кўргазмаларининг мавзуси турли-туман бўлади. Чунки китоб кўргазмалари ҳар хил максадларда ташкил этилади. Аксарият китоб кўргазмалари алохидада саналарга бағишланниб, жумладан, юбилейлар, кутубхона тадбирлари билан боғлик ҳолда ташкил этилади.

Тавсиявий характердаги ишламмаларда асосий китоблар билан бир каторда кўшимча адабиётлар ҳакидаги маълумотлар ва иловалар тақдим этилади. Асосий ўринини эса китобларнинг номи ва уларнинг аннотацияси эгаллайди. Тавсия характеридаги маълумотлар деворга илинадиган плакатлар ва стол устига қўйиладиган буклетлар шаклида ҳам тақдим этилади.

3-4 синф китобхонларига тавсия этиладиган китоблар рўйхатида бир хил жанрдаги турли мавзууда ёзилган китоблар ўқитувчи томонидан ўкувчиларга ўкиш учун тавсия этилади. Китобларнинг рўйхатлари чиройли жиҳозланган ва катта бўлмаган ҳажмда ўкувчиларга тақдим этилиши керак.

Ҳар бир синф ўкувчиларининг мутолаа қилишлари учун тавсия этиладиган китоблар ўкувчиларга алохидада қизиқиши уйғотиши, зарур билимларни тақдим этиши, уларнинг мустақил билим олишлари учун кулай бўлиши, ижтимоийлаш-

тиришга кўмаклашишига ўқитувчилар алоҳида эътибор қаратишлари керак. Шу билан бир каторда мазкур китоблардаги маълумотлар, матнлар, иллюстрациялар ўқувчиларни мустақил фикрлашга, сўз бойлигининг ошишига, таҳлилий тафаккур кўнимкамаларининг шаклланishiга хизмат қила олиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи синфдаги ўқувчиларга муайян китобларни тавсия қилас экан, маълум муддатдан кейин, таълим олувчилар ушбу асарларни ўқиганлари, ундан қандай озука олганликларини аниқлаши лозим.

Ўқувчиларда мутолаа маданияти кўнимкамаларини ҳосил қилишга йўналтирилган оммавий тадбирлар уларда китобхонликнинг қай даражада шаклланганлигини аниқлаш имконини беради. Айниқса, синфдан ташқари ўқиш машғулотлари ўқувчилар олдига қўйилган вазифаларнинг самаралини ечилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Китобхонликка багишланган оммавий тадбирлар ўқувчиларни янги китоблар, уларда баён қилинган фан-техника ютуқлари билан таништиришга кўмаклашади.

Овоз чиқариб ўқиш китоб тарғиботида муҳим аҳамиятга эга. Ифодали ўқиши эса ўқувчиларнинг хиссий оламига таъсир кўрсатади. Натижада улар китобнинг мазмунини чукур идрок этиш имкониятига эга бўладилар. Ўқувчиларда бадий асарга нисбатан алоҳида қизиқиши ва унинг мазмунидан қониқиши хисси ҳосил бўлади. Овоз чиқариб ўқиш таълим жараёнидаги муҳим вазифалардан бири бўлган ўқувчиларнинг сўз бойлигини кўпайтириш, уларнинг нуткени ривожлантиришга кўмаклашади. Овоз чиқариб ўқишида болаларнинг севимли китоблари бўлган эртакларнинг аҳамияти бекиёс хисобланади. Аксарият ўқувчилар, айниқса ўғил болалар шеърий матнларни ўқишини хоҳламайдилар. Шеърларни ифодали ўқиши таълим олувчиларда шеъриятга нисбатан муҳаббат ўйғотади. Бунда ўқувчилар орасида ташкил этиладиган шеърхонлик тадбирлари муҳим аҳамият касб этади.

Бадий адабиёт намуналарига ўқитувчи томонидан бериладиган шарҳлар ҳам ўзининг муайян таълимий вазифаларига эга. Ўқитувчилар ўкув дастури билан боғлиқ ҳолда ўқувчиларга муайян бадий асарларни мутолаа учун тавсия этадилар. Масалан, 4-синф ўқувчиларига табиатшунослик дастури билан боғлиқ ҳолда хайвонот олами ҳакидаги китобларни ўқиш тавсия қилинганда шундай асрлардан бир нечтасига ўқитувчи томонидан шарҳлар берилади.

Ўқувчиларда мутолаа маданияти кўнимкамаларини шакллантиришда кўргазмали тарғибот ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўқувчилар учун китобни қўриш, уни кўлларига олиб илнострацияларини томоша қилиш уларга завқ-шавқ бағишлайди.

Жамоавий сұхбат асносида китобларни муҳокама қилиш ҳам ўқувчиларда мутолаа маданияти кўнимкамаларини шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай сұхбатлар жараёнида ўқувчилар ўқиган китоблари ҳакидаги фикрларини баён киладилар, бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашадилар. Асар қаҳрамонларининг харакатларига баҳо берадилар, танқидий хуросалар чиқарадилар, баҳс-мунозарага киришадилар, ўзларининг шахсий нуткай назарларини баён қилиш имкониятига эга бўладилар. Бундай сұхбатлар жуда катта тарбиявий аҳамиятта ҳам эга.

Китоб муҳокамаси ўқувчиларни диккат билан ўқишига, чукур ўйлашга ундовчи муҳим педагогик восита хисобланади. Бу ўқувчиларда китоб ўқишига нисбатан кизиқишининг кучайишига асос бўлади. Улар босқичма-босқич ўз фикрларини баён қилишга одатланадилар. Шу билан бир каторда китоб мутолааси жараёнида ўқувчиларда умуммаданий, ўз-ўзини ривожлантириш ва коммуникатив компетенциялар ривожланади. Жамоавий сұхбатлар ўқувчиларни баҳс-муноза вазиятларига олиб киради, натижада улар изланишига мойил бўлиб қоладилар. Ўқитувчилар эса бундай вазиятлардан самарали фойдаланган ҳолда эвристик характердаги машғулотларни ташкил эта олишлари лозим. Бундай машғулотларда ўқувчилар бадий асарнинг асл

моҳияти, қаҳрамонларнинг нуқтаи назарлари, мақсадлари, ўй-ҳаёлларини аниқлашга оид изланишларни амалга оширадилар. Айниқса, ўсмири ёшидаги ўқувчилар бундай изланишларга мойил бўладилар.

Викториналар эса муайян ёзувчининг ижод лабораторияси билан ўқувчиларни яқиндан таништиришга хизмат қиласди. Улар мазкур ёзувчининг асарлари билан танишиб, унинг асосий қаҳрамонлари, ижод йўли ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Адабий ўйинларда иштирок этиши ўқувчиларни муайян бадиий асарни кунт билан ўқишига ундаиди. Улар бадиий асарлардан айнан оинган парчаларни тўғри танлаш, китоб ва унинг қаҳрамонлари ҳақидаги ўз нуқтаи назарларини катъият билан ҳимоя қилиш, фикрларини аниқ далиллар билан асослаш кўникмасини эгаллайдилар. Бундай ўйинлар ўқувчиларни ёзувчиларнинг ижоди билан яқиндан таништиришга кўмаклашади.

Ҳар бир ўқувчи ўзи ўқиган китобнинг фаол тарғиботчисига айланиси зарур. У мазкур китобнинг асосий мазмунини тушуниб, ўз атрофидагилар, синдошлари, тенгдошлари, оила аъзоларига уни тарғиб кила олиши, сўзлаб бериши мухим аҳамиятга эга. Натижада бошқа ўқувчиларда ҳам китоб мутолаасига нисбатан қизиқиш пайдо бўлади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиши ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги ПФ-4789-сон Фармойиши.<https://lex.uz>
2. Ўзбек тилининг изоҳи лугати. Е – М / 5 жилдли. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат имлий нашриёти, 2006. – 671 б.
3. Чиниева С.А. Ўзбек оиласларидаги китобхонлик воситасига ўсмирилар маънавиятини шакллантириш. Пед. фан. номз ...дисс... автореф. –Тошкент, 2006. – 26 б.
4. Усмонов С. Башлангич синфларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишининг педагогик асослари. Пед. фан. номз ...дисс. –Тошкент, 2004. –152 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада ўқувчиларда мутолаа маданияти кўникмаларини шакллантиришнинг бир неча методлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, маколада ҳар бир синф ўқувчиларининг мутолаа қилишлари учун тавсия этиладиган китоблар ўқувчиларга алоҳида қизиқиш ўйготиши, зарур билимларни тақдим этиши, уларнинг мустақил билим олишлари учун кулагӣ бўлиши, ижтимоийлаштиришга кўмаклашишига ўқитувчилар алоҳида эътибор қартишлари кераклиги баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье рассматриваются несколько способов, с помощью которых студенты могут развивать навыки чтения культуры. В статье также говорится, что книги, рекомендованные для каждого ученика, должны представлять интерес для учащихся, предоставлять им необходимые знания, быть доступными для самостоятельного обучения и что учителя должны уделять особое внимание социализации.

SUMMARY

This article discusses several ways in which students can develop reading culture skills. The article also states that books recommended for every grade student should be of interest to students, provide them with the necessary knowledge, be accessible for independent learning, and that teachers should pay special attention to socialization.



МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУӮХЫЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

ТАЛАБА ЁШЛАРНИ БАГРИЕНГЛИК РУҲИДА
ТАРБИЯЛАШДА МАҶНАВИЙ-МАҶРИФИЙ ТАДБИРЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙӮЛЛАРИ

Самадова С. С.

*Бухоро давлат университети, Миллий гоя, маънавият
асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчisi*

Таянч сўзлар: бағриенлик, толерантлик, талаба-ёшлар, олий таълим муассасаси, маънавий ва маърифий тадбирлар.

Ключевые слова: толерантность, толерантность, студенты, высшие учебные заведения, духовно-просветительская деятельность.

Key words: tolerance, tolerance, students, higher education institutions, spiritual and educational activities.

Ўзбекистонда ҳамжихатлика яшаш маданияти энг қадимги даврлардан шаклланган бўлиб, ўзбек халқининг миллий хусусиятларидан бирига айланган. Зардуштийлик ва ислом фалсафасида бағриенглик тафаккурини ўзига чукур сингдирган ижтимоий фаол инсонни тарбиялаш масаласи устуворлик касб этади. Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, “Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар”. Шунга кўра, биринчидан, мамлакатимизда толерантлик миллий гоянинг таркибий кисми килиб белгиланган. Иккинчидан, толерантлик ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағриенглик каби тушунчалар мазмунига киритилган. Учинчидан, толерантлик ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашнинг узвий кисми бўлиб, бугунги кунда муҳим педагогик вазифа сифатида қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сонли “Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самара-дорлигини янада ошириш, ахолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар” Қарорида: “Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш масаласига эътибор кучайтирилиши, тинчлик ва осойишталика, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташки таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориши; ахолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик гояларини кучайтириш, диний бағриенглик ва миллатлараро тотувлик мухитини янада мустаҳкамлаш” каби масалалар белгилаб берилган.

Маънавий-маърифий тадбирлар ёшларда бағриенгликни сингдиришда педагогик ҳамкорлик ва интеграцион омил бўлиб хизмат қиласи. Шундай экан, маънавий-

маңырғый тадбирларнинт яхлит андзасини ишлаб чиқиш, самарали шакл, восита ва усулдарини аниқлаш мухим ажамият касб этади.

Замонавий XXI аср такомиалини толерантлик тафаккурисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чunksи, толерантлик тафаккури миллиатлар, элатлар, халклар, маданиятлар, қарашлар, мағкуралар хилма-хиллиги шароитида уларнинг ўзаро ҳамкорлик ва бирбирини қабул килиш, тенглик ва хурмат асосида яшаш тартиби ва жараёнларини билдиради.

Толерантлик соғлум ақида ва ғоя сифатида инсонлараро мұносабатларни тартыға солади, уларни соғлум мүлекот қилишга ўргатади. Шу нүктән назардан, толерантлик түшүнчәсі геноцид, расизм, ксенофобия, этноцентризм, экстремизм каби түшүнчаларға карши бўлиб, фалсафий-ижтимоий оңг таркибидан жой олади ва инсон тафаккурида, хулқида, феъл-атворида намоён бўлади.

Толерантлик давлат ва дин, дин ва инсон муносабатлари, инсоннинг давлат олди-даги мажбуриятлари каби масалаларда ҳар бир фуқаронинг аниқ билимларга эга бўлишини тақозо этади. Толерантлик инсон ва давлат ҳамда инсонлар ўргасидаги ранг-баранг муносабатларни тартибга солиш тамойилларидан иборат. Шундай экан, толерантлик тафаккурини ёшлар дунёқарашининг узвий бўгинига айлантириш, шунингдек, уларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш долзарб ижтимоий-педагогик ахамият қасб этади.

Толерантлик тафаккурини шакллантириш давлатни мустахкамлаш, хавфсизлигини муҳофаза қилиш, ёшларни тури мағкуравий ёт ғоялардан асрарш, уларни бағрикенгликтеги асосида ҳәёттага тайёрлаща алохудаўрин тутади. Толерантлик дүнёвий давлатнинг энг зарур хусусиятларидан биридир.

Маънавий-маърифий тадбирлар мазмунини ишлаб чиқишда ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий ва диний бағрикенглик тамойиллари-нинг ўзига хос этик ва эстетик ақидалар тизимида тарихий шаклланиши босқичлари, ўзбек халқи миллый кадриятлари тизимида бағрикенглик тушунчаси таркибига анья-навий тарзда қўйидаги инсоний хислатлар ва тафаккур кирралари киритилганлиги ва шакллантирилганлигини инобатга олиш муҳим.(1-расм)



1-расм. Багрикенлик түшүнчесининг таркибий компонентлари

мънавий-маърифий тад-
бирларнинг педагогик маз-
муни куйидаги омиллар бўйича
аниқ йўналтирилган сайд-
харакатларга боғлик:

- бағрикенглик тамойилларини ёшлар тафаккурида шакллантириш таълим тизимининг устувор йўналиши эканлигини англаш;

- ёшлар тафаккурида бағрикенгликтин шакллантириш мақсадида Бағрикент яратиш ва амалиёттә жорий

шахсни шакллантириш концепциясини яратиш ва амалиётга жорий килиш; ёшларни бағрикенглик рухида тарбиялашнинг самарали шакл, усул ва воситала-

ёшларни бағрикенглик рухида тарбиялаш жараённанда таълим-тарбия тизими, маъ-

таълим-тарбия тизимиға кўмакдош бўлган турли нодавлат институтлари имкониятларини бағрикенгликни шакллантириш ишларига мақсадли сафарбар этиш, мазкур фаолиятга оила, маҳалла, нодавлат тизимлар ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларини жалб этиш;

бағрикенгликни тарғиб ва ташвиқ этишда оила анъаналари, миллий удумлар, Шарқ алломалари қарашлари ва тамойилларидан унумли фойдаланиш;

ёшлардабағрикенгликни шакллантиришда маънавий-маърифий тадбирлар, таълим жараёнини методик жиҳатдан таъминлаш, ўқув-услубий қўлланмана ва дарсликлар, методик ишланмалар, дастурлар билан бойитиш.

ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда олий таълим муассасаларининг ўқув ҳамда таълимдан ташқари маънавий-маърифий ишларидан унумли фойдаланиш, мазкур жараёнларда инновацион педагогик техонологияларни қўллаш самарали натижаларга эришиш имконини беради.

Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида талабаларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидаги қўриб чикилади. Ёшлар билан ишлаш жараённада улар куйидаги иш фаолиятлари асосида белгиланган педагогик мақсадга йўналтирилади:

- расмий равишида белгиланган ёшларгурухларида ишлаш(белгиланган ижтимоӣ-гуманитар фанлар бўйича дарс соатларидан унумли фойдаланиш);
- ёшлар билан якка тартибида ишлаш (рефератлар, ижодий топшириклар, махсус топшириклар бериш, бальзи бўш ва муаммоли ёшлар учун якка тартибида педагог-ёшлар муносабатларини ташкил этиш);
- махсус ташкил килинган талабалар гурухларида иш олиб бориш (бағрикенгликни ривожлантириш мақсадида ташкил килинган турли курслар, семинар-тренинглар, тестлар, беллашувлар, танловлар, клублар, марказлар, факультатив машғулотлар, ёшларнинг кизиқишилари бўйича тўғараклар);
- гурухларро рақобат ва беллашув асосида иш олиб бориш (бағрикенглик мақсадларига йўналтирилган турли кўрик-танловлар, мусобақалар, турнирлар, дискуссион ва етакчилик клублари, давра сухбатлари ва баҳслар, учрашувлар, савол-жавоб турнирлари, интеллектуал ўйинларни ташкил килиш);
- шахсларро беллашув ва ижодий мусабақалар асосида иш олиб бориш(турли маънавий, маърифий, оммавий тадбирлар ўтказиш, уларга барча ёшларни жалб этишга эришиш, толерантлик тамойилларини билган энг яхши талаба учун танловлар эълон килиш);
- тизимли тадбирлар уюштириш, фаолият жараёнига барча ёшларни жалб этишга саъй-харакат килиш (мавжуд таълим даргохининг барча ёшлари жалб этилган умумий тадбирларни ташкил этиш. Масалан, таълим муассасаларида ҳар йили 16 ноябрни “Толерантлик куни” деб эълон килиш, бу кунни концертлар, танловлар, аъло ўқийдиган талабаларни мукофотлаш тарзида нишонлаш, тадбирларга миллий марказлар фаолиятини жалб этиш, турли миллат вакилларининг ўз миллати урф-одатлари бўйича сухбатларини уюштириш ва х.к.);

— курслараро жамоатчилек ҳаракатини ташкил этиши асосида ёшларнинг умумий ҳаракатини вужудга келтириш (масалан, олий таълим муассасалари доирасида талабаларнинг “Биз бағрикенглик тарафдорларимиз” ҳаракати дастурини тузиш, иш режасини ишлаб чиқиши ва ўз фаолиятини нафакат таълим тизими доирасида, балки фуқаролик жамиятининг бошқа институтларида ҳам олиб борилишига ва ҳаракат кўлами минг кенгайишга эришиш).

Олий таълим муассасалари ёшларини толерантлик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирларнинг куйидаги ҳолатларини инобатта олиш мақсадга мувофиқ:

1. Илмий-назарий жиҳат. Ўқув жараёни ва тадбирлар мазмунини жиддий қайта кўриб чиқиши, уларни замонавий ғоялар ҳамда дунё миқёсидаги сиёсий-ижтимоий ҳамда иқтисодий-молиявий вазиятларга хос бўлган ўзгаришлар таҳхили билан тўлдириш зарурлиги аниқланди. Толерантликнинг бугун нафакат аниқ шахсга алоқадорлиги, балки бутун инсоният ва унинг истиқболига хос хусусиятга айланганлигини аниқ ва тўғри тушунириш лозимлиги белгиланди.

2. Ташкилий жиҳат – толерантлик тафаккурини шакллантириш бўйича барча ўқув-педагогик ва тарбиявий тадбирларни режалаштириш ва ўтказишига жиддий ёндашувнинг зарурлиги, мақсад ва тадбирлар мазмунини аниқ белгилаш, улар мазмунини мавжуд янгиликлар билан бойитиш, барча кўлланиладиган терминларга тўлиқ жавоблар берилишини таъминлаш, ёшларнинг барча эҳтиёжларини олдиндан привентив кўра билиш ва таъминлаш, белгилангандан мақсадга мос бўлган шакл, восита ва усулларни кўлаш, тадбирлар ўтказишида интерфаол усууллардан кўпроқ фойдаланиш, ёшларни толерантлик ғоялари ортидан эргашувчиларга айлантира олишдир.

Ёшларнинг толерантлик тафаккурини амалий кўнікма ва малакалар, тарғибот ва ташвиқот фаолиятларини ривожлантириш асосида ташкил этиши таълим жараёнидаги барча мавжуд иштирокчилар, педагог, олий таълим муассасаси маънавий-маърифий тизими, таълим муассасасидаги жамоат ташкилотлари, ундан ташқаридаги нодавлат ташкилотларнинг умумий-мақсадли фаолияти кўзда тутилади. Тарғибот-ташвиқот фаолияти толерантлик мазмунининг мухим аломатларидан бўлган мафкуравий иммунитетни ривожлантиришга қаратилган ишларнинг аниқ мақсад ва режа асосида ўтказилишини талаб этади.

3. Таълим менежменти жиҳати. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишида алоҳида эътиборни уни ташкил қилювчи ва ўтказувчи педагогик кадрлар масаласига йўналтириш, ўқитувчи-модераторларни мақсадга ва вазифага мос танланти, демократизм, гуманизм ва тенглик принциплари асосида ишлашини таъминлаш, барча масъул шахсларнинг ташаббускорлиги ёшлар билан тил топа олиши, ташкилотчилиги, янгиликка мойиллиги, ижодий-креативлиги, турли ноқулай ва тасодифий саволларга аниқ, самимий ва мантикий жавобларни бера олиши каби хусусиятлар назарда тутилади.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларида, айниқса, педагогик таълим муассасаларида бағрикенглик ғояларини ёшлар онгига сингдириш, толерантлик тамойиллари ва талабарини қатъий равишида ўзлаштиришларига эришища маънавий-маърифий тадбирлар мазмунини бойитиш зарур. Ёшларда доимий равишида толерантликка нисбатан иштиёқ ва рагбат уйғотиш даркор. Ёшлар бутунги кунда толерантлик тамойиллари ва ахлоқисиз ўз ҳаётини тинч ва осуда ташкил кила олмайди. Толерантлик ёшларнинг ҳаётий мезони бўлмоғи зарур. Чунки ёшлар келгу-

сида, албаттa, ота-она бўлади ва тажрибаларда аксариятининг ўқитувчилик касбини эгаллаши кузатилади. Багрикенглик ўқитувчи шахсига ҳам, ота-оналар шахсиятига ҳам бутун умр давомида керак бўлиб, уларнинг ўз атрофидаги одамлар билан илик ва ишонч асосидаги муносабатларини юзага келтирувчи асос саналади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон Қарори. Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, ахолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёкарашини юксалтиришга, мағкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар. Тошкент.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” // 2018 йил 17 сентябрдаги №736-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний барқамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги боскичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”. // 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907. Халқ сўзи, 2018 йил 15 август.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.// 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416. Халқ сўзи, 2018 йил 17 апрел.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори.//2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909. Халқ сўзи, 2017 йил, 21 апрел.

6. Кадирова З. Толерантность – высшая ценность // Народное слово, 24 ноября 2006.

7. Олимов С.Багрикенглик.Халқ сўзи.2006, 20 апрел.

8. Акрамова Г.Р. Бошлангич синф ўқувчиларида толерантлик тушунчаларини шакллантиришнинг дидактик асослари: -пед.фан.номз. ...дисс.автореф. –Т.: 2007. -21 б.

9. Мусурмонова О. Талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш. –Т.: Фан. 1993. -112 б.

10. Риэрдон Б. Э. Толерантность – путь к миру. –М.: Изд-во «Бонфи», 2001. - 304 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада талаба-ёшларни багрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни, таъсири хусусида фийрлар баён этилган. Олий таълим муассасаси талабаларида багрикенглик тушунчаларини сингдиришда маънавий-маърифий тадбирлар мазмунини ишлаб чиқишида ўзбек ҳалқининг миллый кадрятлари, инсоний хислатлар ва тафаккур кирралари, багрикенглик тушунчасининг компонентлари келтириган.

РЕЗЮМЕ

В статье дается обзор роли и влияния духовно-просветительской деятельности в воспитании студентов в духе толерантности. Развитие содержания духовно-просветительской деятельности в развитии толерантности у студентов высших учебных заведений основывается на национальных ценностях узбекского народа, человеческих качествах и мышлении, составляющих концепции толерантности.

SUMMARY

The article gives an overview of the role and influence of spiritual and educational activities in the education of students in the spirit of tolerance. The development of the content of spiritual and educational activities in the development of tolerance among students of higher educational institutions is based on the national values of the Uzbek people, human qualities and thinking that make up the concept of tolerance.

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА



ФИЗИКА ДАРСЛАРИДА ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

Зайнитдинова М. А.

*Тошкент вилояти Халқ таълими ходимларини
қайта тайерлаши ва уларнинг малакасини ошириши худудий
маркази “Аниқ ва табиий фанлар методикаси” кафедраси мудири, доцент*

Таянч сўзлар: энергия, шамолэнергияси, геотермал энергия, биогаз, биомасса, электростанция, конструкция, таълим, интеграция, қўёшбатареялари.

Ключевые слова: энергия, энергия ветра, геотермальная энергия, биогаз, биомасса, электростанция, конструкция, образование, интеграция, солнечные панели.

Key words: energy, wind energy, geothermal energy, biogas, biomass, power plant, design, education, integration, solar panels.

Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари турларига доир мавзуларни ўзлаштиришда табиий ва аниқ фанлар интеграциясидан (физика, математика, кимё ва экология) фойдаланиш жуда катта имкониятларга эга.

Хусусан, «Қўёш фотоэнергетикаси элементар тушунчалари» мавзусини ўзлаштиришда ҳар бир фаннинг ўз ўрганиш, тадқиқ қилиш метод ва усуслари бўлиб, бу ерда ўрганилувчи «Объект» битта ҳисобланади. Шунингдек, қўёш энергиясини ҳосил қилиш ва ундан фойдаланишда назария ва амалиёт нақадар бирбиринга мос келишини тушуниришда ҳам табиий фанлар интеграциясининг роли бекиёсdir.

Таълимда интеграцияни амалга ошириш ҳам иқтисодий, ҳам педагогик, шунингдек, гигиеник ва физиологик жиҳатдан ҳам мухим аҳамиятга эга. Бундан ташкари, фанлар интеграцияси натижасида ўқув-билиш жараёнининг самарадорлик даражаси ортади. Давлат таълим стандарти (ДТС) талаблари асосида ўқув режада ўқув фанлари миқдорини кўпайтириш ўқувчининг билим даражасини оширишда ижобий натижага бермаслиги аниқ. Бунда қуйидаги омиллар намоён бўлади:

1) ўқув фанлари кўпайган сари ўқувчиларга тақдим этиладиган предметлар таркоқлашади;

2) ўқув кўлланма ва дарсликлардаги тақрор материаллар миқдори ортади;

3) ўқувчининг ижтимоий тажрибасига кирмай қолаётган билим ва тушунчалар кўпаяди. Фанлар интеграциясидан фойдаланиб таълим беришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

1. Ўқитувчи фанлар интеграцияси асосида ўқитиш учун назарий, лаборатория машғулотларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда методик ишланмалар тайёрлаши.

2. Ўқитиша фан-техника тараққиётини ҳисобга олган ҳолда интеграцион материалларни танлаш, умумлаштириш, мантиқий кетма-кетлик асосида тизимлаштириш ишларини амалга ошириш.

3. Фанлар интеграцияси асосидаги дарс ишланмалари, ўқув-методик қўлланма, кўргазмали иллюстрацион дидактик материаллар, намойишли тажрибалар учун техник воситалар, кўргазмали қуролларнинг ижобий ва салбий томонларини ўрганиш.

Физика дарсида «Гелиотехника ва ноанъанавий энергия манбалари» ўқувчи танлов фани мавжуд бўлиб, ушбу фанни ўқитишида юқорида келтирилган фанлар интеграциясидан фойдаланиш имкониятлари педагогик тажриба-синовга татбиқ этилди.

1. «Гелиотехника ва ноанъанавий энергия манбалари» «Қуёш фотоэнергетикиаси элементар тушунчалари» мавзусига дарснинг технологик харитаси ишлаб чиқилди.

2. «Қуёш фотоэнергетикаси элементар тушунчалари» мавзусига доир кўргазмали анимацион презентациялар яратилди ва дарс жараёнида улардан самарали фойдаланилди.

3. 8 Вт кувватли қуёш фотоэлектрик курилмасидан фойдаланилди.

4. «Қуёш фотоэнергетикаси элементар тушунчалари» мавзусини тўлиқ ёритиб беришда табиий ва аниқ фанлар интеграциясидан самарали фойдаланилди: а) физика: ёргулик оптик нурланиш энергиясини электр энергиясига айлантириш физик-технологик асослари атрофлича ёритиб берилди; б) математика: қуёш элементлари фойдали иш коэффициентини хисоблаш формуласидан фойдаланиб, математик амаллар бажарилди. Фойдали иш коэффициент оптимал кийматлари аникланди (масалалар асосида); в) кимё: қуёш элементларига кимёвий ишлов бериш, юза соҳасидаги рельефларни хосил килиш кимёвий усуллари тушунтириб берилди. Шунингдек, қуёш батареяларида герметик қатламлар хосил килиш кимёвий усул ва методлари тўғрисида маълумотлар баён этилди; г) экология: қуёш батареялари оптимал ишланишида экологик мухитнинг тозалик даражалари, чаңгланиш, шамол ва бошча ҳар хил табиий ҳодисаларнинг таъсири экологик тушунчалар асосида баён этилди.

5. «Қуёш фотоэнергетикаси элементар тушунчалари» мавзусини ўқитишида «Мунозарали мавзуза» ва «Савол-жавоб» методларидан фойдаланилди.

6. Мавзу учун ишлаб чиқилган технологик харита асосида дарснинг мустаҳкамлаш боскичида мавзуга доир тест саволлари тарқатилди ва шу асосида ўқувчиларнинг дарсда эгаллаган билим, кўнинма ва малакалари аникланди ҳамда баҳоланди.

Тест саволлари ҳар бир ўқувчи учун турлича бўлади ва жавоб бериш вақти белгиланади. Куйида шундай тест саволларидан намуналар келтирилган:

1. Қуёш доимийлиги катталигининг кийматини кўрсатинг ($\text{Вт}/\text{м}^2$). А. 1353. Б. 1253. С. 1453. Д. 1753.

2. Қуёш нурланиш оқимининг зичлигини аниқланг ($\text{мВт}/\text{см}^2$). А. 175,3. Б. 155,3. С. 135,3. Д. 125,3.

3. Қуёш нурланиш энергиясининг асосий қисми қайси тўлқин узунлиги соҳасига тўғри келади (мкм)? А. 0,1-5. Б. 0,3-3. С. 0,2-3. Д. 0,5-2.

4. Қуёш элементининг фойдалииши коэффициенти деб нимага айтилади? А. Қуёш элементи ишлаб чиқарган энергиянинг элемент юзига тушаётган нурланиш энергиясига нисбатига айтилади. Б. Қуёш батареяси ишлаб чиқарган энергиянинг батарея юзига тушаётган нурланиш энергиясига нисбатига айтилади. С. Қуёш фотоэлектрик курилма ишлаб чиқарган энергиянинг курилма юзига тушаётган нурланиш энергиясига нисбатига айтилади. Д. Қуёш электростанцияси ишлаб чиқарган энергия микдорининг кувватига айтилади.

5. Қуёш фотоэлектрик курилмасида аккумулятор батареясининг разрядланиш чегарасини 75% деб олсақ, аккумулятор электр сифими қанча А·соат бўлади? А. 250. Б. 300. С. 306. Д. 900.

6. Күш фотоэлектрик курилмасининг истеъмолчилари бир кунда 0,3 кВт·соат электр энергияси сарфласа, истеъмолчилар бир йилда ўртача қанча электр энергия сарфлаши мумкин? А. 108. Б. 103. С. 48. Д. 107.

7. Гетероўтишли күш элементи деб нимага айтилади? А. Иккита ва ундан ортик турли элементларнинг бир-бирига туташуви асосида ҳосил қилиниши. Б. Иккита бир хил элементларнинг бир бирига туташуви асосида ҳосил қилиниши. С. Факат битта элемент асосида ҳосил қилиниши. Д. Ҳамма жавоблар нотүғри.

8. Юқори энергияли фотонлар ёруғлик түлкін узунлигининг қайси соҳаларига мос келади? А. Узун түлкінли соҳага. Б. Қиска ва узун түлкінли соҳаларга. С. Қиска түлкінли соҳага. Д. 0,4 мкмдан 1,3 мкм гача бўлган соҳага.

Фанлар интеграциясининг куйидаги ижобий томонлари мавжуд:

1. Интеграцион билимлардан фойдаланиб ўқитишнинг жуда кенг имкониятлари бор.

2. Интеграцион билимлар ёрдамида ўқитиш ўқувчилар учун анча қизиқарли, тушунишлари бўлади.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, фанлар интеграциясидан фойдаланиб аниқ ва табиий фанларни ўқитиш дарс самарадорлигини бир неча баробар ошираН экан.

Айниқса, бирор ҳодиса ёки жараён тўғрисида старлича билим, тушунча ҳосил бўлиши билан биргаликда, уларнинг моҳиятини тўлиқ тушуниш, англаш, нисбатан аниқ ва ҳар томонлама чукур ўрганиши имконияти пайдо бўлар экан.

Фанлар интеграциясидан машғулотларда фойдаланиши натижасида:

- ўқувчиларнинг фанларга қизиқиши ортади;
- ўқувчилар оламнинг моддий бирлиги, табиатдаги уйғунлик, жамиятнинг комплекс муаммоларини осон билиш ва ҳал этиш мумкинлигини англаш етадилар;
- ўқувчилар бошқа фанлардан олган билимларини синтезлаш, умумлаштириш кўнникмасига эга бўлишларига имкон яратилади;
- ўқувчиларнинг ўз устида мустакил ишлашлари, ижодий қобилиятларини ривожлантиришлари учун шароит яратилади;
- ўқувчиларнинг билимлари чукурлашади, дарс самарадорлиги ошади.

Демак, ўқувчиларга фанлар интеграцияси асосида таълим берилса, ўқувчилар ўрганаётган мавзуси доирасида «комплекс» билимларга эга бўлишар экан.

Адабиётлар:

1. Абдиев У.Б. Физика таълимида ноанъянавий энергия манбалари. Илмий-услубий қўлланма. – Термиз: «Полиграф-нашр», 2013. -35-6.

2. Абдиев У.Б., Исмоилов Э.О. Физика таълимида фанлар интеграциясидан фойдаланиб ноанъянавий энергия манбалари орқали фундаментал тушунчаларни шакллантириш. // «Халк таълими» илмий-методик журнали, Т., 2014, 6-сон. -20-23-6.

3. Алиёрова Н.О., Исмоилов Э.О., Кудиров Ш.Ш. Биомасса ва биогаз ҳосил бўлиш жараёнларини ўқитиша табиий фанлар интеграциясидан фойдаланиши имкониятлари. // «Замонавий таълим» илмий-амалий оммабоп журнали, Т., 2015, 6-сон. -31-36-6.

4. Alasdair Cameron, Jaskie Jones. Raising objectives // Renewable energy world. – New York, 2006. Volume 9, number 2. -Pp. 90-92.

5. Kroon M.A., van Swaaij R.A.C.M.M., Zeman M., Metselaar J.W. Study of the Design of the a-Si: H Transverse Junction Solar Cell. // Proc. of the 2nd World Conference and Exhibition on Photovoltaic Solar Energy Conversion. – New York, 1997. -Pp. 57-63.

6. Light S., Khaselev O., Ramakrishna P.A., Faiman D., Katz E.A., Shames A., Goren S. // Fullerene Photoelectrochemical Solar Cells. – Solar Energy Materials and Solar Cells, 51(1998). -Pp. 9-19.

РЕЗЮМЕ

Мақолада физика таълимида ноанъанавий энергия манбаларига доир билим, кўнника маалакаларни шакллантириша фанлар интеграциясидан фойдаланиш имкониятлари баён этилган. Шунингдек, «Қуёш фотоэнергетикаси элементар тушунчалари» мавзусини ўқитиш бўйича олиб борилган педагогик эксперимент натижалари келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены возможности использования интеграции наук в формировании знаний, навыков и умений в физическом образовании по альтернативным источникам энергии. Также приведены результаты педагогического эксперимента по теме «Элементарные понятия солнечной фотоэнергетики».

SUMMARY

The article outlines the possibilities of using the integration of sciences in the formation of knowledge, skills and abilities in physical education using alternative energy sources. The results of the pedagogical experiment on the topic «Elementary concepts of solar photovoltaics» are also presented.

**UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA DASTURLASH TILLARINI O'QITISHGA
MO'LJALLANGAN ELEKTRON O'QUV-USLUBIY MAJMUALAR
YARATISH VA FOYDALANISH USULI**

Mirsanov U.M., Djurayeva D.R.

Navoiy davlat pedagogika instituti

Tayanch so‘zlar: uzuksiz ta’lim, o‘quv-uslubiy majmua, dasturlash, kognitiv, kreativ, motivatsion, texnologik, evristik, adaptiv.

Ключевые слова: непрерывное образование, учебно-методические комплексы, программирование, когнитивное, креативное, мотивационное, технологическое, эвристическое, адаптивное.

Key words: continuing education, learning-methodical complexes, programming, cognitive, creative, motivational, technological, heuristic, adaptive.

Jahon ta’lim tizimida dasturlash texnologiyalari sohasini modernizatsiyalash, innovatsion texnologiyalar asosida fanni o‘qitishni rivojlantirish, fanga oid didaktik materiallarni va pedagogik dasturiy vositalarni jumladan, elektron o‘quv-uslubiy majmualarni yaratish hamda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining imkoniyatlaridan foydalangan holda o‘quv mashg‘ulotlari samaradorligini oshirish, o‘quvchilarida ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirish masalalariga alohida e’tibor qaratilmoqda. Bu borada AQSH, Kanada, Yevropa, Xitoy, Yaponiya, Janubiy Koreya, Rossiya kabi mamlakatlarda o‘quvchilarning dasturlash tillaridan bilim olishini faollashtirish, ularda ijodkorlik qibiliyatlarini rivojlantirish tendensiyalari kuchayib bormoqda.

Xalqaro miqyosda dasturlash texnologiyalarini o‘qitish sifatini yaxshilashda o‘quvchilarning motivatsion, kognitiv, texnologik, kreativ, evristik mezonlar asosida mustaqil ta’lim olishiga imkoniyat yaratuvchi zamонавиyl elektron o‘quv-uslubiy majmualar yaratish hamda ulardan o‘quv jarayonida foydalanshga oid ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilmоqda. Bunda ilg‘or xorijiy tajribalar asosida o‘quvchilarning dasturlashga bo‘lgan qiziqishlarini oshirishga hamda kreativlik sifatlarini shakkantirishga yo‘naltilirgan dasturiy mahsulotlarni yaratish muhim o‘rin tutadi. Shu bois uzuksiz ta’lim tizimida dasturlash tillarini o‘qitishda elektron o‘quv-uslubiy majmualar yaratish va foydalansh usulini ishlab chiqish va amaliyotga tatbiq etishni yanada takomillashtirish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Mamlakatimizning uzuksiz ta’lim tizimida zamonaviy innovatsion texnologiyalar va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish orqali o‘quvchilarning iqtidori, qobiliyati va qiziqishlarini oshirishga yo‘naltirilgan o‘qitish metodikasini ishlab chiqish, jahon talabalariga moslashtirish bo‘yicha keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Shu bilan birga, bugungi kunda dasturlash tillarini o‘qitish jarayonida zamonaviy elektron o‘quv-uslubiy majmuanlari yaratish va foydalanish usullarini takomillashtirishga yo‘naltirilgan mexanizmi ishlab chiqish zarurati mavjud. Shu bois maqolada Paskal, Delphi, C++ dasturlash tillarini o‘qitishga mo‘ljallangan elektron o‘quv-uslubiy majmuanlari yaratish va ulardan foydalanishga qaratilgan.

Dasturlash tillarini o‘qitishga mo‘ljallangan elektron o‘quv-uslubiy majmuaning ilovalarini yaratishda y’ani, taqdimotlar **PowerPoint** dasturida, video ma’ruzalar **Camtasia Studio 7**, mustaqil bajarish uchun topshiriqlar **MS Word** matn protsessorida, o‘quvchilar bilimlari baholovchi ma’lumotlar, masalalar to‘plami, elektron nazorat testlar va kreativ sifatlarini shakllantirishga oid topshiriqlar i **Spring** dasturiy vositalardan foydaliladi.

Taqdimotlar yaratishda ko‘rgazmalilik, demokratik ta’lim olish va integratsiyalash tamoyillariga tayangan holda yaratilib, **.pptx** fayl kengaytmasiga, video darslar ta’limni individuallashtirish va kvantlash tamoyillariga tayangan holda yaratilib, **.mkv** fayl kengaytmasiga, mustaqil bajarish uchun topshiriqlar ta’limni tashkii qilishda mustaqillik tamoyillari asosida **MS Word 2010** dasturda yaratilib, **.pdf** fayl kengaytmasiga, o‘quvchi va o‘quvchilar foydalanishi uchun masalalar to‘plami hamda adaptiv nastandart testlar va testlar baholash va xolislik, ierarxialilik tamoyillari asosida **Ispring Kinetics** dasturida yaratilib, **.swifayl** kengaytmasiga o‘tkazilib, **AutoPlay Media Studio** dasturida birlashtirildi.

O‘quvchi va talabalar bilimini baholovchi savollar har bir darsga oid 40 tadan 50 tagacha kiritilgan bo‘lib, undan o‘quvchiga tasodifan 20 tadan 25 tagacha (mavzuning hajmiga qarab) savol olinadi va ular yordamida o‘quvchilar bilimini tekshirib ko‘rish mumkin.

Savollar turli xil didaktik materiallarni yaratilgan bo‘lib, ular quyidagilarni o‘z ichiga oladi: berilgan savoldan bir nechta to‘g‘ri javoblarni tanlash; berilgan savolga faqat bitta javobni tanlash; matnli jumlalarni kiritish (gapda tushirib qoldirilgan jumlalarni); berilgan savollardan moslikni tanlash (bir oynada bir nechta savollar beriladi, javoblar esa tartibsiz joylashgan bo‘ladi); savollarni ketma-ketlikda tartiblash; savollarga faqat sonli qiymatlar orqali javob berish; bir oynada bir nechta savollardan to‘g‘ri javobni tanlash.

O‘quvchilar bilimini tekshiruvchi elektron nazorat testlar har bir bobga oid 80 tadan 100 tagacha savollar kiritilgan bo‘lib, o‘quvchiga tasodifan 30 tadan 40 tagacha savol olinadi va shu savollar yordamida o‘quvchilar bilimini tekshirib ko‘rish mumkin.

Elektron o‘quv-uslubiy majmuadan foydalanib, mavzuga oid nazariy ma’lumotlarni berishda “*Video dars*”, “*Taqdimotlar*” bo‘limidan foydalilanadi. Bundan asosiy maqsad o‘quvchilarga multimediali tasvirlar yordamida tizimlashgan bilimlarni berish, o‘quvchilarning fikrlash doirasini kengaytirish va eslab qolish qobiliyatlarni rivojlantrishdir. Mazkur majumadagi nazariy ma’lumotlarni tinglab, mustaqil bajarish uchun mo‘ljallangan masalalarining dasturlarini tuzgandab so‘ng, test va nastandart testlar yordamida o‘z bilimini sinab ko‘rish imkoniyati mayjud.

Uzuksiz ta’lim tizimida o‘quvchi va talabalar bilimlarini kolisona baholashda zamonaviy on-line test tizimining imkoniyati yuqori hisoblanadi. Undan o‘quvchi va talabalar mustaqil ravishda o‘z bilimini sinab ko‘radi hamda natijalarini tahlil qiladi.

V.A. Krasilnikovaning fikriga ko‘ra, test – statistika sifatida tasdiqlangan vazifalar tizimi, standartlashtirilgan test sinovidan va tizimini o‘qitish natijasida o‘zgarish mumkin bo‘lgan sifat va shaxsiyat xususiyatlarini o‘lchash uchun mo‘ljallangan natijalarini tahlil qilish hamda tahlil qilish texnologiyasidan iborat bo‘lgan vositadir.

T.U. O‘tapovning fikriga ko‘ra, testlarning sifati - ishonchlilik, validilik, samaradorlik kabi xarakteristikalar bilan belgilanadi.


O‘quvchi va talabaning dasturlash tillari fani bo‘yicha bilimlarini baholash vositalari orasida test ishlanmalari, atamalarni tushunish, bilish, misol va masalalarni tahlil qilish kabi imkoniyatlarga ega bo‘lish mumkin. Test sinovi o‘quvchining o‘z bilimini baholash va o‘qituvchi tomonidan nazorat qilishga imkon beradi. Test sinovi davomida o‘quvchilar turli misol va masalalarni dasturlashni mulohaza qiladi, umumiy xususiyatlarini va farqlarini aniqlashadi. Yaxshi ishlab chiqilgan test o‘quv materialini takrorlaydi va mustahkamlaydi.

O'quvchi va talabalar dasturlash tillariga oid elektron o'quv-uslubiy majmuadagi nazariy ma'lumotlarni o'zlashtirib, video darslarni tinglab, mustaqil bajarish uchun berilgan misol va masalalarning dasturlarini tuzgandan so'ng, test va nostandard testlar yordamida o'z bilimini baholab ko'rish mumkin. Bunda o'quvchining natijasi,

$$Y = \begin{cases} \text{agar } \sum_{j=1}^{40} j > \frac{\sum_{j=1}^{40} j}{100} \cdot 55 \text{ ижобий.} \\ \text{agar } \sum_{j=1}^{40} j < \frac{\sum_{j=1}^{40} j}{100} \cdot 55 \text{ салбий.} \end{cases}$$


O'quvchi va talabalar test natijalarini topshirib, tugatish tugmasini tanlash orqali o'zining natijasini ko'rishi hamda savollarga to'g'ri yoki noto'g'ri javob bergenini ko'rishi mumkin.

Elektron o'quv-uslubiy majmuagajoylashtirilgannostandardtestlardan foydalananish halgoritmiquyidagicha (1-rasmga qarang):



1-rasm. Nostandard testlardan foydalananish algoritmi.

Testlardan foydalananish algoritmi quyidagicha (2-rasmga qarang):



2.-rasm. Testlardan foydalanish algoritmi.

Mazkur dasturiy vositadan umumiy o'rta ta'lim maktablari, akademik litseylar va oliv ta'lim muassaslarida dasturlash tillaridan ma'ruza, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlarini o'tkazishda hamda mustaqil o'quv faoliyatini tashkil etish uchun mo'ljallangan (1-rasmga qarang).



1-rasm. Dasturlash tillarini o'qitishga mo'ljallangan elektron o'quv-uslubiy majmuuning titul varag'idan lavha.

Ushbu dasturit vosita o'quvchilarning uzlusiz ta'lim tizimida dasturlash tillaridan kognitiv, kreativ, motivatsion, texnologik, evristik sifatlarini shakllantirish uchun xizmat qiladi.

Professor J.G.'Yo'ldoshevning fikriga ko'ra, kognitiv – shaxsning mustaqil ijodiy fikrlash jarayonini ifodalovchi atama bo'lib, kognitiv ta'lim esa atrof-muhit haqidagi bilim doirasini kengaytirish, differentiallovchi tafakkurni shakllantirishni va bilsiz ehtiyojlarini rivojlantiradi [1; 181-b.J]. Kreativlik – shaxsning yangi g'oyalarni yaratish va qabul qilishga tayyorligini tavsiflovchi ijodiy qobiliyatdir. Texnologiya – ishlov berish, ahvolni o'zgartirish san'ati, mahorati, qobiliyat, metodlar yig'indisi . Evristik esa yo'naltiruvchi savollar berish yo'li bilan ta'lim berish tizimi. Topshiriqlarni, faollikni rivojlantirishga xizmat qiluvchi, o'quv-izlanish ta'lim metodi .

Akademik P.X.Jo'rayev va professor P.F.Safarovalarning fikriga ko'ra, kreativlik shaxs hatti-harakati, faoliyatda kreativ mavjudligini amaldagi an'anaviy holatlar, tajribalardan farqli o'laroq muammoni yangicha yondashuvlardan foydalangan holda, nostandart usulda yechishga oid mustaqil qaror qabul qilish iqtidori mavjudligi bilan belgilanadi. Kreativ testlar shaxsning ijobjiy layoqatini o'rganish va baholash metodlari majmuasi bo'lib, pedagogik va psixologik tadqiqotlarda shaxsning ijodiy qobiliyatlarini aniqlash uchun maxsus ishlab chiqilgan testlardir. Motivatsiya esa inson faoliyatini boshqarishda, uning axloqiy mayllaridan foydalanish .

Xulosa qilib aytganda, uzlusiz ta'lim tizimida o'quvchi va talabalarning dasturlash tillaridan bilim, ko'nikma va malakalarini rivojlatirishda o'quv-uslubiy majmuularning o'mi yuqori hisoblanadi. Bunda o'quvchi va talabalar misol va masalalarning mustaqil ravishda dasturlashga hamda vizual loyihalashtirish imkoniyati yaratiladi. Shu bilan birga, dasturlash tillarini mukammal o'zlashtirishga hamda qiziqishni oshirishga xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий килиш // Ўқитувчиларнинг илгор педагогик технологиялар бўйича назарий ва амалий билимларини ошириш курслари тренерлари учун кўлланма. – Тошкент, 2008. – 134 б.
2. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари // Халқ таълими ходимлари учун кўлланма. – Тошкент, 2004. – 104 б.
3. Красильникова В.А. Использование информационных и коммуникационных технологий в образовании// Учебное пособие.–Оренбург, 2012. – 291 с.
4. Сафарова Р.Ф., Жўраев Р.Х. Педагогика // Энциклопедия. II жилд.Ж-М. «Ўзбекистонмил лийэнциклопедияси». Давлатлийнашриёти. – Тошкент, 2015. – 3766.
5. Ўтапов Т.У. Ўкувчилар билимини баҳолашга мўлжалланган тест синовлари натижаларини статистика қайта ишлаш // Педагогик таълим. – Тошкент, 2006. – Б.41-43.

РЕЗЮМЕ

Maqolada uzlusiz ta’lim tizimida Paskal, Delphi, C++ dasturlash tillarini o’qitishga mo’ljallangan elektron o’quv-uslubiy majmular yartish va foydalanish usuli keltirilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются методы создания и использования электронных учебных материалов предназначенные для обучения языками программирование Pascal, Delphi, C++ в системе непрерывного образования.

SUMMARY

The article discusses the methods of creating and using electronic teaching materials designed for language learning programming Pascal, Delphi, C ++ in the continuing education system.

CHIZIQLI TAQQOSLAMALAR SISTEMASINING YECHIMLARNI BA’ZI BIR USULLARI HAQIDA

Ahmadov I.A., Ramazonov B.M., Xasanov A.E.

Navoiy davlat pedagogika instituti

Tayanch so‘zlar: taqqoslama, taqqoslamalar sistemasi, modul, qoldiqlar sinfi, EKUB, EKUK.

Ключевые слова: сравнения, системы сравнения, модуль, классы вычетов, наибольший общий делитель, наименьшее общее кратное.

Key words: comparison, comparison systems, module, residue classes, largest common multiple.

Ushbu maqolada chiziqli taqqoslamalar sistemasining turli usullarda yechimlarini aniqlash yo’llari keltirilib, ular orasida ixcham usulni tanlab olish taqqoslamalar sistemasini yechish jarayonida duch kelishi mumkin bo’ladigan xatolarni bartaraf etish yo’llari ko’rsatilib o’tishga bag’ishlanadi.

Umumiy holdagi taqqoslamalar sistemasi quyidagi ko’rimishga ega.

$$\left\{ \begin{array}{l} a_1x \equiv b_1 \pmod{m_1} \\ a_2x \equiv b_2 \pmod{m_2} \\ a_3x \equiv b_3 \pmod{m_3} \\ \dots \\ a_nx \equiv b_n \pmod{m_n} \end{array} \right. \quad (1)$$

- (1) yechimining mavjudligi shu sistemaning har taqqoslamasini yechimining mavjudligiga bog'laymiz.

1-usul.

Faraz qilaylik (1) sistemaning har bir taqqoslamasi yechimga ega bo'lsin.

$$\left\{ \begin{array}{l} x \equiv b_1 \pmod{m_1} \\ x \equiv b_2 \pmod{m_2} \\ x \equiv b_3 \pmod{m_3} \\ \dots \\ x \equiv b_n \pmod{m_n} \end{array} \right. \quad (2)$$

Endi (2) sistemaning yechimini toppish bilan shug'ullanaylik. Shu uchun ma'lum shart asosida quyidagi teoremani keltirish maqsadga muvofiq:

Teorema. (2) sistemada $(m_i, m_j) = 1$, $i \neq j$, $i = \overline{1, n}$, $j = \overline{1, n}$ bo'lsa, (2) sistema yagona yechimga ega:

$$x \equiv x_0 \pmod{m_1 \cdot m_2 \cdot m_3 \cdot \dots \cdot m_n} \quad (3)$$

Bu yerda $x_0 = M_1 M'_1 b_1 + M_2 M'_2 b_2 + \dots + M_n M'_n b_n$ (3*)

M_i, M'_i lar quyidagicha aniqlanadi.

$$M_i M_i = m_1 m_2 \dots m_n, \quad M_i M'_i \equiv 1 \pmod{m_i} \quad (4)$$

Isbot. (3) ni (2) istalgan taqqoslamaga qo'syak $M_i \cdot M'_i \cdot b_i \equiv b_i \pmod{m_i}$ (5),

(4) ni (5) qo'syak $1 \cdot b_i \equiv b_i \pmod{m_i} \Rightarrow b_i \equiv b_i \pmod{m_i}$ bu esa teoremani o'rinni ekanligini ta'minlaydi. Bu teorema Xitoy teoremasi deb ham yuritiladi.

2-usul. Sistemani modullari va koofitsentlarini o'zgarish usuli.

$(m_i, m_j) = 1$ bo'lsin. Bu holda (1) sistemani (2) olib kelish uchun n ta taqqoslamani yechib (1) sistemaga keltirish mumkin, bu yerda yana n ta chiziqli taqqoslamani yechishga to'g'ri keladi. Bu esa, yetarida darajada hisoblash ishlarini bajarishga to'g'ri keladi. Taklif qilinadigan usul hisoblash ishlarini bir munkha osonlashtiradi va ketadigan hisoblashga vaqtini tejaydi.

Buning uchun (1) sistemadagi har bir taqqoslamaning ikkila tomonini va modulini $m_1 m_1 \cdot \dots \cdot m_n \Big|_{m_i}$ ga ko'paytirib, ularni bir xil modulli taqqoslamaga keltiramiz.

$$\left\{ \begin{array}{l} A_1 x \equiv B_1 \pmod{m_1 m_1 \cdot \dots \cdot m_n} \\ A_2 x \equiv B_2 \pmod{m_1 m_1 \cdot \dots \cdot m_n} \\ \dots \\ A_n x \equiv B_n \pmod{m_1 m_1 \cdot \dots \cdot m_n} \end{array} \right.$$

Bu yerda $A_i \cdot m_i = m_1 m_1 \cdot \dots \cdot m_n = \prod_{k=1}^n m_k$, $B_i \cdot m_i = b_i \cdot m_1 m_1 \cdot \dots \cdot m_n = b_i \cdot \prod_{k=1}^n m_k$

(6) taqqoslamalar sistemasi bir xil modulli taqqoslama bo'lganligi uchun ularni hadma-had qo'yib bir xil noma'lumli taqqoslamani yechishga kelamiz ya'ni,

$$Ax \equiv B \pmod{m_1 m_1 \cdot \dots \cdot m_n} \quad (7)$$

Bu yerda $A = \sum_{k=1}^n A_k$, $B = \sum_{k=1}^n B_k$

Misol.

$$\begin{cases} 3x \equiv 1 \pmod{4} \\ 2x \equiv 3 \pmod{5} \\ \dots \\ x \equiv 4 \pmod{7} \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} 105x \equiv 35 \pmod{140} \\ 56x \equiv 84 \pmod{140} \\ \dots \\ 20x \equiv 80 \pmod{140} \end{cases}$$

$$181x \equiv 199 \pmod{140} \Rightarrow 41x \equiv 59 \pmod{140}$$

Oxirgi taqqoslama munosib kasrlar yechimini aniqlasın.

$$x \equiv 39 \pmod{140} \text{ yechimlar sinfi } x = 39 + 140t \quad t \in \mathbb{Z}$$

3-usul. Bu usulni o'rniغا qo'yish usulini deb ataylik.

Agar (m_i, m_j) larning biror o'zaro tub bo'limasa, u holda yuqoridagi usullarni qo'llash imkoniyati bo'limaydi, chunki teorema shartiga ko'ra (4) taqqoslamalarning hech bo'Imaganda bittasi yechimga ega emas, shuning uchun quyidagi usulni qo'llaymiz.

Buning uchun (1) sistemaning taqqoslamasini yechimi mavjud bo'lsa, uning yechimini $x \equiv b_1 \pmod{m_1}$, $x = b_1 + m_1 t_1$ ni (1) ning ikkinchi taqqoslamaga qo'yib, $A_2(b_1 + m_1 t_1) = B_2 \pmod{m_2}$ ni yechaylik va shu jarayonni n-taqqoslamaga yetguncha davom ettirib umumiy yechimni aniqlaymiz.

Quyidagi sistemani qaraylik:

$$\begin{cases} x \equiv m \pmod{nm} \\ x \equiv 0 \pmod{m} \end{cases} \quad (8)$$

Birinchi taqqoslamada x ni aniqlaymiz.

$$x = m + 2mt \text{ ni ikkinchi taqqoslamaga qo'yaylik :}$$

$$m + 2mt \equiv 0 \pmod{m} \Rightarrow 0 \equiv 0 \pmod{m}$$

Demak umumiy yechim (9)ko'rinishda ekan.

$$x = m + 2mt \quad (9)$$

(8) sistemaning birinchi taqqoslamasida x ni aniqlaylik.

$$x \equiv m \pmod{nm} \Rightarrow x = m + mnt$$

(9) ni (8) sistemaning ikkinchi taqqoslamasiga qo'yaylik.

$$m + mnt \equiv 0 \pmod{m} \Rightarrow 0 \equiv 0 \pmod{m}$$

Bu yerdan (9), (8) yechimi ekanligi kelib chiqadi, lekin yechim yagona emas, xato yayerda?

Bu (9) ning ikkinchi taqqoslama yechimi $x = mt_1$ (10) ni sistemani birinchi taqqoslamasiga qo'yib, quyidagi taqqoslamni yechimini topaylik.

$$mt_1 \equiv m \pmod{mn} \quad (11)$$

Toqqoslaning tenglikka oxshamaydigan xossasiga ko'ra (11) ni ikkala tomoni ham modulini m ga mumkin.

$$t_1 = 1 \pmod{n} \Rightarrow t_1 = 1 + nt_2,$$

Lekin taqqoslaning quyidagi xossasiga ko'ra (11) taqqoslama m ta yechimga ya'ni (1) $ax \equiv b \pmod{m}$, $a = a_1 d$, $m = m_1 d$, $b = b_1 d$ va $(a_1, m_1) = 1$ bo'lsa (1) taqqoslama d yechimga ega. Yuqoridagi xossaga ko'ra (11) ning m ta yechimlari quyidagicha keltirish mumkin. $t_2 = 1 + nk$, $k = \overline{1, m-1}$

t_2 ning qiymansi (10) qo'yib sistemani m ta yechimi keltirish mumkin.

$$\left. \begin{array}{l} x_1 = m + mnt_3 \\ x_2 = m + n + mnt_3 \\ x_3 = m + 2n + mnt_3 \\ \vdots \\ x_n = m + (m-1)nt_3 \end{array} \right\} \quad (12)$$

E'tibor qilsak (12) yechimlar turli d ta har bir yechimga tegishli, $m, m+n, \dots, m+(m-1)n$ lar mn ga bo'lganda qoldiqlar turli sistemalarga tegishli.

Xo'sh qilingan xato qayerdaligini aniqlaylik. Chunki (8) taqqoslamani bo'luvchi mn modul bo'yicha yechib so'ngra modulning bo'luchisi m bo'lgan taqqoslamani yechib $(m-1)$ ta yechimni yoqotdi. Taqqoslama xossasiga ko'ra (11) taqqoslama m ta yechimga ega va bu yechimlarni (12) shaklda berilgan. Demak taqqoslama yechish jarayonida yechimni bo'luchilar bo'yicha yechib so'ngra bo'luchilar bo'yicha yechimni izlasak yuqorifagi kamchilik bartaraf etiladi.

Agar talabalarga yuqoridagi hollar ma'lum bo'lsa, ular amaliy mashg'ulotlar jarayonida ko'zga ko'rinxmaydigan xatolarga yo'l qo'yilmashliklarini oldini olsak bo'ladi.

Oxirgi hol uchun quyidagicha oddiy misolni keltiramiz.

$$\begin{cases} x \equiv 0 \pmod{9} \\ x \equiv 9 \pmod{18} \end{cases}$$

$$\begin{cases} x \equiv 9t \pmod{9} \\ x \equiv 9 \pmod{18} \end{cases}, \quad 9t \equiv 9 \pmod{18}, t \equiv 1 \pmod{2}, t_1 = 1 + 2t, t_1 = \overline{0, 8}$$

$$x = 9(1 + 2t_1) + 27t_2$$

Demak; sistema yechimlari 9 ta yechimga ega va ular quyidagi ko'rinishga ega.

$$x \equiv 1, 11, 13, 15, 17, 19, 21, 23, 25 \pmod{27}$$

Yuqoridagi holler usullari mumkin bo'ladigan xatolarni oldini olish maqsadida quyidagi teoremanikeltiraylik.

Teorema. (1) chiziqli taqqoslamalar sistemasining birinchi taqqoslamasi T_1 , ikkinchi taqqoslama T_2, \dots, n -taqqoslamasi d_n ta yechimga ega bo'lsa, u holda (1) sistema T ta yechimga ega. Bu yerda $T = T_1 \cdot T_2 \cdot \dots \cdot T_n$

4-usul. EKUK yordamida taqqoslamalar sistemasini yechish

Ba'zi sistemalarni EKUK yordamida yechimlar sinfini aniqlash mumkin. Quyidagi sistemani qaraylik.

$$\begin{cases} x \equiv m_1 - 1 \pmod{m_1} \\ x \equiv m_2 - 1 \pmod{m_2} \\ \dots \\ x \equiv m_n - 1 \pmod{m_n} \end{cases} \quad (m_i, m_j) = 1 \quad (13)$$

(13) sistemani yechish uchun uning har bir taqqoslamasiga ikkala tomoniga 1 sonini qo'shaylik:

$$\begin{cases} x+1 \equiv m_1 \pmod{m_1} \\ x+1 \equiv m_2 \pmod{m_2} \\ \dots \\ x+1 \equiv m_n \pmod{m_n} \end{cases} \quad (14)$$

(14) quyidagi sistemaga ekvivalentdir.

$$\begin{cases} x+1 \equiv 0 \pmod{m_1} \\ x+1 \equiv 0 \pmod{m_2} \\ \dots \\ x+1 \equiv 0 \pmod{m_n} \end{cases} \quad (15)$$

Bizga ma'lumki taqqoslama xossasiga ko'ra $a \equiv b \pmod{m}$, \neq o'rini bo'lsa u holda $a \equiv b \pmod{m_1 \cdot m_2 \dots \cdot m_n}$ o'rini ekanligini hisobga olib (15) sistemani umumiy yechimini quyidagi ko'rinishda ifodalash mumkin [2]:

$$x+1 \equiv 0 \pmod{m_1 \cdot m_2 \dots \cdot m_n} \quad (16)$$

(16) ning yechimlar sinfini tenglik sifatida quyidagi ko'rinishda ifodalaymiz:

$$x = -1 + m_1 \cdot m_2 \dots \cdot m_n \cdot t \quad \text{bu yerda } t \in \mathbb{Z}$$

(15) ning eng kichik natural yechimi quyidagiga teng. $m_1 \cdot m_2 \dots \cdot m_n - 1$

Yuqoridagi 4 ta usullarni tahlil qilsak eng samarali qo'shimcha shartsiz 2-3-4-larni tanlab olish maqsadga muvofiq . Chunki bu usullarni qo'llash jarayonida talabalar ta'kidlab o'tilgan xatolardan holis bo'lishadi.

Adabiyotlar:

1. М.Исроилов, А.Солеев.Сонлар назарияси. Дарслик. М.:Тошкент . Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси.2003.
2. Виноградов И.М. Основы теории чисел. 8-е издание.- М.:Наука, 1972.
3. Нарзуллаев Х.Н., Нарзуллаев У.Х. "Бир номаъумли таққосламалар" бўйича методик кўрсатмалар. Самарқанд.1986.

РЕЗЮМЕ

Maqolada chiziqli taqqoslamlar sistemasi haqida umumiy tushunchalar berilib ularning goldiqlar sinfini aniqlaydigan turli usullar keltirilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье на основании общих понятий о линейных сравнениях систем приводятся различные способы вычисления различных классов вычетов.

In this article , on the basis of general concepts of linear comparisons of systems, various methods for calculating various classes of computations are given.

ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ: ПОДХОДЫ И ПРИНЦИПЫ ПРОЕКТИРОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ РЕСУРСОВ

Рузиев Р.А.

НавГПИ

Таянч сүзлар: ахборот технологиялари, педагогик лойихалаштириш, электрон таълим ресурслари, электрон таълим.

Ключевые слова: информационные технологии, педагогическое проектирование, электронные образовательные ресурсы, электронное обучение.

Key words: information technology, pedagogical design, electronic educational resources, e-learning.

Современная система образования все активнее использует информационные технологии и компьютерные телекоммуникации. Особенно, это дает некоторые положительные моменты: студенты (ученики) активно участвуют в процессе обучения, приучаются мыслить самостоятельно, выдвигать свои точки зрения, моделировать реальные ситуации. Развитие информационных технологий предоставило новую, уникальную возможность проведения занятий.

В связи с этими тенденциями все более актуальной становится проблема создания качественных электронных учебников, пособий, лабораторных практикумов, справочников на базе современных компьютерных технологий. Средства гипертекста и мультимедия (графика, анимация, видео, аудио) позволяет представить учебный материал в интерактивной и наглядной форме, обеспечить быстрое нахождение необходимой информации. Компьютерный тренинг и контроль активизируют процесс познания и дают оперативную оценку уровню усвоения учебного материала учащимися.

А также, переход к работе в информационной образовательной среде предполагает изучение и анализ педагогом возможностей, методов, форм и средств обучения, характерных для этой среды, а также видов учебной деятельности обучающих, обеспечивающих получение ожидаемых результатов. Поэтому основополагающим в цепочке компонентов профессиональной деятельности педагога становится проектированный компонент, который предполагает: анализ планируемых результатов обучения, целей и задач учебного процесса, выстраивание содержательных линий изучения предмета, разработку педагогического сценария, проектирование новых видов учебной деятельности, планирование и подбор учебных ситуаций, методов, организационных форм, разработку учебных задач, а также определение средств ИКТ для осуществления планируемой учебной деятельности.

Как мы уже знаем, учебный процесс, построенный в информационной образовательной среде, имеет свои актуальные особенности. Они объясняются в первую очередь современными дидактическими возможностями информационной образовательной среды (гибкость, адаптивность, вариативность среды, её трансформируемой из одной «версии» в другую, настраиваемость под решение различных учебных задач и др.) на базе использования средств ИКТ, которых раньше не было в базе учителя.

Существуют различные подходы к классификации методов обучения. Различают классификации, в основу которых положены следующие признаки обучения:

- источники познания (вербальные, наглядные, практические методы обучения);
- методы логики (аналитико-синтетический, индуктивный, дедуктивный)

- методы обучения);
- тип обучения (объяснительно-иллюстративные, проблемно-развивающие методы обучения);
- уровень познавательной самостоятельности учащихся (репродуктивные, продуктивные, эвристические методы обучения);
- уровень проблемности (монологический, диалогический, эвристический, исследовательский, алгоритмический, программируенный методы обучения);
- дидактическая цель и функции (методы стимулирования, организации и контроля);
- вид деятельности преподавателя (методы изложения учебного материала и методы организации самостоятельной учебной деятельности) и др. .

Несмотря на такое многообразие подходов к классификации методов обучения, каждый из них наиболее эффективен при определённых условиях организации процесса обучения, при выполнении определённых дидактических функций, при заданности планируемых образовательных результатов.

Совершенно справедливо полагают в своих исследованиях учёные по этой области, что метод обучения, используемый на уроке в информационной образовательной среде, должен обладать специфическими характеристиками. Среди них учёные называют: нацеленность на получение индивидуальных образовательных результатов, рефлексивность, коммуникативность, интерактивность. То есть методы обучения приобретают характер открытых образовательных технологий, в которых прописаны этапы движения к цели, но сама цель, выбор конкретного содержания и приёмов внутри этих этапов зависят от субъекта деятельности. Мы считаем, что на уроке в информационной образовательной среде наиболее эффективны такие методы обучения, как: обучение на основе информационных ресурсов, ассоциативный метод, методы, основанные на использовании искусственного интеллекта (метод вынужденного предположения, метод прецедента, учебное компьютерное моделирование, обучение посредством телеконференций, метод реификации и др.).

Метод обучения на основе информационных ресурсов характеризуется активным использованием учащимися баз данных, различных образовательных ресурсов сети Интернет для поиска необходимой учебной информации. Применение этого метода стало возможным благодаря развитию современных телекоммуникационных технологий (гипертекст, гипермедиа, мультимедиа и др.).

Ещё одним из наиболее известных методов, основанных на использовании информационных и коммуникационных технологий, считается учебное компьютерное моделирование. Его образовательное значение, роль в формировании мышления учащихся общепризнаны. Сегодня весьма актуальной представляется задача дальнейшего развития этого метода в условиях учебного процесса в информационной образовательной среде. Современная концепция учебного моделирования определяет четыре образовательных действия:

- 1) последовательность моделей - учащегося вводят в предметную область, предлагаю ему последовательность соответствующих моделей;
- 2) задания - ученику дают задания на исследование, прогнозирование и т. д.;
- 3) объяснения - образовательные действия реализуются в учебной модели на основе классификации различных типов объяснений - структурных, функциональных, по аналогии и т. д.;
- 4) рабочие гипотезы - это инструменты обучаемого в формировании и обосновании различных предположений. Они включают в себя элементы, необходимые для разработки гипотез, - действия, отношения, условия.

Названные технологии служат основой и для ассоциативного метода обучения. Он предполагает создание информационной обучающей среды на базе, например, электронных образовательных ресурсов, которые обуславливают возможность для уча-

щихся изучать учебный материал не в определённой учителем (или учебной программой) последовательности, а свободно, руководствуясь своими ассоциациями, потребностями, приоритетами.

Электронные образовательные ресурсы (ЭОР) позволяют выполнить дома значительно более полноценные практические задания – от виртуального посещения музея до лабораторного эксперимента, и тут же провести аттестацию собственных знаний, умений, навыков. Домашнее задание становится полноценным, трёхмерным.

Целью создания ЭОР нового поколения является качественный и количественный прорыв в области ИКТ - поддержки обучения посредством обеспечения свободного доступа к ЭОР.

Задачи создания ЭОР:

1. Унификация ЭОР по соответствующим государственным стандартам.
2. Высокий уровень мультимедийности ЭОР.
3. Централизованное хранение, сопровождение и предоставление доступа к ЭОР всем участникам образовательного процесса, в том числе через сеть Интернет.
4. Активное использование ЭОР при реализации образовательных программ основного общего и среднего (полного) общего образования в учреждениях общего, начального и среднего образования по предмету, в том числе:

- создание условий для самостоятельной работы над учебным материалом, позволяющих обучающему выбирать удобные для него место и время работы, а также темп учебного процесса;
- более глубокая индивидуализация обучения и обеспечение условий для его вариативности;
- возможность взаимодействия с моделями изучаемых объектов и процессов; с виртуальными образами изучаемых объектов и явлений (когнитивная графика); возможность представления уникальной информации мультимедиа-средствами;
- возможность автоматизированного контроля знаний, умений и навыков;
- структурированность и возможность автоматизированного поиска информации;
- возможность распространения на локальных носителях: выбранные электронных учебных модулей (ЭУМ) из совокупного контента открытых мультимедиа-систем вместе с программой-реализатором легко переносятся на компакт-диск;
- расширение учебных модулей по осям: включение новой темы, новых педагогических методик в новые вариативы .

Таким образом, с одной стороны, сегодня благодаря технологиям знания становятся более индивидуально ориентированными в интересах конечного потребителя, что требует иной мотивационной составляющей как обучающегося, так и педагога, а с другой стороны – активно формируются сетевые формы передачи знаний, в которых участвуют не только преподаватели, но и обучающиеся.

В будущем возможно расширение границ обучения, совместно, в том числе усилиями самих обучаемых, создание учебного контента, учитывающего требования потребителей. Преимущества таких форм обучения очевидны. Во-первых, преподаватель уже не разрабатывает полностью весь учебный материал, у него появляются организующие ресурсы в сети Интернет. Преподавателю (используя таксономию Блума) достаточно выявить потребности обучающихся, обозначить цели обучения и способы их достижения, подобрать подходящие технические средства. Преподавателю необходимо самоорганизовывать учебные группы, используя при этом особые сетевые мотивирующие факторы.

Эти новые требования обусловливают изменение представлений о сущности готовности человека к выполнению профессиональных функций и социальных ролей. В частности, сегодня изменение готовности к профессиональной деятельности учителя

– это в первую очередь:

- способность к овладению новыми педагогическими технологиями, значительное увеличение уровня самостоятельной деятельности, способность к проектированию, отбору педагогических инструментов;
- овладение информационными и коммуникационными технологиями в своей профессиональной сфере.

Во-вторых, при подготовке урока в информационной образовательной среде, основанной на использовании средств ИКТ, учителю необходимо уметь отбирать средства обучения для реализации новых видов учебной деятельности.

К таким средствам обучения относятся:

- электронные образовательные ресурсы (электронные издания для поддержки и развития учебного процесса, электронные информационно-справочные источники, электронные издания общекультурного характера);
- образовательные интернет-ресурсы;
- необходимое компьютерное оборудование (компьютер, видеопроектор, принтер, сканер, интерактивная доска, интерактивные планшеты и др.);
- средства телекоммуникации и др.

Не стоит забывать, что использование средств ИКТ в рамках традиционной модели обучения не в состоянии в полной мере реализовать значительный дидактический потенциал этих средств, а главное - не даёт гаран员ие на получение принципиально новых образовательных результатов. В этой связи учителю необходимо чётко представлять себе возможности средств ИКТ на уроке, их дидактический потенциал. Совершенно точно можно констатировать, что применение средств ИКТ позволяет:

- усилить мотивацию, повысить интерес и расширить познавательные потребности обучаемых;
- обеспечить индивидуализацию обучения, создать предпосылки для перехода к личностному ориентированному обучению;
- повысить интерактивность обучения, развить диалогический характер учебного процесса;
- усилить наглядность в обучении, повысить уровень визуализации изучаемого материала;
- расширить круг учебных задач, используемых в обучении;
- включить в познавательную деятельность арсенал новых методов, основанных на использовании средств ИКТ;
- создать возможности для использования новых источников учебной информации (информационно-справочные системы, электронные энциклопедии, файловые архивы, ресурсы Интернета и др.);
- повысить оперативность контроля результатов обучения, создать базы данных учебных достижений обучаемых;
- погрузиться обучаемым в виртуальную среду с возможностью имитации учебных и профессиональных ситуаций, инициирующих проявление готовности к решению возникающих проблем.

Выделим группы электронных образовательных ресурсов, которые обладают вышеупомянутыми дидактическими функциями.

- Демонстрационные программы и компьютерные презентации служат для визуализации учебного материала, повышения наглядности в обучении.
- Тренажёрные программные средства применяются для тренинга типовых умений.
- Контролирующие программные средства обеспечивают оперативный контроль и оценку учебных достижений обучаемых, формирование электронного портфолио, анализ динамики изменения знаний и умений школьников.

- Информационно-поисковые, справочные системы, базы данных и знаний, электронные библиотеки и энциклопедии предназначены для ввода, хранения и предъявления учителям и учащимся различной информации.
- Средства компьютерных телекоммуникаций обеспечивают доступ к удалённым источникам знаний и системам обучения, организацию групповой учебной деятельности.
- Моделирующие программные средства служат для создания компьютерных моделей изучаемых объектов и процессов и для проведения учебных экспериментов с ними.
- Интеллектуальные обучающие системы (ИОС), интегрирующие среды обучения относят к системам наиболее высокого уровня, которые реализуются на базе идей искусственного интеллекта. ИОС могут осуществлять управление на всех этапах решения учебной задачи, начиная от её постановки и поиска принципа решения и кончая оценкой оптимальности решения с учётом особенностей деятельности обучаемых. Такие системы обеспечивают диалоговое взаимодействие, в ходе которого может обсуждаться не только правильность тех или иных действий, но и стратегия поиска решения, планирования действий, приёмы контроля.

Следует отметить, что при отборе электронных образовательных ресурсов для поддержки тех или иных видов учебной деятельности педагогам необходимо учитывать классификацию таких ресурсов по методическому назначению (табл. 1).

Таблица 1

Классификация электронных образовательных ресурсов по методическому назначению

| Основные группы электронных образовательных ресурсов | Наименование | Цель использования по методическому назначению |
|--|---|---|
| Электронные образовательные ресурсы для поддержки и развития учебного процесса | Электронные учебные пособия, содержащие систематизированный материал в рамках программы учебной дисциплины | Поддержка работы и расширение возможностей педагога, подготовка учителя и учащихся к уроку, а также самостоятельная работа учеников. Включают в себя все виды учебной деятельности: - приём/ передачу информации; - практические занятия в известных и новых формах; - аттестацию. |
| Электронные образовательные ресурсы информационно-справочного характера | Энциклопедии, справочники, словари, хрестоматии, атласы, нормативно-правовые, экономические сборники и др. (не связанные с определённым курсом, программой) | Исходный материал при решении учебных ситуаций, в том числе выходящих за рамки учебных программ |

| | | |
|---|--|--|
| Электронные образовательные ресурсы общекультурного характера | Виртуальные экскурсии по музеям мира, виртуальные путешествия по городам, странам и континентам; электронные издания, посвященные классикам мировой культуры, шедеврам архитектуры, живописи, музыки | Предоставление равных возможностей и доступа к ценностям общей культуры, расширение мировоззрения учащихся |
|---|--|--|

Таким образом, подготовка урока в информационной образовательной среде представляет собой целенаправленное сочетание следующих элементов, направленных на достижение планируемых образовательных результатов:

- педагогическая ситуация;
- содержание обучения;
- техническое оснащение;
- программное обеспечение;
- организация обучения в информационно-образовательной среде урока.

А также, разрабатываемые ЭОР обеспечат содержательную основу информатизации общего образования в целях кардинального повышения его доступности и качества, т.к. позволят получить систематизированный контент по предмету, который можно использовать и дополнять отдельными модулями и расширять новыми учебными разделами как на государственном, так на региональном и местном уровне.

Литература:

1. Чошанов М. А. Инженерия обучающих технологий. — М: БИНОМ Лаборатория знаний. 2011. — С. 117-118.
2. Иванова Е. О., Осмоловская И. М. Теория обучения в информационном обществе. -М.: Просвещение, 2011. - С. 134.
3. Бешенков, С. А. Моделирование и формализация / С. А. Бешенков, Е. А. Ракитина. – М.: Лаборатория Базовых Знаний, 2002. – 336 с.
4. Осин А.В. Мультимедиа в образовании: контекст информатизации. – М.: Агентство «Идеальный сервис», 2004 – 320 с.
5. Закирова Ф., Мухаммадханов У., Шарипов Ш. ва бошқалар. Электрон ўқув-методик мажмуулар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси // Методик қўлланма. – Тошкент, 2010. – 64 б.
6. Жўюраев Р.Х., Тайлақов Н.И., Расулова Г.А. Узлуксиз таълим тизими учун электрон ўқув қўлланмалар яратишга оид илмий-методик талаблар. Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2005. – № 2. –Б. 14-27.

РЕЗЮМЕ

Маколада ахборот технологиялари ва компьютер телекоммуникацияларнинг долзарб хусусиятлари ҳамда электрон таълим ресурсларини педагогик лойиҳалаштириш масаласи кўрилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены актуальные особенности информационные технологии и компьютерные телекоммуникации, а также, вопрос педагогического проектирования электронных образовательных ресурсов.

SUMMARY

The article discusses the current features of information technology and computer telecommunications, as well as the issue of pedagogical design of electronic educational resources.



БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING MATEMATIK TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI

Madaminova D. M.

Farg'onan davlat universiteti Pedagogika kafedrası o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: matematik tafakkur, taqqoslash, tahlil, sintez, abstraksiya, umumlashtirish, aniqlashtirish.

Ключевые слова: математическое мышление, сравнение, анализ, синтез, абстрагирование, обобщение, уточнение.

Key words: mathematical thinking, comparison, analysis, synthesis, abstracting, generalization, refinement

Hozirgi davrning keng va juda tez sur'atlar bilan rivojlanishi, ta'lim tizimini takomillashtirish va o'qitishning yuqori samara beruvchi usullaridan unumli va izchil foydalishni taqozo etmoqda. Bu esa ta'lim tizimini qayta isloh qilishga olib kelmoqda.

O'zbekiston Respublikasi umumiy o'rta va mакtabdan tashqari ta'limga tizimli isloh qilishning ustuvor y'nalishlarini belgilash, o'sib kelayotgan yosh avlodni ma'naviy-axloqiy jihatidan yangi darajaga ko'tarish, o'quv-tarbiya jarayoniga ta'limning innovatsion shakllari va usullarini joriy etish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida farmoni tasdiqlandi. Bu farmonning tasdiqlanishi Xalq ta'lim tizimi pedagog-o'qituvchilar zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydiki, endi butun sinfni darsga jaib etish, ularni fikrlashga va hukm chiqarishga o'rgatish, qarorini nazarini jihatdan isbotlab berishga o'rgatish bugungi kunning muhim vazifalaridan biri hisoblanadi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining mantiqiy fikrlashmini rivojlantirishda matematikaning o'mi juda katta. U abstraktsiyaning yuqori darajasiga ega bu-mavhumlikdan aniqlikka borish usuli hisoblanadi.

Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasini takomillashtirishga bag'ishlangan ilmiy adabiyotlar tahlili psixologik, pedagogik tadqiqotlarda boshlang'ich sinflarda va boshlang'ich o'qitish samaradorligini oshirishning ilmiy tahlili birinchidan, axborotlarni boyitib berish orqali ta'lim mazmumini o'zgartirish, didaktik elementlarni kattalashirib o'zlashtirish, (B.P.Erdniyev, P.M.Erdniyev), har bir fanning asosiy g'oyasini ajratish (A.D.Zverev, B.H.Maksimova, R.A.Mavlonova, A.A.Abduqodirov, A.M.Markushevich) nazarini bilimlarning rolini oshirib (B.B.Davidov, A.K.Marikova, Ye.Ikromov, A.M.Rishkalo, I.Sh.Levenberg, N.U.Bikbayeva, Ye.Yangiboyeva, M.Axmedov) yo'nalishlarida amalg' oshirilgan.

Boshlang'ich sinf uchun darslik va o'quv qo'llanmalari (K.Qosimova, L.Sh.Levenberg) o'qituvchilar uchun qo'llanmalar (M.Maro, A.M. Rishkalo, L.Sh.Levenberg, N.U.Bikbayeva) va o'quvchilar uchun tarbiya-sinov qo'llanmalari (M.Axmedov, N.Abdullayeva, R.Ibragimov,

Yu.M.Kalyagin, P.M.Erdniyev) mualliflari mashqlar to'plami (o'quv materiallari orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarining matematik tafakkurini, matematik tafakkurini rivojlanishiga to'xtalib o'tilgan didaktika va ta'lif metodikasining xususiy masalalariga bag'ishlangan ishlarda (P.M.Erdniyev, N.U.Bikbayeva, L.SH.Levenberg, R.A.Mavlonova, K.Qosimova va boshqalar).

Tajribalar shuni ko'rsatadi, boshlang'ich maktab yoshida fikrlashni rivojlantirishning samarali usullaridan biri bu-maktab o'quvchilari tomonidan mantiqiy masalalarni hal qilinishidir. Bundan tashqari, mantiqiy muammolarni hal qilish bolaning «klassik» matematikani o'rganishga bo'lgan qiziqishini uyg'otishi mumkin. Shu munosabat bilan quyidagi misol juda xarakterlidir.

O'rganish bola ongining markaziga fikrlashni olib keladi. Shunday qilib, fikrlash dominant funktsiyaga aylanadi. O'quvchilarning aqliy faoliyatni aqliy operatsiyalar yordamida amalga oshiriladi: taqqoslash, tahlil qilish, sintez qilish, mavhumlashtirish, umumlashtirish va aniqlashtirish.

- Taqqoslash - bu o'xshashliklar va farqlarni topish uchun ob'ektlar va hodisalarни taqqoslash.
- Tahlil - bu ob'ekt yoki hodisani uning tarkibiy qismlariga ajratish, undagi alohida qismlarni, belgilarni va xususiyatlarni ajratish.
- Sintez - bu individual elementlar, qismlar va belgilarning yaxlit yaxlitlikka kiritilgan aqliy birikmasi.
- Tahlil va sintez bir-biri bilan uzviy bog'liq, bilish jarayonida bir-biri bilan birdamdir. Tahlil va sintez eng muhim aqliy operatsiyalardir.
- Abstraksiya - bu bir vaqtning o'zida ahamiyatsiz bo'lmagan narsadan chalg'itilgan holda ob'ektlar yoki hodisalarning muhim xususiyatlari va belgilarni aqliy tanlash. Xulosa umumlashtirishning asosidir.
- Umumlashtirish - abstraksiya jarayonida ta'kidlanadigan umumiyligini va muhim xususiyatlarga ko'ra guruhlardagi ob'ektlar va hodisalarini aqliy birlashishi. Abstraksiya va umumlashtirish jarayonlari konkretizatsiya jarayonining aksi hisoblanadi.
- Aniqlashtirish - bu umumiylidkan birlikka ruhiy o'tish, bu umumiyligini narsaga to'g'ri keladi. Ta'lif faoliyatida aniqlab olish, misol keltirishni anglatadi.

Maktabgacha yoshdagibolaning tafakkuri vizual-majoziyidir, uning fikrlash ob'ekti u idrok etadigan yoki ifodalaydigan narsalar va hodisalaridir. Tahlil qilish ko'nikmalari elementar hisoblanadi, umumlashtirish va tushunchalarning mazmuni faqat tashqi va ko'pincha ahamiyatsiz xususiyatlarni o'z ichiga oladi.

Maktabda o'qishni boshlash bilan bola nafaqat g'oyalar va tushunchalar doirasini kengaytiradi, balki g'oyalarning o'zi va tushunchalari yanada to'liq va aniqroq bo'ladi.

Maktab o'quvchilarining turli darajadagi umumlashtirish faoliyatni shakli doimiy bo'lib qolavermaydi. Avvaliga, u odatta tashqi o'xshashlikka asoslanadi, so'ngra ob'ektlarning tashqi xususiyatlari va sifatlari bilan bog'liq bo'lgan xususiyatlarni tasniflashga asoslanadi va niyoyat, asosiy xususiyatlarni tizimlashtirishga o'tadilar.

Matematikani o'rganish jarayonida boshlang'ich sinf o'quvchilarining fikrlarni shakllantirish va xulosa chiqarish qobiliyati o'sib boradi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining hukmlari bilimlarni o'zlashtirish natijasida asta-sekin oddiy shakllardan murakkab shakllarga o'tadi. Ko'pgina hollarda, birinchi sinf o'quvchisi bitta tashqi belgiga yoki uning cheklangan tajribasiga tayanib, haqiqatni bir tomonlama baholaydi. Uning hukmlari odatta kategorik tasdiqlovchi shaklda ifodalanadi. Bola hali taxminlarni qila olmaydi, ifoda eta olmaydi va bundan tashqari, u yoki boshqa sabablarga ko'ra, u yoki boshqa belgining mavjudligi ehtimolini baholay olmaydi. Muayyan pozitsiyani mulohaza qilish, asoslash va isbotlash qobiliyati asta-sekin va maxsus o'quv faoliyatni natijasida yuzaga keladi.

Tafakkurni rivojlantirish, aqliy operatsiyalarni takomillashtirish, mulohaza qilish qobiliyati bevosita o'qitish usullariga bog'liq. Mantiqan fikr yuritish, aniq qo'llab-quvvatlashlarsiz xulosalar chiqarish, hukmlarni muayyan qoidalar bo'yicha taqqoslash - o'quv materialini muvaffaqiyatli o'zlashtirish uchun zarur shartdir. Bu borada keng imkoniyatlar mantiqiy muammolarni hal qilish bilan ta'minlanadi.

Boshlang'ich sinf o'quvhilarining matematik tafakkurini shakllantirish maqsadida qiziqarli mantiqiy masalalardan vosita sifatida foydalanish o'rnlidir. Mantiqiy masalalar o'ziga hos xususiyatlarga ega bo'lib, ularda o'quvhilarini o'ylashga majbur etadigan sharo't, ularning qiziqariligi o'quvhilarida aqliy va ijodiy qobiliyatlarni shakllantirishga yordam beradi, tafakkurining rivojlanishiga har tomonlama ta'sir etuvchi vosita hisoblanib, uning yordamida aqliy va irodaviy rivojlanish amalga oshiriladi. Fazoviy hayol, matematik tafakkur maqsadga qaratilganligi va maqsadga intilganlik, amaliy vazifalarni yechish uchun amallarning yo'llarini mustaqil qidirish va topish bularning hammasi birgalikda matematikani muvaffaqiyatli egallashlari uchun talab qilinadi. Qiziqarli mantiqiy masalalar va savollar esa bolalarda faoliytni uyg'otib, tafakkurni rivojlantiradi. Bulardan ba'zilarini keltiramiz.

1. Bir erkak bozorga borib, 50 so'mga ot sotib oldi. Bir hafta o'tgach, otlarning narxi qimmatladi va erkak foya qilaman deb olgan otni 60 so'mga sotib yubordi. Bir-ikki kun o'tgach, uzoq safarga chiqish uchun ulovi yo'qligini o'ylab, borib endigi safar 70 so'mga ot sotib oldi. Qimmat olib qo'ydimmikin deb uzoq o'ylanib, nima bo'lsa-bo'ldi deb o'sha otni 80 so'mga sotib yubordi. Erkak qancha zarar yoki foya ko'rdi?

Javob: $(-50) + 60 + (-70) + 80 = 20$ so'm foya qildi.

2. Bir kilo tosh og'irmi yoki bir kilo paxta?

Javob: 1kg=1kg

3. Sun'iy yo'ldosh yer orbitasini 1 soat 40 daqiqada aylanib chiqadi, lekin teskari yo'nalishda shu aylanib chiqish uchun 100 daqqa vaqt ketadi. Buning sababini izohlang.

Javob: 100 daqqa = 1 soat 40 daqqa

4. Sta 1 yordamida 100 sonini hosil qilish mumkinmi?

Javob: $111-11=100$

5. Uzunligi 36 metr bo'lgan chitni sotuvchi har qaysi xaridorga 3 metrdan sotdi. Savol: sotuvchi necha marta kesgan.

Javob: 11 marta

6. Men bir son o'yladim, uning yarmiga choragini qo'shsak, 18 hosil bo'ldi, Savol: men qanday son o'yladim?

Javob: 24

7. Onasi Ahmadga 4litr suv olib kelishni tayinladi. Lekin onasi unga faqat ikkita idish berdi. Ularning biri 3litr ikkinchisi 5litr. Ahmad bu idishlar yordamida 4litr suv o'lhashi mumkinmi?

Javob: mumkin.

Boshlang'ich sinf o'quvhilarining matematik tafakkurini shakllantirish uchun, ularni o'yin mashg'ulotidan dars mashg'ulotiga zerikish va toliqishlarsiz yetaklab kirishning zaruriy vositalaridan foydalanish, o'quvhilarning o'zlashtirish darajasini oshishiga yordam beradi. Xulosa o'rnda shuni aytish mumkinki, boshlang'ich sinf matematika darslarida mantiqiy masalalardan samarali foydalanish matematik bilimlarni ongli ravishda o'zlashtirib olishlariga yordam beradigan, faoliyklarini oshiradigan va olgan bilimlarini mustahkamlaydigan, mustaqil ishish malakalarini tarbiyalovchi usullardan biridir.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030 yilgacha rivojlanish tasdiqlash to'g'risida" Farmoni 2019-yil 29-aprel №ПФ-5712

2. Bikbayeva N.U va boshqalar "Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi"-Toshkent.: O'qituvchi, 2007, 208 bet.

3. Bikbayeva N.U va boshqalar Matematika 2 – Toshkent.: O'qituvchi, 2005, 208 bet.
4. Bikbayeva N.U, Yangabayeva E, K.Girfanova "Kichik yoshdagi mакtab o'quvchilarini boshlang'ich matematik ta'lимning Davlat ta'lим standartlari asosida o'qitish" Toshkent.: – 2008, "Turon - Iqbol", 8 bet.
5. Jumayev M.E. va boshqalar. Matematika o'qitish metodikasi (kasb-hunar kollejlari o'quvchilar uchun o'quv qo'llanma) – T.: "Ilm-Ziyo", 2003, 240-bet
6. Zack A.Z.Yosh o'quvchilarning aqliy qobiliyatlarini rivojlantirish. M.: Ta'lim, Vlados, 1994 yil.
7. Lipina I. Matematika darslarida mantiqiy fikrlashni rivojlantirish // Boshlang'ich mакtab. - 1999. - № 8. P. 37-39.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqola boshlang'ich sinf o'quvchilarining matematik tafakkurini shakllantirish maqsadida qiziqarli mantiqiy masalalardan vosita sifatida foydalananishga bag'ishlangan.

РЕЗЮМЕ

Эта статья об использовании интересной логики в качестве инструмента для построения математического мышления учащихся начальной школы.

SUMMARY

This article is about using interesting logic as a tool to build the mathematical thinking of elementary school students.

БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Үринова Н. М.

Фарғона давлат университети доценти, п.ф.н.

Ибрагимова Ш. О.

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

Таяинч сўзлар: компетентлик, компетенция, методик компетентлик, компетентли ёндошув, касбий фаолият.

Ключевые слова: компетентность, компетенция, методологическая компетентность, компетентностный подход, профессиональная деятельность.

Key words: competence, competence, methodological competence, competence approach, professional activity.

Республикамизда “узлусиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юкори малакали кадрларни тайёрлаш”, шу билан биргаликда умумий ўрга таълим сифатини тубдан ошириш, информатика, математика каби талаб юкори бўлган фанларни чукурлаштирилган тарзда ўргатиш; иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда олий таълим тизимида фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш устувор вазифа сифатида кенга кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Педагогик адабиётларда, бутунги кунда, «компетенция», «компетентлиқ» атамалари кенга кўлланилмоқда ва баркарорлашмоқда. Аммо, хозирга қадар таълимнинг у ёки бу босқичи битирувчисининг оптималь образига кўллаш мумкин бўлган «компетентлик» тушунчасининг ягона ва аниқ таърифи мавжуд эмас.

«Competentia» лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги лугавий маъноси «инсон яхши биладиган», «тажрибага эга бўлган» каби маъноларни билдиради. Демак, бирор бир соҳада компетентли инсон шу соҳа ҳақида асосли фикр юритиш ва унда самарали фаолият олиб бориш учун мос билим ва қобилиятга эга ҳисобланади.

Бошлангич синф ўқитувчиларини қасбга тайёрлаш ҳамда методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари бўйича турли даврларда Б.Абдуллаева, Р.Адизов, М.Ахмедов, З.Даданов, М.Зайнитдинова, Н.Бикбаева, Р.Мавлонова, К.Олимов, А.Рахимов, М.Жумасев, Ф.Касимов, Э.Янгабаевалар томонидан тадқикотлар олиб борилган.

Бўлажак ўқитувчиларда методик компетентликни ривожлантириш масалалари ҳамдўстлик мамлакатларида ушбу масала юзасидан М.Бантова, Г.Бельтиокова, Н.Истомина, Л.Нестеренко, А.Полевщикова, А.Пишкано, О.Тарасова, С.Швецовалар ҳамда хорижий тадқикотлар тажрибасида Ш.Айнсвортх (Ш.Айнсвортх), С.Блесинг (С.Блесинг), Т.Жонг (Т.Жонг), В.Коувенховен (W.Коувенховен), Т.Муррай (T.Муррай), С.Соутрас (С.Соутрас), К.Тхаунг (К.Тхаунг), С.Эрдуран (С.Ердуран)лар илмий излашишларида ўз ифодасини топган.

А.А.Вербский ва М.Д.Илязовалар бу тушунчаларга қўйидагича таъриф берган: компетенция - бу инсон томонидан у ёки бу фаолиятнинг амалга оширилишини таъминловчи унинг максадлари, кадриятлари, мотивлари, шахсий сифатлари, билимлари, қўнималари, малакалари, қобилиятлари ва тажрибалари тизими; компетентлик эса, амалиётда намоён бўлган ва амалга ошган инсоннинг амалий фаолият технологияларини эгаллаш даражаси ҳамда шахснинг ижтимоий- аҳлоқий сифатлари ривожи билан тавсифланувчи компетенсияси .

А.С.Белкин ва В.В.Нестеровлар компетенцияни таълим жараённида самарали фаолият учун зарурий шарт-шароит яратувчи қасбий ваколат, функциялар, компетентликни эса, компетенцияни самарали амалга оширишини таъминловчи қасбий ва шахсий сифатлар мажмуаси сифатида таърифлаганлар.

В.Н.Введенский фикрича компетентлик - бу қандайдир шахсий тавсиф, компетенция эса, аниқ қасбий ёки функционал тавсифлар мажмуаси.

М.А.Холодная компетентликни қўйидагича таърифлган: компетентлик - бу мос фаолиятда самарали қарорлар қабул қилишга имкон берувчи предметли- ўзига хос билимларни ташкил этишининг маҳсус типи .

Г.К.Селевко компетенцияни атроф-мухитини ўзгarterиши бўйича максадни қўйиши ва унга эришишга имкон берадиган билим, қўнимка ва малакалар мажмуаси шакли сифатида тушунгган.

Компетентлик - бу шахснинг таълим олиши ва ижтимоийлашуви жараённида эгалланган ҳамда фаолиятда мустақил ва муваффакиятли иштирокига йўналтирилган билим ва тажрибаларига асосланган, унинг фаолиятидаги умумий қобилият ва тайёргарлигига намоён бўладиган интеграллашган сифат.

Илмий-методик адабиётларда компетенциянинг қўйидаги анъанавий таснифлари қайд этилган:

- жавобгарликни ўз зиммасига олиш, ҳамкорликда қарор қабул қилишда иштирок этиш қобилиятига боғлиқ сийёсий ва ижтимоий компетенциялар;
- маданияти, тили ва динидан катъий назар бошқа инсонлар билан яшашга, уларни тушунишга, уларга ёрдам беришга ва ўзаро келишмоқчиликларни бартараф этишга йўналтирилган, жамият ҳаётида учрайдиган компетенциялар;
- қасбий фаолиятда ва жамият ҳаётида муҳим бўлган ёзма ва оғзаки мулоқотга эгаликни аниқловчи компетенциялар;
- ахборот жамиятининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган компетенциялар

(янги технологияларга эга бўлиш ва уларнинг афзаллик ва камчиликларини аниқлаш).

Улар ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирига боғлиқ бўлган тушунчалар. Компетенцияга эга бўлмаган компетентли шахс уни ижтимоий аҳамиятли жиҳатларда тўлақонли амалга ошира олмайди.

Бу фикрни компетенцияни инсонда мавжуд бўлган сифатлар тўплами, компетентлики эса, шахс эга бўлиши керак бўлган сифатлар тўплами сифатида тавсифловчи А.С.Белкин томонидан берилган таърифда ҳам учратиш мумкин.

Ўзбек тилидаги «-лик» кўйшимчаси маълум сифатга эгалик даражасини билдиради. Шунинг учун «компетентлик» атамаси маълум сифатлар ва уларга эгалик даражасини белгилаш учун кўлланилади. Компетентлик - деганда кўпинча шахснинг фаолият юритишига умумий қобилияти ва унинг касбий тайёргарлигига намоён бўлувчи таълим жараённида ўзлаштирилган билим ва тажрибаларга асосланган интеграллашган сифатлари тушунилади.

Демак, компетенция ва компетентлик тушунчалари билим, кўникма ва малака тушунчаларидан кенгрок, чунки улар шахснинг йўналтирилганлиги, муаммоларни хис кила олиши, синчковликни намоён қила олиши, эгилувчан фикрлашга эга бўлиши каби сифатларни ўз ичига олади.

М.А.Чошанов фикрича компетентлик бу нафакат муаммо моҳиятини тушуниш, балки уни ҳал этиши методларини эгаллаш . Шунинг учун ҳам касбий компетенция мавжуд билимлар асосида вужудга келган муаммони ҳал этиши усулини тез ва тўғри танлаш кўникмасида намоён бўлади.

В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, Д.И.Мишенко, К.Н.Шияновлар “компетентлик” тушунчасига фаолиятни амалга оширишга назарий ва амалий тайёргарликнинг бирлиги сифатида қарайди.

Н.А.Муслимов компетентликни қўйидагича таърифлаган: «компетентлик бу тала-банинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятининг амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олиши билан ифодаланади».

Олий таълимнинг Давлат таълим стандартида компетенция ва компетентлик тушунчаларига қўйидагича таърифлар берилган:

компетенция - билим, малака ва шахсий сифатларни маълум соҳада муваффакиятли фаолият учун қўллай олиш;

компетентлик - шахснинг муайян таълим йўналиши ёки мутахассислиги бўйича олган билим, кўникма ва малакалари ҳамда шаклланган шахсий ҳислатларини меҳнат фаолиятида муваффакиятли қўллай олиши қобилиятидир.

Демак, компетентлик бу аниқ фаолиятни амалга ошириш учун билим ва тажрибаларга эга бўлган шахс тавсифи бўлиб, у таълим олувчи томонидан алоҳида билим ва кўникмаларни эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интеграллашган билимлар ва сифатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади.

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг касбий тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар нуктаи назаридан компетентлик бўлажак мутахассиснинг муайян вазиятларда билим, малака ва фаолият методлари мажмуасини максадга мувофиқ қўллаш қобилиятини англатади. Булардан қўриниб турибдики, педагогик фаолият нуктаи назаридан компетенция - бу билим ва вазият орасидаги алокани ўрнатиш имконияти ёки кенг маънода муаммони ҳал этиши учун зарур бўлган жараённи (харакат ва билим) кўрсатиш, топиш қобилиятидир.

Методик компетентлик – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилюна ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва восита-ларни максадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, восита-

ларни мұваффақиятли қўллаш.

Е.Саир-Бек методик компетенцияларнинг куйидаги турларини ажратиб кўрсатган: мақсадли компетенция. Мақсаднинг аниқланиши ва мақсаднинг қўйилиши муаммоси бутун педагогик фаолиятнинг тизимни ҳосил қылувчи таркибий қисм бўлиб ҳисобланади, мақсадларни тўғри қўйиш қобилияти педагог меҳнати натижалари боғлик;

мазмунли компетенция: умумтаълим тайёргарликнинг ҳар бир босқичида кўзда тутилган ҳажмда технологик таълимнинг мазмуни; кўрсатилган мазмун ҳажми доирасида ўқувчиларнинг минимал зарурий тайёргарлигига бўлган талаблар; ўқитиш йиллари бўйича ўқув юкламанинг белгилаш мумкин бўлган максимал ҳажми;

мониторингли компетенция. Таълим сифатини баҳолаш таълим жараёни натижаларининг аниқланишини кўзда тутади. Шу билан бир вақтда сифат – бу нафақат таълим самарадорлиги мос келиши керак бўлган мөъёрий даража, балки натижани таъминловчи мазмун, шарт-шароит ва жараёндир.

Методик компетентлик мутахассис ўз фаолиятининг мақсадларини белгилайди, уларга эришиш усуслари ва ўйларини аниқлайди, уларни амалга ошириш учун изланаиди. У бутун педагогик фаолиятни бошқаради, кўп киррали амалий вазиятларда объективлигини сақлайди ва қизиқтиради, ҳамда уни ўзгартириш ва ривожлантиришга харакат килади.

Методик компетентлиги ривожланган битирувчиларнинг ўз фаолиятини амалга оширища қасбий тайёргарлик асосий мезонлардан биридан.

Амалда, компетентлик таркиби иккита блокдан иборат: шахсий ва фаоллик. Шунинг учун биз ушбу иккита параметр асосида методологик компетенцияни шакллантиришнинг асосий мезонларини аниқлаймиз. Ҳар бир мезон эмпирик кўрсаткичлар тизимини очиб беради:

- методик фаолиятга эга бўлиш - методик фаолият учун мақсадларни режалаштириш ва белгилаш, мақсадга эришиш учун мотивнинг мавжудлиги, илгор малака ошириш, билим, ижод учун қобилятларнинг мавжудлиги;
- фанлараро алоқаларни амалга ошириш, дарснинг мақбул шакллари ва воситаларини танлаш, методик фикрлашнинг мослашувчанилиги ва ўзгарувчанилиги, ижодий қобилятларнинг мавжудлигини билиш, методик фаолиятда ижодий фаолият динамикасини ошириш;
- ўқитувчининг маҳорат дарражаси, ўзини танқид килиш, ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи англаш дарражасини таҳлил килиш ва услубий акс эттириш.

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган кучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиёжи ҳар бир мутахассисни ўзида қасбий компетентлик ва унга хос сифатларни таркиб топтиришга ундаиди.

Адабиётлар:

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари // Т.: “F.Фулом”, –2017.- 70 б.
2. Ожегов С.И., Шведова И.Ю. Толковый словарь русского языка. - М.: Язь. - 1994. 104 б.
3. Введенский В.Н. Моделирование профессиональной компетентности педагога // Педагогика. - 2003. - № 10. - С. 51-55.
4. Холодная М. А. Психология интеллекта. Парадоксы исследования. 2-е изд. - СПб.: Питер. - 2002. - 272 с.
5. Селевко Г.К. Компетентности и их классификация // Народное образование. - 2004. - № 4. - С. 138-145.
6. Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Мищенко Д.И., Шиянов К.Н. Педагогика. - М.: Школьная пресса. - 2002. - 512 с.

7. Чошанов М.А. Гибкая технология проблемно-модульного обучения. - М.: Народное обучение. - 1996. - 160 с.
8. Муслимов Н.А. Касб таълими уқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. - Т.: Фан. - 2004. - 80 б.
9. Нестеров В.В., Белкин А.С. Педагогическая компетентность: учеб. пос. - Екатеринбург: Учебная книга. - 2003. - 186 с.
10. Зайр-Бек Е.С. Теоретические основы обучения педагогическому проектированию. Дис. ... докт. пед. наук. - СПб., 1995. - 130 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада «компетентлик» ва «компетенция», таълимда компетентли ёндошувнинг асосий тушунчалари ҳамда бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида методик компетентликни ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье «компетентность» и «компетенция», основные понятия компетентного подхода к образованию и развитие методологической компетентности для будущих учителей начальной школы являются важной педагогической задачей.

SUMMARY

In this article, «competence» and «competence», the basic concepts of a competent approach to education and the development of methodological competence for future primary school teachers are an important pedagogical challenge.

**BOSHLANG'ICH (MEHNAT) TEXNOLOGIYA TA'LIMI DARSLARIDA
O'QUVCHILARDA KREATIV QOBILIYATNI SHAKLLANTIRISHNING
DIDAKTIKIM KONIYATLARI**

Pardayev Z.Sh.

Samarqand VXTXQTUMOHM o'qituvchisi

Tayanch so‘zlar: mehnat, dars, o’quv mazmuni, ijodkorlik.

Ключевые слова: труд, урок, содержание обучения, творческие способности.

Key words: labor, lesson, learning content, creativity.

O‘zbekiston Respublikasida umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida Mehnat (Texnologiya) ta’limi fanini o‘rganishning asosiy maqsadi – o‘quvchilarda texnik-texnologik va operatsion bilim, ko‘nikma, malakalarini rivojlanтирish, kasb-hunar tanlash, milliy va umuminsoniy qadriyatlар asosida ijtimoiy munosabatlarga kirisha olish kompetensiyalarini shakllantirishdan iborat.

O‘quvchilarning barkamol shaxs bo‘lib shakllanishlari uchun ularga mehnat jarayonlari, kasb asoslarimi o‘rgatish va kasb tanlash bilan uyg‘unlashtirish orqali kasbgacha tayyorgarligiga zamin yaratish bilan egallagan bilimlarini uзви rivojlanтирish asosida asbob-uskuna, moslamalar, vositalari, jarayonlari, hududiy ishlab chiqarishning asoslarini o‘rgatish; texnika va texnologiyalar asosida egallanayotgan kasb-hunar sohasi xususiyatlari, shu sohaning ilg‘or vakillari faoliyati bilan tanishtirish ta’limiy maqsad hisoblanadi.

Shuningdek, o‘quvchilarning kasbga qiziqishlarini oshirish, tayyorgarligini rivojlanтирish, mehnat ta’limi (texnologiya) fanini mazmunini takomillashtirish orqali barkamol shaxs bo‘lib yetishishiga yordam berish, kabi rivojlaniruvchi maqsad ham amalga oshiriladi.

Mehnat ta’limi darslarida o‘quvchilarda kasb ko‘nikmalari, mehnatsevarlik, kasby bilimlar bilan bir qatorda ularning ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlanтирishli mehnat ta’limi (texnologiya) fani o‘qituvchisining asosiy vazifalaridan biri hisoblandi. Bu vazifani amalgal oshirishda quyidagilarga e’tibor qaratib zarur, ya’ni o‘quv mashg‘ulotlari jarayonida kasb-

hunar asoslariga oid bilim, ko'nikma va malakalarini zamonaviy talablar darajasida bo'lishini ta'minlash uchun o'quvchilarning mustaqil ravishda ijodiy faoliyat yurita olishini amalgalashirish.

Kreativ tarkibiy qism (ijodiy qobiliyatlar): ijodiy xayolot, g'oyaning originalligi, uni yoritib berish ko'nikmasi; yangi muammolarni hal etish yo'llarini izlab topish qobiliyati, buning uchun faoliyatning mavjud usullaridan foydalana olish, o'zlashtirilgan bilimlarni yangi sharoitlarda qo'llay olish; ijtimoiy ijodkorlikka doir maxsus qobiliyatlar va h.k.

Ayniqsa, boshlang'ich sinf mehnat ta'limi darslari orqali o'quvchilarda kreativlikni shakllantirish va bolaning mehnatga bo'lgan munosabati muhim ahamiyat kasb etadi.

Ibn Sino, Farobiy, Naqshbandiy, Kaykovus, Navoiy, Termiziy kabi allomalarimiz o'z asarlarida mehnat tarbiyasini ulug'lashgan.

Mehnat ta'limi o'qtuvchi rahbarligida o'quvchilar tomonidan bajariladigan aqliy va jismoniy harakatlar jarayonidan iborat bo'lib, yakuniy natijada ularning mehnat qurollari, vositalari va jarayonlari haqidagi bilimlarni hamda ma'lum sohadagi ishlab chiqarish mehnatini bajarish uchun zarur bo'lgan amaliy ko'nikma va malakalarini egallashlari, ongi ravishda kasb tanlashga hamda jamiyat va shaxs farovonligi yo'lida mehnat faoliyatiga qo'shilishlariga imkon beruvchi shaxsiy sifatlar va tafakkur tarzini rivojlantrishga qaratilgan.

Boshlang'ich sinf mehnat ta'limi (texnologiya) fanining o'quvchilarda kreativlik qobiliyatni shakllantirishda imkoniyati keng hisoblanadi

Chunki, boshlang'ich sinf mehnat ta'limi darslarida o'quvchi quyidagilarni bajaradi:

- 1.Qog'oz va karton bilan ishlash.
- 2.Gazlama va tolali materiallarni bilan ishlash.
- 3.Tabiyy va turli materiallarni bilan ishlash.
- 4.Badiiy qurish-yasash va texnik modellashtirish.

Bu ishlarni amalga oshirishda albatta, kreativlik qobiliyati muhim hisoblanadi.

Boshlang'ich ta'linda o'quvchilarga qurish-yasash faoliyatini o'rgatishda qurilish materiali, turli konstruktordalar, qog'ozdan, tabiat, tashlandiq materiallaridan foydalilanadi.

Ijodkor-kreativ o'quvchilarni tarbiyalash va rivojlantrishda, birinchi navbatda, ularning quyidagi xususiyatlarini hisobga olish zarur: his-tuyg'ularga boyligi, madaniyatligi, intellektinинг rivojlanganligi, mantiqiy fikrlay olishi, maqsadga intiluvchanligi, bilimga chanqoqligi, kasbiy bilimlarni o'zlashtirishga qiziqishi, muayyan dunyoqarash va qadriyatlari yo'naliishlarga egaligi, ijtimoiy faolligi, kasbiy takomillashishga intilishi, muloqotga kirishuvchanligi, o'z-o'zini tarbiyalash imkoniyatiga egaligi, o'zining yetuklik darajasini anglashi kabilari.

Mehnat ta'limi darslaridagi ta'limga tarbiyaviy vazifalar umumiyligi o'rta ta'limga martaqlaridagi mehnat ta'liming umumiyligi vazifalaridan kelib chiqib, quyidagi mashg'ulot turlari jarayonida amalga oshiriladi:

- umumiyligi va badiiy mehnat;
- umumiyligi texnologiya asoslari.

1-4-sinf o'quvchilari qog'oz va kartonni chiziqlar bo'yicha qirqish va bukish hamda shukabi operatsiyalarni bajarishni o'rganadilar.

Ayni paytda ular detallarni turli usullarda biriktirish va mustahkamlashni mashqqiladilar.

Gazlama bilan ishlash bolalarning naturalipak va jun tolali materiallarni, to'qimachilik sanoati mahsulotlarini biliishi, namuna,rasm, chizma va berilgan o'lchamlar bo'yicha andoza bichib olish bilan ilk bor tanishtirishni o'z ichiga oladi.

Texnik modellash mashg'ulotlarida namuna,rasm va chizmalar, berilgan o'lcham, konstruktur naborining detallari yoki turli materiallarni qo'llab og'zaki tasvirlash bo'yichatexnik o'yinchoqlar, modellar va maketlartayyorlash nazarda tutiladi.

Qishloq xo'jalik mehnati bo'yicha mashg'ulotlarda 2-sinf o'quvchilari kuzda o'quv tajriba maydonchasida o'stirilgan o'simliklarning urug'larini to'playdilar, o'tgan yil davomida

maydonchada qilgan ishlariga yakun yasaydilar, maktab ko'rgazmasi uchun eksponatlarni ajratadilar. Shundan so'ng o'quvchilar o'quv tajriba maydonchasidagi o'zlariga tegishli bo'lgan yerni qishga tayyorlaydilar, ya'ni uni o'simlik qoldiqlaridan tozalaydilar, tabiiy va mineral o'g'itlar soladilar, yerni chopadilar.

Bu ishlar jarayonida ular shaxsiy gigiyena qoidalariga rioya qiladilar.

Kuz oylarida 1-4-sinf o'quvchilarini xona o'simliklarini nur va issiqlikka moslab joylashtirish bilan tanishadilar, ularga suvni to'g'ri quyish, tuproqni yumshatish, o'g'itlash, gultuvaklar hamda deraza tokchalarini yuvishni o'rganadilar.

Bahorda o'quvchilar o'simliklarning qalamchalarini tayyorlash va ekish, ularni parvarish qilishni o'rganadilar. Shundan so'ng o'quvchilarildiz olgan qalamchalarni gultuvaklarga ekadilar.

Bahorda 1-4-sinf o'quvchilarini bilan ajratilgan yerda katta va mas'uliyatli ish olib boriladi. O'quvchilar o'zlariga ajratilgan yerni ekinga tayyorlar ekanlar, yerni qayta chopadilar, xaskash bilan tekislaydilar. Egit olib, qator oralarini belgilaydilar.

Ishning keyingi bosqichi ildizmevalar vabir yillik dekorativ o'simliklarning nomlari bilan tanishish va ularni ekishga tayyorlashdan iborat. O'quvchilar bu o'simliklarning urug'ini sepish va ularni parvarish qilishni o'rganadilar. Bu ish jarayonida o'quvchilar madaniy ekinlar nihollarini begona o'tlardan farqlash, o'simliklarni to'g'ri sug'orish, tagini yumshatish va shu kabilarni o'rganib olishlari kerak bo'ladi.

Tabiiy material bilan ishlash alohida qiziqish uyg'otadi. O'quvchilar loy, plastilinva tabiiy materiallardan qushlar, jonivorlar, ertak qahramonlarining shakllarini yasaydilar.

4-sinfda mehnat ta'limi darslarida o'quvchilar avvalgi sinflarda egallagan malaka va ko'nikmalarindan foydalaniib, xilma-xil shakllarni yasaydilar, kengroq doiradagi yangi bilim va ko'nikmalarni egallaydilar.

Adabiyotlar:

1. O'Q.Tolipov, B.I.Muranov, Sh.S.Sharipov Mehnat talimi fanidan yangi tahrirdagi davlat talimi standarti, takomillashtirilgan o'quv dasturi mavzuiy rejalashtirish. –T.: XTV. O'zPFITI. 2004, 2006, 2010 y. 110 b.

2. Arziqulov A. Interfaol usullar. Samarcand. VTM. 2003 y. 31 b.

3. Bespalkov V. Pedagogika iprogressivnyetexnologiyaobucheniya M. 1995.

4. Vorobei A. I. «Mehnatpolitexnikata'lmididaktikasi». Toshkent. «O'qituvchi» 1992 yil.

РЕЗЮМЕ

Maqolada mehnat ta'limi darslarida boshlang'ich sinf o'quvchilarining kreativ qobiliyatlarini shakllantirishda pedagogik texnologiyalar elementlari bo'lgan ta'limning interfaol metodlaridan foydalaniш xususida mulohaza yuritilgan. Noan'anaviy dars shakli asosida o'quvchilarining ijodiy qobiliyatlarini shakllantirishga yo'naltirilgan ta'lum texnologiyasi borasida ma'lumot keltirilgan.

РЕЗЮМЕ

Мнения, выраженные в статье, направлены на использование интерактивных методов обучения как элемента педагогических технологий для формирования творческих способностей учащихся начальных классов школ на уроках труда. Разработана технология обучения, основанная на нетрадиционной форме проведения урока и ориентированная на формирование творческих способностей учеников.

SUMMARY

The opinions expressed in the article are for warded to implementation of interactive methods of teaching as pedagogic technologies elements to formation of pupil's creative abilities in primary school. There issuggested teaching technology, base don untraditional formof the lesson sarrangement, oriyented to ward pupils' creative abilities.

MUAMMOLI VAZIYATLAR YORDAMIDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA SON TUSHUNCHASINI SHAKLLANTIRISH

Mamasaidova M. A.

Farg'onan davlat universiteti tayanch doktoranti

Tayanch so'zlar: muammoli ta'lif, muammoli vaziyat, natural son, raqamlar, axborot texnologiyalari, sonlarni qo'shish, sonlarni ko'paytirish, o'rın almashtirish xossasi.

Ключевые слова: проблемное образование, решение проблем, натуральные числа, числа, информационные технологии, сложение чисел, умножение и свойства смещения.

Key words: problem-based education, problem-solving, natural numbers, numbers, information technology, adding numbers, multiplication, and displacement properties.

Muammoli ta'lif darsda bir vaqtning o'zida o'qituvchi va o'quvchilarning hamkorlikdagi harakati bo'lib, u o'quvchi shaxsidagi muhim belgi-ijodiy fikrlash qobiliyatini rivojlantiradi. Muammoli ta'lif asosini esa muammoli vaziyat tashkil etadi. Muammoli vaziyat har qanday fikrlash mashaqqatlaridan farq qilib, unda talaba mashaqqaqat talab qilgan tushunchaning unga avval va ayni vaqtda ma'lum bo'lgan vazifa, masala bo'yicha ichki, yashirin aloqalarini anglab yetadi. Shunday qilib muammoli vaziyatning mohiyati shuki, u talaba tanish bo'lgan ma'lumotlar va yangi faktlar, hodisalar o'tasidagi ziddiyatdir. Muammo uch tarkibiy qismidan iborat: ma'lum(berilgan vazifa asosida), noma'lum va avvalgi bilimlar. Muammoli o'qitishning mohiyati, ta'lif oluvchi tomonidan o'zlashtirilishi lozim bo'lgan axborotlarni o'qituvchining maxsus tashkil qilishidan iboratdir.

Pedagogikaga oid adabiyotlarda asosan metodikaning uch bosqichi haqida fikr yuritiladi.

Birinchi bosqichda o'qituvchi muammoni qo'yadi, uni shakllantiradi va talabani mustaqil ravishda uning yechilish yo'llini qidirishga yo'naltiradi.

Ikkinci bosqichda o'qituvchi faqat muammoli vaziyatni vujudga keltiradi, talabalar esa muammoni mustaqil shakllantiradilar va yechadilar.

Uchinchi bosqich-oliy bosqich bo'lib, unda o'qituvchi shunday qoidani ko'zda tutadi: muayyan muammoni ko'rsatib bermaydi, balki unga talabalarni "ro'baro'" qiladi hamda ularni mustaqil ijodiy faoliyatga yo'naltiradi, ularni boshqaradi va natijani baholaydi.

Matematika darslarini muammoli ta'lif asosida tashkil etish esa o'quvchilarda fikrlash qobiliyatini shakllantirishga, matematika mavzularini yaxshi o'zlashtirishga bundan tashqari ushbu texnologiya asosida boshqa fanlarni ham nisbatan yaxshi o'zlashtirishga zamin yaratadi. Xususan, son tushunchasi va sonlar ustida amallarni o'rgatishda ham muammoli ta'lif texnologiyasidan foydalinish yaxshi samara beradi.

Natural son tushunchasi matematikaning asosiy tushunchalaridan biridir. U butun matematika fani singari kishilar amaliy faoliyatlaridagi ehtiyojlar natijasida vujudga kelgan. U dastlab amaliy xarakterdag, keyin esa nazariy xarakterdagи borgan sari murakkablashib boruvchi masalalarni yechish jarayonida asta-sekin vujudga kela boshlagan. Turli-tuman chekli to'plamlarni bir-biri bilan taqqoslash zaruriyati kishilarning natural sonlarning yaratishlariga sabab bo'ldi.

O'zining rivojlanish davrida natural sonlar tushunchasi bir nechta bosqichni o'tdi. Juda qadim zamonalarda chekli to'plamlarni taqqoslash uchun berilgan to'plamlar orasida yoki to'plamlardan biri bilan ikkinchi to'plamning qism to'plami orasida o'zarobir qiymatli moslik o'rnatishgan, ya'ni u bosqichda kishilar buyumlar to'plamining sanog'ini ularni sanamasdan idrok qilganlar. Masalan, beshta buyumdan iborat buyumning sanog'i haqida "Qo'lda nechta barmoq bo'lsa, shuncha", yigirmata buyumdan iborat to'plamning sanog'I

haqida “Odamda qancha barmoq bo’lsa, o’shancha” deb atashgan. Bunday metod shunday kamchiliklarga ega ediki, bunda taqqoslanuvchi to’plamlar bir vaqtda ko’zga ko’rinadigan bo’lishi kerak edi.

Juda uzoq rivojlanish davri natijasida kishilar natural sonlarni yaratishning navbatdagi bosqichiga keldilar. To’plamlarni taqqoslash uchun vositachi to’plamlarni: mayda toshchalarini, chig’anoqlarni, barmoqlarni qo’llay boshladilar. Bu vositachi to’plamlar endi natural son tushunchasi kurtaklarni namoyish qila boshlagan bo’lsa-da, biroq bu bosqichda ham hali son sanaladigan to’plamlardan ajralmagan edi: gap umuman son haqida emas, beshta tosh, besh ta barmoq haqida borar edi. Vositachi to’plamlar nomini shu to’plamlar bilan taqqoslovchi to’plamming sanog’ini aniqlashda qo’llana boshladilar. Masalan, ba’zi qabilalarda beshta elementdan iborat to’plamming sanog’i “butun odam” so’zi bilan belgilangan.

Kishilar vositachi to’plamlar bilan amallar bajarishni o’rgangandan keyingina mayjud umumiylikni, masalan, beshta barmoq va beshta olma orasidagi mayjud umumiylikni aniqladilar, ya’ni vositachi to’plamlar elementlari tabiatidan cheklanish yuz bera boshlashi bilan natural son haqidagi tasavvur vujudga kela boshladi. Bu bosqichda sanashda, masalan, olmani sanashda bitta, ikkita va hokazo olma sanalmay, balki, “bir”, “ikki”, “uch” va hokazo so’zlarini ishlatib sanay boshladilar. Bu son tushunchasi rivojlanishining eng muhim bosqichi bo’ldi. Zamonaneng eng yirik matematik N.N.Luzin mana bunday degan edi: “Biz birlik tushunchasini yaratgan (ochgan emas, aynan yaratgan) inson dahosi qarshisida bosh egishimiz kerak. Son vujudga keldi, u bilan birga matematika vujudga keldi. Son-g’oyasi-mana buyuk fanlardan birining ”tarixi nimadam boshlangan”.

Vaqt o’tishi bilan odamlar faqt sonlarni atashni emas, balki ularni belgilashni ,shuningdek, ular ustida amallar bajarishni o’rgani boldilar. Bu muammolarni hal qilishdagi ko’pgina qiyinchiliklar Qadimgi Hindistonda sonlarni yozishning o’nli sistemasi va nol tushunchasini yaratish bilan hal qilingan edi. Asta-sekin natural sonlarning cheksizligi haqidagi tasavvurlar ham uyg’unlana boshladi.

Natural son tushunchasi shakllangandan so’ng sonlar mustaqil obyektlar bo’lib qoldi va ularni matematik obyektlar sifatida o’rgani sh imkoniyati vujudga keldi. Sonni va sonlar ustida amallarni o’rgana boshlagan fan “Arifmetika” nomini oldi.

Arifmetika qadimgi Sharq mamlakatlari: Vavilon, Xitoy, Hindiston, Misrda vujudga keldi. Bu mamlakatlarda to’plangan matematik bilimlar Qadimgi Gretsiyada rivojlantirildi va davom ettirildi.

Qadimgi Hindistonda sonlarning yozishni o’nlik sistemasini va nol tushunchasini yaratish bilan hal qilingan edi. Hozirda sonlarni yozishni bu belgilari arab belgilari deb ataladi.

Masalan sonlarni nomerlashda quyidagi ishlarni amalga oshiriladi.

Ma’lumki, o’nli sanoq sistemasida o’nta raqam (belgi) ishlataladi. 1000 gacha bo’lgan sonlarni nomerlashda yigirmatta tub so’z ishlataladi. Sonlarni nomerlashda dastlab o’nta raqamdan foydalaniladi: (0,1,2,3,4,5,6,7,8,9) so’ngra belgi tugaganligi sababli keyingi sonlar shu belgilari yordamida ifodalaniladi.

Bir raqammini yoniga 0, so’ngra 1,2,3,...,9 raqamlari qo’yilib, keying sonlar belgilanadi.

| 0 | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 |

| | | | | | | | | | |
|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|
| 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 43 | 47 | 48 | 49 |
| 50 | 51 | 52 | 53 | 54 | 55 | 53 | 57 | 58 | 59 |
| 60 | 61 | 62 | 63 | 64 | 65 | 66 | 67 | 68 | 69 |
| 70 | 71 | 72 | 73 | 74 | 75 | 76 | 77 | 78 | 79 |
| 80 | 81 | 82 | 83 | 84 | 85 | 86 | 87 | 88 | 89 |
| 90 | 91 | 92 | 93 | 94 | 95 | 96 | 97 | 98 | 99 |
| 100 | 101 | 102 | 103 | 104 | 105 | 106 | 107 | 108 | 109 |

Jadvaldagagi fon bilan belgilangan sonlarni nomlashda tub so'zlar ishlataladi. Bunday jadvalni animatsiya yordamida bajarish mumkin. Bunday animatsion videolarini ko'rgan o'quvchilar sonlarni yozilishi va o'qilishini yaxshi o'zlashtiradilar, ularning katta-kichikligi haqida yaqqol tasavvurga ega bo'ladi.

Turli sanoq sistemalarida ham shu qoidaga amal qilinadi. Buni yaxshiroq anglash uchun o'n birlik sanoq sistemasini ko'rib chiqaylik. Bu yerda yana bitta raqam (belgi) kiritish kerak.

| | | | | | | | | | | |
|----------------------------|----------------------------|----------------------------|----------------------------|----------------------------|----------------------------|----------------------------|----------------------------|----------------------------|----------------------------|---|
| 0 | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | <input type="checkbox"/> |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | <input type="checkbox"/> 1 |
| 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | <input type="checkbox"/> 2 |
| <hr/> | | | | | | | | | | |
| 90 | 91 | 92 | 93 | 94 | 95 | 96 | 97 | 98 | 99 | <input type="checkbox"/> 9 |
| <input type="checkbox"/> 0 | <input type="checkbox"/> 1 | <input type="checkbox"/> 2 | <input type="checkbox"/> 3 | <input type="checkbox"/> 4 | <input type="checkbox"/> 5 | <input type="checkbox"/> 6 | <input type="checkbox"/> 7 | <input type="checkbox"/> 8 | <input type="checkbox"/> 9 | <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> |

Hozirgi davrda axborot texnologiyalaridan foydalanish zamон talabi ekanligini inobatga olsak, o'quvchilarga sonlar ustida amallarni o'rnatishda muammoli vaziyatlardan axborot texnologiyalari yordamida foydalanish yaxshi samara beradi.

Birinchi sinfda dastlab masalalar rasm orqali beriladi, ularni tushuntirishda natural sonlarning qo'shishning va ayrishning nazariy asoslaridan foydalaniladi. Ma'lumki natural sonlar ustida amallar bajarish va ularning xossalarni nazariy asoslarini qurish uch xil amalga oshiriladi:

1. To'plamlar nazariyasi orqali.
2. Kesma uzunligi sifatida.
3. Aksiomatik qurish.


Birinchi sinfda qo'shish va ayrish amalining nazariy asosi to'plamlar nazariyasi orqali tushuntiriladi. Qo'shish amali quyidagicha keltiriladi:

Ta'rif: Butun nomanifiy a va b sonlarning yig'indisi deb, $n(A)=a$, $n(B)=b$ bo'lib, kesishmaydigan A va B birlashmasidagi elemlar soniga aytildi:

bu yerda $n(A)=a$, $n(B)=b$ va $A \cap B = \emptyset$

Masalan, sonllarni qo'shishda, o'rin almashtirish xossasini o'rgatishda quyidagi masaladan foydalanish maqsadga muofiq bo'ladi.

Bunday masalalar darsliklarda ham uchraydi. Masalan:



$$\boxed{2} + \boxed{3} = \boxed{}$$

$$\boxed{3} + \boxed{2} = \boxed{}$$

Masala matni.

O'tloqqa o'ng tomondan 3 ta ot, chap tomondan 2 ta ot kirib kelishdi. O'tloqda jami nechta ot bo'lди?



12 kg



18 kg

A-o'ng tomonga ketayotgan otlar to'plami

B-chap tomonga ketayotgan otlar to'plami

$A \cup B$ – rasmdagi barcha otlar to'plami.

$n(A \cup B) = 5$, demak $2+3=5$

$n(B \cup A) = 5$, demak $3+2=5$

bu masalaning asosiy maqsadi qo'shishning o'rin almashtirish (komutativ) xossasini o'rgatish.

Xuddi shu kabi, $2+3=5$ ekanligi ko'rsatiladi.

Masala.

"Do'konga ikkita quti anor keltirildi. Ularning birinchisi 12 kg, ikkinchisi 18 kg. Do'konga hammasi bo'lib necha kg anor keltirildi?"



18 kg



12 kg

$$4+5=9$$

$$5+4=9$$

$$6+2=8$$

$$2+6=8$$

$$2+3=5$$

$$3+2=5$$

| | | | |
|----|--|--|--|
| | | | |
| 1- | | | |
| 2- | | | |

usul: $2+2+2+2=4\blacksquare$
 usul: $4+4=2\blacksquare$
 Demak, $4\blacksquare=2\blacksquare$

O'quvchilar masalani o'zлari yechib ko'radir. Kimdir bu masalani yechish uchun $12+18$ ifodalar foydalaniadi.

Yashiklar o'rni almashтирildi.

Bu rasmga muofiq masala matni quyidagi ko'rinishda bo'ladi.

"Do'konga ikki quti anor keltirildi. Birinchi qutida 18 kg, ikkinchisida esa 12 kg anor bor. Hammasi bo'lib do'konga necha kg anor keltirildi?"

Masala yechimi $18+12$ sonli ifoda ko'rinishiga keltiriladi. Bundan ko'rindiki, $12+18=18+12$

Shundan so'ng o'quvchilar e'tiboriga ekranda quyidagi misollar taqdim etiladi.

Ulardan taqdim etilgan misollardan xulosa qilish so'raladi. O'quvchilar o'z fikrlarini bildiradilar. Taqdim etilgan fikrlar orasidan eng to'g'risi tanlab olinadi. Xato fikrlarning kamchiliklari tushuntiriladi. Shu orqali o'quvchilar ongida "sonlarni qo'shishda qo'shiluvchilarni o'rni almashsa ham yig'indi o'zgarmaydi"- degan oltin qoidani shakllantirishga erishish mumkin.

Bundan tashqari sonlarni ko'paytirishda ham o'rin almashtrish xossasini huddi shu kabi tushuntirish mumkin.

3-sinf matematika darsligida berilgan quyidagi masalani yechishda aynan ko'paytirishning o'rin almashtrish xossasini tushuntirishda foydalish mumkin.

Masalan, shakldagi kvadratlar sonini 2 xil usul bilan yeching.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, boshlang'ich sinflarda matematika darslarini olib borishda yangi mavzularni muammoli vaziyatlar yordamida tushuntirish ularni sonlarni yozilishi, o'qilishi, ularni o'zaro taqqoslanish hamda ular haqidagi tessavvurlarini kengaytirishga yordam beradi.

Adabiyotlar:

1. Н.У.Бинбаева, Р.И. Сидельникова, Г.А.Адамбекова "Бошлангич синфларда математика ўқитиш методикаси". Тошкент, "Ўқитувчи".1996 й. 512 бет.

2. М.Е.Jumayev "Matematika o'qitish metodikasidan praktikum". Toshkent. "O'qituvchi". 2004 yil. 328 bet.

3. M.Ahmedov, N.Abdurahmonova, M.Jumayev, "Matematika (Umumiy o'rta ta'lim maktablari 1-sinf uchun darslik)": Toshkent, "Turon Iqbol". 2019 yil. 160 bet.

4. N.Abdurahmonova, L.O'rinxoyeva, "Matematika (Umumiy o'rta ta'lim maktablari 2-sinf uchun darslik)": Toshkent, "Yangiyo'l Poligraf servis". 2016 yil. 208 bet.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqola boshlang'ich sinf matematika darslarida son tushunchasi, sonlarni qo'shish va ko'paytirishda o'rin almashtrish xossasini muammoli vaziyatlar yordamida tushuntirish haqidagi masalaga bag'ishlangan.

РЕЗЮМЕ

Эта статья посвящена объяснению числовых понятий на уроках математики в начальной школе, использованию проблемных ситуаций для сложения и умножения чисел.

SUMMARY

This article is about explaining numerical concepts in elementary school math lessons, using problem situations to add and multiply numbers.

ОИЛАДАГИ, МАКТАБДАГИ НИЗОЛАРНИНГ БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙЛАШУВИГА ТАЪСИРИ

Нарзиқулова Д.

Навоий давлат педагогика институти,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таяинч сўзлар: оила, мактаб, маънавий қадрият, меъёрий-хукукий таъминот, таълим-тарбия жараёнлари, низо, истак, баҳсласиши, одоб саклаш.

Ключевые слова: семья, школа, духовные ценности, правовое обеспечение, образовательные процессы, конфликт, желание, спор, этикет.

Key words: family, school, spiritual values, legal support, educational processes, conflict, desire, argument, etiquette.

Мамлакатимизда оила институти фаолиятини ривожлантириш, маънавий қадриялар таргиботи ва аҳамиятини ошириш, меъёрий-хукукий таъминотни такомиллаштириш ва моддий-техник шароитларни яхшилашга қаратилган ислохотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарни органларининг оиласардаги иштироки ва ўрнини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнлари олдига кўйилган маънавий баркамол шахсни тарбиялаш мақсадини амалга ошириш имкониятини кенгайтириди. Шунингдек, оиласидаги, мактабдаги низоларнинг болалар ижтимоийлашув жараённига таъсири самарадорлани ошириш зарурати юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустакил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, катъий ҳаётий нуктаи назарзага эшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараённида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” каби устувор вазифалар белгиланиб, бу борода болалар ижтимоий онгини тарбиялашга қаратилган хукукий-меъёрий таъминотни бойитиш, оиласада вояга етмаган болаларни ижтимоий кўллаб-кувватлаш мазмунни такомиллаштириш, “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмасининг ҳамкорлик функцияларини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Турмушда юзага келадиган низолар – улар қандай бўлиши ҳамда содир этилишидан қатъи назар болаларнинг тарбиясига таъсир кўрсатмай қолмайди. Низоларнинг юзага келиш жойи турлича бўлиши мумкин, хусусан:

1. Оиласидаги (эр-хотин ўргасидаги; оиласинг катта ёшдаги аъзолари ўртасидаги; турли ёшдаги оила аъзолари ўртасидаги) низолар.

2. Умумтаълим муассасаларидаги низолар (мактаб маъмурияти – ўқитувчилар; мактаб маъмурияти – ўқитувчилар – ота-оналар; ўқитувчилар – ўкувчилар).

3. Тенгдошлар ўргасидаги низолар.

Келинг, шу ўринда низоли вазият ва низоларга фарқлаб оламиз.

Низоли вазият – бу келишмовчиликнинг юзага келиши, яъни истаклар, фикрлар, кизикишларнинг тўқнашуви. Низоли вазият баҳсласиши, мунозараларда ҳам юзага келиши мумкин. Баҳсласиши – бу шундай мунозараки, унда иштирокчилар шунчаки муаммони муҳокама қўлмайдилар, балки бошқа томон рози бўлмаганида муаммони ўз фойдасига ҳал қилишдан ўтга манфаатдор бўладилар. Бирок баҳсласишига мунозарадаги каби томонларнинг бир бирларини хурмат қилишлари, одоб саклашлари хосдир.

Низоли вазиятда бир неча қоидаларга амал қилиш лозим:

- баҳс предметини чеклаш; ноаниклик ва аниқ масаладан умумийсига ўтиш келишувга эришишни қийинлаштиради;

- қарама-карши томонларнинг ушбу масаладаги билим даражаси, компетентлигини инобатта олиш; компетентлилик даражасидаги катта фарқ туфайли баҳс ёки мунозара кам маҳсулдор бўлади, кам компетентлик баҳслашувчининг қайсарагига улар низога айланниши мумкин;
- қарама-карши томонларнинг эмоционал кўғалувчанлиги, бардошлилик даражасини инобатта олиш;агар баҳс иштирокчиси эмоционал жиҳатдан осонгина кўзгалса, етарлича ўжар бўлса, баҳснинг низога ўсиб ўтиши эҳтимолдан холи эмас;
- баҳс қизиганда бир бирларининг шахсий сифатларини баҳолашга ўтиб кетишини назорат қилиш.

Бу қоидаларга амал килинмаган ҳар кандай ҳолат низога айланади. Низо – бу истаклар, фикрлар тўқнашувида юзага келувчи ўзаро салбий муносабат; бу одамлар ўргасида эмоционал зўрикиши ва “муносабатларни ойдинлаштириш” билан оғирлашган келишмовчилик.

Низоли вазиятларнинг олдини олиш турлича бўлиши мумкин: низоларнинг олдини олиш, низодан кетиш, уни юмшатиш, муросага келиш, адоватнинг юзага келиши, мажбурлаши.

Низоли вазиятни ҳал қилиш усули сифатида низодан кетиш – бу вақт етишмаслигини ёки баҳснинг бемавридлигини баҳона қилганча юзага келувчи зиддиятни ҳал қилишдан кетиши. Бу усулдан сухбатни низогача олиб бормаслик учун фойдаланиш зарур. Бирок бундай чора шунчакни низоли вазиятни ҳал қилишни ортга суришdir. Айбловчи томон очик тўқнашувдан кочади, қарама-карши томонга “совиб олиши”га кўйиб беради, психик зўрикишини сусайтиради, ўз эътирозини ўйлаб кўради. Шу захотиёк вақт ўтиши билан ҳаммаси ўз-ўзинан ҳал бўлишига умид пайдо бўлади. Бирок низога янги сабаб пайдо бўлиши билан у яна аланга олади.

Низони юмшатиш – бу эътиrozларни қабул қилиш, бирок факат шу лаҳзада. “Айбланувчи” шу усул билан шеригини тинчлантиришга, эмоционал кўзғалишни олиш ташлашга уринади. У ўзини нотўғри тушунгандликларини, низо учун алоҳида бир сабаб йўқлигини, ўзи тасодифий юзага келган янги шароит тифайли ниманидир нотўғри қилганини айтади. Бирок бу унинг эътиrozларни қабул қилгани ва низо моҳиятини англаганини билдирамайди. Шунчаки у одоб саклаяпти.

Юмшатиш ҳамиша ҳам ахволни күткармайди, бирок битта сабабга қўра камдан-кам фойдаланиладигани айни вақтда муносабатлардаги зўрикишин олиб ташлайди. Аммо муайян вақтдан кейин сир фош бўлиши ва бундай тактика шерикнинг ишончига путур етказиши мумкин.

Муросага келиш – бу фикрлар ва нуктаи назарларни очик муҳокама қилиш йўли билан ҳар икки томон учун бирмунча мақбул қарор қабул қилишdir. Муроса битта янга вариантга бир томонлама тартибида мажбурлашни, шунингдек, низони ҳал қилишни кечикиришини истисно қиласди. Унинг устунлиги ҳар бир тараф томонидан қабул килинган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тенглигидан ҳамда бир бирларига эътирозининг очиқлигидан иборат.

Конфронтация – бу томонларнинг бир бирларига катъий қарама-карши туриши бўлиб, улардан хеч бири бошқа томоннинг нуктаи назарини қабул қилмайди. Конфронтациянинг хавфли томони шундаки, қочонки барча оқилона сабаблардан фойдаланиб бўйнгач шериклар шахсий ҳақоратлашга ўтишлари мумкин. Низоли вазиятнинг бундай оқибати ноxуш бўлишига қарамай у шерикларга бир бирларининг кучли ва заиф томонларини кўриш, томонларнинг қизиқишларини тушуниш (“демак, менинг нуктаи назаримда ҳам ҳаммаси текис эмас”) имконини беради. Конфронтация ўйлаш, шубҳаланишга, тупикдан чиқишининг янги йўлларини излашга мажбурлайди.

Кўпинча конфронтация ўзини юқори баҳолаш ва етарлича баҳоламаслик оқибатида юзага келади. Томонлардан бирни иккинчи томоннинг бу борада бошқача нутқи назарда эканлиги ва бир томоннинг позицияси унинг қизиқишлари, установкалари, одатлари, анъаналарига зид бўлиши мумкинлигини инобатга олиш зарур.

Мажбурлаш – бу оила аъзоларидан бирини, раҳбарни, ота-онани, ўқитувчини, болалардан бирини каноатлантирадиган варианти тўғридан-тўғри мажбуран қабул килдирувчи тактика. Мажбурлаши норозилик сабабларини тезда ва катвиян бартараф килади, бироқ айни вактда у яхши муносабатларни саклаб колиш учун энг нобоп чора хисобланади.

Ўз хатосини ёки ноҳақлигини тан олиш. Агар низо сабаби оила аъзоларидан бирининг, раҳбарнинг, ўқитувчининг, болалардан бирининг бошқа томоннинг норозилигини ўйғотган нотўғри ахлоқи ёки хато фикри бўлса, унда низони ўша одамнинг ўз хатосини тан олиши билан ҳал килиш мумкин.

Куйида биз низо ва унинг келиб чиқиши сабаблари ва уларни бошқариш ҳакида фикр юритамиз.

Низо, стресс: келиб чиқиши сабаблари ва уларни бошқариш

Бошқариш жараёнида низо — бу раҳбар, ишчи ва бошқа ходимлар ўргасида муйян масалаларни ҳал килишда томонларнинг бир-бири билан бир ечимга кела олмаганлиги туфайли вужудга келадиган вазиятдир.

Ишлаб чиқаришдаги низолар кишилар кифайтига салбий таъсир қиласида ва уларнинг иш қобилиятини пасайтиради, жамоадаги «рухий иқлим»ни ёмонлаштиради, кадрлар кўнимсизлигини кўплайтиради. Шунинг учун бу масалаларга доимо эътибор бериш, меҳнат жамоаларини бошқаришини, кадрлар тургунлигини таъминловчи шартлардан биридир. Ишлаб чиқаришда низоли вазиятларнинг олдини олишнинг барча имкониятларидан фойдаланиши лозим.

Низо қандай характеристерга эга бўлмасин ва у кай даражада катта ёки кичик бўлмасин, барча ҳолларда низонинг сабаблари ҳамда уни вужудга келтирган ҳолатлар диккат билан таҳлил килиниши лозим. Раҳбар ҳар бир аниқ вазиятнинг тагига адолат ва объективлик билан етиши, тегишли хуросалар чиқариши керак.

Ишлаб чиқаришда низоли вазиятлар турли сабабларга кўра вужудга келиши мумкин. Улардан:

- меҳнатни ташкил қилишдаги камчиликларни;
- ҳак тўлашнинг такомиллаштирилмагани;
- ёмон меҳнат шароитларини;
- меҳнат ҳақидаги қонунларни бузишни;
- раҳбарликнинг қоникарсиз савиасини;
- ўзаро муносабатлар маданиятининг паст савиасини ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Жамоа аъзолари орасидаги низоларнинг асосан тўрт хили кўп учраб туради.

Ички шахсий низо бир кишига раҳбар томонидан бир-бирига зид топшириклар берилиши ва натижада, раҳбарнинг пировард талаби бир-бирига мос келмаслиги, бундай ҳолда баҳарувчи нима қилишини билмай хуноб бўлган ҳолларда вужудга келади. Тадқиқотлар ва кузатишлар бундай вазиятлар: ишчининг ўз ишидан коникмаганлик, ўзига ва корхонага ишончсизлик, шунингдек, ходимда асаб бузилиши ҳолатларининг тез-тез содир бўлиб туриши натижасида вужудга келишини кўрсатади.

Шахслараро низо ҳаётда энг кўп тарқалган низолардир. Бундай низолар, масалан:

- оиласда;
- эр билан хотин ўргасида;
- ота билан фарзанд ўргасида;
- она билан фарзанд ўргасида;

- фарзанд билан фарзанд ўртасида ва ҳоказо.
- ишлаб чиқарища:
- ходим билан ходим ўртасида;
- ходим билан раҳбар ўртасида;
- раҳбар билан раҳбар ва ҳоказолар ўртасида бўлиши мумкин.

Шахслар ўртасидаги низо кўп ҳолларда уларнинг у ёки бу масалага бўлган нуқтаи назарларининг мос тушмаслиги, раҳбарлар ўртасида ресурсларни таҳсиллаш, ходимлар билан раҳбар ўртасида эса иш шароитини қоникарсизлиги кабилар юзасидан вужудга келиши мумкин. Бир лавозимга икки номзод кўйилганда ҳам шу турдаги низолар келиб чиқиш ҳоллари бўлади.

Шахслар тўқнашуви ҳам шахслараро низо туфайли бўлиши мумкин. Зеро, ҳар хил тоифа, феълдаги одамлар ҳамма вакт ҳам бир-бирларини тушунавермайдилар. Гарчи бир кўринишида бизга шундок туюлсада, шахслараро низоларнинг 75—80 фоизи моддий манфаатдорлик замирида содир бўлади.

Шахс билан гурух ўртасидаги низолар, одатда айрим шахснинг у ёки бу нарсага нисбатан бўлган фикрининг ёки манфаатининг гурух фикрига ёки манфаатига мос тушмаслик оқибатида вужудга келади. Айтайлик, бирор олийгоҳ доценти ўзининг асосий иш жойидан ташкари пул топиш мақсадида бошқа 2-3 жойда, шу жумладан, фирмада ишлаётгани умумкафедра манфаатига зид келади. Чунки кафедро жамоаси унинг шунчак жойда ишлаб асосий иш жойидаги ишни котира олмай, ўлда-жўлда ишлашидан манфаатдор эмас. Бундай қарама-карши ҳолат улар ўртасида низонинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Худди шундай ҳолат раҳбарнинг бирор-бир бўллим ходимларига нисбатан кўллаган ноўрин жазоси раҳбар билан гурух ўртаси—даги тўқнашувга олиб келиши мумкин.

Бу ерда бир гурух ходимларнинг фикри алоҳида ходимнинг фикрига мос тушмаслиги. Бундай ҳолат ҳам низо келиб чиқиши учун сабаб бўлади.

Ҳар бир ишлаб чиқариш жамоасида ходимларнинг ўзаро муносабати икки таркибий:

- формал (ёки расмий) ва
- ноформал (ёки норасмий) доирада амалга ошади.

Формал гурух ходимларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятидаги маъмурий жиҳатдан мустаҳкамланган расмий алокаларини кўрсатиб беради. Формал гурух кишиларнинг лавозим бурчларидан келиб чиқувчи ўзаро муносабатларига кўра белгиланади.

Ноформал гурух шахсий симпатия ва антипатиялар асосидаги норасмий муносабатларни, манфаатларнинг умумийлигини, характеристларнинг ўхшашлигини, ўзаро бир-бирини тушунишини ифодалайди.

Ҳар иккала гурух доимо бир-бирига таъсири килиб турари ва шу жараёнда низоли ҳолатлар ҳам вужудга келиб турари.

Гурухлараро низоларга:

- бўйлимлар билан бўйлимлар ўртасидаги;
- маъмурият билан касаба уюшмаси ўртасидаги;
- бўйлимлар билан маъмурият ўртасидаги;
- бўйлимлар билан касаба уюшмаси ўртасидаги низолар мисол бўла олади.

Бу турдаги низолар айниқса бир йўналишдаги бошқарув гурухлари билан штабли бошқарув гурухлари ўртасида содир буладиган низоли вазиятларда яққолроқ кўринади.

Гурухлараро низолар ўз табииатига кўра аралаш низолардир, чунки уларнинг вужудга келиши барча юкоридаги низо турларининг таъсири остида бўлади.

Мавхумлигига қараб, низолар очиқ ёки ёпиқ кўринишларда бўлиши мумкин.

Очиқ низолар одатда қарама-қарши томонларнинг кўз олдиди, тўғридан-тўғри вужудга келади. Улар тўқнашип содир бўлгунга қадар тўлиқ етилган бўлади. Бундай низолар раҳбарият назорати остида турғанлиги сабабли корхона учун уччалик хавф туғдирмайди ва уларни бошқариш осон кечади.

Ёпиқ низолар ўта хавфлидир. Бундай низоларни аста-секин, белгиланган фурсатда портгайдиган минага ўхшатса бўлади. Агар низо ҳали «стилмаган» ёки уларни одамлар нигоҳидан яширилса, бошқача қилиб айтганда низо кишилар «ичида «бўлса, билингти, бу нихоят хавфли ва уни бошқариш жуда кийин.

Ёпиқ низолар кўпинча фитна, ифво, хийла-найранг, фисқ-фа-сад шаклида ривожланиш оқибатида вужудга келади. Улар орага нифоқ солиш, бузгунчиликка қаратилган бўлиб, ёғон-яшиқ, уйдирма, бўхтон гаплар муҳолифлар учун асосий курол вазифасини бажаради.

Очиқ низолар кўпинча нидо, чакириқ шаклида ривожланиши оқибатида вужудга келади. Улар очикдан-очиқ чакириқ, товуш чиқариш, даъват этишда ўз ифодасини топади. Бунда бир гуруҳ ходимлар ўзларига қарама-қарши бўлган расмий ёхуд норасмий гурухларнинг манфаатини ўзининг манфаати томон буришга ҳаракат қиласди.

Характерига караб низолар объектив ёки субъектив низоларга бўлинади.

Объектив низоларга корхонанинг ривожланиш жараёнида юзага чиқадиган реал камчиликлар ва муаммолар билан боғлиқ низо-лар киради. Бу низолар амалий низолар бўлиб, ишлаб чиқаришини ривожлантириш, раҳбарлик услубини такомиллаштириш, корхонада нормал «руҳий иклим «ни яратиш учун хизмат қиласди.

Субъектив низоларга кишиларнинг у ёки бу воқеаликка булган шахсий фикрларининг турличалиги оқибатида вужудга келадиган низолар киради. Бу низолар табиати бўйича хис-туйгуга, хиссиётга берилиш, қизикконлик оқибатида юзага чиқади. Одатда, бундай низолар бир-бирини рухан кўра олмайдиган ёки бир-бирини тушумайдиган, ёхуд тушунишни ҳоҳламайдиган кишилар-нинг қарама-қарши фикрлари оқибатида вужудга келади.

Мутахассислар кишилар ўртасида ортиқча низоларни тарқатишга сабабчи бўлувчи бир неча тоифадаги «низоли» шахсларни ажратишади:

Намойишкорона шахс. Булар ҳар доим дикқат марказда бўлишга интиладилар. Ҳар қандай эҳтиросли баҳсларнинг ташаббускоридир.

Кибр ҳаволи шахс. Булар:

- ўзлари ҳакида юкори фикрда бўладилар;
- ўзгаларнинг фикри билан ҳисоблашмайдилар;
- ўзларининг хатти-ҳаракатига танқидий нуқтai назардан қарамайдилар;
- жizzаки, териси юпқа, салга хафа бўладилар;
- атрофдагиларга заҳрини сочиб “қовушириб” тарқатадилар.

Жиловсиз шахс. Булар:

- ўз-ўзини жуда ҳам суст назорат қиласдилар;
- беихтиёр ҳаракатлари билан ажралиб турадилар;
- тажковузкор бўладилар;
- ҳеч ҳам тушунтириб бўлмайдиган кишилардир.

Ўта аниқ шахс. Булар:

- ортиқча талабчан бўладилар;
- ҳар доим шубҳада бўладилар;
- ваҳимачи бўладилар;
- икир-чикирга берилиувчан бўладилар.

Низоли вазиятнинг ташки үнсурлари ҳам мавжуд. Булар кўйи-дагилардир: ҳаддан ташқари хиссиётга берилиш; фикрини аниқ изхор эта олмаслик; бир-бирини тушунишини ҳоҳламаслик; асосга эга бўлмаган ношукурлик ва ҳоказо.

Низоларни бошқариш ва уларни бартараф этиш

Низоли вазиятларни бошқаришининг бир катор самарали усуллари мавжуд. Уларни күйидаги икки йирик гурухга бўлиш мумкин:

1. Таркибий-ташкiliй усулларга:

- ишга бўлган талабни тушунтириш усули;
- мувофиқлаштириш ва интеграциялаш усули;
- умумташкiliй (комплекс) мақсадлар, мукофотланишнинг таркибий тизими.

2. Стратегик усуллари:

- узоқланиш;
- силниклашиш;
- мажбурлаш;
- келишув, муаммони ҳал қилиш.

Низони бартараф этиш учун раҳбар ўзининг оқиллиги, адолатлилиги, маданий савиаси билан жамоани ҳамкорликка интилитириши лозим. Яъни, ушбу низоли вазиятда хокимлик мавқеида эмас, балки тенг ҳукукийлик асосида ечим-ни топиши лозим. Масалан, бу жараёнда қўйидагилар жуда ҳам муҳимдир:

- томонларнинг бир-бирини тан олиши;
- гапни бўлмай тинглаш;
- ўзга киши сифатида тушуна олишни намойиш қилиш;
- низо жараёнидаги ҳолатни ўзга киши қандай қабул қилиши (тушуниши) ни англаш;
- мухокама килинаётган мавзуни аниқ тасаввур қилиш;
- мавзуга нисбатан умумий қарашларни ҳосил қилиш;
- муроса килинаётган оқибатни аниқлаш;
- низо мазмунини таҳлил қилиш;
- низони бартараф этиш учун ҳамкорликда ягона йўл танлаш;
- ҳамкорликда умумий хуроса (муроса)га келиш.

Бундай йўл машаққатли, аммо оқилона йўлдир. Бунинг учун тажриба керак.

Хозирги шаронитда раҳбар факат ўз соҳасини яхши билибгина қолмай, балки яхши ташкilotчи, руҳшунос (психолог) ва тарбиячи бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир раҳбар соционология, психология, педагогика, қасбий этика фанларини яхши эгаллаши керак. Буни ҳаётимиздаги жиддий ўзгаришлар, инсон омилининг фаоллашуви, жамоаларни ўз-ўзини бошқаришга ўтишини тақозо этади.

Раҳбарнинг жамоада ишловичи ҳар бир шахснинг қалбига йўл топа билиш қобилияти жуда катта аҳамиятга эга. Буни билган раҳбар ўз жамоаси ичida меҳнат жараёнида вужудга келадиган ҳар хил низоларни жамоада жамоат ташкilotлари билан бирга, юкори ташкilotларга чиқармасдан ўзида ҳал қилишга қодир бўлади.

Бундай раҳбар ўз ишини тўғри ташкил килади, жамоа олдига қўйилган мақсад ва режа топширикларини ўз вактида муваффақиятли бажаради. Жамоаларда соғлом руҳий иклим яратиш учун раҳбар кўйидагиларга, қўйидагиларга алоҳида эътибор берishi лозим:

- Ҳар хил ходимнинг шахсий фазилатларига;
- Ёши, қобилияти, малакаси, истеъдодига;
- Ишчилар ўртасидаги ҳамжихатликка
- Ўзаро ёрдамни бир-бири билан чамбарчас боғлайдиган ижтимоий алоқа маромига;
- Рақобат мухитини ташкил қилганига;
- Корхонада пировард натижалар учун ҳар бир ходимнинг маъсулнинг сезиши туйғусини мустаҳкамланганлик даражасига;

- Жамоа аъзолари ишининг унумдорлигига;
- Мотивлаштириш дарражасига.

Низоли вазиятлар ва низоларнинг кўриб чиқилган йўллари мулокот бўйича шерикларнинг кайфияти каби уларнинг муносабатларини баркарор бўлишига турлича таъсир кўрсатади. Катталар билан муомалада бола “муроса”, “низони юмшатиш”, “ўз хатосини тан олиш” каби вариантлар кўлланганида муомала маданиятини, турли вазиятлардан чиқиб кетишнинг амалий йўлларини ўрганади. Унда ахлоқини бошқариш кўникмаси шакланади. “Низодан кетиш”, “конфронтация” ва “мажбурлаш” эса томонларнинг эмоционал ҳолатига, уларнинг келгусидаги муносабатини баркарор бўлишига салбий таъсир кўрсатади. Агарки, шу вазиятда атрофдаги катталар низо иштирокчиларининг кайерда, қандай хатога йўл кўйганликлари, буни олдини олиш учун нималар қилиш мумкинлигини тушунтирасалар, бола улгайиш борасида бу ўгитларни хам муваффакиятли ўзлаштиради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Анцупов А.Я., Леонов Н.И. и др. Хрестоматия по конфликтологии. – Московский психо-лого-социальный институт, 2004. 161 б.

3. Маслова С.В. Конфликтология. //Учебное пособие. – Томск: Изд.ТПУ, 2001. 72 б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада оиласидаги, мактабдаги низоларнинг болалар ижтимоийлашув жараёнига таъсири хакидаги илмий фикрлар баён этилган. Шунингдек маколада, низоли вазиятларнинг олдини олиш турлари, низоларнинг олдини олиш, низодан кетиш, уни юмшатиш, муросага келиш, адоватнинг юзага келиши, мажбурлаш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлены научные взгляды на влияние семейных и школьных конфликтов на социализацию детей. В статье также представлена информация о типах предотвращения конфликтов, предотвращения конфликтов, разрешения конфликтов, смягчения последствий, примирения, враждебности, принуждения.

SUMMARY

This article presents scientific views on the impact of family and school conflicts on the socialization of children. The article also provides information on the types of conflict prevention, conflict prevention, conflict resolution, mitigation, reconciliation, hostility, coercion.

НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАЗМУНИ

Тоштемирова Д. С.

Жиззах давлат педагогика институти магистри

Таянч сўзлар: нодавлат таълим ташкилотлари, технология, жамият, глобаллашув, концепция, техник восита, ахборот, тарбиячи, илм-фан, техника, фундаментал ва хукукний база, таълим сифати, мониторинг, бошқариш.

Ключевые слова: неправительственные образовательные организации, технологии, общество, глобализация, концепция, технические средства, информация, педагог, наука, технологии, фундаментальные и правовые основы, качество образования, мониторинг, управление.

Key words: non-governmental educational organizations, technologies, society, globalization, concept, technical means, information, teacher, science, technology, fundamental and legal foundations, quality of education, monitoring, management.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 марта даги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 241-сонли Қарорида таълим - тарбия жараёнини давлат таълим стандартларига (давлат талабларига), ўкув режаларига ва таълим дастурларига мувофиқ ташкил этиш мухим вазифа сифатида белгилаб берилган бўлиб “аудиторияларни, ўкув хоналарини замонавий ахборот-коммуникация асбобускуналари, ўқитишининг техник воситалари ва анжомлар билан жиҳозлаш таълим дастурларини умумий ўрта, касб-хунар ва олий таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ, шунингдек, мактабгача таълим, мактабдан ташқари таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга кўйиладиган давлат талабларига мувофиқ амалга ошириш” нодавлат таълим муассасалари фаолияти соҳасида амалга оширилаётган ривожланиш ва ўзгаришларга асос бўлиши билан биргаликда таълим сифатини оширишга ўзига хос талабларни белгилаб берди. Шунингдек, мазкур қарорнинг асосий мақсади ва вазифаларидан бири – иктидорли болалар ва истеъоддли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-куватлаш орқали таълим-тарбиянинг юкори сифатини таъминлайдиган қулай шарт-шароитлар яратиш, илфор халқаро тажрибаларни инобатга олиб, ўқитишининг инновацион шакллари ҳамда замонавий технологияларидан фойдаланиш асосида таълим соҳасидаги самарадорлик ва натижадорликни ошириш; ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишининг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтиришдир.

Мазкур қарорга жиддий муносабат билан эътибор каратадиган бўлсак нодавлат таълим муассаса раҳбарлари учун жуда катта маъбулият, талаблар, вазифалар ва ишонч мавжудлигини эътироф этамиз. Жумладан, таълим жараённида иктидорли болалар билан индивидуал ишлаш, педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш, ўқитувчиларда ташаббускорлик – педагогик фаолиятга бўлган ижодий муносабатни шакллантириш, моддий ва ижтимоий-психологик рағбатлантиришни кучайтириш таълим сифатини оширишга тизимли ёндашув зарур.

Мамлакатимизда нодавлат таълим муассасаларида таълим тизими, ундаги ўқитиши жараённи такомиллаштириш мақсадида ривожланган давлатларнинг таълим соҳасидаги ислоҳотлари таҳлил қилиниб, шу асосида таълим мазмунини модернизациялаш унинг мақсад ва вазифалари, дунё таълими олдида турган глобал вазифаларнинг ҳал қилинишида ечимини кутаётган муаммолар: нодавлат таълим муассасаларнинг фаолият мазмуни таҳлили, вазифалари, мақсадларини ўрганиш ва керакли тавсиялар ишлаб чиқиш, таълим хизмати кўрсатувчи барча муассасаларнинг ҳозирги кундаги асосий кийинчилликлари, таълимни ташкил этиши ва унинг сифатини юкори даражага кўтариш, бошқариш, молиялаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш каби масалаларнинг ҳал қилинишига катта эътибор қаратилемоқда.

Соҳага оид адабиётларнинг назарий таҳлили, нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда тизимли ёндашувнинг мазмун ва моҳиятини асослаш учун имконият яратди. Таълим сифатини оширишда тадқиқот обьекти тизим сифатида, яъни “харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришга” хизмат килаётган мураккаб тизим сифатида кўриб чиқилади. Бунда унинг алоқалари ва воситаларининг мазмун-моҳиятига кўра нодавлат таълим муассасалари (бошлангич синф мисолида)ни бир бутун, яъни яхлит ҳолда тасаввур килиш талаб этилади. Нодавлат таълим муассасаларини ўрганишида алоҳида хусусиятларга эга бўлган бир неча кисмларга ажратиб, улар ўртасидаги алоқалар шунингдек, умумий ўрта таълим мактаблари билан боғлиқлик

хусусиятлари аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга эътибор каратилиб, узлуксиз таълим тизимини янада токомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастури” да “Меҳнат бозори талабларига асосан, профессионал кадрларни қайта тайёрлаш юзасидан кисқа муддатли тренинг ва ўкув курсларини ўтказиш бўйича нодавлат таълим муассасалари фаолиятини рағбатлантириш” белгилаб кўйилган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш механизmlарни ишлаб чиқиш, ундаги муаммоларни ҳал этиш изчиллик билан ривожланиб бораётган узлуксиз ва замонавий янги фан-технология ютукларига асосланган буғунги жамиятда бундай ҳолат оддий ижтимоий онг, тафаккурнинг ўсиши натижаси сифатида қаралиши керак. Бу ўринда хуласаларни таҳлил қиласиган бўлсан, нодавлат таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўкувчиларга келадига жамият учун жамиятнинг талаби ўз йўналишига эга бўлиб, улар куйидагида кўринишларда намоён бўлмоқ.

Биринчидан – жамиятда ўз мавқеига эга бўлиш учун ижтимоий нуфузли тоифага эга бўлган давлат аттестатини олишга ҳаракат киласиган ёшларнинг салмоғи;

иккинчидан – ДТС белгиланган ўкув режасига кўра таълим олаётган ўкувчиларнинг кўшимича диплом ва сертификат (чет тилларини ўрганиш ёки компьютер, спорт йўналишлари мисолида) олишга ҳаракат қилувчилар кўлами.

Демак, мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидағи ислоҳотлар нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш механизmlарини ишлаб чиқиш, токомиллаштиришни, яъни ижтимоий-иктисодий, замонавий талабларга мос келадиган таълим тизимини шакллантиришни тақозо этмоқда. Бу буғунги куннинг энг асосий талабларидан бири бўлиб, нафакат таълим сифатини ошириш муаммолари, балки ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш ва уларни шакллантириш замирида, энг аввало, тизимнинг турли бўгини ходимлари фаолиятини токомиллаштиришнинг йўл-йўриклиарини аниқлаш, янги шароитларга мувофиқлаштириш ва амалиётта жорий этиш вазифаларини белгилайди.

Шундан келиб чиқиб, таълим сифатини ошириш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар барча нодавлат таълим муассасаларида таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва бошқаришда фан-техника ютукларига асосланган инновацион технологияларнинг энг самарали методларидан фойдаланишни, мутахассислик доирасида ўз билим, кўникма ва малакаларни, янги шахсий ва касбий сифатларни эгаллаб боришини талаб киласи.

Нодавлат таълим муассасаларида таълимнинг сифати:

амалда кўлланилаётган ўкув дастурларининг самараадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги;

фундаментал ва хукукий базанинг яратилганлиги;

таълим мазмунини жамият талаблари билан уйгунилиги;

ахборот ва методик таъминотнинг шакллантирилганлиги;

ўқитиш концепциялари, ДТС, ўкув дастурлари ва бошлангич синф дарслклари, ўкув методик кўлланмалар мазмуни орасидаги ўзаро узвийлик;

инновацион фаолият субъектининг компетентлиги ва фаоллиги;
инновацион фаолият субъектининг тайёргарлик даражаси;
фаолиятга акмеология ёндашув (акме – туллаган давр, олий нүкта);
креатив ёндашув (кремативлик шахснинг ижодкорлик, тадқиқотчилик ва ностандарт тафаккур кўнікмалари);
мазкур ёндашув натижаларининг сифати ва ўкувчиларнинг билимдонлик даражасига кўрсатадиган тасьири;
рефлексив ёндашувга боғлик бўлади.

Таълимда сифат менежменти тизими куйидаги тамойилларга асосланади:
таълимда бўлган талабларни илмий-техник тараққиёт ютуклари ва халқаро стандартларни хисобга олган холда англаш;

истеъмолчига мўлжал олиш, меҳнат бозоридаги кескин рақобат менежмент тизимидан сафарбарлик ва динамикликни тараб этади;
мониторинг натижаларини хисобга олган холда ўкув жараёнини доимий такомилаштириб бориш.

Республикамиз нодавлат таълим муассасаларида сифат менежменти тизими масалаларига бўлган қизиқишларни куйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

Нодавлат таълим муассасаларида таълим сифати соҳасидаги долзарб тушунчалар доирасига куйидагилар киради:

нодавлат таълим муассасаларида таълим сифати.

мутахассисларнинг компитентлиги тайёргарлик даражаси.

инновацион таълим жараёнини ташкил этиш муаммолари.

нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини тизимли тадқиқ этиш.

нодавлат таълим муассасаларида таълим сифати нормалари.

нодавлат таълим муассасаларида таълим сифати мезонлари.

нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш.

нодавлат таълим муассасаларида таълим сифати мониторинги.

нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш.

нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш.

Шуни алоҳида эътироф этиб ўтиш жоизки, нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини мониторинг килиш, бошқаришининг моделлаштиришининг асосий элементи, яъни таълим сифати мақсадларни аниқ ифодалашдан иборат бўлиб, у кўп жиҳатдан таълим жараёни фаолиятининг муваффакиятларини белгилаб беради.

Педагогик адабиётлар таҳлили таълим сифати “Quality of Education” - таълимнинг (натижага сифатидаги, жараён сифатидаги, таълим тизими сифатидаги) белгиланган эҳтиёжлар, қадриятлар ва мөъёrlар (стандартлар)га мувофиқ келишидир. У шундай тушунчаларда намоён бўлади: таълим бериш сифати (ўкув жараёни, педагогик фаолият); илмий-педагогик қадрлар сифати; таълим дастурлари сифати; маддий-техника базаси сифати; ўкувчилар, таълим олувчилар, таълимни бошқариш сифати; илмий тадқиқотлар сифати ва х.к.лар.

Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг дарсдан кейинги фаолият натижаларини мунтазам мониторинг ва таҳлил килиш, ўкувчиларнинг тўғаракларга иштироқи ва маънавий маърифий режаларининг мазмунини доимий таомиллаштириб бориш мухимдир. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг нафакат педагогик тажрибага, балки таълим методлари ва улардан фойдаланиши, сифат алгоритми ва унинг моҳияти, услублари ва уларни қўллаш каби катор тушунчаларга ҳам эга бўлиши зарур. Бунинг учун эса мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиси:

давлат таълим стандартлари ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган ўкув режалари ва дастурлари асосида таълим жараёнини ташкил этиши;

педагог ахлок-одобига қатый риоя қилиши;

дарс машғулотларини юқори савияда олиб бориш, таълим мазмунини такомилаштириш, ўқитиш воситаларини яратишида фаол қатнашиши;

таълим олувчиларнинг кадр-кимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларда меҳнатсеварлик, эзгулик, меҳр-шафқат каби фазилатларни шакллантириш, ўқувчиларни она ватангга садоқат, давлат тилига, миллӣ ва умуминсоний, тарихий ва маданий қадрияларга, ота-онага ва ўзидан катта ёшдагиларга ҳурмат, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши;

ўзининг назарий билим даражасини, педагогик маҳорати ва қасб малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш ва ўз устидаги мунтазам ишлashi;

таълим жараёни ва ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлади чиқиши;

таълим олувчиларнинг ота-оналари билан мунтазам ҳамкорликни йўлга кўйиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ўқув фаолияти сифатини таъминлашда ўқув жараёнининг илмий, аҳборот ва ўқув-услубий таъминоти алоҳида аҳамиятга эга. Таълим жараёнининг самарадорлиги эмоционал муҳитга ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, бошлангич синф ўқитувчиси дарсда ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштириш учун кизиқарли мавзуга оид материалларни соддадан мураккабга қараб, таълим жараёнининг бошқа умумидидактик принциплари (илмийлик, кўрсатмалилик, тизимлилик, мослик ва бошкалар) инкор этилмаслиги керак.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 241-сонли Карори/. Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2018 й, 24 марта

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-кувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308 сонли Фармони.

3. Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all [Word Education Forum, 19-22 may, 2015, Incheon, Republic of Korea].

4. Тургунов С.Т. Педагогика: Маъruzalар тўплами. – Наманган: НамМПИ, 1999. – 109 б.

5. Педагогик технология: муаммо ва истиқболлар (замоновий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари). Муаллифлар гуруҳи. / Т.:ОЎМКХТРМ, 300 бет.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада нодавлат таълим муассасалари фаолияти соҳасида амалга оширилаётган ривожланиш ва ўзгаришлар таълим сифатини оширишга хизмат кирадиган метод ва воситалар атрофлича ёритиб берилган. Шунингдек мақолада, таълимда сифат менежменти тизими тамойиллари, таълим дастурларини мактабгача таълимга мослиги, ўқув хоналарини замонавий аҳборот-коммуникация асбоб-ускуналари, ўқитишининг техник воситалари ва анжомлар билан жиҳозлаши масалалари илмий назарий таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье подробно описываются методы и средства, которые служат для повышения качества образования, развития и изменений в сфере негосударственных образовательных учреждений. В статье также представлен научный и теоретический анализ принципов системы менеджмента качества в образовании, пригодности образовательных программ для дошкольного образования, оснащения классных комната современным информационно-коммуникационным оборудованием, учебными пособиями и техническими средствами обучения.

SUMMARY

This article describes in detail the methods and tools that serve to improve the quality of education, development and changes in the field of non-governmental educational institutions. The article also presents a scientific and theoretical analysis of the principles of the quality management system in education, the suitability of educational programs for preschool education, equipping classrooms with modern information and communication equipment, teaching aids and technical teaching aids.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ

Ҳасанова Г. И.

Жиззах давлат педагогика институти магистри

Таняч сўзлар: техноген цивилизация, мактабгача таълим ташкилотлари, халқ оғзаки ижоди, восита, педагогик мазмун, умумбашарий бадий киймат, урф-одат, анъана ва кадрият, толериантлик, катта ва мактабга тайёрлов гурухи, тарбиячи, болалар, педагогик технология.

Ключевые слова: техногенная цивилизация, дошкольные образовательные организации, фольклор, средство, педагогические содержание, универсальная художественная ценность, традиция, обычаи и ценность, толерантность, взрослая и дошкольная группы, воспитатель, дети, педагогические технологии.

Key words: technological civilization, preschool educational organizations, folklore, means, pedagogical content, universal artistic value, tradition, customs and value, tolerance, adult and preschool groups, educator, children, pedagogical technologies.

Жаҳонда ҳар бир мамлакатнинг, миллӣй, умумбашарий бадий кийматлари бирлигидан иборат маълум халқ, жамият, тарихий даврга хос маънавий-маърифий талабларга жавоб берадиган урф-одат анъана ва қадриятлари мавжуд бўлиб, бу қадриятлар авлоддан авлодга ўтиб жамият тараққиёти учун хизмат қиласди. Халқ оғзаки ижоди инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида эътироф килингани мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг бадий кизиқиши ва қобилиятини рӯёбга чиқариш учун катта аҳамият касб этади, шу боис глобаллашув ва техноген цивилизация шароитида мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг маънавий-ахлоқий маданиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё миқёсида таълим, фан, маданият ва аҳборот соҳасидаги минтақавий, субминтақавий ҳамкорликни юксалтириш масалаларнинг юзага келиши туфайли жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва баркарор ривожлантиришга донор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, замонавий педагогик технологияларга таяниб, халқ оғзаки ижоди намуналари ривожини фан ва технология ютуқлари билан ҳамоҳанг тарзда илмий таҳлил қилиш, болаларнинг ижодкорлигини ривожлантириш, стратегик режалаштириш билан боғлиқ кўнникма-малакаларини мактабгача таълим ташкилотларида халқ оғзаки ижоди воситаларидан фойдаланишинг педагогик мазмунини ишлаб чиқиш орқали бадий адабиёт ва тарбия интеграцияси асосида маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Юқоридаги ғояларга таяниб, фикримизча мактабгача таълим ташкилотларида халқ оғзаки ижоди воситаларидан фойдаланишинг педагогик мазмунини ишлаб чиқиш, ўзбек ҳалқининг маданий меросини ўрганишда ва ривожлантиришда миллӣ ўзига хослиги, маънавий хусусиятлари хисобга олиниб, халқ педагогика анъанала-рига сунянган ҳолда иш кўрилиши муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Айтиш ўринлики бугунги техноген цивилизация болалар тарбиясига бевосита таъсир этиб, тажриба ва кузатувлармиз жараённида гувоҳи бўлганимиздек, хатто ёш оналаримиз “мобиль алоқа воситалари орқали мурғаккина гўдакларга миллӣ қадрияларимиздан бири саналган алла тинглатишашпти” (Муаллиф фикри). Бу эса, ҳалк педагогикасининг бола тарбиясидаги бой тажрибалари ҳётга тўла тадбиқ этилмаганлиги, буюк алломаларнинг педагогик қарашлари, шаркона урф-одатлар, бой анъаналари ҳётга жорий этилмаганлиги тарбия борасида бир қанча қусурларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Буюк аллома ва адилларимиз, азизавлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини болалик давридан бошлаб ёшлар онгига сингдириш, уларда миллӣ гурур ва ифтихор туйгуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қартишимиз керак.

Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу акл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!” Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳётий эҳтиёжга айланиши керак.

Таълим ташкилотларида мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний, ақлий, ижтиёмий хиссий жиҳатдан камол топтириши ва уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, болаларни эркин фикрлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш, аҳлоқий ва мазнавий жиҳатдан баркамол қилиб мактаб таълимига тайёрлаш – мактабгача таълим ташкилоти педагогларининг маҳорати, билими ва тажрибасига боғлик. Бунинг учун ҳар бир педагог ҳодим тинимиз изланиши ва ўрганиши лозим.

Мактабгача таълим ташкилотида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш тарбиячидан тегишли тайёргарликни талаб этадиган анча мураккаб иштир, тарбиячи болаларнинг психология-физиология ривожланиши даражасини, “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари”ни, ҳамда у асосида яратилган “Илк қадам” мактабгача таълим ташкилотсининг давлат ўкув дастурини яхши билиши керак.

Педагогик адабиётлар таҳлилидан биламизки, ҳалқимизнинг кўп асрли қадрияларини, улкан ва бой маданий меросини чукур билмасдан, миллӣ ўзликни англаш, миллӣ гурур туйғусини қарор топтириши мумкин эмас. Мактабгача таълим давридан бошлаб болаларимизга ўзбек ҳалқи томонидан яратилган катта маданий мерос, бойликлар ёшлар тарбиясида мухим восита бўлиб хизмат қиласи. Исмоил-ал Бухорий, ал-Хоразмий, Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Сайдий Шерозий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Фаридиддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа буюк мутафаккирларнинг асарлари орқали болалар гўзал ахлоқ, баҳт, инсоф, поклик, иффат, сабр-матонат, меҳр-шафқат, сиҳат-саломатлик, ота-онани ҳурмат қилиш қоидалари ҳакида кенг тасаввурга эга бўладилар. Инсонийлик ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш, дўстлик, ота-онага садокатлик, меҳнатсеварлик, диннатлилик каби фазилатларни камраб олади. Ота-боболаримиз болаларда ёшлиқдан ана шу гўзал фазилатларни қарор топтиришга аҳамият берганлар.

Мактабгача таълим ёшидаги бола ўқишини, тарбия олишини истайди, улгайиб жамията ҳётиди фаол иштирок этишини ҳоҳлади. Педагог уни қай усулда, қандай муносабатлар шароитида, қандай педагогик жараённида тарбиялаши лозимлиги билиши керак. Шу билан биргага бола ўзини ўзгартиришда фаол иштирокчи эканлигини ҳам унумаслиги лозим. Болалар яқин кишиларининг (ота-онаси, яқин кариндошлари, тарбиячиларининг) муносабатларини яхши билса бу унга ишда ёрдам берса, шундагина бола педагогик таъсир ўтказишга очиқ ва мойил бўлади. Ўқитувчи-

дўст, мураббий, ўйл бошловчи бўлгандағина болаларлар ўзларининг ички оламларини очиб кўрсатадилар.

Юкорида айтганимиздек, тарбия-тарбиячи ва тарбияланувчи фаолиятларини ўз ичига олган икки ёқлама жараён. Тарбиячилар - билим ва тарбияга эга бўлган кишилар, тарбияланувчилар - билим ва тажриба ўрганувчи ёш авлоддир. Аммо тарбияланувчилар муайян даражада актив фаолият кўрсатмасалар тажриба ва билим ўргана олмайдилар.

Демак, тарбия усули - тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият ва ўзаро таъсир кўрсатиш усуслариридир. Илмий адабиётларда тарбия усусларини тарбия методлари деб ҳам ишлатилиди.

“Метод” сўзи грекчадан олинган бўлиб, ўйл, усул маъносини билдиради.

Халқ педагогикасида кўпланилган жуда хилма-хил тарбия усусларини куйидаги тарзда умумлаштириш мумкин.

1. Тушунтириш (ўргатиш, одатлантириш, машқ қилдириш).
2. Намуна (маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшиликлар ҳакида сўзлаш, ўрнак бўлиш).
3. Насихат бериш, ўғит (ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, ёлвориш, тилак-истак билдириш, маъкуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ ўйл тилаш ва ҳоказолар).
4. Қоралаш ва жазо. (таъқидаш, тайна, гина, танбех бериш, мажбур қилиш, койиш, айблаш, уялтириш, кўркитиш, нафратланиш, онт-касам ичириш, уриш, калтаклаш ва ҳоказолар.)

Тарбия усусларини ўрганиш, таҳлил қилиш, бу усуслардан педагогик жараёндан фойдаланиш, қўнимка ва малакаларни эгаллашни осонлаштириш учун уларни шартли равишда бир неча гурӯхга бўлиб оламиз:

Суҳбат ва хикоя. Болалар шахсини foявий ва ахлоқий шакллантиришда тарбиячиларининг жонли сўзи энг таъсирли усул хисобланади. Суҳбат учун мавзу танлашда унинг мазкур гурӯх учун долзарблиги, болаларда ахлоқий ишонч ўйғотишнинг суҳбат мазмунига бўлган муносабатларини ва суҳбатдан кутилаётган натижани хисобга олиш лозим.

Хикоя. Болалар одатда ҳаётдан ва бадиий адабиётдан олинган аниқ мисоллар билан тўйлик хикояларни қизиқиб тинглайдилар. Суҳбат ҳам, хикоя ҳам тарбияланувчиларнинг ёшига мос мавзуларда, улар тушунадиган сўзлар орқали ўзбек тилида ўтказилиши керак. Энг яхшиси, суҳбат ва хикоя мавзусини болаларнинг ўзлари танласин, бундука суҳбатнинг завқи – шундан таъминланади, болалар мавзуга бефарқ қарамайдилар.

Намуна. Болалар ўз атрофидаги кишиларда ҳамма яхши ахлоқий сифатларни кўришлари ва намуна олишлари ниҳоятда муҳимdir.

Тарбиячининг шахсан ўзи намуна бўлиши, айниқса ёшларга катта таъсир кўрсатади.

Намунадан халқ педагогикасида ҳам кенг фойдаланилган. Ота – боболаримиз ўз фарзандларини ҳамиша яхшилардан, донолардан, улуғ кишилардан ибрат олишга давват килиб келганлар. Масалан: “Куш уясида кўрганини қиласди”. Жуда оддий жўнгина хуласа.

Топширик. Болаларнинг меҳнат топширикларини жамоа бўлиб бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Болалар ўз кучларини умум ишига сарфлашга, жамоа учун масъулиятни хис этишга ўрганадилар. Мехнат қилиш болани характеристини шакллантиради, мустаҳкамлайди.

Юкорида билдирилган фикрларга таяниб айтиш мумкинки, мактабгача таълим ташкилотларида халқ оғзаки ижоди воситаларидан фойдаланишининг педагогик мазмунини нутг ўстириш, бадиий адабиёт машгулотларида илк ёшдан бошлаб буюк маърифатпарвар алломаларимизнинг ўзмас хазинаси намуналаридан таништириб бориш

муҳим педагогик аҳамият қасб этади. Маърифатпарварларнинг мактабгача таълим ислоҳоти соҳасида илгари сурған фоялари, асосан, куйидагилардан иборат:

- мактабгача таълим самарадорлигини таъминлаш учун саводга ўргатиш усулини ўзгариши;
- ўқитишида кўргазмалиликка эътибор бериш;
- мактабгача таълим ташкилотларининг муайян дидактик курилишга эга бўлган, таълим амалиётига яроқли, бадий адабиёт ва нутқ ўстириш машғулотларидаги ўқитиши методикаси билан таъминлаш;
- таълим ислоҳоти фояларини тарғиб қилишда матбуотдан унумли фойдаланиш;
- таълим тизимида ўзгаришларни амалга оширишда жаҳондаги илгор тажрибалардан фойдаланиши.

Масалан, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида маҳсус равишида бағрикенглиқ тамойилларига, айникса, жамиятда унинг аъзолари ўртасидаги тенглик ва ўзаро ҳамжиҳатлилик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Форобий фикрига кўра, “Маълум ҳалқ ва бутун инсоният тўплаб келган маънавий-миллий мероси, “руҳлари”, яъни шахсларнинг маънавияти, онги милллийлашиб, бир-бири билан кўшилиб боради”.

Берунийнинг “Қадимги ҳалклардан қолган ёдгорликлар” асарида таъкидланишича, бошқа ҳалқ, миллатлар қадрини билмаган одам ўз ҳалқи, миллатининг ҳам қадрига етмайди. Олимнинг мазкур фикри бутун ҳам ўз долзарблиги йўқотмаган бўлиб, толерантлик таркибида миллатлараро, ҳалклараро муносабатларни тартибига солувчи конуният сифатида амал килади.

Бугунги кундуда ислом дини қадриятларидан манфаатли фойдаланган ҳолда демократик давлат қуришни танлаган жамиятларда илк ёшдан бошлаб болаларда толерантлик тафаккурини шакллантиришдаги тарбия тамойиллари ва омилларини куйидагилардан иборат қилиб белгилаш мумкин:

- дунёвий давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни цивилизация талаблари асосида тушунтириш;
- дин замонавий фуқаролик жамиятининг тўла ҳукукли таркибий қисми эканлигини англатиш;
- соғ диний, хусусан, исломий билимлар, уларни тарихийлик, қиёсийлик ва танқидийлик асосида шарҳлашга ўргатиш;
- динлар тарихини тўғри ва илмий ривожлантириш;
- ислом дини таркибидаги толерантлик тафаккурининг эволюцион тараққиётини амалий ва назарий билимлар мажмуюи сифатида сингдириш;
- маънавий билимлар мажмуюи сирасида диний-ахлоқий билим, қўнимка ва нормаларнинг ўрнини тўғри баҳолашга ўргатиш.

Мактабгача таълим ташкилотларида ҳалқ оғзаки ижоди воситаларидан фойдаланишининг педагогик мазмунини замонавий педагогик технологиялардан машғулот мавзуси ва болаларнинг ўш хусусиятларидан келиб чиқиб фойдаланишини тақозо этади. Куйида биз “Муаммоли вазият” методини ўтказиш методини намуна сифатида келтирамиз.

“Муаммоли вазият” методи

Таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил килиш ҳамда уларнинг ечимини топиши бўйича қўйикмаларини шакллантиришга қаратилган метод. “Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда, ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишилари сўнишишга, ўзларига бўлган ишончларининг

йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи кўлланилганда таълим олувчилар мустакил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳжил килишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Куйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси

Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятнинг танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласди.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топширикнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таниширади.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гурӯҳларга ажратади.

4. Кичик гурӯҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва хар бир гурӯх тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласдилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласдилар, уларни таҳжил қиласдилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гурӯҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласдилар ва ўз варианatlарини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гурӯх таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул варианatlарини ташлаб олади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Халқ мероси, 1993. Б. 224.
3. Абдуллахонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т.: Академия, 2000. – 98 б.
4. С. Тургунов. Педагогика (маъruzalар матни). – НамМПИ ўқув- методик қенгаши нашри. Наманган – 1999. – 140 б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада, мактабгача таълим ташкилотларида халқ оғзаки ижоди воситаларидан фойдаланишининг педагогик мазмуни, усул ва шакллари педагогик жиҳатдан илмий ёритиб берилган. Шунингдек мақолада халқ оғзаки ижоди воситаларидан фойдаланишда буюк алломатаримиз илмий меросидан фойдаланиш мазмун моҳияти педагогик жиҳатдан талқин қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье научно освещается педагогическое содержание, методы и формы использования фольклора в дошкольном образовании. В статье также педагогически анализируется сущность использования научного наследия наших великих ученых в использовании фольклора.

SUMMARY

This article scientifically highlights the pedagogical content, methods and forms of using folklore in preschool education. The article also pedagogically analyzes the essence of using the scientific heritage of our great scientists in the use of folklore.



ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

ҮҚУВЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТҮГАРАК МАШГУЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Хамроев С. С.

Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси

Таянч сўзлар: жисмоний тарбия, маънавий баркамоллик, тўгарак машгулоти, ирода, чидам, чиникиш.

Ключевые слова: физическое воспитание, духовная зрелость, хобби-группы, сила воли, выносливость, закаливание.

Key words: physical education, spiritual maturity, hobby groups, willpower, endurance, hardening.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ижроси билан боғлиқ мамлакат ахолисининг барча қатламлари, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига эга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, мардлик, ватанпарварлик, она юрга садоқат туйгуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасида иктидорли спортчиларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш, умуман, жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгандилиги қувонарли ҳол, албатта.

Мамлакатимизнинг турли худудларида жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт иншотлари барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт ўйинларининг тизими ташкил этиб борилётгани ўз самарасини бера бошлади – Ўзбекистон вакилларининг Олимпия ўйинлари, Жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари ҳамда халкаро мусобақаларда кўллари баланд кела бошлади.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожатномасида: “Спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рафбатлантириш ва кўллаб-куватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият берамиз. Ёш авлодимиз ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида энг чекка туманларда болалар ва ўсмиirlар спорт мактабларини ташкил этамиз”, – дейа алоҳида тўхталишлари бу борадаги ислоҳотларнинг янада жадал ривожланишига туртиқ бўлди.

Бу ўкув масканлари ва маҳаллалар қошида турли спорт тўгараклари фаолиятларининг йўлга кўйилиши, спорт майдончалари ва мажмуналарининг барпо этилишида

яққол намоён бўлмоқда. Буларнинг барчаси юртимиздаги ёшларнинг спорт билан шугулланиши, уларнинг жисмонан бакувват бўлишлари, шу тариқа соғлом турмуш тарзини ўз ҳаётларининг маъно-мазмунига айланишида ўз аксини топаётганидан дарак беради.

Зеро, спорт инсоннинг интеллектуал камолотга етишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Спорт билан мунтазам шугулланувчининг жисмигина эмас, фикру-ҳаёли, тафаккури ҳам янгиланади. Шунинг учун ҳам ўқувчи-ёшларни факат дарс жараёнидаги эмас, дарсдан ташкари вактларидаги ҳам спорт тўгаракларига жалб этиш орқали жимоний чиниқтириш лозим.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, спортга қизиқишларини ортириш, уларни чаққонликка, ўз олдиларига кўйган мақсадларига эришишга, бирбирлари билан ҳамжихат ва дўстона муносабатда бўлишга, шунингдек, кўл тўпи бўйича бўлаjak спорчани тайёрлаш мақсадида тўгараклар ташкил килинади.

Жисмоний тарбиядаги синфдан ташкари ишларнинг асосий ташкилий шаклларидан бири жисмоний тарбия тўгарагидир. Тўгаракнинг ҳамма ишлари ўқувчилар ташкилоти билан биргаликда тасдиқланган режа асосида олиб борилади. Ҳар бир синфда бадантарбия ташкилотчиси сайланиб, у ўқувчиларни жисмоний тарбия тўгарагининг тадбирларидаги қатнашишга жалб этади. Умумтаълим мактаблардаги шароит ва шугулланувчиларнинг миқдорига қараб тўгаракни ташкил килиш шаклларидан бири танланади. Тўгаракни ташкил килиш ҳар бир синф учун алоҳида ёки ўқув материалыни ўзлаштиришда орқада қолаётган барча мактаб ўқувчилари учун алоҳида бўлади. Тўгарак ичida 20-30 кишидан иборат бўлган ўқув гурухлари ажратишлади. Машғулот хафтасига уч марта 60-90 дақиқадан ўтказиш керак.

Ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ҳамда жисмоний тайёргарлигини ва ёш, жинс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар мактаблардаги ва маҳсус спорт муассасаларидаги жисмоний тайёргарлик ва спорт тўгаракларига жалб этилади. Спорт машғулотларини тўғри ташкил этиш ва бошқаришда, болаларни спорт турлари билан шугулланишида организми ривожланишининг ҳамда спорт натижаларини кўрсатишни ижобий натижаларига эришиш мумкин.

Умумий жисмоний тайёргарлик тўгараклари ўқувчиларни жисмоний ривожлантиришни таъминлаб тўгарак машғулотлари иш фаолияти, ийл давомига қўйидагича режалаштириш мумкин. Кузда-харакатли ва спорт ўйинлари, енгил атлетика, кишида-кишки спорт турлари, гимнастика, кураш машғулотлари, баҳорда- кросс тайёргарлиги, спорт ўйинлари, ёзда-сузиши машғулотлари ўтказилади. Умумжисмоний тайёргарлик машғулотлари жисмоний тарбия асосида ташкил этилади. Мусобакалар ва спорт байрамларидаги ўқувчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги назорат қилиб борилади. Тўгарак аъзолари 15-20 кишидан иборат бўлиши мумкин. Гурухлар ёши, жинси ва жисмоний тайёргарлиги бир хил дараҷадаги ўқувчилардан сараланади. Тўгарак машғулотлари хафтасига бир ёки икки марта ўтказилади. Ҳар бир машғулот 60 минут атрофида бўлиши мумкин. Жисмоний тайёргарлик гурухларига гурух сардорлари тайинланиб улар тарбиячиларга ёрдам берадилар.

Мактабда спорт турлари бўйича тўгараклар ҳам фаолият кўрсатиб, бу тўгаракларга жисмоний тайёргарликка эга, шахсий қизиқишлари ва жисмоний қобилиятли бўлган ўқувчилар жалб этилади. Спорт тўгараклари мактаб жисмоний тарбия дастури асосида иш олиб боради. Спорччи ўқувчиларни жисмоний тайёргарлиги гурух машғулотлари ва спорт мусобакалари, байрамларда назорат қилиб турилади. Тўгарак машғулотлари хафтасига 3- 4 маротаба ташкил этилиб, 60-90 минут давомида ўтказилади. Спорт тури бўйича зарурий жиҳозлар ва мутахассис тарбиячиларнинг мавжудлиги ҳамда машғулот ўтиш жойлари талабга жавоб бериши мактаб шароитида ҳам малакали спортчилар тайёрлаш имконини беради.

Ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланишга жалб этиш, спорт турлари бўйича истеъоддли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини ошириш, кадрлар тайёрлаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, моддий-техник базаларни мустаҳкамлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Жисмоний тарбия жараёнида ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбия вазифаларини ҳал этиш учун жуда катта имкониятлар бор. Бу вазифаларни ҳал этиш шахсн ҳар тарафлама камол топтириш омили сифатида жисмоний тарбиянинг ролини кенгайтириб, бевосита жисмоний тарбиянинг ўз муваффақиятини таъминлайди. Маънавий ва жисмонан ҳар томонлама камол топган кишиларгина такомиллашган жамият қурувчилари бўлиши мумкин. Баркамол инсонни тарбиялаш жисмоний тарбия тўғри ташкил этилган шароитда амалга ошади. Ҳар томонлама ривожланган шахс бўлиб, этишиш биологик ҳамда ижтимоий қонуниятлар талабидир. Инсоннинг жисмоний барқамоллиги унинг руҳий камолоти билан узвий боғлиқдир. Одамнинг руҳий дунёси ташкил таъсирлар, ижтимоий муҳит ҳамда инсоннинг атрофидаги шароитларни ўзgartирishiшга қаратилган ҳаракати туфайли шаклланади. Кўриниб турибдики, жисмоний тарбия жараёни шартли рефлексларни шаклланishi ва боғланиши учун физиологик пойдевордир.

Инсоннинг жисмоний тарбия ва спортига ютуклари, рекордлари, олий даражадаги ҳаракат ва кўнкимлари шаклланиси спортичининг ақлий, ахлоқий, маънавий эстетик ва гоявий-сийёсий шаклланиси билан узвий боғлиқ бўлганда қадр-кимматга эга бўлади. ижтимоий фаолият ихтисослашган кўринишда бўлиб, ишлаб чиқариш ва ҳарбий жисмоний тайёргарликка боғлиқдир, яъни ихтисослашувнинг муваффақияти таълим ва жисмоний тайёргарлик асосида яратилади. Ҳар томонлама умумий жисмоний тайёргарликкисон камолотининг асосий қонуниятларидандир. Жисмоний фазилатларнинг такомиллашви олий даражадаги ҳаракат малака ва кўнкимларини шаклланганлиги маҳсус жисмоний ва спорт тайёргарлигини амала ошириш имкониятини беради. Спорта рекордлар кетидан кувшиш ёки шуҳратпарастлик хислати жисмоний тарбия ва спортининг шахсни ҳар томонлама ривожлантириш тамойилини бузади, ва натижада жамият учун хос бўлмаган ахлоқиз спортилар шаклланади.

Спорт тўғараги - ўқувчilarни мунтазам равишда спорт билан шугулланишига жалб қиласи, уларни “Алпомиш” ва “Барчиной” назорат мөъёларини топширишга, спорт разрядларини бажаришга тайёрлайди, организмни чиникиришга, жисмоний тўғри ривожланисига кўмаклашади.

Ёш авлодни Ватанимиз шаънини химоя килиш, интизомли ва ботир бўлишида, шунингдек, чидам, ирода каби сифатларини тарбиялашда жисмоний машқларнинг ўрни катта.

Тўғаракни ташкил килувчи ҳар бир мураббий ўқувчilarнинг интизоми, машгулотларни қайдарада ўзлаштираётганини кузатиб бориши, зарурият туғилганда синф раҳбари ҳамда ота-оналари билан учрашиб, сухбатлашиб турishi муҳим.

Таъкидлаш жоизки, ота-оналар фарзандлари учун спорт тўғараги танлаётганларида ўзларининг ушалмай қолган орзулиридан келиб чиқкан ҳолда эмас, балки фарзандларининг кизиқишилари ва лаёкатларидан келиб чиқишилари мақсадга мувофиқ бўлади.

Футбол, волейбол, баскетбол каби жамоавий спорт турлари бошқалар билан тез мuloқотга кириша оладиган болаларга мос келади. Агар бола аксинча одамовироқ бўлса, унда бу каби спорт турлари унга бошқалар билан мумомалा қилиш укувини ривожлантиради. Жамоавий спорт тури билан шугулланиш болалардан ҳаракатчанликни ва мулокотни талаб этади.

Сузиш деярли барча болаларга тўғри келади. Кўпчилик ота-оналар фарзандларини спортининг айнан мана шу турига беришни маъқул кўрадилар, чунки сузиш иммунитетни мустаҳкамлаб, мускулларни ривожлантиради. Сузиш айниқса ортиқча вазн, қандли диабет ва сколиоз касалликлари билан курашаётган болаларга жуда фойдали.

Гимнастика спорт тури сифатида қызлар ўртасида жуда машхур. Гимнастика қоматни түгри тутишга ўргатади. Гимнастика бошқа спорт турлари билан шуғулланишга яхши пойдевор бўла олади.

Жанг санъати (самбо, каратэ, бокс) нафақат ўғил болалар, балки киз болалар ўртасида ҳам жуда оммабоп. Бу каби спорт турлари ўзини химоя кила олиш учун ҳеч қачон ортичалик килмайди. Жанг санъати билан шуғулланиш нафақат жисмоний, балки маънавий комилликка ҳам кўмаклашади.

Ракс спорт тури сифатида нафақат қизларга, балки ўғил болаларга ҳам тўгри келади. Бу спорт ракслари, замонавий ракс ёки аэробика бўлиши мумкин. Ракс билан шуғулланиш ҳам қоматни тўгри тутиш, координация ва тартибли бўлишга ўргатади. Нима бўлганда ҳам ракс гўзалликка чорлайди.

Катта теннис бугунги кунда урфга кирган спорт турларидан хисобланади. Бу спорт тури билан шуғулланиш реакцияни тезлаштиришга ва эпчиликка ўргатади. Катта теннис координация ва нафас олиши тизими фаолиятини яхшилашга кўмаклашади.

От миниш спорти 10 ёшдан катта болалар учун мос келади. Бу спорт тури психикаси ўзгарувчан бўлган болаларга тавсия қилинади. Шунингдек шифокорлар болалар церебрал шоллиги билан азоб чекаётган болалар учун ҳам айнан шу спорт турини маслаҳат берадилар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, спортнинг барча тури фойдали. Асосийси ўқувчи шуғулланаётган спорт турини севсин ва ўз хоҳиши билан машқ қилсин. Болани ўзи истамаган спорт тури билан шуғулланишга мажбурлаш нотўри. Ота-оналар болани бирон бирор спорт турига беришдан олдин мураббий билан синов машғулот ҳақида келишиб олиши лозим. Агар фарзанд синов машғулотидан яхши кайфиятда ва шу спорт тури билан шуғулланишга ишонч билан чиқса, унда машғулотларни давом эттириш мумкин.

Шунингдек, боланинг ёшига мос тарзда спорт турининг танланиши ҳам, уларни келажакда жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамоллигини кафолатлади.

Масалан, қайси спорт тўғрагига неча ёшдан бориши мумкин, деган саволга қўйидагича тавсияларни берамиз: 3 ёш гимнастика, сузиш; 4-5 ёш каратэ, ушу, ракс, бадий гимнастика, теннис; 6-7 ёш акробатика, футбол; 8-9 ёш баскетбол, велоспорт, волейбол, биатлон; 10-12 ёш қиличбозлик, енгил атлетика, от спорти, бокс билан шуғулланиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Шарипова Д.Д. Формирование здорового образа жизни. Ташкент. 2001г.
2. Жисмоний тарбия назарияси ва услуби. А.Абдулаев, Ш.Хонкедиев. Тошкент.2005
3. Узлуксиз таълимда оммавий спорт-согломлаштириш ишларини самарали бошқариш. Ахматов М. С.Тошкент. 2005
4. Жисмоний тарбиядан синфдан ташкари ишлар дастури. Тошкент.2005.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини ривожлантирища тўғарак машғулотларини ўрни хусусида фикр юритилган. Шунингдек, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда, уларни спорт тўғаракларига жалб килиш хусусида тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль клубной деятельности в развитии физической культуры учеников. Также приводятся рекомендации о том, как заниматься спортом студентов с учетом их возраста.

SUMMARY

The article discusses the role of club activities in the development of students' physical culture. It also provides recommendations on how to engage in sports students, taking into account their age.

ТАЛАБА ЁШЛАР ЎРТАСИДА СПОРТ ВА ЭКСКУРСИЯ ТУРИЗМИ ҮЙГУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ

Маъмуроў Б.Б.

Бухоро давлат университети. П. Ф. Д., доцент

Таянч сўзлар: жисмоний тарбия, спорт, оммалаштириш, ёшлар, тарбия, соғлом турмуш тарзи, инфратузилма, халқаро спорт майдонлари, ёшлар, туризм, мадният.

Ключевые слова: физическое воспитание, спорт, популяризация, молодежь, образование, здоровый образ жизни, инфраструктура, международные спортивные площадки, молодежь, туризм, культура.

Key words: physical education, sports, popularization, youth, education, healthy lifestyle, infrastructure, international sports grounds, youth, tourism, culture.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниска, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносаб иштирок этишини таъминлаши борасида изчилиб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишида катор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг мавжудлиги мазкур фармонда алоҳида эътироф этиб ўтилган. Ҳусусан: жойларда жисмоний тарбия ва спорт бошқарувининг самарали яхлит тизими мавжуд эмаслиги, мамлакатимизда ҳам оммавий спорт, ҳам олий спорт ютуқлари соҳасида аниқ вазифалар ва мақсадли кўрсаткичларни белгилаган ҳолда, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириши концепцияси ишлаб чиқилемаганлиги, жойларда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоғ тизими мавжуд эмаслиги, терма жамоалар таркибини сифатли тўлдириш учун спорт захиасини шакллантириш ва юкори малакали спортчиларни тайёрлашни таъминлашга тўқсиналик қилаётгани, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини кўйлаб-қувватлашнинг факат алоҳида спорт турларини ривожлантиришга йўналтирилган, ноокилона тизими бошқа оммавий олимпия спорт турларини ривожлантириш вазифалари белгилаб берилган.

Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида, ҳусусан, спорт соҳасида ҳам кескин ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Айниска, юртбошимиз томонидан спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият каратегиди. Бу бекиз эмас, албатта. Спорт - соғлом мухитни яратишда, баркамол шахс, ёш авлодни ҳар томонлама жисмонан, руҳан ва маънан камол топтиришида ҳал қилувчи кучга эга. Сабаби, биз тараққиёт сари бораётган эканмиз, ҳали ўйлимизда ечилиши керак бўлган турли психологик ва ижтимоий-психологик муаммолар талайгина. Масалан, шу кунларда ҳаёт талаби ва тарбия услублари ўртасида қандайдир заифлиқ, психологик бўшлиқ мавжуд. Бинобарин, мана шу бўшлиқни тўлдириш учун халқимизнинг бебаҳо анъаналари, менталитети, этнопсихологияси, ноёб кадрияларидан ҳисобланмиш спорт туризми соҳасини ривожлантириш мухим педагогик аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳар бир худуднинг анъанавий миллий, тарихий туризм маданияти ҳусусиятларидан келиб чиқиб, ёшлар туризми, волонтерлик туризми, велотуризм, таълим туризми, билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларни зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, ишбилармонлик туризмини жадал ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Шунингдек, спорт туризмни ривожлантириш орқали, ёшлар онгига миллий спорт турларини, бадиий анъаналарини тарғиб қилиш, тарихийлик тамойилига кўра глобаллашув ва техноген цивилизация шароитида талаба ёшлар ўртасида спорт ва экскурсия туризми

уйгунлигини таъминлашнинг педагогик мазмуни ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида“ги ПҚ-3510-сон Қарорида “Туризм хариталари, рисолалар ва китоблар, интернет видиороликлари тайёрлаш” каби долзарб вазифалар белгиланган. Бугунги кунда амалга оширилаётган чора-тадбирлар категорида, спорт ва экскурсия туризми уйгунлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш зарурати юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 14 августдаги 3907-сонли қарорида ёшларнинг бўш вактини мазмунли ташкил этиш, туризм ва спорт билан шугулланиш соҳасидаги манфаатларини рўёбга чиқаришлари учун мавжуд имкониятлар яратиш, оммавий аҳборот воситалари, кино, театр ва мусика санъатида ёшлар ўртасида халқимиз маънавиятини, миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишга, бугунги ислоҳотларнинг моҳиятини ёритишга қаратилган тизимли ишларни ташкил этишга нисбатан куйилган вазифаларнинг бажарилишида алоҳида аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратиш лозимлигини белгилайди.

Тажриба ва кузатувларимиз жараёнда спорт туризмини ривожлантириш масалалари бугунги кун талаби даражасида эмаслигини қайд этган холда туризм тизимини ривожлантириш бўйича мактабларда “Ёш спортчи саёҳатчилар” тўғари ташкил этилса деган хуосага келдик ва тажриба синов ишлари жараёнда мазкур тўғарак фаолиятини йўлга кўйишга эришдик. Мазкур тўғаракларда қуидаги вазифаларини ижросини таъминлаш зарурияти тадқиқот доирасида ўрганиш имкониятини яратди.

“Ёш спортчи саёҳатчилар” тўғари фаолияти доирасида талаба ёшларнинг спортга бўлган қизиқишлигини тарбиялашда:

- туризм фаолияти соҳасидаги норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш, туризмни ривожлантириш учун кулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро месъёр ва стандартларни имплементация қилиш;
- ёшлар туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва кулай туризм мухитини яратиш;
- “Таълим муассасаси– маҳалла- оила” жамоат кенгаши ҳамкорлигини кучайтириш орқали спорт туризмини ривожлантириш;
- Она ўлка тарихи, археологик ва маданий меросни чукурлаштирилган холда ўрганиш, мамлакатнинг табиий бойликлари билан танишиш, экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги билимлар асосини эгаллашга йўналтирилган ўзаро ҳамкорликни йўлга кўйиш;
- ҳудудий миқёсда ички туризмни тарғиб қилиш бўйича “Спорт усталари билан учрашувлар” ўтказиши;
- Шарқ мутафаккирлари спорт ва миллий кураш тарбияси борасида тўплланган тарихий тажрибани илмий-назарий ўрганиш, хуоса ва тавсияларни амалиётта татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш мухим аҳамиятга эгадир.

Фикримиз исботи сифатида айтиш ўринники, Президент Ш.Мирзиёев Олий мажлисга Мурожаатномасида алоҳида ургу бериб таъкидлаб ўтганларидек “2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида, маърифат машъъласини баланд кўтариб чиқкан улуф аллома ва жамоат арабоби Махмудхўжка Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади”. Айнан маърифатпарвар боболаримиз меросини чукур ўрганиш, маънавий ҳазина, бебаҳо бойликни фаол тарғиб этиб, ёшларимиз қалбига сингдиш орқали биз, жаҳонда шиддат билан ўзгараётган нотинч ва мураккаб вазият, турли мажаролар жонажон Ватанимиз хавфзислигини, эл-юртимизнинг осойишта

ҳаётини таъминлаш, ҳамда мавжуд таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр келажак авлодни тарбиялашга эришган бўламиз.

Тадқиқотлар давомида, талаба ёшларнинг спорт ва экскурсия туризми уйғунлигини таъминлаш, миллий спорт турларига бўлган қизиқишиларини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш максадга мувофиқдир. Булар:

- республикага ёш туристлар оқимини таъминловчи, улар учун имтиёзлар қўйлашнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- маҳаллий ва хорижий талаба ёшларни таътил вактларини мазмунли ўтказишлари, уларни ўқишдан бўш вактларидан республиканинг турли ҳудудларига спорт мусобакаларини сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши;
- ёшлар спорт туризми бўйича мусобакалар ҳамда спорт-соғломлаштириши дастурларини ўз ичига олган “event” туризмни ривожлантириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ҳамда мазкур йўналишда инфратузилмани ривожлантириш шу жумладан:
- миллий спорт турларини (этноспорт), шу жумладан белбоғли кураш, кўпкари, баҳодирлар ўйини ва бошқа спорт турлари бўйича турларни ташкил қилиш, миллий спорт турларини кенг тарғиб қилиш, ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган дастурларни шакллантириш;
- ёшлар учун “event” туризми соҳасидаги инфраструктура, хусусан, замон талаблари ва ҳалқаро стандартларга тўлиқ мос келувчи маданий кўнгилочар марказлар, спорт мажмуналари барпо этилишини рафтаглантириш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бу муаммоларни ҳал этишда талаба ёшлар куйидагиларга эътибор беришлари аниқланади:

- миллий ва умуминсоний қадриятларга эга бўлиш;
- мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиши;
- оиласига, урф-одатларга хурмат;
- ижтимоий кўнималарга эга бўлиш.
- илм-фанинг инсон ҳаётига ва дунё ривожига таъсирини англай олиш ва ўкувчи ёшларга тушунтира олиш зарур.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 март, “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармони

2. 2018 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3510-сон Қарори. www.uz.az.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия берни тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (Кўчирма) www.lex.uz

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада талаба ёшлар ўртасида спорт ва экскурсия туризми уйғунлигини таъминлашнинг педагогик мазмуни моҳияти ёритилган. Шунингдек маколада жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соглом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг ҳалқаро спорт майдонларидаги муносиб иштирок этишини таъминлаш борасидаги муаллифлик фикрлари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрыта сущность педагогического содержания обеспечения гармонии спортивного и экскурсионного туризма среди студентов. В статье также содержатся авторские взгляды на пропаганду физической культуры и спорта, создание необходимых условий и инфраструктуры для пропаганды здорового образа жизни среди населения, особенно молодежи, для обеспечения достойного участия страны в международном спорте.

SUMMARY

This article reveals the essence of the pedagogical content of ensuring the harmony of sports and excursion tourism among students. The article also contains the author's views on the promotion of physical culture and sports, the creation of the necessary conditions and infrastructure for the promotion of a healthy lifestyle among the population, especially young people, to ensure a worthy participation of the country in international sports.

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МИЛЛИЙ СПОРТ
ТУРЛАРИГА ҚИЗИҚИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК
ОМИЛЛАРИ**

Рахматов О. Ў.

Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси

Таянч сўзлар: миллий спорт, ёшлар, Шарқ мутафаккирлари, халқ достонлари, тарбия, ахборот технологиялари, бешта муҳим ташаббус, жисмоний чиникириш, ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, ҳалоллик, олийжаноблик.

Ключевые слова: национальный спорт, молодежь, восточные мыслители, народные эпопеи, образование, информационные технологии, пять важных инициатив, физическая подготовка, патриотизм, смелость, храбрость, честность, благородство.

Key words: national sport, youth, oriental thinkers, folk epics, education, information technology, five important initiatives, physical training, patriotism, courage, courage, honesty, nobleness.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўнимкамаларни сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш юзасидан 5 та муҳим ташаббус илгари сурилди. Иккинчи ташаббус айнан ёшларни жисмоний чиникириш, спорт соҳасида қобилиятини намоён килишлари учун зарур шароитлар яратишга эътиборни кучайтириш билан боғлиқ бўлиб, ҳакиқатдан ҳам бутунги кунда қўплаб қадриятларимиз катори миллий спорт ўйинларини тиклаш масаласига ҳам алоҳида эътибор кучайтирилмоқда.

Миллий халқ спорт ўйинлари қаторига кирадиган - кураш, белбоғли кураш, турон яккакураши, улок-кўпкари ва ўзбек жанг санъатини ривожлантириш, такомиллаштириш, шу асосда ўсиб келаётган ёшларни соғлом, жисмонан бақувват, миллий ғурур ва ифтихор туйгулари асосида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш бугунги даврнинг асосий мақсади хисобланади.

Адабиётлар таҳлилидан биламизки, миллий спорт ўйинлари бизнинг асрлар давомида авлодлардан авлодларга ўтиб халқимизнинг – нафақат жисмоний, балки маънавий камолотида ҳам муҳим аҳамият касб этган қадриятларимиздан бири хисобланади. Ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, орият, ҳалоллик, олийжаноблик туйгуларини шакллантиришда унинг ўзига хос ўрни бор.

Миллий спорт ўйинлари бизнинг ифтихоримиз. Бугунги кунда миллий спорт турлари билан шуғулланыётган ёшпаримизга хар томонлама құлайлық яратыш максадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, китоб ва күлләннамалар яратылышты. Турли мусобақалар ташкил қилиниб, янги номлар қашф этилмоқда.

Мамлакатимизда профессионал, оммавий спортни, шу жумладан спорт ўйинлари ва қишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш вә күллаб – кувватлаш;

- илғор ҳалқаро тажрибани хисобға олған ҳолда, спорт тайёрғарлары жараёғни замонавий технологияларни жорий этиш;
- барча спорт турлари бүйічә миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш;
- ҳалқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва такиқланған препаратлар ишлатилишига қарши тизимли өзаралар күрішни рағбатлантириш;
- жисмоний тарбия-соғломнлаштириш ва спорт ташкилотлари, объектлари ва иншоотларининг оммавий спорт, болалар спорты ва профессионал спорт йўналишлари бүйічә моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш;
- спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бүйічә таклифлар тайёрлашда катнашишига жиҳдий эътибор қаратилаётган бир вақтда умумтаълим мактаблари ўқувчиларни миллий спорт турларига қизиқишини ривожлантириш мухим педагогик аҳамият касб этади.

Машхур юнон дониншманд Афлогутун баҳт ҳақида зикр этиб, инсон учун биринчи баҳт унинг соғлиғи, иккинчиси гўзаликкадир деган экан. Чиндан ҳам сихат саломатлик ҳамма бойликлар манбаидир. Организмни жисмонан чиникитириш, барча тана аъзоларини ривожлантириш учун жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш зарурлигини умумтаълим мактаблари ўқувчиларига тушунтириш замирида биз ўқувчиларни Ватан олдиғаги йигитлик бурчини ўташ, жисмоний ва ақлий меҳнат билан шуғулланиш учун албатта жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиши кераклигини уқтириб ўтишимиз зарур.

Педагог олима Д.Шарипованинг фикрича, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини миллий спорт турларига қизиқишини ривожлантиришда қуйидаги компонентларига эътибор бермок лозим: иродани чиникитириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини ўз ичига олувчи фаол ҳаракат тартиби; меҳнат қилиш, дам олиш ва овқатланиш гигиенаси, шахсий ва умумий гигиена талабларига риоя қилиш; атроф-мухитни муҳофаза қилиш (экология ва саломатлик); баҳтсиз ҳодиса ва жароҳатлардан огоҳлантириш; заарарли одатлардан сакланиш; тўғри жинсий тарбия; атрофдагилар билан оқилона муносабат; шунингдек, барча санаб ўтилганларнинг замирида меҳнат ётишини, меҳнат инсоннинг қайта тарбияланишида асосий воситалардан бири бўлиши мумкинлигини тарбияланувчилар онгига сингдириш учун ҳаракат қылмоқ зарур.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларни миллий спорт турларига қизиқишини ривожлантиришнинг педагогик омилларидан мухими ҳалқ оғзаки ижоди ва буюк мутафаккаларимиз асарларини мutoалла қилиш, достонлар ўқиши бўлиб ҳисобланади. Достонлар орқали болалар ҳалқ ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият, одоб-ахлоқ, ўзаро муносабат ҳақида тасаввурларга эга бўлади. “Алномиш” достонида ватанпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик, дўстлик ва севги, ростгўйлик ва тўғрилик ҳақидаги гоялар етакчилик қиласи. Унда чавондозлик, мерғанлик, кураш ва бошқа спорт турлари негизида жанговарлик, матонат, жасурлик, маънавий ва жисмоний комиллик билан боғлиқ тарбия шакли ўз аксини топади. Масалан, Ҳакимбек етти ёшида бобосидан қолган ўн тўрт ботмон бўлган парли ёй билан Аскор тогини забт этади. Шундан кейин унга

алп номи берилиб, “Алпомиш” деб атайдылар. Бу билан достонда боланинг жисмоний соғлом бўлишига катта эътибор берилганлигини кўриш мумкин. Алпомишнинг етти ёшдан оғир ёйни кўтариб, мергандлик билан отиши боланинг кичкина вақтидан чиникканлигидан, жисмоний тарбия берилганлигидан далолатдир.

Қадимдан ёшлар ўзининг топқирилиги, жасурлиги, ботирлигини эл-юрг толдида синовдан ўтказиш асосида мустакил ҳаётга тайёрлаш түгрисида ибрагли фикрлар илтари суриласди. Инда ёзилишича, ўғил болалар таълим тизимида “муқаддас кўйлак” удумини бажариш маросимида устоз билан Қўёшга қараб сажда килишган. Ҳаммаси “Авесто”дан эзгулик ва яхшиликка мададкор кучларни улуғловчи касамиёд килишган. “Авесто”га доир машғулотларни ўтказишидан максад-болалар қалбida ёшлигидан дунёдаги барча яхшилик ва эзгуликларнинг бунёдкори, Ахура-Маздага эътиқодни мустаҳкамлаш, инсонлар бошига жамики ёмонликларни ва ёвузиликларни солувчи Ахура-Ману (Ахриман)дан нафрлатланиш хиссини тарбиялашдан иборатдир. Зардушт “муаллим-коҳинларнинг бурчларини болаларга илмларни яхшилик йўсуни или ўргатиб, яхши билан ёмонни ажратса оладиган қилиш, тўғри йўлга ҳидоят этиш деб билади. У кимда-ким, ақлу фаросат билан ёмонликка қарши курашса, у Ахура-Мазда йўйини тутган бўлади,”-деди.

Демак, эрамизгача бўлган узок ўтмишда ҳам ўғил болалар ёшлигидан яхшилик ва ёмонликни ажратса олишга ўргатилган. Бу келажакда боланинг турмушда учрайдиган қийинчиликларни осон сингишига ёрдам беради.

“Авесто”да олға сурилган жисмоний ва меҳнатсеварлик тарбиясидан назарда тутилган асосий мақсад болаларни жанговар ҳарбий ишга ва меҳнатсеварликка тайёрлаш, жисмонан забардаст қилиб, меҳнатда чиниктиришдан иборат бўлган. Ўғил болаларга кураш тушиш, отга сувлиқ солиш, уни эгарлаш, мол бокиши, урчиши ва туғдириши, туюларни парваришилаш, уларни бошқара олиш, яйловлар ва қароқчилардан муҳофаза қилиш учун 50 дан зиёд ҳарбий қуролни ишлата билиш малакасини эгаллаш мажбурий бўлган. Уларга яна чавондозлик ва ўттиз икки хил ҳарбий ҳунар ўргатилган.

“Авесто”да таъкидланишича, аждодларимиз орзузи ҳаётда фаровон турмуш кечириш учун меҳнат қилишга лаёкати бўлган ҳар бир одам бирон ҳунар билан, хусусан, чорвачилик, дехқончилик билан ҳосил ундириши, ҳунармандчилик билан шугулланиши, чорванин парваришилаши лозим бўлган.

Болалар ёш пайтиданоқ дарахт кўчати ўтказиш, уй-рўзгор куролларини ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шугулланишга ўргатилиши шарт хисобланган. Зотан, ўз меҳнати билан кун кечириши ҳаёт фаровонлигини таъминлади.

Оқсоқоллар йигинларидаги ҳунармандчилик, дехқончилигу боғдорчилик, чорвачилик билан шугулланувчи қавмларнинг ўғил болаларини муттасил жамоа кўригидан ўтказиб турish тадбирларини кўллаганлар. Оташкадалар-ибодатхоналар қошидаги устахоналар, вакф ерлари, дармонгоҳ-сиҳатгоҳлар, дорихоналар ёшлар билан амалий машғулотлар ўтказиладиган масканлар вазифасини ўтаган.

Зардуштийлик таълимотида 15 ёш балогат ёши саналган. Ўсмир балогат ёшига етганда Зардушт қонунлари: фалсафа, ахлок-одоб, зардуштийликнинг ахлоқий ўйриклари ўргатилган.

Умуман, зардуштийлик таълимотида ўғил ва кизларнинг ёшлигидан меҳнатсеварлик ва қасб-ҳунар эгаллаш, шу билан бирга, фаол яратувчанлик меҳнати билан шугулланишига ҳам эътибор қаратилган. Шу сабабли ҳозиргача ҳалқ меҳнаткаш, юксак ахлок-одобли йигитларни кўрса, “отангга раҳмат” дейиши бежиз эмас.

Шундай қилиб, ҳалқ оғзаки ижоди ва “Авесто”да олға сурилган умумтаълим мактаблари ўқувчиларини миљий спорт турларига кизиқишини ривожлантариш мазмунини куйидагича изоҳлаш мумкин:

- ота-оналарга соғлум фарзанд дүнёга келтириш бүйича маслаҳатлар;
- фарзанд тарбиясида жинсларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш;
- ўғил бола тарбиясида ота ролининг юкорилиги;
- меҳнатга, илмли бўлишга, ота касби сирларини эгаллашгда даъват;
- оила бошлиғи тушунчасининг устунылиги;
- йигитлик ғурури, эътиқод, ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришга эътиборнинг қучлилиги;
- оила ва ватан олдидаги бурч ва вазифаларнинг устунылигига эришиш;
- жисмоний ва маънавий соғломлик сари интилиш;
- ёвузлик, ёмонлик, кўркоклик, хоинлик, жисмонан нимжонлик, иродасизликка қарши маънавий баркамолликни шакллантириш.

Ислом тарбиясида ҳам ўғил ва қиз тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари етти ўшдан бошлилади, ўғил болалар эркақларга хос тарбияланган. Ўғил бола одатда отасига ўхшаб, унинг яхши хислатларини ўзига сингдиришга интилади. Ота кўпроқ боланинг ақлий ва жисмоний ривожланиши учун қайгуради.

Жалолиддин Мангубердининг мардлиги, жасурлиги Ватани учун жонини ҳам фидо килишга тайёр қаҳрамонлиги ҳақидаги маълумотларни ўқиган ҳар бир йигитнинг кўнглида Ватанга муҳаббати янада ошади. “Ёшлар – Ватан келажаги” мавзусида Ватанимиз келажаги бўлган ёшлар олдидаги бурч ва вазифалар баён этилади. Ёшларга билим олиш, спорт билан шугулланиш, одоб - ахлоқли бўлиш, яхши-ёмонни ажратса олиш учун эса кўпроқ ўқиши, изланиши, ўз билимини ошириб бориши кераклиги ҳақида маълумотлар берилади.

Тадқиқотларимиз давомида умумтаълим мактаблари ўкувчиларини миллий спорт турларига қизиқишини ривожлантириш замирида куйидаги вазифаларга эътиборимизни қаратдик.

Биринчи вазифа – соғликни мустахкамлаш, тана аъзоларини чиниқтириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожлантириш.

Иккинчи вазифа – ўкувчиларда янги ҳаракат турларига қизиқиши, кўникма ва мала-калар ҳосил қилиш, уларни янги билимлар билан қуроллантириш.

Учинчى вазифа – ўкувчиларни ёшига, жинсига мувоффик келадиган (куч, тезкорлик, чакқонлик, чидамлилик,) асосий ҳаракат сифатларини ривожлантириш.

Тўртинчи вазифа – ўкувчиларини миллий спорт турларига онгли қизиқишини ривожлантириш.

Умумтаълим мактаблари ўкувчиларини миллий спорт турларига қизиқишини ривожлантириш, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигига олиб бориладиган тарбиявий ишларини ташкил этишининг самарадорлиги ва уларнинг педагогики ва психологияк тай-ёргарлигига боғлиқ. Бу ўринда спорт педагогикаси олдида куйидаги вазифалар туради:

- миллий мағкуравий қадриятларни умумтаълим мактаблари ўкувчиларига сингдиришнинг мақбул шаклини ўргатиш;
- умумтаълим мактаблари ўкувчиларини миллий спорт турларига қизиқишини ривожлантириш психологияси, физиология ҳақида илмий-назарий гояларни билиш;
- умумтаълим мактаблари ўкувчиларини миллий спорт турларига қизиқишини ривожлантириш жараённада ҳамкорлик педагогикаси мазмуни, самарали шакл, метод ва воситалари ҳақида маълумотлар билан қуроллантириш.

Адабиётлар:

1 .2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. Жисмоний ва маънавий етук – ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суюн чимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевинг “Камолот” ёшлар ижтимоий Ҳаракати IV курултойидаги нутқи. Халқ сўзи. 2017 йил 1 июль. – Б. 1-3

3. Авесто. Тарихий – адабий ёдгорлик. Аскар Махкам таржимаси. – Т.: Шарқ нашриёт – матбаа концерни, 2001. – 400 б.

4. Авлоний, Абдула. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б

5. Алпомиш: Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони // Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиголовчи: М.Зарифов /. – Т.: Шарқ, 1998. – 400 б

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада умумтаълим мактаблари ўкувчиларини миллий спорт турларига қизиқишини ривожлантиришнинг педагогик омиллари, миллий спорт ўйинлари бизнинг асрлар давомида авлодлардан авлодларга ўтиб ҳалқимизнинг ғанафат жисмоний, балки маънавий камолотида ҳам муҳим аҳамият қасб этган қадриятларимиздан бири эканлиги тўғрисидаги илмий назарий фикрлар атрофлича таҳлил этилган. Шунингдек мақолада умумтаълим мактаблари ўкувчиларини миллий спорт турларига қизиқишини ривожлантириши жараённида ҳамкорлик педагогикаси мазмуни, самарали шакл, метод ва воситалари ҳақида маълумотлар, Шарқ мутафаккирлари асарлари, халқ достонларининг тарбиявий аҳамияти ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются педагогические факторы развития интереса учащихся средних школ к национальным видам спорта, научные и теоретические взгляды на то, что национальные виды спорта являются одной из важнейших ценностей нашего народа, передаваемой из поколения в поколение на протяжении веков. В статье также рассматриваются содержание педагогической взаимодействии, эффективные формы, методы и средства, воспитательная ценность произведений восточных мыслителей, народные эпосы в развитии интереса учащихся средних школ к национальным видам спорта.

SUMMARY

This article analyzes the pedagogical factors of the interest of secondary school students in national sports, scientific and theoretical views on the fact that national sports are one of the most important values of our people, passed down from generation to generation over the centuries. The article also discusses the content of pedagogical interaction, effective forms, methods and means, the educational value of the works of oriental thinkers, folk epics in developing the interest of high school students in national sports.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИҮ» №1**
Нөкис — 2020

Басып шығыўға жуўапкер:

A. Тилегенов

Баспаға таярлаған:

A. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 22.02.2020. Форматы 60x84^{1/16}.

«Таймс» гарнитурасында оғсет усылында басылды.

Шәртли б.т. Нашр. т. Нұсқасы 2000. Бүйіртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., X. Бойқаро, 51